ISSN 0131 – 1832

R 4410

Шарқ юлдузи

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN`AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK
- SAN`ATSHUNOSLIK

Эга

Sharq yulduzi

1 / 2018

Унутилмас лаҳзалар

Ўзбекистон халқ шоири
Жуманиёз Жабборов
(1930 – 2010)

Муқова-3

J Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

Шарқ юлдузи

Эски № 1

Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Энахон Сиддиқова
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Қуронбоев
Жумақул Қурбонов
Фармон Тошев
Ислом Ёқубов
Умарали Норматов
Хайриддин Султонов
Сирожиддин Саййид
Маҳмуд Тоир
Меҳрибон Абдураҳмонова
Йўлдош Солижонов
Тоштемир Турдиев
Шуҳрат Маткаримов
Адҳамбек Алимбеков
Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир в.б. — Сирожиддин Рауф
Масъул котиб — Элёр Мурод
Наср бўлими мудири — Рисолат Ҳайдарова
Назм бўлими мудири — Икром Отамурод
Адабиётшунослик бўлими мудири — Ориф Ҳожи

1
2018

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

УШБУ СОНДА:

НАЗМ

Рустам МУСУРМОН

ИШОНЧНИНГ ҚАНОТИ – ОРЗУ ВА ХАЁЛ

Шеърлар

Кўксимда юрагим – қанотли отим,
Фаришта силарди нурли ёлларин.
Дулдул зотли отим, қуш зотли отим
Севарди парининг оққуш қўлларин.

НАСР

Нормурод НОРҚОБИЛОВ

КУРАШ

Қисса

Бугун сен кимлар учундир қаҳрамонсан. Агар эсинг бўлса, зинҳор уларга ишонма, олқиш-мақтовларига учма! Негаки, барча шўришлар ўша мақтовлар ортида пинҳон ётади. Шунинг учун рақибдан кўра, аввало ўзингни енгишни ўрган!

ТАҲЛИЛ

Нилуфар УМАРОВА

СОФ ТУЙҒУЛАР ГЎРТАНАСИ

Шоир Назар Шукур ижодида лирик поэзия ўзига хос йўсинда жило топади. Унинг Чироқчи кенгликлари суруридан завқ олиб ўсганлиги шеърларидаги бадиий чизгиларда равшан тортади. Шоир ички руҳ, шеърий образлилик, тераликни бир-бирига қориштириб шеър яратади.

Жумақул ҚУРБОНОВ *НАСР*

ҚАСАМ

Ҳикоя

Шодмонқул шоша-пиша тепкини босди. У шошиб ўрнидан қўзғалаётиб, тиззасини харсангга уриб олди. Сўнг оғриқни ҳам унутиб, олдинга қараб ҳаккалади. Булоқ бошига етгач юраги зирқираб кетди. Ён-атрофни қоп-қора қонга бўяганича кийик боласи жон талвасасида типирчиларди.

Зебо МИРЗО *НАЗМ*

КЎЗЛАРИМ КЎЗИНГДА ТУРСИН ЖАРАНГЛАБ...

Шеърлар

Ёлғизликнинг маъюс қаърида
Аталганди у Сизга ахир.
Ўша Турна Аёл багрида
Очиларди дунё кутган сир!

Нурбой ЖАББОРОВ *АДАБИЁТШУНОСЛИК*

КЎНГИЛ ГАНЖИНАСИДАГИ ҲАҚИҚАТ

Ўзбекистон Марказий давлат архивида сақланаётган дастхатлари Фурқатнинг моҳир хаттот бўлганини кўрсатса, “Зубдат ул-ҳукамо” (“Ҳакимларнинг сараси”) дея шуҳрат қозонгани унинг фаолияти нечоғлиқ серқирра эканини, табобатда ҳам камолга эришганини тасдиқлайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНЪАТ АРБОБИ ИБРОҲИМ ҒАФУРОВГА

Муҳтарам Иброҳим Усмонович!

Аввалambор, Сизни камолот ва донишмандлик фасли – табаррук 80 ёшингиз билан самимий муборакбод этаман.

Эл-юртимиз Сизни ноёб истеъдоди ва самарали ижоди билан жамиятимизнинг маънавий ва ижтимоий равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган атоқли маърифатпарвар адиб, йирик олим, фаол жамоат арбоби сифатида яхши билади ва юксак қадрлайди.

Сизнинг йигирманчи аср ўзбек адабиётида ўчмас из қолдирган буюк сўз санъаткорларининг мураккаб ва ибратли ҳаёт ва ижод йўлига бағишланган теран адабий тадқиқотларингиз, "Гўзалликнинг олмос қирралари", "Жозиба", "Ёнар сўз", "Ям-яшил дарахт", "Ҳаё – халоскор", "Мангу латофат" сингари ўқувчилар қалбидан чуқур жой олган китоб ва рисолаларингиз ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг ёрқин саҳифаларини ташкил этади.

Айни пайтда адабиёт ихлосмандлари Сизни бадиий таржима соҳасида ўзига хос мактаб яратган, миллий адабиётимиз хазинасини бойитишга улкан ҳисса қўшган беназир ва моҳир таржимон сифатида эътироф этадилар.

Ўзбек китобхони Сизнинг заҳматли изланишларингиз туфайли жаҳон адабиётининг мумтоз намуналарини, жумладан, Лев Толстой, Ги де Мопассан, Фёдор Достоевский, Жеймс Жойс, Эрнест Хемингуэй, Фридрих Ницше, Габриэл Гарсиа Маркес, Чингиз Айтматов сингари бетакрор ижодкорларнинг асарларини ўз она тилида ўқишга муваффақ бўлди.

Юксак малакали ношир ва ҳассос публицист сифатидаги Сизнинг фидокорона хизматларингиз мамлакатимизда нашриёт-матбаа соҳаси ва миллий журналистикамизни равнақ топтиришга катта ҳисса бўлиб қўшилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Доимо янгиликка интилиб яшайдиган, жонкуяр ва меҳрибон устоз сифатида кўп йиллар давомида Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ёшларга сабоқ бериб, кўплаб истеъдодли шогирдлар тарбиялаганингиз ҳар томонлама таҳсинга лойиқдир.

Ватанимиз мустақиллигининг илк йилларидан бошлаб Сиз Олий Мажлис депутати, "Миллий тикланиш" демократик партияси раҳбари сифатида демократик ислоҳотларни ҳаётга жорий этиш, хусусан, миллий қонунчилигимиз асосларини мустаҳкамлаш ва оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш борасида жонбозлик кўрсатдингиз.

Сизнинг мамлакатимиз тараққиёти ва жамиятимиз равнақи йўлида олиб бораётган кўп йиллик самарали хизматларингиз давлатимиз томонидан муносиб баҳоланиб, "Дўстлик", "Меҳнат шуҳрати" орденлари ҳамда "Ўзбекистон Республ-

ликаси санъат арбоби" фахрий унвони билан тақдирланганингиз барча адабиёт мухлисларини албатта қувонтиради.

Ватан ва миллатга, сўз санъатига садоқат ҳақида сўз борганда, жамоатчилигимиз, халқимиз, биринчи навбатда, ўз касбининг устаси ва фидойиси бўлган Сиз каби илғор фикрли зиёлиларимизнинг номларини ҳурмат билан тилга олиши табиийдир.

Мамлакатимизда маънавий-маърифий жараёнлар янги, юксак босқичга кўтарилиб, ҳал қилувчи кучга айланаётган бугунги кунда Сиз сингари чуқур билим ва ҳаётий тажрибага, фаол ижтимоий позицияга эга бўлган, қалби, виждони уйғоқ замондошларимизнинг ҳаётдаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда. Сизнинг мана шундай улуғ ва табаррук ёшда ҳам фаол ва жўшқин ижод билан шуғулланаётганингиз барчамиз учун, аввало, навқирон истеъдод эгалари учун юксак ўрнак ва ибрат намунасидир.

Ижод ва илҳом завқи Сизни ҳеч қачон тарк этмасин!

Сизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, янги-янги асарлар қувончи доимо ёр бўлишини тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

МИННАТДОРЛИК ХАТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВГА

Ассалому алайкум, муҳтарам Шавкат Миромонович!

Жонажон мамлакатимизнинг кўпгина фидокор кишилари қатори давлатимизнинг юксак унвони билан тақдирланганим умримнинг 80-довонида менга ноёб нашида ва қувончлар олиб келди. Улуғ эътиборга сазовор қутловингиз эса нафақат менинг ҳаётимда, балки адабиётимиз ва санъатимизнинг замонавий тарихида янги, ёркин саҳифа очди. Бу эъзозу икромлар учун Сизга ўзим ва оилам номидан чексиз миннатдорлик ва ташаккурларимизни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Коинотда ўз мангу сафарини бошлаган ҳаётбахш Қуёшнинг тонгги нурлари билан табрик сўзларингиз юрагимизга етиб келди. Бу сўзларни ва барча маърузаларингизда баён этилган ҳозирги глобал дунё ишлари билан чамбарчас боғланган эзгу ғояларни ватандошларим каби ўзим учун чин дастуриламал деб биламан. Барча ижод аҳли ҳам уларни шундай қабул қилмоқда.

Менинг ижодкорлик қувончларим Конституциямизнинг 25 йиллиги байрами кунларида мамлакатимиз вилоятлари ва туманларида бошланган учрашувлар шодиёналарига – китобхонлик байрамларига уланиб кетди. Бу байрамлар одамларни руҳлантирди, адабиёт ва санъатга меҳр-муҳаббат уйғотди. Биз мамлакатимизда кенг қанот ёзган ислоҳотларни жон-дилдан қабул қилаётган, ҳаётга татбиқ этаётган

фидойи инсонларни кўрдик, улар ўзларини ислоҳотларга том маънода дахлдор билиб, амалий ишлар учун ғайрат камарини маҳкам боғлаганларидан қувондик.

Ҳақиқатан ҳам, Сизнинг Ватанимизга фарзандлик меҳримиз ва садоқатимизни сафарбар этайлик, деган сўзларингиз миллионлаб софдил юракларда акс садо топмоқда. Ёзувчи, ижодкор инсон буларни кўрмаслиги, сезмаслиги, ўзи учун хулосалар чиқармаслиги мумкин эмас.

Ҳаёт ноҳақликлардан тозаланиб, чорасизликда қолганлар, йўлини йўқотганлар, умидсизликда адашганларга Президент ташаббуслари билан пайдар-пай етиб турган нажот – тарихда ноёб мулоқотлар, оқилона стратегиянинг тўғридан-тўғри натижасидир.

Узоқ тарихий анъаналаримизнинг аён ҳақиқати шулким, Ўзбекистонимиз экстремизм урчийдиган замин эмас. Бу иллат бизга тамомила ёт! Халқимизнинг асрий ҳаёт таомилларига, удумларимизга, феълу атворимизга бутунлай бегона.

Биз ислом дини ва маданиятидан гўзал ахлоқ, сулҳ, тинчлик, омонлик, эҳсонни қабул қилганмиз, муқаддас илоҳий оятлар мағзини шундай чақиб келганмиз. Шунинг учун асрларча давом этаётган тарих йўлларидан бардам, омон, шижоат билан ўтганмиз, ўз миллий цивилизациямизнинг тамал тошларини қўйганмиз.

Халқимиз интеллектуал ахборот замонасига, инновацион ғояларга, улар қанчалар мураккаб бўлмасин, ақл-идроки билан ҳамоҳанг бўлишни истайди. Ўз мамлакатини бу қийин, машаққатли дунёда қудратли, шу билан бирга, тугал хавфсиз кўришга интилмоқда.

Хавфсиз Ўзбекистон! Нақадар олижаноб сўз! Сиз яқинда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномангинг теран ва мукаммал руҳи ахир шу эмасми! Шу олий мақсад учун бутун Ўзбекистон аҳли ҳар қанча тер тўкишга, нодир истеъдодларни сафарбар этишга, ҳар қандай қийинчиликларни матонат ва ғайрат билан енгиб ўтишга тайёрмиз, демоқдалар.

Бугун изчил саъй-ҳаракатлар натижасида мамлакатимизнинг дунёда обрў-эътибори кун сайин ортиб бормоқда. Замона тили билан айтганда, рейтинги кўтарилмоқда. Ватанимизнинг умидбахш уфқлари кенг очилмоқда. Истиқлол, озодлик, демократия асл қиёфасини янгидан кашф қилмоқда. Олдимизда улуғ довонлар бор. Халқ уларни ишғол қилиш қудратига эга. Бунга мустаҳкам замин барпо этилди.

Сизга Ватанимиз равнақи йўлидаги шижоатли саъй-ҳаракатларингизда янгидан-янги зафарлар тилаймиз.

Халқнинг бахт-саодати, орзулари Сизга куч-ғайрат ато этсин!

Эҳтиром билан,

Иброҳим ҒАФУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби

ХАЁЛИЙ
(XIX)

Жаҳонни лаззатига қилмағил замонни талаф

* * *

Оё, маҳваш, сани ул тири тирконингга салламно,
Юзунг устундаги ул донаи холингга салламно.

Очилса офтоби талъатинг Шарқ масканидин
Ёрутуб ер юзини буржи арконингга салламно.

Такаллум чоғида фаҳмдин ширу шаккар сочиб андоғ,
Қилиб мўм санги дилларни дурборингга салламно.

Кўзунгни ҳалқаси жисм хонасидек жилва айлабким,
Тушуб юз сафҳасига печ урон торингга салламно.

Табассум бирла ҳар дилни ўзунга ром этиб ул кун,
Сочиб дури гуҳар ул навъи гуфторингга салламно.

Ниҳоли қоматингни сарву ё шамшод этмишлар,
Бу боисдин дейурман тарзи рафторингга салламно.

Хаёлий, ҳар замон, ҳар лаҳза, ҳар дам кўз тутиб сандин,
Дегайким, эй нигоро, чашми хумморингга салламно.

* * *

Жамолинг кўрсатур бўлсанг, ул гул юздин ниқобинг ол,
Муҳаббат риштасиға печ ўрон гулгун танобинг ол.

Мани маҳзун дил айла, ҳар саҳар нолон ўлурманким,
Ки, мандин юз ўгурмай, ўртадин ул ижтинобинг ол.

ХАЁЛИЙ – Қарши шаҳрида XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб, ижод қилган. Хўжахаёл маҳалласида туғилган. Бухоро мадрасасида сабоқ олган. Шоирнинг тўрт юз ўн олти саҳифали девони топилган.

Юрагим қайнаюр ҳар соати гирдоби дарёдан,
Юзумға парда солғон сарбасар рангин ҳижобинг ол.

Кел, эй соқий, дамодам коса бергил, маст ўлай, аммо,
Майи мастона тутгил, лек, мандин ул гулобинг ол.

Мани ўлдурмоғ истарсен, жаранг тиғи билан ўлдур,
Хунумға зомин ўлғунг, гарданимдин ул танобинг ол.

Миниб тавсан, истасанг жунунвор сайд этгали кўнглум,
Юзум суртай оёғингга, орадин ул рикобинг ол.

Хаёлий, сан ҳавас гирдобига тушсанг, жадал қилгин,
Дема саҳройи ғамдин ҳар замоне ул саробинг ол.

* * *

Ҳеч булбул бўлмасун, ё Раб, ул гулистондин жудо,
Бўлмасун ҳеч тўти бу кун шаккаристондин жудо.

Умр боғида хазон этганда фурсат топмайин,
Ҳеч мўъмин бўлмасун ул дамда иймондин жудо.

Сиҳҳати дилларга ўзин ҳамроҳ қилмай сарбасар,
Бўлмасун ҳеч одам ўғли кўнглу вайрондин жудо.

Жон қушиким парвоз қилса ошёнидин агар,
Бўлмасун, ё Раб, ўшал жону жонондин жудо.

Ҳар шоҳ, шаҳзодаким ўз вақтида сайр айлаюр,
Юрмишида бўлмасун ул тахти кайвондин жудо.

Шодлиғини ихтиёр этма, биродар, сарбасар,
Бўлмағунча ушбу ҳолат чоҳи зиндондин жудо.

Истама ҳаргиз, Хаёлий, даҳр боғидин умид,
Гул берар деб, токи, бўлмай ул зимистондин жудо.

* * *

Жаҳонни лаззатига қилмағил замонни талаф,
Замона шўхи учун қилмағил жаҳонни талаф.

Кимики қилди талаф умрини нишотиниким,
Анга мусофий эрур, қилса ким шодмонни талаф.

Нафси ғанимат эрур, яхши ишларга бошқаргин,
Анинг баҳоси улуғдир, чу қилмағонни талаф.

Талаф жаҳонни арзин қил, бақоси йўқтур анинг,
Тилингни тўғри қилу қилма нуктадонни талаф.

Қўлунгга берсалар хазинанинг калидин зинҳор,
Суханни қулфига ур, қилма бегаронни талаф.

Саманди ҳиммatингни сурмагил иззу жоҳ учун,
Бу иззу жоҳи ҳазардурки, қилса жонни талаф.

Бу ерда ғайрат эту илгарига отинг сургин,
Нечукки, қилди замона яхши-ёмонни талаф.

Хаёлиё, санам ўз ҳолатинггача урғил ком,
Бу даҳр боғи учун қилма боғбонни талаф.

* * *

Ўзин қурбон қилур ҳар ким, чаманда гул юзунг кўргач,
Паришон ўлур бисёр, кўнгул тори сунбулинг кўргач.

Тушубдур хол, ким доно нуқталар оро оқ юзунг узра,
Сочилғай ҳар тараф анбар сувидек ул ўтунг кўргач.

Кўзунг сарчашмаси юз гулшанинг обод қилмишдур,
Бу боисдин хатинг ҳар сори ранг солмиш, ўзинг кўргач.

Ажиб қад, ажиб қомат, ажиб сарв, ажиб шамшод,
Таажжубга қолур ҳар ниҳол боғ ичра юзунг кўргач.

Табассум бирла олам кўксини гул янглиғ во қилдинг,
Очилғай диллар таҳа-таҳа, очилғон ул гулунг кўргач.

Қаро шомим қарор этиб, бошима солдинг қаро қайғу,
Қарои йўқ ўлур ҳар сори торга гулунг кўргач.

Хаёлий, сарбасар оввора бўлди тоғу чўлларга,
Кечиб ўздин, сани юз нағма бирла булбулинг кўргач.

2018 ЙИЛ КЎП НАРСАНИ ҲАЛ ҚИЛАДИ

Мана, XXI асрнинг ўн саккизинчи довонига ҳам қадам қўйдик. Ўтган йил ҳаммамиз учун ижобий янгиликлар, мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида катта ўзгаришлар йили бўлди. Китобхонлик маданиятини ошириш, адабиёт аҳли меҳнатини қадрлаш, ижодкорлар обрўсини кўтариш борасида амалга оширилаётган ишлар, жумладан, Адиблар хиёбони ҳудудида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси янги бинога эга бўлгани, ижодкорларнинг моддий томондан фаол қўллаб-қувватланаётгани, Марғилонда Эркин Воҳидов боғи, Андижонда Муҳаммад Юсуф боғи, Жиззахда Ҳамид Олимжон ва Зулфия боғининг барпо этилгани, Қарши шаҳрида Абдулла Орипов номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернат ва шоир ҳайкалининг очилгани, халқимизнинг ардоқли фарзанди Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Иброҳим Ғафуровнинг 80 йиллиги нишонлангани, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров ва Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг давлат мукофотига муносиб кўрилгани, айниқса, ўтган йилни биз учун ниҳоятда қадрли қилиб қўйди.

Бошланган янги йилдан умидимиз яна ҳам катта. Чунки Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев халқимизга қаратилган янги йил табригида "2018 йил Ўзбекистон тараққиётида ҳал қилувчи йил бўлади, деб айтишга барча асосларимиз бор", деб бежиз таъкидламади. Бу эса давр биз – қаламкашларнинг зиммасига янада катта масъулиятли вазифаларни юклаганини англатади.

Бундан икки йил аввал Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан журналнинг даврийлигини ўн иккита қилиб белгилаганда, бу ишимиз тавакалдек кўринган эди: чоғимиз келармикин, муаллифларимиз бизга ишонармикин, агар ишонса, буни оқлай олармикинмиз, ўқувчиларимиз ёнимизда турармикин? Хайриятки, бу шарафли вазифани адо этяпмиз, муаллифларимиз бизга ишонишди, қўллаб-қувватлашди, сиз – азиз ўқувчиларимиз дўст бўлиб ёнимизда турибсиз.

Сиз билан йил давомида ўн икки бор кўришган бўлсак, шукрким, ўн икки бор ҳам сизга самимий ва илиқ сўзлар айта олдик. Бу йил ҳам сизни севимли ижодкорларингиз билан учраштириш, дийдор баҳона дилдаги гапларни айтиш ниятидамиз. Бу йил сиз учун Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Ёлғиз", Озод Мўъмин Хўжанинг "Паҳлавон Маҳмуд", Нормурод Норқобиловнинг "Кураш" қиссаларини, Бахтиёр Абдуғафурнинг "Султон Жалолиддин Мангуберди", Шойим Бўтаевнинг "Еттинчи тонг" романларини, шунингдек, Тоҳир Малик, Эркин Аъзам, Неъмат Арслон, Назар Эшонқул, Собир Ўнар, Абдуқаюм Йўлдош, Зулфия Қуролбой қизи, Исажон Султон ҳикояларини, Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Худойбердиева, Азим Суюн, Абдулла Шер, Усмон Азим, Ҳалима Аҳмад, Эшқобил Шукур каби забардаст ижодкорларнинг шеърларини, янги асарларини тақдим этамиз. Жорий йил сўнгтида эса журналда босилган энг яхши насрий, шеърий, публицистик асарлар, адабий тадқиқот муаллифлари учун мукофот кўзда тутилган. Мукофот эгаларини эса сиз – азиз журналхонлар аниқлаб берасиз.

Кириб келган янги йил барчамизга эзгуликлар, омад, бахт қатори бадиий етук асарлар ҳам олиб келсин!

ТАҲРИРИЯТ

ЗУМРАД ДИЁР НАСИМЛАРИ

Зафар РЎЗИЕВ

Воҳамизнинг ҳадсиздек туюлгувчи кенгликларига назар солган киши Қашқадарё жуғрофияси ҳайратомуз эканлигига ишонч ҳосил қилади. Вилоятимизнинг бир тарафида чўққиларини оппоқ қор қоплаган Ҳисор тоғ тизмалари ястанган бўлса, бир тарафи қуёш тафтида исиниб ётган чўлу биёбонлар ва дашту далалардан иборат.

Соҳибқирон Амир Темурга бешик бўлган бу воҳа тарихи она ер илдизи билан туташганлиги муболаға эмас. Еркўрғон харобаларидан топилган осори-атиқалар эрамиздан аввалги олис ўтмишдан ҳикоя қилади. Оқсарой, Кўкгумбаз, Дорус-саодат ва бошқа тарихий обидалар ҳозирга қадар кўкка бўй чўзиб турибди. Лангар ота, Ҳазрати Султон, Султон Мир Ҳайдар, Абу Убайда ибн Жарроҳ, Қусам ота каби зиёраттоҳлардан одамлар қадами узилмайди. Мазкур меъморий обидалар хорижий саёҳатчиларни ҳам қизиқтириб келмоқда. Насафийлар, кешийлар каби авлиёлару улуғ уламолар яратиқлари бугун қайта тиклангани барчамизни хушнуд қилмоқда.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йили 24–25 февраль кунлари вилоятимизга ташрифи чоғида Абу-л-Муин Насафийнинг бой илмий асарлари ёшларни турли ёт оқимлардан асрашда, уларнинг етук инсон бўлиб етишишида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган эди. Айни кунларда Қарши туманидаги Қовчин қишлоғининг "Имом Муин" қабристони ёнида шарқона безаклар билан зийнатланган мақбара лойиҳаси асосида қурилиш ишлари олиб бориляпти. Бу қабристонда мангу қўним топган Абу-л Муин Насафий ва Шамсиддин Ҳалвоний қабрлари зиёраттоҳга айланди.

Қашқадарё азалдан адабиёт, санъат ва маданият ўчоқларидан бири бўлиб келган. Алишер Навоий Самарқандга сафар қилганда, албатта, воҳа тупроғига қадам қўйиб ўтган. Дехлавий, Бедил, Мирзо Ғолиб сингари улуғ шоирларнинг ота-боболари Кеш – Шаҳрисабздан эканлигини авлодлар яхши билишади. Хиромий, Хаёлий каби ўз даврининг орифу шоирлари яратган асарлар бизнинг маънавий мулкимизга айланган.

Ўтган асрнинг 60-йилларида адабиётга ўзининг ўктам овози билан кириб келган Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов шеърияти даврнинг "музлаган шуур"ини калом нури билан ёритиб юборди. Юртбошимиз ташаббуси билан Қарши шаҳрида Абдулла Орипов номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этилиб, у ерга шоир ҳайкали ўрнатилди. Мактабга шаҳар ва туманлардан адабиётга меҳр қўйган ўқувчилар қабул қилинди.

Зафар РЎЗИЕВ – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси. Қашқадарё вилояти ҳокими. 1964 йилда туғилган. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳамда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясини (ҳозирги Давлат бошқаруви академияси) тугатган. "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби.

Ҳамюртларимиз Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Нормурод Нарзуллаев, шунингдек, Самар Нурий, Шарофжон Орифий, Гелди Бердиев, Муҳаммад Раҳмон, Исмоил Тўхтамишев, Носир Муҳаммад, Назар Шукур, Чори Аваз, Муҳаммад Очил, Муҳаммад Ғаффор ва бошқа шу каби ўз даврида ижоди билан эл назарига тушган ижодкорлар номини унутишмайди.

Бугун Қашқадарё вилоятида туғилиб вояга етган Икром Отамурод, Нормурод Норқобилов, Поён Равшанов, Жаббор Халил, Ғози Раҳмон, Шарофат Ашурова, Ҳол Муҳаммад Ҳасан, Қулман Очил, Ҳаким Сатторий, Ўроз Ҳайдар, Темирпўлат Тиллаев, Назар Эшонқул, Луқмон Бўрихон, Амирқул Карим, Зебо Мирзо, Зебо Раҳимова, Рустам Мусурмон, Сирожиддин Рауф, Нафас Шодмонов, Амир Худойберди, Эркин Хушвақтов, Жаббор Эшонқул, Шодиқул Ҳамро, Ориф Ҳожи, Ўктам Садин, Ғафур Шермуҳаммад, Лола Ўроқова, Нилуфар Умарова, Ғайрат Мажид, Баҳодир Абдураззоқ, Фароғат Худойқулова, Алишер Назар, Гулноза Мўминова каби истеъдодли ёзувчи ва шоирлар ўз овози билан бадиий етук асарлар ёзиб, она юрт тупроғи, халқимизнинг орзу-интилишларини баланд пардаларда куйлашмоқда. Ёш ижодкорлардан Адиба Умирова, Нурилла Чори, Элёр Мурод, Бахтинисо Маҳмудова, Нуриддин Расулов, Нодира Назар, Раҳмиддин Абраевлар эса изчил изланиб, бадиий ижодда ўз сўқмоқларини кашф этишга интилмоқдалар.

Вилоятимиз санъат дарғалари миллий маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшиб келмоқдалар. Хусусан, Ўзбекистон халқ артистлари Икрома Болтаева, Муҳтарама Носирова, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Тожиддин Муродов, Рустам Маъдиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, рассом Азамат Сатторов каби санъат ва маданият намояндалари ўз ижодлари билан халқимиз эътиборини қозонишган. Қашқадарё азалдан бахшилар диёри. Деҳқонобод, Қамай, Чирокчи бахшичилик мактаблари мамлакатимиз бўйлаб довруқ ёйган. Қодир бахши Раҳимов яратган достон ва термалар халқ оғзаки ижоди хазиналаридандир, десак хато қилмаймиз. Ўзбекистон халқ бахшилари Шомурод шоир Тоғай ўғли, Қаҳҳор бахши Раҳимов ва уларнинг издошлари бахшичилик санъати ривожига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.

Қашқадарё ўзининг яна бир қирраси билан жаҳон харитасида эътиборлидир. Китоб тумани Ўзбекистон ҳудудида географик харита бўйича Халқаро параллелдан (39 градус 08 минут) ўтувчи ягона жой ҳисобланади. Бу эса Ҳисор тоғ тизмалари йўналишидаги ушбу масканда коинотни кузатиш учун катта қулайлик яратади. Ана шу тоғ бағрида ташкил этилган Китоб кенглик станциясида осмон жисмларини юқори аниқликда кузатиш имконини берувчи дунёдаги бешта обсерваториядан бири – "Майданак"ка асос солинган. Истиқлол йилларида "Майданак"даги ишлар янги босқичга кўтарилди. ЎзФА Астрономия институти қошидаги Кенглик станцияси ҳамда ушбу обсерсатория ўрнатилган телескоплар базасида Баландтоғ астрономик обсерваториялар Китоб мажмуи ташкил этилиб, у Германия ва Франциядан келтирилган қурилмалар, EAST халқаро лойиҳаси доирасида роботлаштирилган замонавий телескоп ҳамда техник асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Шундан сўнг соҳада катта натижаларга эришилди. Масалан, 2009 йилда "Майданак" обсерваториясининг масъул кузатувчиси Баҳодир Ҳафизов ҳамкасби Алексей Сергеев билан телескопда галактикани чуқур кузатиш ва таҳлил этиш орқали янги кичик сайёрани кашф этди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таклифига биноан, унга буюк олим Мирзо Улуғбек даврида жаҳон астрономия марказига айланган шаҳар шарафига "Самарқанд" деб ном берилганидан фахрланамиз. "Майданак" астроиқлими бўйича Канар ва Гавай оролларидаги халқаро обсерваториялардан асло қолишмайди.

Қашқадарё вилояти ўзининг иқтисодий имконият ва истиқболлари билан ҳам

мамлакатимиз иқтисодиётида муносиб ўрин эгаллайди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев вилоятга ташрифи давомида бир қанча истиқболли лойиҳалар, жумладан, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, туризм ва саноат соҳасидаги қатор лойиҳалар, шулар қатори, "МДҲ доирасидаги энг йирик мега-лойиҳалардан бири" деб тан олинган Шўртан газ-кимё мажмуасининг салоҳиятини янада оширишга қаратилган иккита лойиҳа билан танишган эди. Бугунги кунда ушбу лойиҳаларни амалга ошириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, вилоятнинг туризм салоҳияти ва мавжуд ноёб тарихий-маданий меросдан самарали фойдаланиш борасида ишлар олиб борилмоқда. Вилоятда бугунги кунда 1 минг 311 маданий мерос объекти рўйхатга олинган. Шу рақамнинг ўзи Қашқадарё туризм соҳасида катта салоҳиятга эга эканлигини кўрсатади. Соғлиқни сақлаш соҳасида Қашқадарё вилоят юкумли касалликлар шифохонасининг янги биноси қурилмоқда, жорий йилнинг декабрида Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази Қарши филиали фойдаланишга топширилади. Давлатимиз раҳбарига тақдим этилган енгил саноатга доир лойиҳа 2017–2019 йилларда вилоятда енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий корхоналарни ташкил этиш ва мавжудларини модернизация қилиш бўйича манзилли дастур бўлиб, унда 17 та корхона ташкил этиш режалаштирилган. Мазкур дастур доирасида уч мингга яқин иш ўрни яратилади.

Президентимизга тақдим этилган лойиҳалардан яна бирида Яккабоғ, Китоб ва Шаҳрисабз туманларида 2017–2019 йилларда жами 5 минг гектарда янги токзорлар барпо этиш кўзда тутилган. Яккабоғ туманида бир йилда 4 минг тонна узумни қайта ишлаш лойиҳаси, шунингдек, Таллимаржон сув омборининг табиий ҳавзасида балиқ етиштириш лойиҳаси амалга оширилади, Қамаши туманида қуён етиштириш, қуён гўшти ва терисини қайта ишлашга ихтисослашган хўжалик ташкил этилмоқда.

Вилоятимиздаги иқтисодий ва ижтимоий соҳада рўй бераётган янгиланишлар ва ислоҳотлар мамлакатимиз умумий иқтисодиётидаги ижобий янгиликлар ва ўзгаришлар, ислоҳотлар билан ҳамқадам бораётгани бизни қувонтиради.

Кейинги беш йилда белгиланган вазифаларни амалга оширишда Инвестиция дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши жуда муҳим ўрин тутади. Ушбу дастурда саноатда, бутун иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш бўйича энг муҳим вазифалар белгиланган. Вилоят иқтисодиётига кейинги беш йил давомида барча манбалар ҳисобидан 36 триллион 586 миллиард сўмдан зиёд инвестиция жалб этилади. Инвестицияларнинг 80 фоизга яқини бевосита ишлаб чиқаришни янгилашга йўналтирилгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда қазиб олинаётган газнинг 64, нефтнинг 67, газ конденсатининг 87,4 фоизи Қашқадарё вилояти ҳиссасига тўғри келаётир. Ғузор, Нишон, Миришкор, Муборак, Косон туманлари углеводород қазилмалари, Қамаши, Яккабоғ, Китоб, Шаҳрисабз, Деҳқонобод туманлари тоғли маъданлар ва фойдали норуда тоғ жинсларига, ноёб кимёвий элементларга бой.

"Шўртан нефть-газ", "Муборак нефть-газ" корхоналари, "Шўртан газ-кимё" мажмуаси, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, Таллимаржон иссиқлик электр станцияси, "Ҳисор нефть-газ" сингари йирик ишлаб чиқариш қувватлари мамлакатимиз саноатида ҳам алоҳида ўрин тутади. "Кўкдумалоқгаз", "Шўртангазмаҳсулот" каби қўшма корхоналар ҳам юртимиз иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамият касб этаётир.

Вилоят аҳолисини мақбул иш жойлари билан таъминлаш мақсадида 2017–2018 йилларда Қашқадарё вилоятида саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Дастурга асосан 2017 йилда қиймати 1 трлн. 695 млрд. сўм ва 110 млн. доллар маблағ ҳисобига 2711 та лойиҳа

амалга оширилиши натижасида 18 мингта яқин иш ўрни яратилди. Жумладан, саноат соҳасида қиймати 1 трлн. 291 млрд. сўм ва 110 млн. доллар маблағ ҳисобига 776 та саноат лойиҳалари амалга оширилиши натижасида 7784 та иш ўрни яратилди.

Мустақиллик йилларида вилоятнинг тоғли ҳудудларига ҳам темирйўл кириб келиши бу ерда мавжуд улкан хомашё захираларидан фойдаланиш имконини берди. Айни пайтда ушбу табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларнинг негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон темирйўл линияси юртимизнинг жанубий вилоятларини жадал ривожлантириш, ҳудуддаги фойдали қазилма бойликларини самарали ўзлаштириш, ижтимоий инфратузилмани тараққий эттиришга хизмат қилаётир. Ушбу ўзгаришлар туфайли ташкил этилаётган саноат корхоналари ҳисобига тоғли туманлар, олис қишлоқлар инфратузилмаси ривожланмоқда. Тошкент – Қарши йўналиши бўйича юқори тезликда ҳаракатланувчи "Афросиёб" электр поезди қатнови энди Китобга қадар узайтирилади.

Ижтимоий соҳадаги ўзгаришлардан бири сифатида Қарши шаҳрида 5 гектар майдонда лойиҳа қиймати 11 млрд. сўм бўлган маданият ва истироҳат боғининг барпо этилгани, Қарши аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш бўйича 2017–2018 йилларга мўлжалланган қурилиш ишларини молиялаштириш манбалари белгиланган, Косон туманида 150 ўринли мусиқа ва санъат мактаби қурилгани, Қарши шаҳридаги учта ёпиқ сузиш бассейнлари капитал таъмирланиши натижасида аҳолини сузиш спорти билан шуғулланиши ва нуфузли мусобақалар ўтказишга имконият яратилгани, Китоб туманида 70 ўринга мўлжалланган тез тиббий ёрдам бўлими ҳамда поликлиника биноси қурилиб, фойдаланишга топширилгани, 2017 йилда 2104 та уй-жой, жумладан, 1789 та намунавий лойиҳалар асосида ва уларда 410 та иссиқхона, Қарши шаҳрида 315 та арзонлаштирилган замонавий кўп қаватли арзон уй-жойлар бунёд этилиб, фойдаланишга топширилганини кўрсатиш мумкин.

Амалга оширилаётган барча хайрли ишлар вилоятимиз иқтисодиётини кўтариш, ободонлаштириш, халқимиз турмуш шароитини яхшилаш, тинчлигини таъминлашга қаратилган.

Воҳа адабий муҳитини давр талаби асосида жонлантириш бугунги куннинг вазифаси. Ижодкорларни нафақат маънан қўллаб-қувватлаш, балки моддий таъминотини яхшилаш борасида ҳам чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, Муборак туманида яшовчи 2-гуруҳ ногирони, истеъдодли адиб Баҳодир Абдураззоқнинг уйи тўлиқ қайта таъмирланди. Шу билан бирга моддий ёрдам кўрсатилди. Бунда туман ҳокимлиги ва Халқ қабулхонаси раҳбарларининг эътибори катта бўлди. Шу туманда яшовчи 2-гуруҳ ногирони, ёш қаламкаш Барака Болтаевга ҳам ҳомийлар томондан моддий кўмак берилди.

Адабиётда ўзидан ёркин из қолдирган марҳум шоир Назар Шукурнинг "Ўзбекистон" нашриётида чоп этилган "Осмон ташбеҳлари" сайланмаси тақдимотида мамлакатимизнинг таниқли ижодкорлари қатнашдилар.

Адабий тўгараклар ишига ҳам янгича ёндашилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Қашқадарё вилоят бўлими қошида "Ёшлик илҳомлари", Қарши давлат университетида "Шуъла", Шаҳрисабзда "Навқирон даҳра" ва бошқа адабий тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Касби туманидаги "Чашма" адабий тўгараги раҳбари, "Жасорат" медали соҳиби, шоир Вали Яратов Миришкор, Муборак ва бошқа туманлар ёш қаламкашларини ўз атрофига бирлаштираётгани қувонарлидир. Касби тумани ҳокимлиги кўмагида тўгарак аъзолари ижоди жамланган "Чашмадан сув симирганлар" баёзи тақдимоти ўтказилгани ҳам ижобий тадбирлардан бири бўлди.

Қуёшли ва зумрад диёр насимларидан баҳра олган воҳамиз ижод аҳлининг салафларига муносиб равишда ўзбек адабиёти ривожига ҳисса қўшишига ишонамиз.

Ишончнинг қаноти – орзу ва хаёл

Рустам МУСУРМОН

Қиш оқшоми

Қаттиқ кишнаяпти аёз – оппоқ от,
Ялтирайди сувнинг биллур ковуши.
Шамол жон ҳолатда қоқмоқда қанот,
Эшитилар қорнинг оёқ товуши.

Гавҳар ғуддаларин силкитиб сирли,
Норғул қарағайлар чалар қўнғироқ.
Оқшом кундуздан ҳам чиройли, нурли,
Ойна каби тиниқ, сут каби оппоқ.

Кумуш дастурхон ноз-неъматга тўлган,
Тонггача қизийди гурунг, гап-гаштак.
Дарахтлар бўйқизга интизор бўлган
Бўзболадек бўзлаб чалади ҳуштак.

Бир жуфт сўз

Ҳамоҳанг бўлайлик мисли бир жуфт сўз,
Бир жуфт мисра каби бўлайлик бир байт.
Кийик каби саркаш, ҳуркак оҳу кўз:
"Севаман" – деб айтгин, "Севаман" – деб айт!

Муҳаббат изҳори эмасдир гуноҳ,
Юракдаги сўзни айтмоқ эмас айб.
Ғарибингни бахтли айлаб баногоҳ:
"Севаман" – деб айтгин, "Севаман" – деб айт!

Рустам МУСУРМОН – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. 1963 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) битирган. Ижодкорнинг "Руҳимнинг товуши", "Хирғойи" шеърий тўпламлари, "Муқанна" қиссаси нашр этилган.

Чин севги, аслида, илоҳий неъмат,
Чин севги юракка этилгайдир қайд.
Бир сўзинг мен учун бебаҳо, қиммат:
“Севаман” – деб айтгин, “Севаман” – деб айт!

Устун бўлган эмиш аёл бир маҳал,
Аёллар ҳукмрон бўлганмиш бир пайт.
Бир сўз билан этиб тақдиримни ҳал:
“Севаман” – деб айтгин, “Севаман” – деб айт!

* * *

Олис юртга учдим оққуш мисоли,
Олисдаги яқин дўстга интизор.
Насиб этди, ногоҳ, унинг висоли,
Тушда кўрган каби бўлди бу дийдор.
Кўнгил интилади ҳамон интизор,
Чорлар олисдаги сеҳрли диёр.

Ширин

Ишқ аро ҳижрон ширин,
Дунё аҳлига жон ширин.
Жоним кўринмас кўзима,
Мен учун жонон ширин.

Кимларга буғдой дон ширин,
Кимларга ширмой нон ширин.
Ҳуснингга тўймайман боқиб,
Мен учун жонон ширин.

Булбул учун бўстон ширин,
Гул ширин, райҳон ширин.
Гулдан ҳам хушбўй, гўзал –
Мен учун жонон ширин.

Анор

Юрагимга тиғ урма, жонон,
Ёрилади пишган анордек.
Қизиб қайнамоқда қизил қон,
Туғёнларим ўркачли нордек.

Анорга тиғ урма бекорга –
Юрагимни айла эҳтиёт.
Туя тишли ёқут анорга
Тишларини ботирар ҳаёт.

* * *

Лаззатли ишқингни қалбимга босиб,
Ширин туш кўраяпман, асло уйғотма.
Мендек ошиқ йўқдир сенга муносиб,
Мени йўқотмагин, мени йўқотма!

Чиройингга қулман, бўлиб беписанд,
Кўнглимни қолдириб, ғафлатга ботма.
Сени севгим билан қиламан хурсанд,
Мени йўқотмагин, мени йўқотма!

Биласан, юрагим олтиндан қиммат,
Хазинамни сариқ чақага сотма.
Жонимни аямай қиламан ҳиммат,
Мени йўқотмагин, мени йўқотма!

* * *

Овидий дер: "Севиб, алдайди аёл,
Муҳаббат ёнида албат макр бор!"
Ишончнинг қаноти – орзу ва хаёл,
Ошиқнинг ҳаёти – кутмоқ интизор.

Ёлғон умри қисқа бўлармиш, наҳот,
Ёлғоннинг бўлмасмиш катта-кичиги?
Мен доим ишониб яшайман, ҳаёт,
Рост ишқни кутаман доим ичикиб.

Мен севиб, мен севиб алдаганим йўқ,
Алданмадинг, ахир, севилиб сен ҳам.
Алдов бамисоли заҳарланган ўқ
Текканида омон қолмайди одам.

"Ёлғон, ёлғон, ёлғон! – дейди сулув гул. –
Севгидан алданган одам ўлмайди!"
Ёлғондан одаммас, ўлади кўнгил,
Алдангандан кейин яшаб бўлмайди.

* * *

Кўксимда юрагим – қанотли отим,
Фаришта силарди нурли ёлларин.
Дулдул зотли отим, қуш зотли отим
Севарди парининг оққуш қўлларин.
Отга қарамади оққуш паризот,
Оқшом кишнаб-кишнаб фарёд чекди от.

Сўзлар эдим

Сўзлар эдим бийрон-бийрон,
Тинглар эдинг ҳайрон-ҳайрон.
Куйлар эдим, куйлар эдим,
Булбул каби сайрон-сайрон.

Оҳу кўзинг тийрон-тийрон,
Ҳуснинг сулув жайрон-жайрон.
Сени суйиб-суйиб куйдим,
Юрак бағрим вайрон-вайрон.

Суту қаймоқ айрон-айрон,
Юзингни кўрмаган дайрон.
Қанотим бор, қанотим бор,
Кўнглим учар жийрон-жийрон.

Оҳанг

Бир кўрсам, ойим,
Дийдорингизни,
Гулдек чиройли
Рухсорингизни.
Нола қилурман
Булбул мисоли,
Ишқ бир-ла чертиб
Дил торингизни.

Билдирмадингиз
Изҳорингизни,
Ҳижронда чекдим
Озорингизни.
"Келгайми?" – десам,
Айтди шамоллар:
"Йўқ-йўқ", "йўқ, асло",
"Зинҳор"ингизни.

Сийлаб қўйинг бир
Шунқорингизни,
Сиз томон учган
Илғорингизни.
Суйдим ягона
Кўрку чиройда
Осмонга етган
Виқорингизни.

* * *

Қандай яхши,
митти қулоқчанг билан
эшитасан шивирлаган сўзимни.

Қандай яхши,
нозик юракчанг билан
ҳис этасан севги тўла кўзимни.

Қандай яхши,
чиройли оёкчанг билан
босиб ўтасан ўзимни.

Қандай яхши,
ғунча дудоқчанг билан
сезасан шўр кўзёшимни – тузимни.

Қандай яхши,
қизғалдоқ яноқчанг билан
ўпасан қанотимнинг шамолини – изимни...

* * *

Гул ишқида сайрайди булбул:
"Уйғондингми, қизил атиргул?
Ғунча лабинг болини қўмсаб,
Қолиб кетдим ҳижронда буткул!"

Уйғондингми, эй сарви гулрух,
Эртакларни тушда кўрган қиз?
Ойдек чеҳранг бунчалар ёруғ,
Ҳуснингга ром бўлади юлдуз!

Уйғондингми, қизил атиргул,
Юзларинг гул, лабларинг ғунча?
Жамолингни соғинди булбул,
Уйғонақол, зор қилма бунча!

Ҳуснинг бутун борлиққа ёқар,
Бунча чирой, бунча гўзал юз?
Ой ҳуснингга суқланиб боқар,
Юлдуз сендан узолмайди кўз!

Кўзларим кўзингда турсин жаранглаб...

Зебо МИРЗО

* * *

Менинг ота юртим Қашқадарёда,
Онамдай муқаддас келар саҳарлар.
Буюк Ипак йўли ўтган саҳрода
Эртакдай кўкка бўй чўзар шаҳарлар!
Мовий Шаҳрисабз, жаннатий кентим,
Шариф шаҳарларнинг шарафи сенсан
Илдизингни излаб борсам бетиним,
Неча минг асарлар қаърига тенгсан.
Бу кўҳна дунёнинг қалбига тенгсан!
Ўтган, ўтаётган ҳар онинг азиз.
Рум ё Чин тожидан авлороқдир шаън,
Коинот тоқида сен қолдирган из.
Самовар кўлида олтин косадек
Гир айлана тоғлар салтанатида;
Мағрур чўққиларнинг кифтида туриб,
Бир сирни ўқийман кўнгил қатида…
Сен – яширин сирсан,
Сен – яширин дур!
Сени билмаганлар юрт қалбин билмас!
Токи яшар экан чўққилар мағрур,
Маҳв этмоқ бўлганлар ҳеч яқин келмас!
Тарих қиличини суғуриб кўр-чи,
Воқиф бўлсанг агар илоҳий сирдан!
Не учун Жаҳонгир яралди экан,
Бутун бир мамлакат бошланган ердан?
Тангри нафасидан покланганмикан,
Азиз-авлиёлар бош қўйган тупроқ?
Юракдан юракка узалганмикан
Нури Муҳаммаддан порлаган чироқ?
Гумбази Саййидон пештоқида лавҳ,

Зебо МИРЗО – "Эътироф-2016" мукофоти совриндори. 1964 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тугатган. "Тун маликаси", "Ажр", "Нур кукунлари", "Ишқ" каби шеърий китоблари нашр этилган.

Шамсиддин Кулолнинг ҳужрасида нур?
Доруссаодату Доруттиловат
Балки дониш пирлар кулоҳи эрур?
Балки шу пирларнинг ҳовучларида
Нур бўлиб очилган самовий эшик?
Шу сабаб ҳурликнинг туғи бўлгандир,
Тегина бегим Моҳ тебратган бешик?
Адолат шамшири тушиб самодан
Қаттол қиронларнинг бузди чархини.
Коинот тоқида балки шу инсон
Тузди янги дунё ва Эрк тарҳини!
Не-не асл қўшклар кўкда порлагай,
Ҳиндда ё Хитода кўз очиб чирой.
Тегина бегим Моҳ бўлиб чорлагай
Шаҳри Кеш бағрида улуғ Оқсарой!
Регистон пойида ғичирлаган қум,
Асрий тошлар ёди келтирган изни…
“Бибихоним” узра чарх урган қушлар
Кошинлар қошида қолдирган сўзни…
Улуғбек чўққилар устида туриб,
Эшитган юлдузлар тиловатларин,
Сарчашма қоялар бағрига кўмиб,
Сақлар Али Қушчи китобатларин…
Ҳазрати Ёсинни зикр этиб ётган
Бунда ўсган ҳар гул, гиёҳни, тошни.
Оятал Курсининг наҳрига ботган
Оқсув пойига бош қўйган қуёшни…
Хожа Имганакий шивирларини,
Жаҳонгир руҳидек ўтли шитобни…
Осмон харитасин бағрига босиб,
Коинот китобин очган Китобни!
Мироқи узумин лабидаги бол,
Башир сувларига чўмилган Ойни,
Варганза анорин юзларидай ол
Қалбимнинг Ватани бўлган чиройни!
Ҳеч кимда кўрмасдан севаман, нетай,
Ҳеч кимга алишмай, бўлдим қурбони!
Ўлсам ҳам ўларман бағримга босиб,
Ҳеч кимга бермасман сендай маъвони!
Эй менинг қалбимнинг жаннати, Ватан,
Кўзим қароғига айланган юртим.
Ҳисор тоғларида наъра тортган шер
Шиддатида эркнинг яловин кўрдим.
Руҳимда уйғонди аждодлар руҳи,
Томирда кўпирди Темурий қоним!
“Сен кимсан?” сўрадинг, “Мен сенингдирман!”
Эй қалбим онаси Ўзбекистоним!
Ҳисор тоғларидан учган турналар
Ҳимолай чўққисин ошиб қайтади.
Ҳазрати Султондан бошланган сувлар
Дарё ўзанидан тошиб қайтадир.
Кумуш булоқларни ўпган гиёҳлар

Эшитса исмингга бўлади хумор.
Туғдона гулидан тўкилган дона
Олтин бешикларга бўлади тумор!
Нега сенга қайтмай ҳар тонг, ҳар саҳар?
Ахир бир он бўлсин кетган эмасман!
Сени соғинаман бағрингда туриб,
Ҳали юрагингга етган эмасман…
Менинг ота юртим Қашқадарёда
Осмонни кўтариб ўсади тоғлар…
Онам пок руҳидек мовий маъвода
"Алҳамду…" ўқийди гуллар, гиёҳлар…
Ҳеч кимга ўхшатмай севдим мен уни,
Ҳеч кимга алишмай бўлдим қурбони.

Сев мени!

Оловли
вулқонни ютгандай замин,
Кўтаргани каби жаннатни осмон,
Қовжираб кутгандай томчини саҳро,
Сақлагани каби сиррини уммон!..
Сўнгги нафасдаги...
бир ютум ҳаво...
Ҳаёт каби азиз, қадрли жондай!
Ўлса хиёнатдай,
қолса – бахтсизлик,
Кетса – бирга кетадиган имондай;
Руҳлар оламида бирга туғилиб,
Бирга ўладиган ёлғиз ёр каби,
Осса ўзин осиб,
бироқ ўзгага
Ўзини бермаган баланд дор каби!..
Ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан,
бориб
Ғаюрлар бошига ёғилган тошдай,
Қаҳратон қишларни
бепарво ёриб,
Яшринган ғоримга кирган қуёшдай!..
Бу ғаним тошларга аччиқма-аччиқ,
Қисмат йўлларига қарама-қарши,
Худонинг қошидан келган
Нур янглиғ,
Кўтариб келгандай муҳаббат Аршин!..
Сев мени!
Мен сени севганим каби!
Кўзларим кўзингда турсин жаранглаб...
Руҳингга туташсин
Исмим гулхани,
Шундай ёнки, ҳеч ким тутолмасин лаб!
Қаҳримда,
зулмимда,
борим-йўғимда
Шу қадар севгинки, сўрмасдан: "Нега?"

Наинки – бу дунём,
у дунёмда ҳам,
Сендан ўзга инсон бўлмасин эга!..
Сев мени!..

* * *

Яқинлашар юракка баҳор,
Кунлар яқин келади бахтга.
Саҳарларда айта бошлайсан,
Сирларингни оппоқ дарахтга.

Сўрамайсан ҳеч кимдан узр,
Ўпаётиб гулу майсани!
Бошинг узра тўкиб ўтар нур
Гўзал Мартнинг абри найсони.

Булбул ғазал айтар арузда,
Гоҳ сарбастда,
Йўқ бунда чеклам.
Урф бўлгандай шарқона тусда
Миллийлашиб боради кўклам.

Айланади ошиққа – не бор,
Бугун ҳар сўз ишққа доирдай.
Масрур ўтар кўчадан Баҳор
Энг зўр шеърин ёзган шоирдай.

Ҳеч кимсага келмайди малол;
Япроқларга лабингни босиб,
Севса бўлар энди бемалол
Кечалари ақлдан озиб!..

Сен юз бурган

Сен юз бурган ҳазин кечада
Юзинчи бор барг тўкди чинор.
Бардошларим синган кўчада,
Севгим, ахир, сенга нима бор?
Осмон,
осмон,
бечора осмон,
Тунда йиғлаб тўкди дардларин.
Унутилди ўтган ишқсимон
Дарахтларнинг юпун барглари...
Ёнди, ўчди, сўнгги чироқ ҳам,
Деразага тикилган хиёл,
Сирларини тунларга айтди,
Ёмғирларда ивиган Аёл...
...Юзларингга юзим босгали
Кўнглим эди – энг чиройли тахт.
Сен чиқмадинг...
хабар олмадинг...
Эшигингдан йиғлаб қайтди Бахт...

* * *

СИЗНИ ЖОНДАН СЕВГАН ЭДИ У,
Севган эди ҳаддан ташқари.
Боқмадингиз бирор марта ҳам,
Қолиб кетди бахтлардан нари.

Қолиб кетди Тангри қўлида
Ва ҳеч кимга бермади қайтиб.
Зулматларнинг олис йўлида
Ўтди ойдин қўшиқлар айтиб...

Ёлғизликнинг маъюс қаърида
Аталганди у Сизга ахир.
Ўша Турна Аёл бағрида
Очиларди дунё кутган сир!

Бермадингиз унга бир имкон,
Ё бир назар, ё сокин сурур.
Ғоратларнинг комида бежон,
Мангуликка сўнди ўша Нур!

Аммо тағин тушларингизда
Излаяпсиз не учун, ё-ҳу!
...Чақирасиз энди бир умр,
Қайрилиб ҳам қарамайди У!..

Ғилон

Адирларни оралаб ўтиб,
Чиққан каби гўё осмонга,
Асрларни оралаб ўтиб,
Етиб бормоқ керак Ғилонга.
Бир-бирига суяниб турган –
Уйлар асли банду банд элдир.
Одамлари бир буюк содда,
Ошиқдилу донишманд феълдир.
Бу қишлоққа адашиб келган
Инсон бўлар энг азиз меҳмон.
Том бошига югуриб чиққан
Тандирлари узатади нон.
Чашмалари юрагингизнинг
Ғамларини кетсалар чайиб,
Ҳурлар ювган кўйлагингизни
Офтобрўйга қўйишар ёйиб...
Кечалари Ойсупасида
Нурлар ичиб юлдузлар билан,
Қанотингиз ўса бошлайди
Суҳбатлашиб кундузлар билан...
Қайда эди беҳишт, изламанг,
Минг бир кеча афсонасидан,
Жаннат асли бошланар Ғилон
Тош йўллари остонасидан.

КУРАШ

Қисса

Нормурод НОРҚОБИЛОВ

Хуррам қотма, йиқилган курашга тўймас, деганларидек тағин ўзи билан беллашмоқ ниятида келган Салабекни, одатдагидек, нимилиқ қаршиларкан, унинг бу бемаврид ташрифи жуда малол келаётган эса-да, феълига кўра, буни ошкор этмаслик важидан, кўзларини аввалига ерга қадади ва худди ўзининг туси айниган кирза этигини "меҳмон"нинг қизғиш, сарғиш тасмалар билан зийнатланган оқиштоб тусдаги спорт пойафзалига солиштириб кўраётгандек, ва оқибат, этигининг хийла ночор аҳволдалигини гўё эндигина пайқаб етганидек, шу алфозда пича туриб қолди. Кейин аста қаншарини кўтариб, бир қарашда ўта интиҳосиз туюлмиш кенг даштнинг олис-олис пучмоқларига, кўксини оқиш сўқмоқлар тилимлаган теваракдаги катта-кичик дўнгликларга, ўнг ёндаги пастак қир ёқалаб чилвирдек чўзилиб, чуваланиб кетган энсиз дашт йўлига, зўр-базўр кўзга ташланмиш узоқ ёнбағирликдаги қўшни отарга ҳамда кўкиш ғубор қўйнида сокин мудраётган қорли тоғларга бир-бир назар ташларкан, оббо, фалокати-ий, тағин дилни хуфтон, кўнгилни вайрон қилгани келдингми, деган маънода, ич-ичидан "ух-ҳ" тортиб қўйди. Ҳар сафар шу – йигитнинг бу хилдаги бевақт ташрифлари унинг хаёлида ўтмиш хотираларини қайта кўзғаб, буни ҳарчанд истамасин, у беихтиёр тарзда азоб тортмоқни бошлайди. Қани энди, бу Салабек деганлари онда-сонда даштдан ўтиб қоладиган айрим танишлари каби шунчаки салом-алик учунгина бирровга йўлдан қайрилган ўткинчига айланса-ю, у бу азобни ортиқ ҳис қилмаса! Афсуски, Салабек шунчаки ўткинчи эмас – қайсар рақиб! Дарвоқе, аламли хотираларнинг тўсатдан юзага тепчимоғига келсак, Салабек шунчаки беллашгани келган рақибдан кўра, юрак-бағри қасос ўтидан тутаб ёнаётган эса-да, аммо буни сездирмасликка тиришиб, гоҳ ошкора сурланиб, гоҳо эса ғазабини заҳарли табассумлари қатида пинҳон сақлашга уринадиган қатол ғаними – Ғани қорадек тутарди ўзини. Фарқи – Ғани қорадек қонга беланиб муштлашгани эмас, ҳалол курашгани келган.

Хуррам қотма қора ўтмиш қаърига чўммасликка ҳар қанча уринмасин, бироқ хотира дегани тўсатдан қўзғалган қуюндек чир айланиб, онгу шуурининг ҳар бир пучмоғини аёвсиз равишда титкилаб, юрак-бағрини тилкалаб, асло хоҳламаганини

Нормурод НОРҚОБИЛОВ – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими. 1953 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тугатган. "Унутилган қўшиқ", "Юзма-юз", "Сариқ гул", "Темур гори", "Бекатдаги оқ уйча" каби ҳикоя ва қиссалар тўпламлари, "Дашту далаларда", "Қоракўюн" каби романлари босилган.

ўйлашга, сира истамаганини эса бор ҳолича кўз ўнгида гавдаланмоғига мажбур этар, пировардида, қаршисидаги поёнсиз кенглик ўрнида темирйўл бекати, тарака-турук қилганча у ёқдан-бу ёққа, бу ёқдан-у ёққа ўтиб бораётган юк поездлари, қўшимча йўлдаги вагонларга юк ортиб, юк тушираётган ишчилар, бекатнинг маҳаллага туташ овлоқ бир пучмоғида бир-бири билан жиққамушт бўлаётган йигитлар ҳамда бекатнинг кунботиш тарафидаги сокин ҳудудда жойлашган катта-кичик омборлар ва турли турар жой бинолари оралаб чўзилган иккинчи даражали темирйўл ёқалаб кетган тор йўлакдан депо биқинидаги кенг асфальт йўл сари ошиқмай келаётган кўҳликкина талаба қиз, худди қиладиган бошқа иши йўқдек, вақт-бевақт тирғалиб келадиган Ғани қоранинг сур афти, лаллайган тепловоз ҳайдовчисининг уқувсизлиги туфайли, кенг муюлишда кескин тўхтатилган бир неча вагондан иборат кичик состав ва бунинг оқибатида, вагонлардан бирининг ланг очиқ эшигида, юклар тахлами устида омонат турган ўта оғир юк ўрамларидан бирининг мисли коптокдай ташқарига – йўлакка думалаб тушиши натижасида, жисми жонидан мосуво бўлган талаба қиз фожиаси гавдаланиб, воқеалар мисли поезд вагонларидек, кўз олдидан саф тортиб ўтишда давом этаркан, у тишларини маҳкам сиққанча, ичдан беихтиёр инграб юборарди.

У ҳали-ҳануз ўзини кечиролмайди ва бундан сўнг ҳам кечира олмаса керак. Негаки, ўша кундузги смена пайтида жиндек ширакайф ҳолда ўзига келиб тирғалган Ғани қоранинг чорловига учиб, унинг танобини тортиб қўйиш ниятида четга чиқмаганида ва улар банд этган вагон ортидаги иккита бўш вагонни қўшимча йўлга чиқариб, сўнг уларни ўзга бўш вагонларга тиркаб, асосий бекатга олиб кетиш ўйида тепловозда омбор дарвозасидан кириб келган шошқалоқ вагон уловчи йигитнинг райига қарши бормаган тақдирда ҳам, зумга ташқарилатиб, сўнг яна қайта жойига қўйилиши лозим бўлган вагон эшигини, албатта, ёпган ёхуд ёптирган бўларди... Ўша мудҳиш воқеадан кейин кимлар қораланиб, кимлар жазоланмади. Аммо ўзича бир дунё орзулар уммонига ғарқ бўлганча, ҳамиша сокин кулимсираб юрадиган кўҳликкина талаба қизни ҳеч ким бу ҳаётга қайтара олмади.

У ким ва қанақа қиз – Хуррам қотма буни ҳалича тўла билмайди. Аммо унинг ҳар куни эрталаб темирйўл ёқалаб келиши ҳамда оқшитоб чеҳрасидан ҳеч аримайдиган ниматабассуми ва иболи қарашлари бир умрга хотирасига маҳкам муҳрланиб қолган. Тўғри, гоҳо кундузлари, кўпинча тунги сменадан кейин, яъни темирйўл бўйидаги бирор-бир омборда юк туширган кезлари, эрталаб оёқ судраб бекатга қайтаётган жамоадан ортда қолиб, йўллар кесишган ерда кўкка бўйланиб турган шлагбаум ёнида, гўё шунчаки тургандай, қизни кутар ва унинг асфальт йўлдан гавжум шаҳар кўчаси томонга қайрилишини жимгина кузатиб қоларди. Бироқ ҳарчанд уринса-да, қизга бирор сўз қотмоққа сира ботинолмасди.

Боиси, қиз – талаба.

Талаба қиз олдида у ким – иккинчи йилдирки биринчи имтиҳонданоқ умбалоқ ошиб тушган омадсиз бир йигит – ҳозирча ўзини қизга муносиб кўрмасди. Бироқ кўзлаган институтига кириши билан мана, бизам худди сиздек талаба бўлдик, дея дил ёрмоқни кўнглига тугиб қўйганди.

Бу кунни интиқ кутарди.

Бироқ кундузги смена пайтида дарсдан қайтаётган қиз кутилмаганда ушбу фалокатга дучор бўлди-ю, йигитнинг орзуси саробга айланди...

Қисқаси, Салабекнинг шаҳарлик рақиби – Ғани қорадек сурланиб ва тусланиб, кутилмаган пайтда ташриф буюриши ўтмиш воқеа-ҳодисаларни қайта эсига туширар ва оқибатда, у тағин азоб оғушида қоларди.

Бундай кезларда кенглик тор, жуда тор туюлиб кетарди.

Борлиқ эса ўз тароватини йўқотарди.

Зеро, Салабек қора бермасдан бурун поёнсиз бу кенглик бағрига чўмган сокинликка ҳеч ким, ҳеч нарса дахл қила олмайдигандек, энг муҳими, мазкур ҳолат мангуликка дахлдордек, кўкламнинг фусункор тароватидан ўзича сармастланиб, даштлик чўпонларга хос бўлмаган бир одат – ҳар кунги туш маҳалдаги энг севимли машғулоти – кумғонда чой қайнатиш фурсатини пойлаб, кун қиёмга келишни сабрсизлик билан кутмоқда эди.

У кумғон чойини ичишдан ҳам кўра, унга ҳозирлик кўриш жараёнини яхши кўради: агар бу яқин атрофда ўзи қурган эски ўчоқлар учрамаса, мисли моҳир меъморлардек ҳафсала билан аввалига тошлардан ўчоқ тиклар, сўнг ўчоққа сув тўла кумғонни авайлабгина ўрнаштиради; ўтин масаласига келсак, у даштда қаҳат эмас, ўтган йилги қуриган янтоқ ва бошқа турдаги тиканаклар бас деганча. Мабодо, бунинг иложи бўлмаса, хуржун тубига эҳтиёт шарт ташлаб қўйилган уч-тўрт тараша бемалол кунига ярайди. Катта, ўткир пичоғи билан тарашани майда тилиб, чўплаб гулхан ёқади. Сўнг хаёлга ботиб, кумғоннинг жиғиллаб қайнашини кутади. Чойни ҳамиша кумғоннинг ўзига дамлайди.

Хуррам қотма арзимаган чўплардан бутун бошли кумғонни қайната билиш тажрибаси ва кўникмасини темирйўлда ўзи билан бирга ишлаган собиқ маҳбус – Ғайратдан ўзлаштириб олган. Дунёни сув босса, тўпиғига чиқмайдиган бу кимсанинг кунда икки-уч бор аччиқ чой – "чефир" ичадиган одати бор эди. У "чой" ичмоқни истаб қолар бўлса, ҳеч ким ва ҳеч нарсага қарамай, бирор кунжакни топарди-да, доимо ўзи билан олиб юрадиган темир кружкасига кераклича сув солиб, арзимаган ўтин билан уни қайнатар, сўнг идишга ярим кафтча қуруқ чой солиб, обдан дам едирар, кейин кўзлари ғалати сузилиб, заҳардек аччиқ, қуюқ ичимликни майда ҳўплаб ўтирарди. У бу ёруғ оламга нечун келганини ҳанузгача тушуниб етолмаган одамдек тутарди ўзини – биров билан зиғирча иши йўқ, шунингдек, ўз ҳаётига ўзгаларни ҳам аралашувига йўл қўймас, бу дунёда қайноқ, аччиқ суюқликни майда ҳўплаб ўтиришдан бўлак қувончи ва ташвиши йўқдек, теваракатрофга нисбатан ғоятда лоқайд эди. Шунингдек, зарур пайтда ҳудди йиртқич жонивордек тезда ҳушёр тортар, ўзи кулса-да, кўзи кулмайдиган ғаройиб кимса эди.

У жамоада биргина Хуррам қотмани қаттиқ ҳурмат қилар, туғма кучи ёхуд ҳеч балодан тап тормаслиги важидан эмас, самимий ва беғуборлиги учун ўзгача қадрларди уни. Ўзи дамлаган "чой"дан ўзи ҳузурланиб ўтирган кезлари гоҳида Хуррам қотмани ёнига имлаб қоларди. Кейин йигитга эмас, одати бўйича, номаълум бўшлиқ ёхуд бирор-бир нуқтага тикилган кўйи, тарбиядан йироқ, ўта серғалва муҳитда ўсиб-улғайган Ғани қора ва бошқа шу кабиларни назарда тутиб, тағинам ўзинг биласан, деган маънода дерди: "Буларнинг ичи тўла қора балчиқ, чунки лойи носоз тупроқдан ийланган. Шунинг учун улар билан пачакилашиб юрма, бекорга қўлингни ифлос қилганинг қолади..." Бироқ бир тирғалдими, тамом – ўртадаги муносабатни бир ёқлик қилмагунча сира тинчимайдиган бу "ғалвали муҳит" намоёндалари Хуррам қотмани ўз ҳолига қўймас, негадир улар "зўр"нинг танобини тортиб қўйишни жуда-жуда хуш кўришарди. Таажжубли жиҳати, жанжалга туртки бўлган асосий сабаб аллақачон ўтмиш қаърига сингиб, ҳар икки томоннинг ҳам ёдидан чиқиб кетган эса-да, шунчалик кекчилми, ё бу ёмон иллат чиндан-да йўргаклигида текканми – йўқ-бор нарсадан дарров нам олиб, қайта тирғалишдан ҳеч эринишмасди. Бу балодан халос топмоқнинг бирдан-бир йўли – барча қатори уларнинг "зўр"лигини киприк қоқмасдан тан олмоқ ва сўнг зинҳор жиғига тегмаслик эди.

Аммо Хуррам қотма бу қоидага итоат этмоқни хаёлига келтирмай, дерди: "Кенг даштда ҳайбати эшакдан берман бўлмаган жондор зотидан ҳайиқмаган, келиб-келиб сен ўпкаси йўқлардан қўрқармидим!" Бунга сари, Ғани қора дегани баттар тиш қайрарди: "Сен бола, аввало жиғимга тегмагин эди! Жиғимга тегдингми, бас – тавбангга таянтирмасдан қўймайман!"

Хуррам қотма қўшни жамоада ишлайдиган депо биқинидаги маҳалла йигитларининг қийиқлиги боис, билиб-билмай, Ғани қоранинг жиғига тегиб қўйганди. Аслида, мазкур можаронинг юзага келиш сабаби шунда эдики, бу жамоанинг суллоҳ йигитлари тузук ҳақ тўланадиган юк ортилган вагонларга сўзсиз эга чиқишга азалдан одатланган бўлиб, уларнинг бу борадаги ўзига хос устуворлиги ишчилар орасида аллақачон бузилмас русумга айланиб улгурган ва мабодо кимдир бу қоидага қарши чиқмоққа журъат этса, бирпасда унинг эсини киритиб қўйишарди.

Бироқ сарҳад нелигини билмай, чексиз кенгликда эмин-эркин ўсиб-улғайган ҳамда табиатан мард ва жасур бўлгани ҳолда, камтарлиги туфайли ўзидаги бу ажойиб хусусиятларни ҳамиша андиша пардаси остида пинҳон тутишга ўрганган Хуррам қотма охири бир куни бу ноҳакликка ортиқ чидай олмай, ўзича ҳақиқат талашиб, улар билан ёқалашиб қолди. Шундан кейин бу саркаш йигитнинг эсини киритиб қўйиш борасидаги барча уринишлари бесамар кетгач, маҳалла йигитлари энг сўнгги чора сифатида унга Ғани қорани рўбарў қилишди.

Ғани қора бир қарашда у қадар бақувват кўринмаган Хуррам қотмани дастлаб четдан зимдан кузатаркан, бошда ғоятда таажжубланди, сўнг эса жанжалнинг асосий сабабчиларидан бўлмиш икки маҳалладоши устидан кулган бўлди, наҳотки, шу мишиқига кучлари етмаган бўлса!

Йўқ, асло бўлиши мумкин эмас!

У вагондан берида эркак ғоздай пича ғўддайиб турди-да, кейин юк тушираётган ишчиларга яқин бориб, Хуррам қотмани секин четга имлади. Кўздан холи жойга чиқишгач, безориларга хос иборалар сўзлана туриб, тўсатдан унинг юзига тарсаки тушириб қолди. Бу тарсакининг маъноси, бундан кейин ҳолингни билиб, тинчгина юр, дегани эди. Агар шунда Хуррам қотма бу йўриққа амал қилиб, узр сўраганида борми, ортиқча гап-сўзга ўрин қолмаган, ҳар иккиси тинчгина ўз йўлида кетган бўларди. Афсуски, воқеа кутилмаганда бутунлай тескари тус олди – Хуррам қотма тавбасини кутиб, қаршисида қомат кериб турган Ғани қоранинг шартта белидан олди-да, зумда уни елкасидан ошириб, ерга урди. Бу камдек, кетига бир-икки тепиб ҳам қўйди.

Буни сира кутмаган Ғани қора сапчиб ўрнидан тураркан, биринчи қилган иши теваракка аланг-жаланг қараш бўлди, ишқилиб, буни ҳеч ким кўрмадимикан, айниқса, маҳалла аҳли? Йўқ, уч тарафи бетон девор билан ўралган, чамаси, қачонлардир нимадир қуришга мўлжалланиб, сўнг шу ҳолича ташлаб қўйилган бу овлоқ макон киши нигоҳидан холи эди. Фақат кираверишда, қачон пайдо бўлгани номаълум, Ғайрат, чўккалаган кўйи, қўлидаги каттакон буклама пичоғи билан ер чизиб ўтирарди.

– Мен ҳеч нарса кўрмадим! – деди у ердан бош кўтармай. – Но-о...

Ғайратнинг кейинги гап-сўзлари ўз муҳити одамларига хос ибораларга қоришиқ бўлгани боис, Хуррам қотма ҳеч вақони англамади. Аммо дарров шуни фаҳмладики, энди у ёлғиз эмас, ортида суянчиқ бўлиб Ғайрат турибди. Сал кейинроқ яна шу нарса аёнлашдики, йигитлар орасида бўладиган бу каби аҳмоқона можароларга Ғайрат аралашиб ўтирмайди ва ўз навбатида, жангда ғирромликка ҳам изн бермайди. Ўзини кўриб – кўрмаганга, эшитиб – эшитмаганга солса-да, бироқ барча жараёнларга до-

имо сергак туриб беради. Табиий, Хуррам қотма ҳам қарздор бўлиб қоладиган йигитлардан эмас, ишга нисбатан ғайрати анча суст бўлган бу одамнинг ёнига киришга, уни кўпда уринтирмасликка ҳаракат қилади. Умуман олганда, вагондаги ишлар Хуррам қотмага мисли ўйиндек бир гап – ҳамиша ўзгача бир завқ-шавқ билан меҳнат қилади. Ғайрат унинг меҳрибонлигини сезиб-билиб турса-да, лекин буни ҳеч вақт сиртига чиқармайди. Аммо, ўз навбатида, сўнгги пайтда чин ғанимга айланган Ғани қоранинг ҳаддидан ошмоғига изн бермайди. Ғани қора пайдо бўлиши билан, наридан туриб, қўлидаги буклама пичоғини намойишкорона ўйнатиб, дам-бадам томоқ қириб қўйишини канда қилмайди. Айни шу хатти-ҳаракати билан Хуррам қотмани неча бор турли бало ва фитналардан асраб қолмади дейсиз у.

Ана шундай кунлардан бирида тўсатдан деб қолди: "Сендек кенгликка ўрганган лочинга бу ер торлик қилмаяптими?" Айни шу лаҳзада Хуррам қотма ярим чақиримча наридаги асосий темирйўлдан тарақа-туруқ қилиб ўтиб бораётган йўловчи поездга маҳзун термилиб ўтирарди. Қани энди, ипга тизилгандай елиб бораётган анави вагонлардан бирига сакраб чиқиб олса-да, қадрдон овулига қараб жўнаб қолса! Боргач, чўнг қирлар тўшига югуриб чиқса, тепаликлар яғринига чалқанча тушганча, кўкка термилиб-термилиб ётса, турли илонларга тўла ваҳимали жарликлар оралаб обдан изғиса, қиш ғамини ёзда е, дея ғарам-ғарам хашаклар тўпласа, қий ҳиди анқиб турган қўрасини супуриб-сидириб, чинни-чироқ қилса, супа четига чўкиб, ҳозиргина тандирдан узилган иссиқ нонлардан бирини қосадаги сувга бўктириб-бўктириб еса, ора-сирада тиниб-тинчимас Офтоб момосининг хивичини татиб, унинг беғараз дашномларини тўйиб-тўйиб эшитса! Минг афсуски, ҳарчанд истамасин, овулига қайтмоққа юзи чидамайди – жаҳл устида, билиб-билмай, отасига катта кетиб: "Бўпти, токи ўқишга кирмас эканман, бу овулда қорам тугул, соямни ҳам кўрмайсиз!" – деб қўйган.

Ўзича, келасолиб институтга кирмоқчи эди.

Аммо чучварани хом санаган экан.

У елиб бораётган вагонлардан кўз узмай, ҳозир берган саволига жавоб олмоқчидек, секин қаватига келиб чўккан Ғайратга тили туфайли бу шаҳарга ипсиз боғланиб қолганлиги ҳақида ҳасрат қилмоқ истайди. Аммо ўзини тияди. Чунки Ғайратга сўзланмоқ, тошга сўзланмоқдек бир гап – ғиқ этмай эшитишга эшитади-ю, лекин ҳеч вақт гурунгга эш бўлиб кетолмайди. Бир нуқтага термилганча сукутга ботиб ўтираверади, жуда нари борса, шунақами, дегандай қиялаб бир қараб қўя қолади, холос.

Шу боис, Ғайратнинг саволини жавобсиз қолдириб, тағин ўйга чўмади. Тўғри, қайтиб борса, отаси бир сўз демаслиги тайин. Бироқ бунга юзи чидамайди, юзи чидаса-да, ғурури, яъни ўзи айтмишли, ичи йўл қўймайди.

У хаёлга ботгани сари, бир нарсани ҳеч англаб етолмайди: болалигидан поёнсиз дала-даштга меҳр қўйган ҳамда аксарият кишиларга ўта даражада зерикарли туюлмиш юмуш – чўпонликка меҳри ҳаддан зиёд баланд бўлган ўзидек бир йигитга қандайдир институтга кириб ўқиш шунчалик шартмикан? Ахир, момоси айтганидек, ҳамма ўқийверса, подани ким боқади? Шу каби бош-кети йўқ саволлар бошида чарх ура бошлаши билан кўз ўнгида отаси Нормўмин гунгнинг – камгаплиги туфайли шу номга эга бўлган – сокин қиёфаси бирдам жонланади-да, нақ қулоғи остида унинг қуйидаги гапи сас бергандай бўлади:

– Ҳозир ҳамма ўқияпти!

Нормўмин гунг томонидан яхшиликка айтилган бу гап Хуррам қотмага бамисоли бир тушовдек туюлади. Баъзида бу тушовни узиб, нимталаб ташлагиси келади.

Зеро, ҳар куни эрталаб темирйўл ёқалаб келадиган ўша кўҳликкина талаба қизга тўсатдан меҳри тушиб қолмаганида, бу тушовни аллақачон парчалаб ташлаши тайин эди. Яна ким билади. Ҳарҳолда ўша қиз туфайли, ўқиш эмас, ўқишга кириш унинг асосий мақсадига айланди. Ўзича, қиз билан тенглашиб, сўнгтина дилидагини унга изҳор этмоқни кўнглига тугди. Бироқ, шунга қарамай, отаси томонидан ўз олдига кўндаланг қўйилган бу талабнинг мантиқсизлигидан жини қуришади. Ўшанда жаҳлини жиловлаш ўрнига, тилига эрк берганидан жуда ўкинади. Ҳозир ҳам қаватида ғимирлаб, "чой" қайнатишга тараддуд кўраётган Ғайратнинг ҳаракатларини хаёлчан кузатган кўйи, ич-ичдан ўзини янишда давом этаркан, кўҳликкина талаба қиз дафъатан эсига тушиши ҳамон тағин барини унутади.

Бу орада идишдаги сув қайнади.

Ғайрат унга қуруқ чой соларкан, гўё ўзига ўзи гапиргандай аста дейди:

– Кет!

Хуррам қотма, қаёққа, дегандай унга кўз қирини ташлайди. Бироқ бир оғиз сўз айтмайди. Бу сукунат то чой дам егунча, яъни "чефир" деб аталмиш аччиқ ва қуюқ суюқликка айлангунча давом этади.

Ғайрат биринчи ҳўпламданоқ, ҳар галгидек, ҳузурланиб кўзларини юмаркан, яна ўша оҳангда дейди:

– Кўзларингда соғинч кўраяпман... Кет!

У шундан бўлак гап айтмайди.

У ҳеч қачон кўп гапирмайди.

У ҳатто талаба қиз фожиаси атрофлича тафтиш қилиниб, очиқ қолган эшик масаласи тилга олинганда ҳам ортиқча бир сўз айтмаган, "айбдор мен", дея бор айбни ўз бўйнига олган. Мана энди, ундан хотира бўлиб, арзимаган чўпдан чой қайната олиш тажрибаси ҳамда аччиқ чойдан ҳузурлана билиш кўникмаси қолган.

Хуррам қотма ҳар куни айни туш пайтида чой қайнатиш учун тошўчоқ тиклашга тутинаркан, негадир, ҳамиша узоқ вақт даштни соғиниб-соғиниб чиққан сайёҳдек ҳис этади ўзини.

Нечун?

У буни ҳеч англаёлмайди, англаёлмагани учун тушунишга уриниб ҳам ўтирмайди. Айниқса, димоғида қумғоннинг ўзига дамланган олий навли кўк чойнинг ёқимли бўйини туйганида, қалбида ғаройиб туйғулар жунбушга келиб, гоҳида бу дунёнинг одами бўлмай қолади. Даштни қучгиси, қирларни, уларга қўшиб тоғу тошларни маҳкам бағрига босгиси, ялангоёқ ҳолида қирлар ошиб югургиси келади. Бир неча муддатдан сўнг эса, қўшниси Карим чолдай қамиш сибизға чалгиси ёхуд чўпон таёғини дўмбира ўрнида тутиб, ўзи биладиган бирдан-бир куйни, аниқроғи, шаҳардан қайтган йили ўзи яратган оҳанглар қоришмасини черткиси, худди Назар бахшидек овозини товлантириб-товлантириб куйлагиси келади. Афсуски, куйламоқ осон эмас, оқибат, бўғзидан кўчган ғаройиб нола нелиги ноаён бўлмиш увлашга ўхшаб, нариберида чўзилиб ётган итларни чўчитишдан бошқасига ярамайди.

Бироздан кейин ўзини зўр-базўр жиловлаб, ўзига ҳадик-ла термилиб турган итларидан хижолат тортгандай, куйламоқдан тийилади. Сўнг ҳамиша дастурхон ўрнида ёзиладиган белбоғидаги нон ушоқларини бир четга қоқиб-суқиб, уни тўни остидан белига боғлайди-да, хуржунидан тоза ва майин матога ўралган китобни қўлига олади. Қумғон тубида қолган чойни секин-аста эрмак қилганча, мутолаага тутинади. Дўнглик бағридаги кичкина овулида китоб дегани анча қаҳат бўлгани боис, баъзида бир китобни такрор ўқишга мажбур бўлади. Ана шундай кезларда китобга мўл шаҳардаги шинам кутубхонани ҳасрат билан эслайди.

Кўркам боғ чеккасидан ўрин олган кутубхонага қўли бўш пайтларида, ўзича бўлғуси имтиҳонларга ҳозирлик кўриш важидан борарди-ю, аксарият ҳолларда бадиий китоблардан бош кўтармасди. Дарвоқе, қадрдон даштидан айро тушмоғига, яъни маълум муддат шаҳар тупроғини яламоғига аслида китобга ўчлиги сабаб бўлган. Нормўмин гунг ҳамда айрим овул эркаклари назарида, эсини танибдики, ҳеч қўлидан китоб тушмайдиган бу йигитчадан келажакда катта, шунчаки катта эмас, жудаям катта одам чиқмоғи тайиндек эди. Шу боис, мактабни тугатган йили ота шу умидда деди:

– Сен ўқи, менга ўхшаб дала-даштда чангга беланиб юрма.

Аксига олиб, қандайдир ўқишни дея дала-даштни тарк этиш Хуррам қотманинг хаёлида ҳам йўқ эди. Шунинг учун аста деди:

– Кўрангизни қўй-кўзига тўлдириб, дала-даштда эмин-эркин юрсам дегандим, ота!

Бу гапга жавобан ота турли давра ва кўча-кўйларда ҳадеб қулоғига чалинаверганидан, миясига маҳкам ўрнашиб қолган қуйидаги гапни ҳукм сифатида баён этди:

– Ҳозир ҳамма ўқияпти!

Нормўмин гунгнинг назарида, бу пурмаъно гапига эътироз билдириш асло мумкин эмасдек эди. Аммо қошида ўтирган ўғил, "хўп" дейиш ўрнига, яна "йўқ" дегач жуда ҳайрон бўлди.

– Унда буйтиблар китоб ўқишингдан не фойда, улим?

– Китоб фақат ўқишга кириш учун ўқилмайди-ку, ота, – деди ўғил.

– Эмасам, нима учун ўқилади? – отанинг ҳайрати баттар ортди.

Ўғил бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрмаган экан, тилига келгани шу бўлди:

– Шу... даштда зерикмаслик учун бўлса керак-да...

– Мана, мен китоб ўқимасам-да, даштда зерикмайман-ку.

Ана шунда нима бўлди-ю, адабиёт муаллимасининг ҳов бирда айтган гапи ўғилнинг эсига тушиб қолди-да, бундан дадил тортиб, билағонлик билан деди:

– Йўқ, китоб ўқиб туриш керак! Эмасам, кишининг ақл-идроки тўмтоқлашиб қолиши мумкин!

– Нима деганинг бу?

– Бу деганим... – деди ўғил ҳар ёзда қўй чалмаси чопиладиган қўрадаги эски кетмонни кўз олдига келтириб. – Одамнинг ўй-фикри худди эски кетмондай ўтмаслашиб қолади...

– Унда биз, – деди ота ҳам айнан ўша кетмонни назарда тутиб. – Сенингча, эски кетмон эканман-да, а?!

– Бундай демоқчи эмасдим...

– Йўқ, дединг! – деди ғазабдан отанинг ранги ўчиб. – Энди гап бундай, кўп судралмай, ҳадаҳа халта-хултангни йиғиштир-да, тезда кўзимдан даф бўл! Ўқишга кирмасдан уйга қайта кўрма! Ҳа-ҳа, қорангниям кўрсатма!

Бу қадар кескин талабни кутмаган ўғилнинг дили вайрон бўлиб, миясида турли гумонлар чарх ура бошлади. Охирида, чамаси, отам мендан сурувини қизғанаяпти, деган аҳмоқона ўйга ҳам борди. Бундан унинг юрак-бағри ўртаниб, бу уруғда ҳеч бир сўз шунчаки айтилмаслигидан бохабар бўлса-да, алами зўрлигидан тилини тиёлмай, деди:

– Бўпти, сиз айтганча, ўқишга кирмас эканман, бу уйда қорам тугул, соямни кўрмайсиз!

Мана энди, шаҳардаги ўша шинам кутубхонани дам-бадам эслаганча, айрим китобларни такрор-такрор ўқишга мажбур эди. Айниқса, Назар бахши томонидан ҳадя этилган "Алпомиш" достонини қайта-қайта ўқийверганидан, мазкур асар

деярли ёд бўлиб кетганди. Бу эса, гоҳида ушбу достонни чала-ярим билгувчи айрим йўртоқи бахшиларни боплаб тузлашида жуда-жуда асқатарди.

Бу даштдан аҳёнда-аҳёнда бахшилар ҳам ўтиб туришади.

Бири – оғайни, бири – таниш, бири эса инисидек якин.

Қисқаси, даштга ўрлаган бахши зоти борки, Хуррам қотманинг қошида тўхталмай, чойлашмай кетмайди. Хуррам қотманинг биргина дўстона талаби шу: "Бир пиёла чой – мендан, икки оғиз терма – сендан!" У ерга баҳузур чордана қурганча қошидаги бахшини сел-сел бўлиб тингларкан, баъзида бир ҳолдан ғоятда тааҗжубга тушарди, нечун Худо бахшиларга инъом этган иқтидорни ўзига раво кўрмаган? Кўп эмас, зиғирдеккина иқтидор берганида борми, қўлига дўмбира тутиб, манову дала-даштни куй-қўшиққа тўлдириб, достону термалар айтиб юрган бўлармиди!

Минг афсуски...

Бундай лаҳзаларда ўта ношукрчиликка йўл қўйгани, яъниким Яратган эгам, бошқаларга раво кўрмаган, беқиёс куч-қудратни айнан ўзига инъом этганини хаёлига ҳам келтирмайди. Буни табиий ҳол деб билади. Азалдан курашли давраларни унчалик хушламаслиги боис, ўзидаги бу куч-қудратни киши кўзига намойиш этмоқни ҳатто ўйига якин йўлатмайди. Кучи ошиб-тошиб, танига сиғмай қолган дамларда эса белини маҳкам боғлайди-да, қўйнини калладай-калладай тошларга тўлдириб, гоҳ тик дўнгликка ўрлайди, гоҳ теваракдаги тепаликларга тушиб-чиқиб юради. Бу нотабиий машқлардан сўнг доимо ўзини мисли қушдай енгил сезади, ҳозир қанот чиқариб, осмонга учиб кетаман-ов, дейди руҳланиб. Кейин эса сурув яққол кўзга ташланиб турадиган дўнгликлардан бирида ёнбошлаб, тағин китобни қўлига олади, ҳузурланиб мутолаа қилмоққа тушади. Сўнг эса китобга тикилган кезлари вақтнинг жуда тез ва сезилмай ўтишидан ҳамиша ажабланиб қўяди.

* * *

Бугун кеча оқшомга якин мотоциклда, дашт орқали, кенглик адоғидаги овуллардан бирига ўтиб кетган Назар бахшининг изига қайтишини интиқлик билан кутмоқда эди. Бахшини қайноқ чой билан меҳмон қилиб, тўрт оғиз гурунгини олиб, кўп эмас, иккитагина термасини эшитиш илинжида эди. Афсуски, кўзга тушган чўпдай бўлиб, бахши ўрнига уни ўзига асосий рақиб деб билмиш Салабек келиб турибди. Унинг ташрифи, юқорида айтилганидек, ўтмишни ёдига солиб, Хуррам қотманинг нурланиб турган шуурини абгор қилди. Натижада, хиёлгина бурун теварагидаги тўрғайлар чуғурингина эмас, балки енгил эпкинда оҳиста тебранаётган майсалар шитири ҳамда ўт-ўланлар орасида тинимсиз ғимирлаётган майда жониворлар сасига қадар илғашга қодир тийрак шуури зумда тўнглаб, худди ёмонлар даврасига тушиб қолган одамдек, ўзини нохуш ҳис эта бошлади. Бу нохушликнинг юзага келишини яна бир сабаби – ёмон қувват эди. Чунончи, бу ёмон қувват осмону фалакдан ёхуд замин қаъридан эмас, балки қошидаги Салабек ҳамда унга адоватла тикилиб турган итлар вужудидан таралмоқда эди.

Хуррам қотманинг ўзига хос яна бир хусусияти – тирик ғужуддан таралмиш турли қувватларни, яъни фан тили билан айтганда, биоқувватни ҳис қила билиш қобилияти бағоят кучли эди. Бироқ у ўзининг бу ноёб жиҳатидан асло қувонмайди, кайтага баъзида жуда хафа бўлиб кетади. Негаки, катта-кичик давраларда кишиларнинг тайин-бетайин гап-сўзларидан ҳам кўра, улардан таралувчи нохуш қувватдан кўпроқ азият чекар ва тезроқ даврани тарк этиш тараддудига тушиб қоларди. Айни дамда Салабекдан силқиётган ушбу қувватни жуда якиндан туяркан, унинг тезроқ кўздан даф бўлишини жуда-жуда истамоқда эди.

Бу пайтда Салабек бутунлай ўзга хаёлда эди: қани энди, енгилмас рақиб тимсолига айланиб улгурган манави ярамас қотманинг боплаб курагини ерга ишқаласада, ёруғ юз билан даштни тарк этса, йўлда бирорта тепаликка чиқиб, узоқ кутилган бу ғалабадан ўзида йўқ қувониб, мен уни енгдим, охири мен уни енгдим, деб бор овозда ҳайқирса! Ва ҳар гал юзма-юз келганда, ўзига синовчан-синовчан боқмиш Назар бахшига ғолибона боқса, унинг олдида ортиқ тили қисиқлигини туймаса! О-о, қандай соз бўларди-я! У бу истак йўлида қаршисидаги кенгликни ер юзидан бутунлайга супуриб ташлашга ҳам ҳозир эди. Қисқаси, йигитнинг ботинида кечаётган бу қасосли ўйлар қора қувватга айланиб, ташқарига таралганидек, ўз навбатида, унга адоватла тикилмиш итлар вужудидан ҳам айни шу нохуш қувват тишга уфурмоқда эди.

Бу нохуш ҳолатни янада теранроқ ҳис этгани сайин, Хуррам қотма ўзи учун ҳар нарсага тайёр турган итларига зимдан разм соларкан, яхши-ёмонни англашда буларга етадигани йўқ, деган фикрга келди. Чиндан-да, аксарият итлар олисдаги шовуру шарпани зудликда илғашдан ташқари, одам боласининг ким қанақалигини тез пайқай олади. Боя сурув итлари тўсатдан безовталанишга тушганида, кенг дашт адоғида бironта ҳам жон асари йўқ эди. Қачонки, орадан бир неча фурсат ўтгандан сўнггина дала йўлида қора бир нуқта пайдо бўлди. Ана, у сўлдаги тепаликлар ортида кўздан йўқолди-да, хийла вақтдан кейин сурув ёйилган ясси дўнглик этагидаги кенг майдон сарҳадида мотоциклли кимса ҳолида қайта намоён бўлди. Хуррам қотма бошда уни ўзи илҳақлик билан кутаётган Назар бахши деган ўйга бораркан, ўз навбатида, итларнинг важоҳатидан таажжубга тушди. Боиси, Назар бахши жониворлар томонидан ҳамиша илиқ кутиб олинарди-да.

У ириллаганча, олға интилишга шайланган итларни кескин буйруқ билан жойжойига "михлади-да", ким бўлди экан бу, дея уловининг яқин келишини кута бошлади. Қачонки, унинг кимлиги аёнлашгач, кайфияти бирдан ёмонлашиб, тек ётинглар, дея итларга бот дўқ қилган киши бўлди. Итлар чақирилмаган меҳмон ташрифи эгаларига ёқмаганини сезгандай, уни адоватла қаршилашди.

Хуррам қотма, эшик қоқиб келган меҳмонни уйга қўйишни истамаган мезбондай, Салабек билан узуқ-юлуқ сўзлашган кўйи, унинг елкаси оша тевараккa ҳардамхаёл назар ташлашда давом этаркан, кўзи қунботишда, уфқ сарҳадида тўплана бошлаган кулранг булутларга тушгач, димоғида ёмғир ҳидини туйгандай бўлди. Бундан кўнгли беихтиёр равшан тортиб, шуурини кечга томон роса жала қўяркан, деган ёқимли ўй оҳиста сийпалаб ўтди. О-о, қани энди, шу тобда ям-яшил майсаларга ёнбошлаганча, бу йил кўкламнинг серёғин ва сербарака келиши хусусида ким биландир марокланиб-марокланиб суҳбатлашса!

Бироқ ким билан?

Бу поёнсиз даштда суҳбатдош дегани ҳамиша анқонинг уруғи. Қошида ғўддайиб турган Салабекка эса бу хил мавзудаги гурунгларнинг кераги ҳам, қизиғи ҳам йўқ. Шусиз ҳам куни кечагина Қайрилмадаги катта тўйда эл таниган полвон – қўшни туманлик Абдулла чемпионни мағлуб этган ғолибга сира ўхшамай, яъни ранг-туси очилмай, ҳар сафаргидек мезбонни тагдор оҳангда: "Ҳим-м, тағинми?.." – дейишини интиқ-ла кутмоқда. Хуррам қотма шундай дейиши билан Салабек чуқур сўлиш олиб, қўлларини ҳар икки ёнига ёзганча: "Ҳа-а, энди..." – дейди. Бир қарашда, бу қисқа ибора бирор-бир маънони англатмайдигандек эса-да, аслида унинг замирида қуйидаги аламли хитоб мужассам эди: "Оркашлик қурсин, ака, оркашлик!"

Салабекка ҳақиқатдан ҳам қийин эди.

Назар бахшининг, ҳар дуч келганда, хўш, дея ўнг қошини кўтариб-кўтариб

қўйишлари, сўнгра, нима қилдик, термани бошлайверайликми, деган маънода зимдан боқишлари, гоҳида ошкора им қоқишлари унинг қонига ташна қилиб юборганди. Қисқаси, бахши бор давраларда Салабек аввалгидек эмин-эркин "шаталоқ" отолмайди – тили қисиқлигини мудом туйиб туради. Бундан-да муҳими, токи Хуррам қотманинг курагини ерга тегизмас экан, ўзга полвонлар устидан қозонилган ғалабаларидан қилча кўнгли ёришмайди. Тўғри-да, тўй ва сайиллардаги катта-кичик курашларда кетма-кет зафар қозониб, мухлислари олқишига бўғзигача кўмилиб юрса-ю, даштда бўйи қулоғингдан келмайдиган қандайдир бир чўпондан йиқилиб ўтирса, кўнглига қувонч сиғармиди!

Чеҳрасининг очилмаслиги шундан эди.

Бу гаплардан бехабар Хуррам қотманинг эса баттар энсаси қотади, бунча тунгланмаса бу, баччағар, деб ўйлайди. Баъзида, ранг-рўйинг очи-ий, энағар, дея қойиб бергиси келади. Аммо қойишни хаёлига келтирмайди, қайтага, сиртдан билдирмаса-да, ичдан ундаги қатъятни иззат қилади. Сабаби, Салабекнинг ўрнида ўзга бир полвон бўлганида борми, ўлақолса, қайтиб даштга доримасди. Боиси, кураш ошкор эмас, пинҳон кечган – ким ғолибу, ким мағлуб – буни иккисидан бўлак ҳеч ким билмайди. Шунга қарамай, у қўшсувлик Темур полвондай изсиз йўқолиб кетмади.

Темур полвон ўсмир ёшида Нормўмин гунгни давраларда бир-икки кўрган, кимлардандир раҳматли бобоси – Оллоназар полвоннинг таърифини сал-пал эшитган экан, даштда юрган Хуррам қотмадан дарак топгач, қизиқиб: "Уни-ку зўр, аммо урпоғи қанақа экан?" – дея уни қидириб келган. Темур полвон яхши одам бўлгани билан оғзи сал бепалаки эди, ўғилда Нормўмин гунгдаги ғўлабирликни кўрмагач, оббо, урпоғи айниган экан-ку, дея хунук гап қилган. Бу гап Хуррам қотмага жуда оғир ботган, тутмасдан тутантириқ деманг, полвон, деган. Шундан кейин гаплари чап тушиб қолиб, улар беллашадиган бўлган, ташаббус Хуррам қотмадан чиққан, боиси, азал-азалдан авлод-аждодлар хусусидаги ноўрин гап-сўзларни хуш кўрмасди. У бир забтдаёқ Темур полвонни кўтариб ерга урган, сўнг истеҳзо билан сўраган: "Хўш, урпоғи қанақа экан?" "О-о, зўр экан! – деган Темур полвон ранжишни ҳатто хаёлига келтирмай. – Фақат бир нарсадан ҳайронман, нечун сизни давраларда кўрмайман?" Хуррам қотма давраларга ройиши йўқлигини билдирган. Темур полвон бошда ажабланган, сўнг ачиниб деган: "Афсус-афсус, сизнинг ўрнингиз даштда эмас, даврада!" Хуррам қотмадан, йўқ, бизга дашт маъқул, деган жавобни эшитгач, тағин бир ўйлаб кўринг, не қарорга келганингизни билмоқ учун яна келаман, деганча бадар кетди.

Шу боис, Салабек деганлари ҳам шулардан бири-да, деган ўйда унинг кейинги ташрифларини сира кутмаганди.

Чунончи, агар сув ушбу ғалванинг асосий сабабчи бўлмиш Назар бахши томонидан атайдан лойқатилмаганида эди, ўша биринчи учрашувдан кейиноқ Салабек қайтиб қорасини кўрсатмаган бўларди. Шунга қарамай, қийин-қийин, Назар бахшига қийин бўлди, шўрлик ким ғолиб-у, ким мағлублигини билолмай ҳалиҳанузгача гаранг. Аммо билишни жуда-жуда истайди. Бироқ на Салабек, на Хуррам қотма сир беради унга.

– Келди, бироз гурунг бериб кетди, – дейди жўраси бепарво.

– Ўтирик айтманг, жон жўра, – дейди Назар бахши ялингудек бўлиб. – Ахир минг йиллик дўстмиз-а?..

– Ия, қачон мен сизга ўтирик сўзлаганман, – дейди Хуррам қотма гўё ўпкаланган бўлиб. – Айтдим-ку, бир келди, оёқни салгина қайириб олгандим, курашмоқни имкони бўлмади. Яна келганида, андак шамоллаброқ тургандим, тағин иложи

бўлмади. Тўғри, негадир йигитнинг аввалги шашти йўқ, хиёл тоб ташлаганга ўхшайди. Лекин бунга менинг сира дахлим йўқ.

– Бекорга тоб ташламаган, – дейди Назар бахшининг баттар ичи тошиб. – Демак, бир гап бўлган.

– Ҳеч гап бўлгани йўқ! – дейди Хуррам қотма бу сафар хиёл кескинроқ тарзда. – Ё ўзи сизга бирор нима дедими?

– Демай, ичимни пишираяпти-да, ярамас!

– Унда бу шубҳанинг боиси нимада?

– Шубҳа эмас, лекин жуда-жуда истаяпман!

– Нимани истаяпсиз?

– Нимани бўларди, – Назар бахши жаҳлланишга тушади. – Кўтариб ерга уришингизни истаяпман! Зора, шунда янаям ўпкаси босилса!

– Йўқ, ўпка эмас у, шунчаки оркаш!

– Нима бўлганида ҳам уни бир майдон кўришингиз керак эди.

– Келганида – кўрдим, кетарида – хайрлашдим, яна нима керак сизга, бахши?

Бу хил баҳсдан бирон наф йўқ. Назар бахши ҳар қанча уринмасин, барибир Хуррам қотмадан тайинли бир гап ололмайди. Лекин ич-ичидан жўраси нимани-дир пинҳон тутаётганини сезади. Сезгани сайин фиғони кўкка ўрлайди. Бу пайтда беихтиёр хотиралар оғушига чўмган Хуррам қотманинг кўз ўнгида эса қуйидаги воқеа бор ҳолича жонлана бошлайди.

Ғайратнинг юкчиларга хос бўлмаган сусткаш хатти-ҳаракати ҳамда дам-бадам "чой"ланиб туришлари ҳаммага ҳам ёқавермасди. Айниқса, жамоа бошлиғи Расул дам-бадам тирғалиб кўп ғашига тегарди. Бундай ҳолларда доимо сукутни афзал биладиган Ғайратнинг охири сабри тугаб, бир куни Расулнинг гирибонидан хиппа бўғиб олади. Бу пайтда деярли бўшаб бўлган вагонда учаласидан бўлак жон йўқ. Хуррам қотма ҳадаҳа орага тушиб, уларни ажратади. Ғайрат ҳовуридан тушсада, аммо Расул тинчланмайди, ҳали сенми, дея қўлига илинган темир билан унга ҳамла қилади. Ана шунда Ғайратнинг аслида кимлиги аёнлашади, бир зарб билан Расулни чўзилтириб қўяди. Кейин эса пол қучиб ётган мағлубни гўё унинг ўзи бехосдан йиқилиб тушгандай, турмоғига кўмаклашади, энгил-бошини қоқиб-суқиб, бор, чекиб-пекиб, сал ўзингга келиб ол, дея ташқарига йўналтиради. Унинг бу қадар чапдастлигидан Хуррам қотманинг ҳайрати тошади: "Қойил, бопладингиз!" Бироқ кутганчалик, бу гапдан сўнг Ғайрат гердаймайди, қайтага, фавқулодда ҳеч бир ҳодиса юз бермаганидек, у томон ажабсиниб кўз ташлайди: "Нимани қойил қипман?" Бу гал Хуррам қотма янада жўшқинлик билан ўз ҳаяжонини изҳор этади. Бунга жавобан Ғайратнинг кўзларида қуйидаги маъно акс этади: "Қачон?" Бу ҳолдан Хуррам қотма ҳайрон туриб қолади. Бу орада Ғайрат лабига қистирган сигаретини қайта қутига жойлаб, одатига хос, сокин тарзда дейди: "Ростанам сен бирон нимани кўрдингми?" Хуррам қотма гап қатига яширилган маънони дарров англаб, беихтиёр, бош чайқайди: "Йўқ, мен ҳеч нарса кўрмадим..." Ғайрат унга миннатдор тикилади: "Баракалла!"

Шу тариқа, муштлашув сирлигича қолди, ундан ҳеч ким, ҳатто қўшни вагонда ишлаётган бригаданинг бошқа аъзолари ҳам хабар топмади, яъни жамоа бошлиғининг обрўйига путур етмади. Хуррам қотма бўшатилган вагон эшигини ёпиб, бурчакдаги чекиш жойига борганида, ғолиб ҳам, мағлуб ҳам, ҳеч нима бўлмаганидек, ҳамма қатори бамайлихотир чекиб ўтиришарди...

– Йўқ, сиз уни аллақачон мағлуб этгансиз, – дейди Назар бахши унинг хаёлини бўлиб. – Шунчаки унинг обрўйини сақлаш учун буни мендан сир тутаяпсиз.

– Бу қадар бадгумон бўлманг, бахши! – Хуррам қотма жаҳлланган киши бўлади. – Яхши эмас бу!

Бу энди навбатдаги баҳснинг интиҳоси эди.

Ундан нарёғи хавфли эди.

Назар бахши иззати борида тилини тиймаса, Хуррам қотма уни итдай ҳайдаб солиши мумкин. Шу боис, у вақтинчага оғзига кишан уриб, чойдан майда ҳўплаб, дўмбирасини қўлига олади.

Аслида Назар бахшининг гумонида жон бор – Салабек деганлари илк беллашувдаёқ Хуррам қотмага ғалабани бой бериб қўйганди. Шундан кейин, яъни ўтган кўкламдан бери яна уч бора келиб, уч бор ҳам елкаси ер искаб кетганди.

Бугунгиси унинг навбатдаги ташрифи эди.

Баъзан Хуррам қотма ўзича ўйга чўмади, йигит бечора жуда қийналиб кетди, бу гал атай йиқилиб берсам қандай бўларкан, а? Афсуски, қуйидаги сабабларга бунинг ҳеч иложи йўқ: Салабек ўта зийрак, рақибининг ўзига атай ён босганини дарров сезади, бу – бир, иккинчидан эса, йигитга ҳарчанд қайишишга уринмасин, ботинидаги девкор руҳ бунга асло изн бермайди – рақибига қўл чўзмасидан бурунроқ, ичидаги "дев" яшин тезлигида уйғониб, зумда Хуррам қотманинг бор инон-ихтиёрини ўз измига бўйсундиради ва оқибат, у бутунлай ўзга бир одамга айланади-қўяди.

У эсини танибдики, "дев" унга йўлдош.

Айниқса, ким биландир беллашганда ёхуд Ғани қора каби кимсаларга тўқнаш келганда, ботинидаги "дев" ўзида йўқ ошқинлайди. Шу боисдан, Хуррам қотма ҳамиша тинчлик йўлини тутиб, имкони борича биров билан чап бўлмасликка тиришади. Бироқ одамларнинг ўзи қизиқ – жиғига тегиб, тинч юрмоғига сира қўйишмайди. Шунинг учун у жанжал пайтларида Яратгандан яккаш бир нарсани сўрайди: "Майли, сўксин, майли, дўқ қилсин, фақат зинҳор-базинҳор менга қўл кўтара кўрмасин!" Минг афсуски, аксарият кимсалар андишани қўрқоқликка йўйиб, сўнг таъзирини еб қолишади.

Ботинидаги "дев" ҳақида отаси шундай гурунг бергич эди: "Сенда, улим, бовонгни руҳи бор. Раҳматли шу қадар қорувли, шу қадар бақувват эдики, товдан ўтин кўтариб қайтаётганида, овулдаги айрим қитмир болалар секин ортидан келиб, елкасидаги тоғ баробар ўтин боғи устига чиқиб олса-да, миқ этмасди, ўзини сезмаганга оларди. Аммо-лекин ажинаси бир отланса борми, ҳеч кимни сийлаб-сийпалаб ўтирмасди. Бовонгни ўзи яхши одам эди, лекин ичидаги деви чатоқ эди. Ўзига тикланмиш одамга аввалига айтарди, ув-в, ичимдаги девни қўзғамай, қани, бир қорангни ўчир-чи, эмасам, ҳозир чатоғингни чиқараман, дерди. Их-ҳи, бовонг бир қаҳр отига минмасин эди, мингудек бўлса, манаман деган зўрлар ҳам ин-инига уриб кетарди..." У отасининг шу хилдаги гурунглари таъсирида, умрида кўрмаган ва ҳатто номига бўлса-да, бир парча сурати сақлаб қолинмаган Оллоназар бобосини ҳалигача "дев" ўрнида тасаввур этиб келади. Бироқ "дев" дегани суратда эмас, ўзидан қиёс қилган ҳолда, сийратда – киши руҳиятида мавжудлигини билса-да, аммо, шунга қарамай, бунинг асл моҳиятини ҳозиргача тўла англаб етолмаган. Хўш, ўзи учун ҳануз жумбоқ бўлиб келаётган бу сир-синоатни ўзгаларга қандай қилиб англатиши мумкин? Аслида, ўзим яхши одамман-у, лекин шу ичим жуда хавфли-да, десинми?

Дарвоқе, буни англатиш шартмикан?

Англатган тақдирида ҳам, масалан, манави Салабекка ўхшаганлар буни идрок эта олармикан? Йўқ, икки дунёда ҳам идрок эта олмайди, қайтага ичдан эрмаклаб, сиртдан шунчаки мийиғида кулиб қўя қолади. Худди ўзи давраларда ернинг чангини чиқариб, ўлар-тириларига қарамай олишаётган полвонларга нисбатан жўшадиган

тийиқсиз қийқириқ – оломон жазавасини ҳеч ҳазм қила олмаганидек, қандайдир девкор руҳ ҳақидаги гап-сўзларини ҳам ўзгалар англай билмайди! Ахир яқиндагина бақироқ мухлисларни назарда тутиб, бу одамзод дегани жуда қизиқ махлуқот – жазавага тушган кезлари ақл-идрокли мавжудотдан кўра, олис ўтмиш яшаб ўтган ёввойи қавмларга жуда ўхшаб кетади-я, деган фикри даврадошлари томонидан жиддий қораланган эди-ку. Назар бахши эса "жазава"ни "завқ"қа йўйиб, кичкина бир терма ҳам тўқиганди. Хуррам қотмани доимо таажжубга солиб келадиган яна бир ҳол, ғолиб бўлмоқ умидида жон-жаҳди билан курашаётган йигитларнинг ушбу лаҳзада чекаётган руҳий ва жисмоний азоблари билан кишиларнинг зиғирча иши йўқ, барча завқ-шавқ билан кураш натижасини кутади, сўнг эса бақир-чақир қилиб, ғолибни қутлаган, ўзларича уни таъриф-тавсиф этган бўлишади-да, бир кун келиб, ўша ғолиб мағлубга айланса ёхуд дунёдан кўз юмса, зумда уни унутишади.

Бу ҳолатни отаси Нормўмин гунг тақдирида ҳам кўрган.

Отаси худди аждодлари каби туғма полвон эса-да, негадир курашли давралардан нарироқ юришга уринарди. Бироқ унинг ўзига хос бу феъли билан кишиларнинг бир чақалик иши йўқ, айниқса, элнинг ишонган йигитлари ўзга ерлик бирор полвонга ғалабани бой бериб қўйгудек бўлишса, юрт оғаларининг пайтавасига қурт тушиб, даштдаги катта-кичик овул аҳлига қон-қардошлик жиҳатидан яқин ҳисобланмиш Нормўмин гунгнинг олдига дарров бош уриб келишарди, қўллаб юбормасангиз, номусдан ўламиз, уятдан ерга кирамиз, оғажон, дея туриб олишарди. Нормўмин гунг, элчилик, улар юзидан ўтолмай, ноилож курашга розилик билдиради. Бироқ унинг бу қадар ройишлиги ўзи тетик, тили заҳардек аччиқ энаси – Офтоб момога сира хуш келмас ва бобиллаб дерди:

– Зўрни мен туғмай ўлайин-а! Зўрни туғмай менгина ўлайин-а! Уриштириладиган итдай бўп тағин кетаяпсанми, а?!

Бундай пайтда юрт оғалари ҳадаҳа орага тушади:

– Ундай деманг, моможон, ундай деманг! – дейди бири. – Бу одам бизнинг оримиз ва ғуруримиз!

– Ҳа-ҳа! – дейди бошқа бири дарров отини қамчилаб. – Бу киши бизнинг фахримиз ва ифтихоримиз!

Бироқ бу каби баландпарвоз гаплар билан Офтоб момони юмшатиш осон эмас ва табиий, жавобиям шунга яраша бўлади. Баъзида бунга ҳам қаноат этмай, киши кўзи деб турмай, қўлидаги хивич билан алп ўғилнинг кенг яғринига чирсиллатиб тушириб ҳам қолади. Нормўмин гунг оғриган жойини бепарво силаб-сийпалаб, бепарво ишшайганча: "Ҳай, нимаям дердик, зўрликда барибир энага тенг келиб бўлмайди-да", – дея кайвонилар олдига тушади. Ким ва қанақа полвон, сўраб ҳам ўтирмайди. Буни қарангки, тақдир экан, шундай алп одамнинг умри оддийгина кўричакдан поёнига етди. Ўлди-ю, ҳамманинг эсидан чиқди-кетди. Тириклигида пойига бош уриб келганлар унинг эшигини тамомила унутишди. Ушбу воқеалар туфайлими, ё қондан ўтганми, Хуррам қотма ҳам курашли давраларни унчалик хушламайди. Айниқса, мижжалари намланиб, эгик бош билан даврани тарк этаётган йигитларни кўрганда, ёмон ғаши келади. Ув-в, йиқилганни ер кўтарар, нечун энанг ўлгандай бунча кўзингни намлайсан, дегиси келади. Аммо демайди, одам боласига гап уқтириш ўлимдан қийинлигини аллақачон фаҳмлаб етган. Бироқ шунга қарамай, гоҳида тили қичиб, беихтиёр насиҳат қилганини ўзи ҳам билмай қолади. Масалан, ўтган сафар ғолиблик умидида келиб, санокли сонияда мағлубга айланган Салабекка ичи ачиб деганди:

– Ув-в, иним, рақибни эмас, аввало ўзни енгмоқни ўрганинг! Агар ўзни енгмоққа

чоғингиз етганида эди, ҳозир буйтиблар эзилиб ўтирмасдингиз! Барига осонгина қўл силтаб кета олардингиз!

– Ўзни енгмоқ нелигини билмадим-у, – деган Салабек алами зўрлигидан қизариб-бўзариб. – Лекин сизни енгмасдан қўймайман!

– Ҳа-а, унда ҳали жудаям ожиз экансиз! – деган Хуррам қотма таассуф-ла бош чайқаб.

– Ким ожизлигини янаги сафар кўрамиз! – деган Салабек ўсмир йигитчалардай тўрсиллаб.

Хуррам қотма қарасаки, ўзи боғдан келса, у тоғдан келмоқда. Шунинг учун, одатига кўра, сукутни абзал билган. Йигитнинг кетаётиб, "ҳали яна кўришамиз", дея қилган иддаосига жавобан, "насиб этса", дея бош ирғаб қўя қолган. Кейин тақир ерга ёнбошлаб, Ғайратнинг шу борадаги насиҳатларини эслаб кетган.

Аслида, бу насиҳатдан кўра, паришонхотир одамнинг узуқ-юлуқ гап-сўзларига ўхшаб кетарди. Эсида, ўзича адолат учун курашиб, одатдагидек, тузук вагонга эга чиққан кўшни жамоадаги икки суллоҳ йигитнинг танобини тортиб қўйганида, унинг бу шижоатига ўз жамоа аъзолари орасидан биргина Ғайрат ошкора истеҳзо билан қараган, вагон бўшаш олдидан эса, шпаллар орасида сочилиб ётган майда-чуйда тахта бўлакларини тергилаб, кружка ва қуруқ чой солинган жигарранг сумкасини қўлтиғига қисганича, тепловоз кириб-чиқадиган асосий дарвоза томон йўналаркан, бу ёққа юр-чи, дея боши билан секин имо қилган.

Хуррам қотма жамоага яқинда келган бу одамни ҳали тўла билмас, шу боис, нима демоқчи бу, тағин анавиларга оғайни-поғайни эмасмикан, деган гумонга борган. Бирор муддатдан сўнг ўша гумон йўриғига бўйсуниб, изидан юрган ва уни дарвозанинг ўнг биқинидаги чоққина сайҳонликдан, эски шпаллар тахлами ортидан топган. Ғайрат эндигина темир кружка тагига ўт ёққан экан, мана келдим, дея ўзидан белги берса-да, худди аралагандай тўмтайиб ўтираверган. Хуррам қотма, оббо, бу чинданам хафа бўлганга ўхшайди, деган ўйга боради ва ўртадан совуқликни аритиш учун ўзича ҳазил қилган бўлади:

– Маза қип чой ичарканмиз-да, а?..

Аммо Ғайрат чурқ этмай, чўпларни майдалашда давом этади. Хуррам қотма унинг бўйни ва сўл билагидаги хунук чандиқларга илк бор қизиқиш-ла разм соларкан, бояги йигитларни назарда тутиб, дейди:

– Мабодо, ановулар сизга оғайни эмасмиди?

Ғайрат, бу гапни қайси гўрдан топдинг, деган маънода ўқрайиб бир қараб қўяди-ю, тағин ўз ишида давом этади. Шундан сўнг Хуррам қотма тирғалишни бас қилиб, ўмганини шпаллар тахламига берганча, темирйўл ёқалаб чўзилиб кетган йўлакдан ўтиб-қайтаётган яккам-дуккам йўловчиларни кузатмоққа тушади. Кўҳликкина талаба қиз туфайли, бу йўлак ҳамиша кўзига оловдек кўринарди. Унинг хаёли эндигина қизга оққанда, кутилмаганда қуйидаги гап қулоғига чалинади.

– Ўзингча, сен зўр бўлиб қолдинг-да, а?!

Хуррам қотма секин ёнга ўгирилиб, кафтидаги қуруқ чойни идишга солаётган Ғайрат томонга юзланади.

– Йўғи-ий, бу хаёлимга ҳам келгани йўқ!

Шу билан гап тугайди.

Бу орада тепловоз бўшатилган вагонни омбордан олиб чиқиб кетади.

Ғайрат эса ўша-ўша ҳануз сукутда эди.

Хуррам қотма тағин ўткинчиларга алаҳсийди. Негаки, навбатдаги юкли вагондан ҳалича дарак йўқ – вақти бемалол эди.

У чоққина сумка кўтариб келаётган ўрта яшар бир аёлни кўҳликкина талаба қизга ўхшатиб, онаси эмасмикан, дея эндигина тусмолланаётган ҳам эдики, бирдан Ғайрат яна тилга киради.

– Шуни унутма, иккита аҳмоқни тузлаганинг билан сен "зўр" бўп қолмайсан!

Бу хил суҳбат тарзидан Хуррам қотманинг энсаси қотади.

– Унда "зўр" қанақа бўлади, ака? – дейди.

Ғайрат идишдаги "чой"дан бир ҳўплаб, аста бош кўтаради. Қошидаги йигитнинг саркаштоб турганини кўргач, кулранг тусдаги кўзларига қаҳр иниб, дилидаги борини нигоҳига жамлаб, унга жуда қаттиқ қараш қилади: "Бу феълинг билан сен бола ҳаётда муҳим нарсаларни бой бериб қўйишинг мумкин! Мана, битта "зўр" мен эдим. Хўш, оқибати нима бўлди? Умримнинг олтинга тенг, бебаҳо дамларини темир панжара ортида ўтказдим... Аввалига муҳаббатимдан, сўнг эса оламга сиғмас орзу-ҳавасларимдан мосуво бўлдим... Эндиликда, менда на ҳавас бор, на қизиқиш. Тирик мурдадан фарқим йўқ! Билсанг, бунинг олдида ўлим ҳеч нарса эмас! Турма нима, озодлик нима – менга барибир! Ҳозир озод эсам-да, негадир турма ҳаётини дам-бадам қўмсаб тураман. Бу разил "соғинч" башарамда қўланкаланиб турганини бир сен сезмайсан, чунки ҳаддан зиёд беғуборсан! Аммо ўзим кабилар буни етмиш етти одим наридан пайқашади ва ҳайиқишади! Чунки мен сингарилар учун икки дунё бир қадамлигини улар яхши билишади. Ахир қўлини ювиб, қўлтиғига урган одамдан бундан бўлак яна ниманиям кутиш мумкин! Чунки бизда, шахсан, менда йўқотадиган нарсанинг ўзи йўқ! Сенда эса бари бор – орзуларинг, муҳаббатинг... ҳамма-ҳаммаси ҳали олдинда! Бугун, тўғриси, бошда сенга жиндек қойил қолгандай бўлдим. Аммо қаҳр измига бўйсуниб, қўлга мисранг тутганингда, ёшлигим эсимга тушиб, сендан бирдан кўнглим қолди! Бугун сен кимлар учундир қаҳрамонсан. Агар эсинг бўлса, зинҳор уларга ишонма, олқиш-мақтовларига учма! Негаки, барча шўришлар ўша мақтовлар ортида пинҳон ётади. Шунинг учун рақибдан кўра, аввало ўзингни енгишни ўрган! Ана шунда, сен чиндан-да "зўр" бўласан! Шусиз ҳам бугун ўзингга зўр душман орттириб олдинг! Мен бу маҳалла касларини жуда яхши биламан, энди тинчингга қўйишмайди. Агар ёнингда сояланиб турмасам, сени бир балога гирифтор қилишлари тайин! Қисқаси, сен "зўр" эмас, ғирт "ғўр"сан!"

Бу қаҳрли қараш замирида ўзига нисбатан меҳр ва хайрихоҳлик балқиб турганини бутун вужуди билан ҳис қилган Хуррам қотма ўзининг бояги чарс муомаласидан хижолат тортиб, ерга боқди. Шунда Ғайрат муҳим бир сирдан огоҳ этаётгандек, аста дейди:

– Одамнинг зўри ўзни енга билгани бўлади!

Бу гапдан Хуррам қотма сергак тортади.

Таниш ибора!

Аввал ҳам бу гапни қаердадир эшитганди. У манглайи тиришиб, зўр бериб ўйламоққа тушади. Шунда унинг кўз ўнгида овули ёнидаги кичик дўнгликда суҳбатлашиб ўтирган чоллар тўдаси гавдаланади. Чамаси, гурунг Оллоназар бобоси ва унинг ўзига хос феъл-хўйи ҳақида борарди. Суҳбат асносида қуйидаги гап аста қанот қоқади: "Ҳа-а, ўзимни енгмоққа кучим етди-ю, аммо ичимдаги девни даф этмоқ қўлимдан келмади дея, ўтди-кетди, раҳматли..." Ўшанда бу гапни ўтирган чоллардан қайси бири айтди, буни у аниқ эслаёлмайди.

Бу орада муюлишда юкли вагон тиркалган тепловоз пайдо бўлади.

Ғайрат, бу гапнинг мағзини сўнг-сўнг ўзинг чақиб олаверасан, дегандай яна бир қараб қўяди-да, аста идишга лаб чўзади.

Кейин-кейин Хуррам қотманинг "чаққани" шу бўлдики, инсон учун ўзгадан кўра, ўзини енга билиш ғоятда мушкул экан, кимдир нафс, кимдир ҳавас, кимлардир эса жаҳл ва жаҳолат қули бўлиб, ўз тақдирини ўзлари чигаллаштириб юраверар-каркан. "Бири, мана, мен! – деган Ғайрат қуёшли кунлардан бирида бўшлиққа маъюс тикилиб. – Бунда мен бировларни эмас, фақат ўзимни айблайман!"

Хуррам қотманинг назарида, яна бири Салабек эди.

Шўрлик, иззат-нафс дея, мана, бир йилки алам ўтида қовурилиб келади.

Шунчаки келмайди – тинимсиз машқлар қилиб, билакларини кучга тўлдириб келади.

Қайта ранг очмоқ учун рақибини мағлуб этмоқ умидида келади.

* * *

Тушлик вақти яқинлашиб қолгани ҳамда секин-аста чойнинг хумори тута бошлагани боис, Хуррам қотма бу гал "ҳим-м, тағинми", дейишга ошиқмади. У уфқ сарҳадида тўплана бошлаган кулранг булутлардан кўз узиб, кейин худди мушкул бир иш қаршисида иложсиз туриб қолган кимсадай, дўнглик бетига ёйилган сурувга, тушовли эшагига, ҳануз Салабекка ёвқараш қилиб турган итларига, "меҳмон"нинг ҳайбатли мотоциклига тағин бир сидра назар ташлаб чиқди-да, сўнг тўсатдан қўлидаги заранг таёғини шартта белига тутиб, товони билан ер тепиниб, аскарчасига ўнг ёнига кескин қайрилди-да, нарида қуриб қорайиб кетган янтоқзор томон илдам юрди. Бориб нечундир янтоқлар орасига ташлаб қўйилган хуржунидан доимо ўзи билан олиб юрадиган чоққина қора қумғон солинган иркит халта ҳамда отасидан қолган ёдгорлик – сиртига ғоят усталик билан қалин мато сирилган сув тўла кўзачани олиб, ундан қумғонга қулқуллатиб сув қуяркан, гўё Салабек ўзи билан беллашгани эмас, шунчаки бирровга чойлашгани келгандай, хушхол оҳангда деди:

– Келинг, аввалига бир чойлашиб олайлик, полвон!

У йигитнинг тўнғир-тўнғир эътирозларига заррача аҳамият бермай, жимгина ўз ишида давом этди: бошда у ер-бу ерда сочилиб ётган тошлардан тезгина тошўчоқ тиклаб, унга сув тўла қумғонни жойлаштирди-да, қуриган янтоқларни этиги билан босиб, янчиб, зичлаб ўчоққа тиқди, сўнг қўйин чўнтагидан бир парча қоғоз ва гугурт олиб, ўт ёқди. Кўкламнинг илиқ-иссиқ кунида бунга ҳожат бўлмаса-да, ўрганиш эмасми, кафтларини оловга тутди.

– Даштнинг чойи барибир бўлакча-да!.. – деди кейин, одатдагидек, завқи тошиб, бармоқлари орасидан Салабекка боқаркан, тутундан кўзларини қисиб.

– Шу-у... – деди Салабек мотоцикл белида дўмпайиб турган чоғроқ тароқи хуржунга маънодор қараб қўяркан. – Чойга сал кейинроқ ўтирсак бўларди-да...

– Йўқ, чойни вақтида ичган маъқул, – деди Хуррам қотма жиддий тортиб. – Эмасам, хумори тарқаб, кейин одам маза қилмайди.

– Тўғри-куя, аммо кўнгил андак дилгиртоб, чой сиғмайди-да, ака...

– Агар кўнгилни кенг қилсангиз, бутун олам сиғиб кетади, иним!

– Шунга ҳаракат қилаяпман...

– Яхшиси, аввал кўнгилни чой билан хушлаб олинг, – деди Хуррам қотма кулимсираб. – Сўнг даштни тўзғитиб, кечгача бемалол олишаверамиз. Менимча, бу дафъа сиз ютсангиз керак-ов...

– Нега унақа дейсиз? – Салабек ҳушёр тортди.

– Негадир кўнглим шундай деяпти-да...

– Йўқ, менга ён босишни сира хаёлингизга келтира кўрманг! – деди Салабек унинг шаъмасини тезда англаб. – Ҳар галгидек ҳалол курашамиз! Акс ҳолда, бир умр кўнгилда ғубор қолади!

– Ҳай, сиз нима десангиз, шу-да.

– Шундай бўлсин, ака!

Хуррам қотма ўчоқдаги оловга алаҳсийди. Ора-сира сурув томонга кўз ташлаб қўйишни ҳам канда қилмайди.

Тушликка тараддуд кўрилаётганини сезган итлар тезда ювош тортиб, емак илинжида дум силкиб, ўчоққа яқинроқ ерга келиб чўзилишди.

Кутмоқдан бўлак иложи қолмаган Салабек улови томон юрди.

У улови ёнида бир зум хаёлланиб турди-да, сўнг ошиқмай эгнидаги қорамтир чарм курткани ечиб, мотоцикл рулининг ўнг тутқичига осди, шу орада кўзи куртканинг ёқасидаги қизғиш доққа тушиб қолиб, чўнтагидан дастрўмолчасини олди ва уни ҳафсала билан тозалашга киришди. Кейин эса, қўллари белда, гўё кўкиш спорт кийими сириб турган келишган қоматини кўз-кўз қилгандай, кунботишга тикилиб, серрайганча туриб қолди. Шу зайлда бир неча муддат тургач, сўнг майсалар қалинроқ жойни танлаб, аввал чўкди, кейин аста ёнбошлади.

У ёнбош тушиб ётган жойидан, худди рақибини эндигина кўраётгандек ёхуд ўзини олис бу даштга ундаган сабабнинг туб моҳиятини чуқур идрок этмоқчидек, ўчоқ бошида оловга ўйчан термилиб ўтирган Хуррам қотмани бошдан-оёқ зимдан кузатмоққа тушаркан, илк беллашувда юзидан нимтабассум аримайдиган бу кимсани енгил бир силтов билан ярим чақирим нарига улоқтириб юборишга ўзини қодир сезгани ва ўшанда туси униққан кенг чопон қатига яширинган бу қотма жуссада беқиёс куч мавжудлигини ҳатто хаёлига келтирмагани, оқибат, бошда ўзига тенгситгиси келмаган бу вужуд тошдек қаттиқ мушаклардан иборатлигини тўла идрок этишга улгуриб-улгурмай, зумда оёғи осмондан келиб тушганини таассуф билан эслади ва хижолатдан кураги ости терлаганини ҳис этди.

Салабекни доимо таажжубга соладиган яна бир ҳолат – кураш олдидан Хуррам қотма ҳеч қачон ортиқча тараддудланмайди, қаршисида тирик жон, боз устига, кучли рақиб эмас, гўё четга олиб ёки суриб қўйилиши лозим бўлган бирор-бир оғир буюм тургандек дастлаб ўзини ғоятда хотиржам тутади. Бироқ билагидан тутишинг биланоқ бирдан авзойи ўзгаради: аввалига нимяшил ранг қоришиқ жигарранг кўзлари худди қоплоннинг кўзларидек чўғланади, кейин йўғон бармоқларини гоҳ ёйиб, гоҳ тугуб, тик гавдасини хиёл олдинга эгади-да, яшил тезлигида бирдан олға ташланади. Бундай пайтда Салабек одам боласи билан эмас, қандайдир номсиз бир махлуқ ила беллашаётгандек ҳис этади ўзини.

Қани энди бу "махлуқ"ни тезроққина мағлуб этиб, ўз виждони ва ори олдидаги шаънини қайта тиклаб олса!

Афсуски...

Айниқса, у ўтган кўкламдаги илк беллашувни ҳеч унута олмайди ва бундан кейин ҳам унута олмаса керак. Ўша учрашув ҳар эсига тушганида, манглайи терчиб, уят ва номусдан мисли ўтдек тутаб, ёна бошлайди. Шунда бошини челакдаги муздек сувга тиқиб, барини унутмоқ истайди. Аммо хотира дегани ёвдан ёмон – эшикдан қувсанг, тешикдан кириб, жисми-жонингга азоб беришда давом этаверади. Ўша куни Хуррам қотмани бир силтовдаёқ ернинг кўзига ёпиб, ўзича тантана қилмоқчи эди. Бироқ ҳеч кутилмаганда вазият бутунлай тескари тус олиб, бир сонияда унинг ўзи ерпарчин бўлди. У кўм-кўк майсалар устида чалқанча тушиб ётаркан, кўкдаги бир парча оппоқ булутга ҳайрат ва алам билан боққанча, беихтиёр ичдан нола тортган: "Э, Худо, бу не ҳол, не кўргилик! Эл орасида қандай бош кўтариб юраман энди?!"

Ҳолбуки, ўшанда тўкилган обрўйи хусусида ташвиш тортмоғига ҳеч бир асос йўқ – овлоқ даштнинг овлоқ пучмоғида уюштирилган бу курашда ким йиқилди-ю,

ким йиқитди – четдан бирор кўз кўргани йўқ эди. Мабодо, алам устида, ўзи оғзидан гуллаб қўймаса, Хуррам қотма бу ҳақда бировга чурқ этмаслиги аниқ эди, ахир у бошданоқ бежиз огоҳлантирмади, қўл синса, енг ичида, деб. Табиий, дастлаб Салабек, хом сут ичган банда-да, бу гапни ўзича тушунган, сиздан йиқилганимни ҳаммага овоза қилиб юрманг тағин деяпти, деган ўйга борган. Кейин билсаки, рақибининг феъли шу экан. Бу феълли одамлар, одатда, ғалабадан ортиқ даражада қувонмаганидек, мағлубиятдан ҳам у қадар азият чекмайди, ҳай-й, йиқилганни ер кўтарар, дея бепарво қўл силтаб кетаверадилар.

Ўша куни шуниси қизиқ бўлдики, теваракда бирон кимса бўлмагани учунми, ё буни сира кутмагани боисми, Салабек чўзилиб ётган жойидан дарров сачраб турмади. Аксинча, худди ноҳақликка дуч келган аламзада одамдай, янада аниқроғи, акаси томонидан атай чалиб йиқитилган боладай, аразли бир қиёфада кўкка термилиб ётаверди. Арази – зоҳиран, ботинан – ич-ичидан қиринди ўтиб, яккаш шуни ўйларди: давраларда не бир азамат йигитларнинг курагини ерга тегизиб, туманда ном қозонган полвонлар қаторидан ўрин олган бир пайтда, келиб-келиб даштдаги бир чувринди чўпондан йиқилиб ўтирса-я!

Нима деган гап бу!

Азбаройи алами зўрлигидан ётган жойида жимгина ўлиб қўя қолгиси келди. Қани энди, кўзларини астагина юмса-ю, қайтиб очмаса, шу созда мангу уйқуга кетса. Аксига олиб, тириклик деб аталмиш борлиқ тинчгина ўлмоғига изн берай демасди. Эмасам, қанотлари кўкиш-кулранг митти капалак, худди бўлак жой қуриб қолгандай, келиб-келиб унинг нақ бурни учига қўнардими. Бу камдек, инига йиқилган шекилли, енгидан кирган чумолилар, эгнидан ўрмалаб чиқмоқда эди. Салдан кейин эса, сўл ёнида дала сичқони чийиллаб, ўнг ёнидан майсалар оралаб шитоб-ла сирпанаётган илоннинг эласгина шовури қулоғига чалинди. Буни қарангки, бандаси ўлмоқни ҳарчанд истамасин, онг-шуури барибир тийраклигича қолаверяркан, натижада, тағин заҳарли илон бўлмасин, деган ҳадикда илкис қаддини тиклаганини ўзи ҳам сезмай қолди. Ҳайтовур, заҳарли дегани беозоргина сариқ илон экан, зумда ўтлар орасида кўздан ғойиб бўлди.

Қачонки, нигоҳи қаватидаги чумоли инига тушгач, мағлуб бўлганига гўё ушбу митти жониворлар айбдордек, тўнғиллаб сўкина-сўкина, энгил-бошини қоқа-суқа, кети билан индан нари силжиди ва ўтирган еридан қизғиш белбоғини майсалар устига ёзиб, "меҳмон" ҳурматига дастурхон тузашга киришган Хуррам қотмага ўқрайиб боқди. У яхна эт ва дудланган колбасани пичоқда кесиб, сингиб пишган патирлардан бири устига дид ва ҳафсала билан термоқда эди. Даштда тансиқ таом ҳисобланмиш бу емакларни бугунги беллашув якунида, яъни енгилиши тайин бўлган Хуррам қотмани сийлаш, янада аниқроғи, енгилгина бир ҳамласига бардош беролмай, оёғи остига гурсиллаб тушган фақир бир бечоранинг кўнглини овлаш ниятида Салабек ўзи билан олиб келганди. Мана энди, ўша емаклар билан Хуррам қотма унинг ўзини меҳмон қилмоқчи. Ана, аллақачон қумғон тагига ўт ёқишга ҳам улгурибди!

Салабек аламдан ўртаниб, унинг хатти-ҳаракатларидан мағрурлик ва масрурлик аломатларини қидира бошлади. Қизиқ, салгина бурун кимсасиз бу даштда фавқулодда воқеа – ўзи томонидан элнинг олди полвонларидан бири мағлуб этилмаганидек ва бу ёруғ оламда меҳмон учун дастурхон тузашдан кўра муҳимроқ иши йўқдек, Хуррам қотманинг бор диққат-эътибори ушбу юмушга қаратилганди. Агар унинг ўрнида ўзга биров бўлганида борми, кимсан, Салабекдай зўрнинг оёғини осмондан келтириб ерга урганидан боши кўкка етган, истаса-истамаса, ғалаба нашидаси барча ҳаракатларида ошкора акс этган бўларди.

Бу эса...

Бироқ бундан Салабекнинг кўнгли зиғирча таскин топмади, қайтамга, бугунги аламли ҳодисанинг юз бермоғига минг бир бора ўзи сабабчи эса-да – аммо одамзодга хос қусур – бу кўргиликда Назар бахшини асосий айбдор санаб, ўтирган ерида унинг гўрига ғишт қаламоққа киришди. Ахир ўша-да, ичига олов ёққан! Акс ҳолда, узоқ даштда ўз майлида тинчгина ғимирлаб юрган Хуррам қотма отлиқ чўпон билан нима иши бор эди унинг.

Табиий, бу ички янишларидан ўша кунги зиёфатга Назар бахшини атай таклиф этган жўраларидан бири ҳам четда қолмади. Кейин бундай қарасаки, юрагининг ҳовури ҳали-бери босиладиган эмас, шунда у мулла Алининг тўйидаги катта курашда боштовоқнинг қўлга киритгани шарафига ушбу зиёфатни уюштиришга ундаган хира ва хўра улфатларини ҳамда улар томонидан ўз шаънига нисбатан айтилган мақтов ва олқишлардан ортиқ даражада ҳаволаниб, полвонларга хос бўлмаган қилиқ қилгани учун ўзини ҳам аямай сўкишга тушди. Сўкканда ҳам майсаларни чангаллаб-чангаллаб, уларни юлиб-юлқилаб, эгнида ўрмалаб юрган яккам-дуккам чумолиларни қўшиб-қўшиб сўкди.

Аслида, яқин улфатлари даврасида тантиқланиб, оғзига келганини валдираш Салабек учун оддий ва одатий ҳол эди.

Биров мушугини "пишт" демасди.

Қайтамга, билиб-билмай, қўлтиғига сув пуркашарди.

Бироқ бу дафъа кутилмаган ҳол юз беради.

Тўрда азиз меҳмон сифатида савлат тўкиб ўтирган Назар бахши, сал оғирроқ бўлинг, полвон, дея тўсатдан унга танбеҳ бериб қолди.

Бу гап давранинг эркатойи бўлмиш Салабекка айилдек ботди. У, бахши бўлсанг ўзингга, келдингми, энди жойингда теккина ўтир, деган маънода унга ўкрайиб боқаркан, сўнг улфатларига юзланиб, атай бояги гапини такрор айтди:

– Гап шу, манаман деган зўрингни, агар боши билан осмонни тираб турмаган бўлса, зумда чалпак қиламан!

– Балли! – деди ширакайф давра аҳли.

Бундан Салабек баттар авжланди:

– Керак бўлса, оёғим остига ташлаб, пойу пояндоз қиламан!

Салабекнинг бу аҳмоқона чиранишлари нозиктаъб Назар бахшининг кўнглига оғир ботди. Бахши сифатида ўзига хос нуфузга эгалиги боис, у бор давраларда бу хил бачкана гаплар оғизга олинмас, иккинчидан эса, салгина бурун диёнат ва камтарлик тўғрисида ажойиб бир терма ижро этган бўлиб, энди навбатдагисига ҳозирлик кўраётган эди. Қарасаки, айтган пурмаъно ўгитлари, худди тошга сепилган сувдек, давра аҳлига, айниқса, ўнгу сўлига қарамай "шаталоқ" отаётган Салабекка тариқча кор қилмабди. Бу камдек, ярамас, на каттани, на кичикни иззат қилишни биларкан! Тағин, сен ўзи кимсан, дегандай ўкрайиб-ўкрайиб қарашига бало борми! Ахир ҳеч замонда уйдаги меҳмонга, боз устига, ўзидек катта бир бахшига бу қадар беҳурмат муносабатда бўлиш мумкинми? Ундан кўра, уйимдан йўқол, дегани тузук эмасми? Йўқ, бу йигитнинг попугини пасайтириб, ўпкасини босиб қўймаса бўлмайди!

Бироқ қандай қилиб?

Назар бахши қаватидаги созини қўлига олган ерида тағин ўйланиб қолди, йўқ, бу кабиларга бахшиёна ўгитлар ҳайф, тун қаърига отилган тошдек, айтган сўзлари бесамар кетади. Бунақалар, одатда, кучга ва зўрга бўйсунади.

Аммо қани ўша адолатли куч?

"Зўр"-чи?

Бу орада Салабек яқинда ўзи томонидан мағлуб этилган қандайдир полвонни ку-

раш пайтидаги қилиқларини айтиб, давра аҳлини кулдирмоққа тушганди. Назар бахши, хаёл билан бўлиб, бошда эътибор бермади, қачонки, гап ўз овулидаги полвон йигитлардан бири ҳақида кетаётганини сезгач, бирдан ори қўзиди, қўзиганда ҳам жуда ёмон қўзиди. Шунда умрида биринчи бор жисмоний жиҳатдан заифлиги-ю, кураш тушмоққа чоғи етмаслигидан жуда қаттиқ ўкинди. Қани энди, шу тобда мўъжиза юз бериб, билаклари кучга тўлса-ю, манови мақтанчоқ хўрознинг битталаб патини юлса!

О-о, тозагина зўр иш бўларди-да ўзиям!

У дўмбира бандини асабий ҳолатда сиқиб, сиқимлаб, шу ўй-хаёллар оғушида сассиз гувраниб ўтираркан, кутилмаганда эсига Хуррам қотма тушиб қолди-да, тунд афти аввал ёришиб, сўнг мисли гулдай яшнаб кетди. Ҳануз олди-ортига қарамай, "шаталоқ" отаётган Салабек деганлари эса кўзига мисоли увоқдек кўриниб кетди.

– Ув-в, полвон! – деди у ўзини бағоят қудратли ҳис этиб. – Сиз бир нарсани ҳеч унутманг! Агар билсангиз, бу дунёда ким кўп, зўр кўп, тағин зўрни зўрига учраб, эрта бир кун уялиб қолманг! Шунинг учун сал камтар бўлинг!

– "Зўр" деганда, мабодо, бировни назарда тутмаяпсизми, бахши? – дея сўради Салабек "шаталоқ" отишдан бирдам тийилиб.

– Албатта! – деди бахши қўлидаги созини виқор-ла тиринглатиб.

– Ишқилиб, ўша "зўр" биз ҳозир ғийбатини қилган анови Носир полвон эмасми? – дея Салабек нописанд ишшайди.

– Йўқ, мен бошқа бир "зўр"ни назарда тутаяпман!

– Мабодо, Алпомишни назарда тутмаяпсизми? – Салабек хохолаб кулиб юборди. – Балки Гўрўғлидир, а?

Бу сафар Назар бахши атай жавобга ошиқмади, тағин қўлидаги созини чертган киши бўлди-да, сўнг гўё ортида кимсан – Алпомишнинг ўзи савлат тўкиб тургандай, танбеҳ оҳангида деди:

– Ҳар ҳолда биз меҳмон, сиз мезбон дегандай... шу-у, андаккина ҳаддингиздан ошмаяпсизми, полвон?

– Узр, бахши, – Салабек дарров ҳушёр тортди, сўнг ичи пишгандай пишиб, деди: – Агар сир бўлмаса, ўша "зўр" ким? Мен уни танийманми?

– Йўқ, сиз уни танимайсиз.

– Танишмоқнинг иложи бордир?

– Албатта, нега йўқ бўларкан.

– Унда таништиринг!

– Бўпти!

– Иложи бўлса, шу бугуноқ!

– Бугун? – Назар бахши бошини сараклатди. – Бунинг иложи йўқ, сал олисда у.

– Ишқилиб, ойда эмасми? – деди Салабек даврада кулги қўзғаб.

– Йўқ, ерда... – деди Назар бахши кулгига эш бўлган бўлиб.

– Ерда бўлса, бас – танишамиз! – деди Салабек тағин жиддий тортиб. – Айтганча, индин Қўшқайрағочда тўй бор, курашли. Таклиф этинг! Шахсан ўзим чиқаман ўша "зўр"га! Чақиринг!

– Йўқ, у келмайди, – деди Назар бахши атайдан кишининг нафсониятига тегадиган бир оҳангда. – Керак бўлса, ўзингиз борасиз!

– Ия, бу ёғи жуда зўр бўлди-ку! – хайратдан Салабекнинг қошлари керилди.

– Ҳа-а! – деди Назар бахши, сен тирраки бузоқ унинг олдида ким бўпсан, деган тарзда. – У дуч келган билан олишавермайди!

– Вой-бўй-й! – Салабекнинг қаҳри қўзиб, лаб қимтиди. – Сабаб?

– У кишининг феъли ночор, давраларда кураш тушмайди, – деди Назар бахши

зимдан унинг авзойини кузатиб. – Аммо манаман деган зўрни бир лаҳзадаёқ тупроққа қориштириб ташлайди!

Бу гап Салабекнинг нақ ўрганини тешиб ўтди. У ғазабдан ўзини қўярга жой тополмай, ўтирган ерда бежо-бежо тебраниб турди-да, сўнг тишларини ғирчиллатиб, деди:

– Шу жумладан, сени ҳам демоқчисиз, шундайми?!

Назар бахши қомат кериб, оғиз тўлдириб, "эмасам-чи" демоқчи бўлди-ю, лекин меҳмонлигига бориб, андиша қилди. Ва қачонки, юқоридаги савол қайта такрорлангач, елка учириб, деди:

– Ҳалича бу гапни айтганим йўқ...

– Йўқ, айтиб бўлдингиз! – Салабек ўзига узатилган пиёлани нари суриб ва ҳар бир сўзни чертиб-черткилаб, деди: – Хўш, қачон учраштирасиз ўша "зўр" билан?

– Шартмикан?

– Энди шарт, жуда шарт!

– Овора бўлманг дейман-да.

– Бу ёғи билан ишингиз бўлмасин!

– Аммо аввалдан айтиб қўяй, шу дамгача у кишининг курагини ҳеч ким ер искатолмаган...

– Мана, биз искатамиз-да!

– Энди, огоҳлантириб қўйиш бурчим-да, – деди Назар бахши уни янада баттар оловлантириш ўйида. – Айтиб бўладими, тағин...

– Хўш, қачон?! – Салабекнинг чангалига тушиб қолган бўш пиёла қарсиллаб синди.

– Сиз қачон десангиз, бас, – деди охири ниятига етганини англаган Назар бахши бадбинлик билан. – Биз бошлаб бораверамиз.

– Эртага! – деди Салабек ҳеч бир эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда. – Бу кеч жўраникида тунаб қолинг! Эртан эрталаб йўлга чиқамиз! Қани, кўрамиз, ким кимни тупроққа қориштираркан!

Эртаси улар қўш мотоциклда Хуррам қотманинг сурувини қидириб, кенг адир бўйлаб кезинишаркан, қўй-қўзилар ёйилган сертиканак ёнбағирлик бағридан туртиб чиққан қоясимон дўнглик пойидан юқорига ўралаган тик сўқмоқ ёқасида қўлидаги таёғига ўмган тираб турган ва ҳалигина ўзлари томон шитоб-ла интилган сурув итларини қисқа бир ҳайқириқ билан жой-жойига "михлаган" кимсага бошда Салабек заррача эътибор бермади. Ахир бугун даштда бу каби чўпону чўлиқлардан неча бирига дуч келишмади, шулардан бири-да, деган ўйда эди. Қачонки, тиканаклар оралаб олдинда елиб бораётган Назар бахши тагидаги уловини бироз секинлатиб, ана шу киши, дея боши билан имо қилгандан кейингина диққат қилди ва азбароий ҳайрати тошганидан, улови тизгини – мотоцикл рулини қўлидан чиқариб юборишига бир бахя қолди. Боиси, у йўл бўйи эгнидаги туси униққан нимдош тўни барларини белига қистирган, бўйи ўртадан пастроқ қандайдир қотма кимсага эмас, даштда қомат кериб турган бир алпга рўбарў бўлмоқни тасаввур этиб келаётган эди-да. Шу сабаб, азбароий ҳайрати ошиб-тошганидан: "Ия, айтган "зўр"ингиз шу ўлимтикми ҳали!" – дея ҳайқириб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Бу хитоб ҳавога қалқиши билан сўқмоқ бўйида хушҳол кулимсираб турган кимсанинг ранг-туси кескин ўзгарди: аввалига, нима гап, дея анқайди, сўнг, ким бўлди экан бу, дея қизиқсиниб тикилди, кейин дарров жиддий тортди. Ва зумда бу жиддийлик қатидан табассумга ўхшаш нимадир юзага тепчиди. Бироқ бу табассум ғоятда хавфли – унда истаган онда алангаланиши мумкин бўлган тийиқсиз ғазаб учқунлаб, чирсиллаб турарди. Одатда, яккама-якка муштлашув олдидан ўзига нисбатан ишончи юксак бўлган рақиб қарши томонга худди шу хилдаги "табассум"

билан юзланади. Бироқ Салабек ҳануз таёқ суяниб турган кимсанинг бу "мийиқ ости" кулгисига парвоям қилмади. Ахир давра юзини кўра бошлаганидан бери, не бир "табассум"ларга дуч келмаган дейсиз. Тўғри, улар кучига инониб, мийиғида илжаярди. Аммо ит чайнаган ошиқдек мужрайиб турган манави нусха ким ва нимасига бунча ишонаяпти? Шошмай тур, ҳозир ерга чалпак қилмасамми сени!

Бироқ, бояги таҳқирли хитоб қулоғига чалинмагандай, улар Хуррам қотма томонидан илик-иссиқ қаршиланган, Салабекнинг оловли шашти кескин пасайиб, кечадан бери кўнглини алғов-далғов қилиб, тинчини бузиб келган ғазаб ва адоватнинг дами кесилгандай бўлди. У энди қошида, ўзи хаёл қилгандек, тирикчилик важидан чориғини судраб юрган оддий ва содда бир чўпонни эмас, қарашлари босиқ ва ақлли, ўз навбатида, айни шу босиқлиги замирида англарсиз қандайдир пинҳоний куч яширин, тийрак нигоҳли бир кимсани кўриб турарди. Ана, у одоб билан кўришиш-сўрашиш асносида, оний лаҳзада кўзлари оловланиб, Назар бахшига саволомуз кўз ташлади: "Бу тили бежо йигит ким ва нега уни бу ерга бошлаб келдингиз?" Назар бахши истеҳзоли илжайди: "Бу сизга талабгар бўлиб келди!" Хуррам қотма ҳайрон қаради: "Нечун?" Назар бахши бурун сийпалаб, англатди: "Кеча даврада ошқинлаб, ўзидан кетди! Яхшилаб курагини ерга ишқалаб қўясизми дея, бошлаб келавердим!" Хуррам қотма бош сараклатди: "Тўғри, ошқинлаш яхши эмас, аммо сиз ғирт ёш боланинг ишини қипсиз, бахши!" Назар бахши гуноҳкорона ерга тикилди: "Нима қилай, чидаёлмадим-да". Хуррам қотма мийиғида жилмайди: "Бу ўзимни чалпак қип кетса, нима бўлади?" Назар бахши ғамнок хўрсинди: "Нима бўларди, зўрингни ҳолини кўрдик, дея сўнг баттар ошқинлайди!" Хуррам қотма ўнг қош учирди: "Ҳа-а, энди бу жуда майдалик!" Назар бахши бош ирғаб, ошиғич тасдиқлади: "Ҳа, бу майдалик, чунки бунинг ўзи майда-да!" Хуррам қотма сезилар-сезилмас бош чайқаб, инкор этди: "Йўқ, бу майда эмас, анчагина ориятлига ўхшайди! Акс ҳолда, сизга эргашиб келмасди". Назар бахши қаватида, ҳода ютгандай, ғўдайиб турган Салабекка кўз қирида назар ташлаб, ошкора ғижинди: "Қанақа орият, ғирт ўпкаку бу!" Хуррам қотма, ияк қашлаб, эътироз билдирди: "Йўқ, ўпка эмас бу, шунчаки ғурурига ел тегмаган ҳали..." Назар бахши унга умидвор тикилди: "Ғурурини озгина елатиб, бироз эсини киритиб қўйсангиз яхши бўларди!" Хуррам қотма кулган бўлди: "Ундан кўра, биратўла синдириб бера қолай, а?" Назар бахши ошиғич бош ирғади: "Қани энди, биратўла синдириб берсангиз!" Хуррам қотма норози боқди: "Бу қадар бадгирлик яхши эмас, бахши!" Назар бахши манглай сийпаб, тағин ерга кўз тикади: "Айтдим-ку, кеча, тозаям алам ўтказди бу деб!" Хуррам қотма нигоҳида ҳайрат ифодаси зуҳурланди: "Сиз бу қадар кекчил эмасдингиз-ку, бахши?" Назар бахши томоқ қириб, муштумига йўталди: "Билмайсиз, яхшини ёмон қиладиган ҳар қилиқлари борки, одам чидаёлмайди! Ишонганим энди бир – сиз! Агар, йўқ, десангиз нимаям дердик, изимизга қум сепиб, қайтиб кетаверамиз!" Хуррам қотма ўйчан даҳан силади: "Унда бир қарорга келишимни кутинг!" Назар бахши, фақат "йўқ" дея кўрманг, деган маънода унга умид-ла тикилди. Кейин эса, гўё энди эсига тушгандай, кеча тунда ўзи тунаб қолган хонадон эгасидан сўраб олган иккита қалин китобни қўйнидан чиқариб, унга узатди.

– Айтганча, сизга китоб опкелгандим-а.

Хуррам қотма, мисли ширинликка ўч боладай, Назар бахши узатган китобларга ошиғич кўл чўзди. Бирини қўлтиғига қисиб, иккинчисини оҳиста варақлашга тушаркан, қувониб, бу китобни анчадан бери қидириб юрганини айтди. Кейин китобдан бош кўтармаган ҳолда, қумғон хуржунда, сал нарида эски тошўчоқ бордай эди, агар малол келмаса, битта чой қўйиб юборсангиз, бахши, деди. У шу гапни айтиш асносида китоб оша Салабекка синовчан кўз ташлаб қўйди.

Давоми бор

Видо

Достон

Сирожиддин РАУФ

Йўқотмасанг, топа олмайсан!

I

Бир чинқирик,
Бир йиғи
Сачраб кетар ҳавога –
Норизо жон аччиғи
Ё исёни дунёга.

Содир бўлди буюк айрилик,
Биров билди,
Биров билмади.
Бақодан узилган дилинтик,
Бу жон энди фано эрмаги.

Эринмай эланар эллик элакдан,
Синовлардан сира силлиқ ўтмайди.
Ҳаётнинг мағзини баъзан данакдан
Ажратиб олишга умр етмайди.

* * *

Аччиқ-чучук, оқу қора, афсунлик,
Гоҳида тўқ, гоҳида оч – юпунлик,
Балки беш кун, балки, валлоҳ, уч кунлик,
Одам умридир бу,
О, дам умри бу!

Сирожиддин РАУФ – 1967 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини ва Тошкент давлат юридик институтини (ҳозирги ТДЮУ) тугатган. У "Йиғлаётган ой", "Кўк гумбаз", "Сиз менга кераксиз", "Ташриф" каби шеърий китоблар ҳамда болалар учун "Ғалати мусобақа" тўплами муаллифи.

Нафсу ҳирс олдида ожиз тафаккур,
Озга қаноат йўқ, кўпига шукр,
Қалб ёнса парча чўғ, ёнмаса – кўмир,
Одам умридир бу,
О, дам умри бу!

Серҳашам қасрлар – қафаслар зое,
Беадоқ орзую ҳаваслар зое,
Беҳуда олинган нафаслар зое,
Одам умридир бу,
О, дам умри бу!

Умиди уммону соҳилдан кечмас,
Рост туриб, водариғ, ботилдан кечмас,
Алдамчи, омонат кафилдан кечмас,
Одам умридир бу,
О, дам умри бу!

Ҳақман деб авраган рўёга ошно,
Ясанган-тусанган дунёга ошно,
Охир кўз ёшга ғарқ дарёга ошно,
Одам умридир бу,
О, дам умри бу!

Неки яралмишдир жозиб ва соҳир,
Унга дил берганлар куйибди охир,
Ахир, ҳар лаҳзада айрилиқ зоҳир –
Одам умридир бу,
О, дам умри бу!

II

Илк бора атрофга боқди у,
Гарчи гўдак жисмида ҳали.
Эзгу ташриф ибтидоси бу,
Кўриш ва Билишнинг аввали...

* * *

Даричаси нақ кунгай
Чоғроққина бир хона.
Хумча топган гадодай
Суюнар ота-она.

Шукроналар қилишар,
Тилларида тиловат.
Уларни элга қўшар
Оллоҳ берган омонат!

Шу парча эт боиси,
Кўкка етар бошлари.
Энтиктирар бахт иси,
Юраклари тошади.

Ҳолбуки, билмас улар,
Бу хумчада нима бор?
Балки олам орзулар,
Балки алам устувор...

Бу муҳаббат теран шу қадар,
Тамомила таъмадан холи.
Йўқдир унда гинаю кадар,
Йўқдир унинг бирор тимсоли.

* * *

Шивалаб-шивалаб ёққан ёмғирдай,
Беминнат меҳрга қониб, тамшаниб,
Пошшолик абадий дея ишониб,
Болалик жўшади Амудай, Сирдай.

Чақмоқлар чақиши чўчитмас уни,
Қарағай қарсиллаб, кулаб қўрқитмас,
Зулматда игнадай йўқолмас, йитмас,
Кундуздай чароғон ўтади туни.

Атрофга аланглар дилида туғён,
Бир лаҳза тин бермас ҳайратлар ҳаргиз.
Орзулари янглиғ бепоён, ҳадсиз –
Терак учларига илашган осмон.

Қўл тутса қўнгудай юлдузлар якин,
Оқшом ойдинида ойдир овунчи.
Кўксини куйдирар сафар соғинчи,
Балоғат шавқидан кўзларда ёлқин.

Қалбини забт этиб муҳташам билги,
Йирок-йироқларга шайланди бир кун,
Камоннинг ўқидай учмоғи учун
Ота-она қадди ёйдай эгилди!

III

Ўзликни англамоқ учун бетоқат,
Олисларни кўзлаб қўйилган қадам.
Қанча умидларга завол бешафқат,
Қанча орзуларга қанот мустаҳкам.

Ўзини топажак кечган ўзидан,
Синашта йўлларга алвидо айта.
Арслон сингари қайтмай изидан,
Сўқмоқлар кашф этиб қайта ва қайта...

* * *

Ўнқир-чўнқир, текис, нотекис
Ўнгу сўлга туташган йўллар
Йўловчини қаршилаб беҳис,
Яна мубҳам йўлларга йўллар.

Гўё дарёга тушган томчи
Борар бетин оқим измида.
Йўқ, йўқ, бу тасаввур алдамчи,
Ҳар қатра собитдир ўзида.

Дарёдай тошган йўл – битта ўзанда
Фақат ўз йўлидан юрар одамлар.
Кимнингдир лабида табассум, ханда,
Кимнингдир кўзидан аримас намлар.

Сокин одимлаган, чопганлар қанча,
Адоқсиз манзилда манзил ахтариб.
Бунда йўқотгану топганлар қанча,
Топганлар бой эмас, йўқотган – ғариб.

Гоҳо сафардошга ўхшамас улар,
Зимдан бир-бирига ёвдай қарашар.
Нокас шеригини чалмоқни ўйлар,
Шубҳасиз, жавоб ҳам шунга яраша.

Чиғаноқ бағрида дур эрур пинҳон,
Инсон моҳияти қалбда яширин.
Афсус, буни англаб етмас оломон,
Сувратига қараб сийлар бир-бирин.

Чўлу биёбондан, боғлардан кечиб,
Тоғлардан ошаркан улкан издиҳом,
Ҳар кимса айрилиқ шаробин ичиб,
Унга бериб кетар мезбон деган ном.

Аммо, муваққатдир бу таъриф мутлоқ,
Мезбонлик зеб эмас инсон шаънига.
Меҳмонлик рутбаси ярашгай кўпроқ,
Буни билган банда Ҳақни таниган!..

IV

Йигит йўлга тушдию шахдам,
Кенглик ва тенгликни кўзлади.
Ҳаёт томон ташларкан қадам,
Ўзғир ўй ўзидан ўзади.

Ёнверига сер солиб йигит
Ҳайрат бармоғини тишлади.
Кўзига тўқинди бир тахлит
Ҳаётнинг бемантиқ ишлари.

Мисли бозор: зор, ор, хор ва бор
Аралаш-қуралаш дунёда
Кимлар сийму зарга харидор,
Кимлар ишқ йўлида афтода.

Битта қилни қирқ ёрган олим
Ночор тинглар нодон сўзини.
Қиличидан қон томган золим
Раҳмдил деб айтар ўзини.

Ўтиб борар нафсидан ўзга
Қайғуси, орзуси йўқлар ҳам.
Зеб-зийнатни илмаган кўзга
Қорни оч, дийдаси тўқлар ҳам.

Ўткинчи дунёда, алҳазар,
Мангулик даъвоси – масала.
Чоллар ҳар кун соқолин кузар,
Охират деб қилмас ҳафсала.

Бир қарасанг, ҳамма тақводор,
Оллоҳ дейди судхўру дайди –
Хўжакўрсин ибодат бекор,
Риёкорлар кимни алдайди?!

Суворийлар отини суяр,
Отлар турфа, оқу қорадир,
Лек, жиловни тутолмай куяр,
Умр эса ўтиб боради...

* * *

Ҳушу беҳуш кунлар ўтдилар,
Офтоб балқди, яширди булут.
Қайғу йигит бағрини тилар,
Ҳуш дамларнинг сафоси унут.

Нима эди келмоқдан мақсад
Ва кетмоқдан мақсад нимадир?
Савол уни эзади беҳад,
Кўнглига бир ғашлик инадир.

Бўронлар бўкирган ўрмонда
Ўйлар оғушида қақшайди,
Донлари янчилган хирмонда
Бани одам хасга ўхшайди.

Вале, шу Хас нафси балоси
Дунёларни айлагай ғорат.
Йўқлик бўлса охир савдоси,
Нечун қурмоқ жумла иморат?

Қайда, асли, энг катта хатар,
Хавфдан холи бўларми олам? –
Коинотнинг қаърини титар
Ўз қалбидан бехабар одам.

V

Йўлини йўллардан излаган ўғлон,
Йўл истаб, йўлларда бўлди саргардон.

Боғу роғ оралаб юрганди бир вақт,
Гуё оғушига чорлагандек бахт.

Шодон одимларди, дуч келди, ногоҳ,
Товонин тирнаган саҳрога, эвоҳ!

Борлиқни куйдириб саратон ўти,
Бошида айланди самум булути.

Судралиб, зўр-базўр юргани сари,
Тишида ғичирлар қум зарралари.

Ташналикдан бўлиб аҳволи хароб,
Дам-бадам кўринди кўзига сароб.

Саробни қувиб у денгизга етди,
Осмонга тўш урган тенгсизга етди.

Водариғ, етдим, деб, ҳар дам адашди,
Йўллар адоғига йўллар туташди.

Тўлқинлар чайқалиб улкан бешикдай,
Гирдоблар бағрига тортди пайдар-пай.

Ҳалокат бўлмоғин сезиб шу лаҳза,
Тушди юрагига қўрқув ва ларза.

Вужудин зил-замбил тўлқин кўмдию
Ё Раб, деб, кўзларин бехос юмди у.

Ўзига таваккул қилган бир чоғда,
Ажабо, ўзини кўрди қирғоқда.

Сафар тугамади, кетди илгари,
Сўқмоқлар оралаб ўрмондан нари...

* * *

Йўл юрди йўловчи, йўли унмади,
Дилистар манзилдан топмади дарак.
Мақомига солиб олдга ундади
Мурвати шайланган кўҳна чархпалак.

Йўрғалаш бир куни жонига тегди,
Жонига тегдию шу рангсиз ҳаёт,
Улуғ донишмандга бошини эгди:
– Умримга тола нур бахш этинг, устод!

Уриниб-суриниб топар, албатта,
Излаган нарсасин сўқир одам ҳам.
Мен эса юрибман нуқул ғурбатда,
Манзилу маконим – барчаси мубҳам.

Лекин соғинаман, ҳар бир ҳужайрам
Кўз бўлар, орзиқар, ҳар лаҳза уйғоқ.
Дийдор илинжида нигоҳим қайраб,
Бедорман, киприклар соқчидай огоҳ.

Пирим, кафтингизда тургандай аён,
Бизларнинг минг йиллик нари-беримиз.
Марҳамат кўрсатиб, айлангиз баён,
Қандоқ манзил эрур борар еримиз?

Ҳар лаҳза умрдан узилган бурда,
Бурда-бурда қилиб танни музлатди.
Ўзимни йўқотиб, айлансам нурга,
Насиб қилармикан висол лаззати?

VI

Ўрнидан қўзғалди илкис оқсоқол,
Ҳис этиб саволнинг балоғатини,
Йўлчи теран шўнғиб бир ғаввос мисол
Изларди ҳаётнинг моҳиятини.

Деди: – Сен заминда беармон юриб,
Излар қолдирибсан ана ҳар тараф.
Ва лекин, ҳаллослаб, шунча югуриб,
Бир қадам қўймабсан ўзингга караб.

Бесамар йўлларда улоқиб охир,
Тақдирга тан берган бўлолмас ғолиб.
Сен энди сандиқдан чиқолган Тоҳир,
Ўгитлар мағзини чақолган толиб.

Каттароқ очгайсан кўнгил кўзингни,
Зулмату соядан айлабон ҳазар.
Мўъжиза изласанг, топгил ўзингни,
Юрагинг тубига ташлагин назар.

Ичингда ниш уриб, кўкармоқ истар
Қанча офияту қанча касофат.
Бирда шодумонсан, бирида музтар,
Чуқур қафасингда урён масофа...

Хушхабар кутмоқда, хатар кутмоқда,
Барибир, сен олдга юргайсан илдам.
Ғофиллар ўтмоқда, ошиқ ўтмоқда,
Қай бири бахтиёр, қай бири пурғам.

Туман йўл бошида йўлсизлик ёмон,
Аччиқ қалампирдай янчилар тоқат.
Қай томон юрмоқни айтаман бу он,
У йўлдан бир ўзинг ўтасан фақат.

Лозимдир қўймоғинг икки қадамни,
Минг йиллик машаққат тутса ҳам ҳатто.
Бошингга тож қилиб дарду аламни,
Синовдан ўтгайсан мардона, аъло.

Беҳосил умрингга боқма қайрилиб,
Ишққа ёр дамларни безайди шараф.
Афсус, остонамда турар айрилиқ,
Камолинг кўришга бўлмам мушарраф.

Хайр-хўш демоққа бергайсан изн,
Кўз тутиб топганим, дўсти анисим.
Сафарим сўнггида ташрифинг таскин,
Руҳим ҳаволанур, қолади жисмим.

* * *

Билмагайсан, давру даврон ўтгуси,
Вужудингдан дарду дармон ўтгуси.

Жон-жонингни ўртаган тийғи ҳижрон,
Ҳам руҳафзо жону жонон ўтгуси.

Чўл-биёбон, тоғу, дашту баргрезон,
Гулга чўмган боғу бўстон ўтгуси.

Бу майдонда бир вафодор мард қани?
Чин вафодор марди майдон ўтгуси.

Мингта дўстинг бўлса ҳам кам, водариғ,
Гарчи битта – дўст-қадрдон ўтгуси.

Ломаконни билмайин аҳли башар
Айриликдан зору нолон ўтгуси.

Эй ажал, сен қасди жонсан музтариб,
Жидду жаҳдинг ҳар дам ёмон ўтгуси.

VII

Ўша йўл
боши ҳам, охири ҳам йўқ.
Эски манзарага тўлиқ
ўнгу сўл.

Ўша ер –
қишлоғу шаҳару пойтахт.
Машаққатли ўша меҳнат,
ўша тер.

Ўшадир
меҳр-оқибат, муддао,
саховат, ғараз, иддао,
шаън, қадр.

Ўзгача
фақат орифнинг нигоҳи,
қувончи, ҳасрати, оҳи –
сўзгача.

Боради
ҳар ён барқ урар эзгулик.
Ҳар он етилар мангулик –
кўради.

Ошади
мақомдан яна мақомга.
Борлиғин бериб илҳомга
тошади.

Пайдодир
қалбида ҳайбат-ҳаяжон.
Завқ ила шавққа тўла жон
адодир...

* * *

Заминда турфа гул, чечак очилар,
Ужмохдан андоза олгандай олам:
Бир танқис, анвойи ифор сочилар,
Одамдай яйрайди, ўйлайди одам,
Заминда турфа гул, чечак очилар.

Хайрли ўй-хаёл дунёнинг боши,
Эзгу сўз ва эзгу амал устувор.
Яхшилик яхшининг доим йўлдоши,
Покдомон дилларда йўқ зарра ғубор,
Хайрли ўй-хаёл дунёнинг боши.

Юз неъмат юз очар ернинг юзида –
Кўнгилга юзланган кўради уни.
Камалак товланар ҳар кундузида,
Каҳкашон базмига мезбондир туни,
Юз неъмат юз очар ернинг юзида.

Гул бўлар, қуш бўлар, гўё туш бўлар,
Роҳат-фароғатга эш бўлар нафас.
Ўздан кечиб бормоқ айни ҳуш бўлар,
Ечилиб, тўкилиб боради қафас.
Гул бўлар, қуш бўлар, гўё туш бўлар.

Борликка қоришар одам боласи,
Эй ўрмон, дарёю саҳро, салламно.
Ичию таши бир, бўлмас оласи,
Эй якка-ягона, Танҳо, салламно,
Борликка қоришар одам боласи.

Борликка қоришар одам боласи!..

ОРАЛИҚ

Ҳикоя

Фазлиддин ВОҲИД

1

Шодиқулни томи булутлар билан бўйлашиб турган бино томонга тийиқсиз ва изтиробли истак етаклаб келди. Бинонинг биринчи қаватидаги лифт олдида навбатга тизилганларнинг боши узра енгил оппоқ туман айланиб турарди. Шу боис уларни бир-бирларидан ажратиш қийин бўлса-да, Шодиқул навбатда турганларнинг гулдаста кўтариб олган йигитлар ҳамда оппоқ йўргакпўш кучоқлаган ёш аёллар эканлигини тусмоллади.

Навбат охиридаги жуфтлик Шодиқулнинг кўзига жудаям иссиқ кўринди, лекин қанча уринмасин, уларни қаерда кўрганини эслай олмади. Аёлнинг қўлидаги йўргакда тамшаниб ётган чақалоққа кўзи тушгач, ўзини бутунлай йўқотиб гўё атрофни ўраб турган оппоқ туман ичида сузиб кета бошлади. "Наҳотки бу гўдак менман" деган фикр борлиғига ёпишиб олган эди Шодиқулнинг.

Лифтга чиқиб олганларнинг кўпчилиги хурсанд. Ҳадеб бир-бирини табриклар, қутлашар ва нималардандир бахслашар эдилар.

Биринчи ва иккинчи қават ортда қолган бўлса-да, Шодиқул атрофидагиларнинг сўзларига тушунмас, фақат уларнинг юз ифодаларига қараб жиддий тортар ёки жилмайиб қўярди. У лифт чироғидаги уч рақамини тиниқ кўрди. Энди атрофдагиларнинг сўзлари ҳам тушунарли ва аниқ эшитила бошлади. Тунда ғалати туш кўрди, тушида Қирққиз дарасида юрган эмиш. Баҳорнинг эрта тонги анча салқин бўлса-да, оппоқ ҳарир кўйлак кийиб олган қизлар уни ҳадеб имлаб чақирар, яқинлашгани сари қиқирлаб кулишиб тоғ чўққиси сари ўрлаб боришар эмиш. Тоғ чўққилари ортидан кўтарилаётган куёшнинг заррин нурлари баҳор осмонидаги оппоқ булутларга урилиб нақшлар ясар ва бу нақшлар Шодиқулнинг кўзига рим рақамидаги ўн етти шаклида кўринарди.

2

Шодиқул уйқудан сархуш бўлиб уйғонди. Кўзи ўн еттинчи қаватни кўрсатиб турган лифт чироғига тушди. Энди лифт саҳнидагилар турфа кишилар бўлиб, ҳар ким ўз фикри хаёли ва ташвишлари билан банд. Ёнидаги фетр шляпа кийиб, узун бўйинбоғ таққан кишига Шодиқул секин шипшиди: "Айтинг-чи, домла, нега биз тор лифтдамиз?"

Фазлиддин ВОҲИД – 1954 йилда туғилган. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат ҳамда Волгоград (Россия) сиёсатшунослик институтларини тамомлаган. "Тунда ёққан ёмғирлар", "Ҳазорада тўргай бўзлайди", "Мастона хаёл", "Кўнглимнинг тасалли маскани" номли шеърий ва насрий тўпламлари чоп этилган. "Қизил хўкизтош ҳикояти" қиссаси муаллифи.

Бу саволни эшитган киши Шодиқулга бошдан-оёқ шубҳали разм солди, уни синчиклаб обдан кузатгач, кўрсаткич бармоғини қалин лаблари устига босди-да, нари кетди. Айнан ушбу саволни эшитган қалин кўзойнакли тепакал киши эса Шодиқулга кўзойнак остида йилтираб турган кўзлари билан совуқ термилганча: "Жим юрмасанг, бундан ҳам торроқ жойга олиб бориб қўйишади", дея тескари бурилди. Ўзини қийнаётган саволга жавоб тополмаган Шодиқулнинг кўнгли совиди.

Йигирма учинчи қаватда у учратган Лайлонинг сиймоси қалбига ишқ ўтини ёқди, аммо шаддод қиз бечора ошиққа заррача парво қилмас, унинг учрашув ҳақидаги таклифларини рад этарди. Шундай пайтларда Шодиқул:

– Мабодо келмасанг, азизам,
Осмон қолади қорайиб,
Ҳилол ҳам тарк этиб фалакни
Ишқ дашти қолади торайиб, –

деб ўзини овутарди.

3

...Лайлонинг жисми ва юзидаги ўзгаришлар Шодиқул учун қанчалик қувонч келтирган бўлса, бугунги тасодифий учрашув унга яна бир қувонч бахш этди. Бу учрашув йигирма еттинчи билан йигирма саккизинчи қават ўртасида содир бўлди. Шодиқул тасодифан ўн йилдан буён кўрмаган қадрдон дўсти Шавкатни учратиб қолди. Дўстлар шу қадар самимий кўришдиларки, гўё бутун борлиқ кенгайиб кетгандай бўлди. "Наҳотки ўн йил кўришмадик?" Бу сўз ҳам савол ҳам жавоб бўлиб учар эди икки дўстнинг лабларидан. "Ҳа ўн йил" деди Шавкат энтикиб. "Шу ўн йил ичида мен кўп юртларни кездим, тижорат ишлари билан кўплаб мамлакатларда бўлдим ва дунёнинг нақадар кенглигига ишонч ҳосил қилдим. Дунё кенг бўлса-да, сен билан мана шу тор лифтда учрашиб турибмиз, дўстгинам".

Чақалоқнинг чинқириғи "Тор дунё кенг бўлди" деган хушхабар каби янгради Шодиқулнинг қулоқлари остида. Мурғак вужуднинг "инга"си ажойиб мусиқа янглиғ жаранглар, ҳавода наволар ўйнар, мусиқага жўр бўлиб куйлаётган онанинг алласидан ривоятлар тўкилмоқда эди. Шодиқулнинг қувончига лифтнинг темир қопқалари тор келди. Унинг оппоқ матога йўргакланган зурриёди учун жуда кенг олам керак, токи бу оламнинг замини ҳам осмони каби беғубор ва мурғак гўдакнинг қалби тонг қуёши нурларини эмиб товланаётган марварид шудринг каби мусаффо бўлсин. Зурриёдига ана шундай кенг дунё истарди ота.

"Наҳотки, ўғлимга соладиган иморатим шу лаънати лифт мисоли тўртбурчак бўлса" деган фикрдан даҳшатга тушди Шодиқул. "Наҳот ўғлимга атаб экилган ва дарё эпкинида тонгни қаршилаб, барглари шивирлаб ашула айтаётган бўйчан тераклар тор дунёни янада тор айламоқ учун хизмат қилса? Лаънати тўртбурчак! Инсонни ўзига даҳшатли куч билан боғлаб ташлаган сирли хилқат. Инсон қалбидаги ҳур насим бўлиб учишга шайланган гўзал ҳиссиётларнинг машъум қафаси. Бу машъум қафасга бир умр қул инсон наҳотки ўз қўллари билан бўғизласа фарзанди каби авайлаб ўстирган терақларини?

4

Маҳзун қўшиқларининг тингловчисини йўқотган дарёга тор келди бу дунё. Тўлқинлари қирғоққа сапчиб тун бўйи ўкириб чиқди дарё. Рутубатли осмон ва атрофга даҳшат солаётган момогулдурак унга ҳамдард бўлди.

...Кўзгудан Шодиқулга мўйлови эндигина сабза ура бошлаган, қош-кўзлари худди қуйиб қўйгандек унга ўхшаб кетадиган, нигоҳидан куч ва шижоат ёғилиб турган йигитча қараб турар, Шодиқулнинг соқол олишига халақит берарди.

"Мана, нега устарам ўтмаслашиб қолибди", деган фикрдан кўнгли ёришиб кетди Шодиқулнинг...

Лифт тўхтамай ўз йўлида давом этарди. Ҳар бир қаватдаги рақам чарақлаб ёнганида лифтдагилар бир-бирларини қутлашар, табрик нутқлари айтилар, қадаҳлар жаранглларди.

Орзиқиб кутган қирқинчи қаватда лифт узоқроқ туриб қолгандай бўлди унинг назарида. Эртага Шодиқулнинг туғилган куни, қирқ ёшга тўладиган кун. Ахир инсон ҳаётида бир бора бўлади бундай дамлар. Албатта орзиқиб кутилган кунни муносиб нишонламоқ керак.

5

Машҳур ҳофизнинг "Бозорга ўхшайди асли бу дунё" деган ашуласи тарала-ётган бозорга кириб бораркан, бозор дарвозаси ёнида турган гадонинг садақа сўраб минғирлагани қулоғига чалинди. Гадонинг қўлига шалағи чиққан қоғоз пул тутқазаркан, гадо унга шилпиқ кўзларини лўқ қилиб "Яна битта қистирсанг, мойли жойни оласан" дея минғирлади. "Қаерда кўрганман бу нусхани" деган фикр ўтди Шодиқулнинг хаёлидан ва бирдан лоп этиб эсига бир пайтлар порахўрликда ном чиқарган амалдор тушди. Ушбу нусха шаҳар ҳокими бўлган даврда шаҳарда порахўрлик шунақа ҳам авж олгандики, одамлар пора бериш учун идоралар олдида тун-кун турнақатор навбатда туришарди. Ҳатто автобус кондукторлари ҳам йўл чипталари тарқатиш ўрнига "Йўловчилар, тезроқ пора беринглар. Пора бермаганлар жаримага тортилади", дея айюҳаннос солишарди. Шодиқул иситрт гадодан четга буриларкан, миясидан туйқус "Балки бозор аслида дунёга ўхшаса-чи?", деган фикр яшиндек ўтди. "Дунё бозорга ўхшайдими ёки аксинча бозор дунёнинг инсон томонидан яратилган митти макетими?" деган савол хаёлини чулғади. Бу фалсафани теран англамоқ, тушуниб етмоқ учун қирқинчи қаватда яна бир фурсат тўхтаб турмоқ, фикрламоқ ва ўзни дақиқаларга қурбон айламоқ кераклигини теран ҳис этди Шодиқул. Лекин бешафқат вақтнинг темир занжирларига маҳкам боғланган лифтни тўхтатиб туриш мумкин эмас. Аксинча бозор кезиш, тирикчилик ва рўзғор аталмиш тубсиз комга бозор пештахталаридан юлиб олинган нознеъматларни тинимсиз ташлаб туриш керак. Гарчи эртанги кун Шодиқулнинг ҳаётида орзиқиб кутилган кун бўлса-да, бугунги харид унга эриш туюлди, жуда оғир ботди.

Шодиқулнинг дардига шерик бўлиб:

– Ҳаёт-мамот жангоҳи – бозор,
Пуллар – найза, пештахта – қалқон,
Оғриқлардан йиғлайди зор-зор
Тарозилар, ярадор виждон, –

дея инграрди бозорни чулғаган ҳаво.

Шодиқул бор-будини пулга чақиб қанча чиранмасин, тарозининг тош қўйилган палласи босиб кетаверди, оғиб кетаверди. У ўзини осмону фалакка ирғитиб юборилгандай ҳис қилди.

6

Бу кеча лифтдагилар тун бўйи нотинч бўлиб чиқдилар. Тонгга яқин лифт кучли бир силтанди-да, тўхтаб қолди. Темир эшиклар бирдан тарақлаб очилиб кетди. Ичкаридаги оломон ўзини ташқарига отди. Димиққан ҳаводан чиқиб, кузнинг мусаффо тонгида эсаётган майин насимларга рўбарў бўлган оломон донг қотди. Ҳаво шу қадар тоза эдики, димиққан ҳаводан нафас олишга ўрганиб қолган кишилар энтикиб қолишди. Соф ҳаводан тўйиб олишгач аста-секин ҳар тарафга тарқала бошладилар. Оломоннинг бу ҳолати узоқ вақт қафасда яшаб ундан озод бўлгач, нима қиларини, қай томонга учишни билмай турган тутқун қушнинг ҳолатини эслатарди.

Куз қуёшининг заррин нурларидан кўзи қамашган Шодиқул бироз каловланиб тургач дарё қирғоғидаги бўйчан тераклар сари югуриб кетди. Мана ўша зилол сувли, қирғоғида ялпизнинг майин ва хушбўй ҳиди таралиб турган дарё. Тераклар мусаффо тонгга салом бераётгандек япроқларини тебратиб, майин шивирламоқда. Япроқлар орасидан сузиб ўтаётган тонг қуёшининг заррин нурлари жимирлаб оқаётган сувга тушиб нақшин манзара ҳосил этмоқда эди. Шодиқул ўзини кўм-кўк майсалар устига отди.

Мовий осмон, мусаффо ҳаво, баланд тоғлар орасидан чиқиб келаётган қуёш, кенг олам. Барча-барчаси уники. Шодиқулнинг бўғзида тиқилиб ётган нидо ҳайқириқ бўлиб кенг дунёни ларзага солди. ҲУРРИЯТ! Шодиқулнинг ўз изтироблари чангалидан ҳурликка чиққан кун эди бу кун.

Кўм-кўк майсалар устида чалқанча ётганча тикилаётган ложувард осмон каби тип-тиниқ эди унинг қалби.

7

...Кейинги кунларда Шодиқулнинг кўнглида содир бўлаётган ноҳушлик лифтнинг ҳаракатига ҳам кўчди. Тонгга яқин лифт қаттиқ силкинди ва шиддат билан пастга, зулмат қаърига шўнғиди. Энди лифт саҳни зах ва қоп-қоронғи эди. Қаватларни кўрсатувчи рақам чироқлари ёнмасди.

Ниҳоят, лифт тўхтаб, эшиги очилганда Шодиқул қаёққадир шошилиб кетаётган оломонга қўшилиб қолди. Кишилар елкаси узра тобут лопиллаб сузиб борарди. Оломон қабристон дарвозаси олдида бироз секинлашди-да, сўнг қабристон сари сингиб кета бошлади.

Қабрлар оралаб борар экан, Шодиқулнинг кўзи бехосдан тошдаги лавҳага тушди "Эломонов Шодиқул. 1950–1991 йиллар".

Шодиқул қабр тош олдида чўккалади. Кўз ўнгида ҳарир матога йўргакланган, боши узра оппоқ булут сузиб юрган, атрофга беғубор кўзлари билан жилмайиб боқиб турган чақалоқ жонланди.

Туман эса қуюқлашиб, қорайиб борар эди.

Теран сукунат ичра Шодиқулнинг қулоғига яна лифт шовқини чалингандай бўлди. Бу тийиқсиз ва изтиробли юракнинг сўнгги уришлари эканлигини биларди у.

Байроқдек юксалар ҳар битта юрак

Ғулом МИРЗО

Юрт тарихига назар

Устоз Акмал Саидовга

Не базмлар кечган кошоналарда,
зафарлар ювилган тўкину шўх-шан.
Ҳануз овозаси афсоналарда –
мангу қолганидек бизларга Ватан!

Ҳали ҳам абрлар ташийди бода,
алвон жомлар тутгай сархуш адирлар.
Гулюз раққосадек ҳануз шаббода
ўйнар – этагидан сочиб атирлар.

Ерда – найзалардек тиғиз майсалар,
кўкда ҳилол – қилич, кун эса қалқон.
Уфққа терилмиз, қани, қайтсалар
турналардек саф-саф жангчилар омон.

Чақнар жаҳонгирнинг шамшири – яшин,
оламни титратар бобогулдурак.
Дўлдек ёғилади беҳисоб кўшин,
байроқдек юксалар ҳар битта юрак.

Гуллар – жасоратга рангин алёрми
ёки жароҳатдан қолган чандиқлар?
Қуллар – иморатлар ётган мозорми,
йиллар – рух, шукуҳ ва яна андуҳлар?

Ғулом МИРЗО – 1964 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) битирган. Ижодкорнинг "Яхшиям сиз борсиз", "Унутилган нур", "Офтобга қайтаман", "Қалб томчилари" номли шеърий китоблари нашр этилган.

Бунда кун ҳамиша ярокбардордир,
бунда тун ҳеч қачон ечмагай тўнин.
Бир даъват кун-тундек дилда бедордир:
"Ёв келса, кўрсатиб қўямиз кунин!.."

...Не базмлар кечган кошоналарда,
зафарлар ювилган тўкину шўх-шан.
Ҳануз овозаси афсоналарда,
мангу қолганидек бизларга Ватан!..

* * *

Жўшиб-қўшиб эртак айтдик қулоқларга,
сув ичмасдан бориб-қайтдик булоқларга,
ёв эмасмиз, на ўхшаймиз иноқларга,
баҳс бошланар минилганда буроқларга.

От қулоғи – қамиш барги каби тикка,
дўст сиёғи дўниб борар рақибликка,
тинмай ўтар у "буюк"дан бу "буюк"га –
бевафолик удум эрур улоқларга.

Ер – чиндан ҳам хор кўрингай ўша кезлар,
кўк – индан ҳам тор кўрингай ўша кезлар,
инсоф – не ғам, ор кўрингай ўша кезлар,
оқибатлар кетиб қолгай йироқларга.

Ортда – чанг-чунг, олдда у ким, бунча йўртгай,
этигингиз биқинимни ўпиб ўтгай,
сўнг бетингиз қамчинимнинг таъмин тотгай –
чидайсиз-да, чидаймиз-да "оҳ-воҳ"ларга.

Оҳ, биримиз Амир Темур чевараси,
воҳ, биримиз Мирзо Бобур невараси,
борми ўзи орамизда бегонаси –
фурсат қачон етар бундай сўроқларга?

Ўлжа – баланд ва интилиб, бўйдор олсин,
мўлжал – Ватан, ният қилиб, ўйдор олсин,
баланд дорга мард осилсин ё мард оссин –
насиби рўз этсин шундай "қийноқлар"га.

Нега биров қувонганда, биров маъюс,
омад сизга, сиз ҳам оқ йўл денг, қоракўз,
афсус, биздан энар зўрға оқ-қора тус
ҳаёт деган бу ранг-баранг қуроқларга.

Жўшиб-қўшиб эртак айтдик қулоқларга,
сув ичмасдан бориб-қайтдик булоқларга...

* * *

Мана, ваъда қилинган шамол
тўзғитар бетиним сочимни.
Ёмғирпўш-ла келмоқда висол,
билмам, топгум (йўқотгум) кимни?

Кўнгилда бахт, ташвиш ёки ғам –
ҳисларим аралаш, бекарор.
Аниқлик йўқ табиатда ҳам:
гоҳ ел, гоҳ сел, гоҳ дўл, гоҳи қор...

Телефонсизликда

Қўл телефондан
воз кечдим, гўё –
мендан кечган каби
бу дунё.

Мойил-зойил
садолар тинди.
"Сим-карта" ҳам
жим-карта энди.

Етим каби
саф-саф рақамлар
бўзлаб қолди – сағир –
"отам"лаб.

Қўнғироқдош
танишлар хуноб
саволига
ололмай жавоб.

Қўл телефондан
воз кечдим
гўё...

* * *

"Кеча ва кундуз" романи ҳақида

"Кеча"ни
кечаларда ёзди Чўлпон,
юрак-бағри бўлиб қон.
"Кундуз"ни кундузларда
ёзмоқчи эди шодумон.
Етолмади...

* * *

Бандимиз.
Бизни қўлга олган
муҳаббат.

Сўнгра
(жин чалгандек)
чалган муҳаббат.

Носоз создек
беўхшов
садолар берсак,

Яна
нима қилсин
уялган муҳаббат?

Бизни
жиндек чалган
муҳаббат...

Ниқоб театри

1) *(декорация)*
Ниқоб
ниқобидан
ечар ниқобни.
Қарсак чалар
ниқобга
ниқоблар.

2) *(абсурд)*
Барчамизга
яхши таниш
ниқобнинг
ҳар чоқ
турган-битгани шу –
сир-асрор, жумбоқ.

3) *(авж)*
Ниқоб
кулдиради,
йиғлатади,
ўйлатади –
ҳамма нарса мумкин
ниқоб ичида!

4) *(фожиа)*
Ниқобни
юз дея
қилгандик қабул.
Юздан воз кечди-ю
юзсиз
энди ул.

5) *(дуэт)*
– Қиёфасин
ниқоб билан
тўсган, эй, кимсан?
– Қиёфасиз,
лекин ниқобдор
кимса!

6) *(апарт*[1]*)*
Шўрлик
актёрнинг
ниқоб захираси
тугабди, эссиз.
Ҳамма ролларида –
бир қиёфа, тус.

7) *(хотима)*
Театрда
гардероб ҳам
текин томоша:
ҳамма тезроқ
ниқобини
киймоққа шошар...

* * *

Мумкинми ўзимга етмоғим?
Курашиб, енгмоғим ўзимни?
Осонми ўзимдан ўтмоғим?
Йўлингга тушмоғим Ўзингнинг?
Мумкинми, осонми, душворми?
Мен учун ўзга бир йўл борми!?.

[1] Апарт (французча: "бир томонга") – театрда гўё сахнадагилар эшитмайди, деган фараз билан айтиладиган монолог, лукма.

Ёфас АЛПИН

Соғинчга айланиб қолган уй

Тириклик мадҳияси

Саҳар чоғи
Минорадан таралаётир
Жонларни уйғотувчи оҳанг.

Жоним,
Ўрнингдан тур,
Муаззин сасида,
Тириклик мадҳияси янграётир.

Яшамоққа тайёрлан.

Митти лавҳалар

Улкан воқеалар,
Ҳасратлар,
Музаффариятлар,
Севги,
Бир умр излаётганингиз
Мардлик...

Яна нима қолди?

Хоҳлаган,
Хоҳламаганингиз ҳам бор
Бу митти лавҳаларда...

Тасаввурингизни синдирадиган.

Ёфас АЛПИН (Абдусаттор Жуманазар) – 1961 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) шарқшунослик факультетини тугатган. "Хилват аҳли", "Ўргимчак китоби", "Насаф", "Машраб", "Вахшувор", "Бухоро таълим тизими тарихи" каби асарлари нашр қилинган.

Тугаётган воқеа

Инсон вужудини
Завқ, шавқ, жозиба,
Латофат, ҳусн
Тарк этмоқда.

Бундай мудҳиш маконда энди
Илоҳий сирни
Сақлаб бўлмайди.

Онт

Оёқларим чуқур қилган
Шу жойдан
Сен Мағриб тарафга юргандинг.

Мен ҳеч қайга кетолмадим,
Муҳаббат атрофидан.
Ундан узоқлашиб бўлмади.
Ўртамизда пишиқ аркон сингари
Гўё бир онт бор.

Қозиқ теграсида айланган
Айғирдай,
Севгидан узоққа кетаолмайман.

Адашсам шу ерда адашай

Хайр де менга,
Ўтинаман.

"Кўришгунча"
Ё "алвидо" дема.

Ҳеч ким йўқ
Бу муҳтож сўзлар билан
Мени ёлғиз ташлаб кетма.

Хайр –
Ҳамма тарафи жаннатга туташган,
Қушларнинг ҳузурбахш чуғури
Ва ғунчалар ифори тўлиб-тошган
Ям-яшил водийдир.

Адашсам шу ерда адашай.

Ташландиқ

Ҳамма нарса ўз жойида турибди.
Ўрнидан силжимаган бирортаси.
Девордаги соат миллари
Юришга мушток, шай,
Кимнингдир ишорасин кутаётгандай.

Тепадаги дарчадан
Ҳозир какку
Кўрсатади бўй.

Яна сал синчиклаб карасанг,
Бирдан сезиб қоласан,
Бу жой
Соғинчга айланиб қолган уй.

Икки нарса

Менда
Иккаласи ҳам йўқ.
Уларнинг нималигини билмайман.

Нима учун азоблаш керак,
Ҳеч нарсаси йўқ одамни?

Энг зарур икки нарсани
Мутлақо билмайман ростдан ҳам.

КЎРКАМ БУТУНЛИК ЧИРОЙИ

Мен олдин "Соғинчга айланиб қолган уй" деган сарлавҳа остидаги туркум шеърлар муаллифи Ёфас Алпинни турк модернчи шоирларидан бўлса керак деб ўйлабман. Отининг тоза туркийлиги, шеърларининг бутунлай ўзига хослиги сабаб шундай ўйга келган эканман. Бу шеърлар ўзим анча яхши танийдиган Абдусаттор Жуманазар отлиқ таниқли манбашунос олим қаламига тегишли эканини кейин билдим.

Абдусаттор – жуда жиддий ва синчков манбашунос. Унинг "Хилват аҳли", "Вахшувор", "Бухоро" сингари илмий китоблари билан танишман. Ушбу битиклар олимнинг тамомила ўзига хос фикрлаш йўсини, илмий муаммога ёндашув ва уни ечишда бошқаларнинг хаёлига келмайдиган йўлдан бориши ҳамда илмий тафаккурининг тўлиқ эсселашгани билан ажралиб туради. Олим тафаккуридаги эсселашув нимада кўринади? Бу, аввало, фикрнинг мутлақо ўзига хослигида намоён бўлади. Иккинчидан, илмий қарашлар ифодасининг жозибасида кўзга ташланади. У ўта жиддий илмий муаммолар тўғрисида шеъриятдаги каби жўшқин фикрлайди. Ҳолбуки, бизда илмий ифода гоят мураккаб ва осонлик билан англанилмайдиган бўлишига одатланилган. Учинчидан, олим ўз илмий хулосаларини бировнинг қарашига мослашга уринмайди.

Абдусатторнинг шеър ёзишини хаёлимга ҳам келтирмаганман. Лекин унинг шеърлари ҳам ўта ўзига хос кўркам битиклар эканидан ҳайратдалигимни тан оламан. Менимча, шеърларидаги бу ўзгачаликлар Абдусаттор шахсиятидаги қайтарилмаслик маҳсулидир.

Одатда, синчилар шеърият намуналарини мисрама-мисра таҳлил қилишади. Ёфас Алпиннинг таҳлилга бўй бермайдиган шеърлари шундай мўъжаз кўркам бутунликлардирки, уларни таҳлил қилиш, яъни қисмларга ажратиш шеърлар жозибасини йўққа чиқариши мумкин. Алпиннинг шеърларидаги бирор мисрани контекстдан ажратиб, алоҳида текшириб бўлмайди.

Ҳадик

Коинотга ишонолмаяпман,
Бошимда тартиб билан айлансада,
Ҳар куни ҳаётимга юлдузлар
Ёғду сочиб турган бўлсада.

Қуёш борлиғимни нурга тўлдирар,
Ой азалий муҳаббат қиссасин сўзлайди.

Осмону тоғ,
Дашту шамоллар
Нега мени овутмоқда?
Коинотга нимадир бўлдимикан?

Шоир руҳиятининг ифодалари бўлмиш поэтик мисралар ўзаро шунчалик чамбарчас боғланиб кетганки, уларнинг бировига тегиниш шеърий ҳалқанинг узилишига сабаб бўлади.

Шоир шеърларида ташқи тасвирий унсурлар кўзга ташланиб турмайди. Ёфас Алпин шеърда уйқаш қофиялар оҳангдошлигидан кўра кўзга ташланмас ички руҳоний уйғунлик бўлишини муҳим ҳисоблайди. Шундай ёндашув азонни тириклик мадҳияси ўрнида қабул қилиб, шеърхонга "Яшамоққа тайёрлан!" – дейиш имконини беради. "Дўзах ва ҳеч вақо" деб аталган ўн қаторлик шеърда жисмимни шундай эзгинки, дўзах ўтида куйишга арзийдиган ҳеч вақо қолмасин деган фикр гоят бетакрор йўсинда ифода этилади. Ўзбек поэзиясида шеърий банд тизимининг мутлақ ҳукмронлиги мавжуд. Алпин ана шу азалий анъанани бузади: шеърларини ўзи истагандай, янаям тўғриси поэтик руҳ тақозо этгандай мисраларга ажратади.

Балоғат ёшидаги эркакнинг азалий ташвиши бўлмиш соқол ва уни ҳар куни қиртишлаш зарурияти борлиғида поэзияга яқин ҳеч нарса йўқ. Ёфас бу ҳолатга: "Ҳар куни эрталаб, Янтоқ чопгандай, Тозалайман юзимни", – дея, ёмонлик, хунукликка қарши тўхтовсиз курашиш зарурияти борлиғидай рамзий маънони юклайди. "Хатар ва бемор" шеърида беморнинг юрагидаги энг оғир дард унинг тубига тош бўлиб чўккан ҳақ сўз экани, уни олиб ташлаш орқали бемор "тузатилгани" оғриқли бир йўсинда акс эттирилган.

Поэтик парадокс шундаки, қисқа шеърлар ҳамиша узун изоҳни талаб қилади. Бироз чўзилган гапимизга шоирнинг "Жангчилар ва қўйлар" шеърини тўла келтириш билан нуқта қўямиз:

Нега бу Сўзлар
Қўйлар сурувига айланиб қолди?

Жангчилар эди-ку!
Улар ахи-ир...

Беш аср олдин.

Шеърга хос бирор ташқи бадиий унсурга эга бўлмаган бу беш сатрнинг елкасига ортилган маъно юкининг оғирлиги ва поэтик эффектнинг кутилмаганлиги кишини лол қолдиради. Бунга шоир поэтик руҳни бехато топа олганлиги сабаб эришган.

Олим шоир Ёфас Алпиннинг "кўнгилни тозалашга" бағишланган шеърлари билан танишиш ўқирман руҳиятини поклашига ишонаман!

Қозоқбой ЙЎЛДОШ



Ғози РАҲМОН

ҚАРҚАРА МЕРГАН

Ҳикоя

Қарқара мерган туғилиб вояга етган Сардоба қишлоғидан отнинг бошини ўнг тарафга бурсангиз Бухорога, чап томонга бурсангиз Жайҳуннинг нақ ўзига чиқасиз.

Қарқара мерган йигитлик вақтида Бухоро амирининг номдор сарбози бўлган. Ҳар қандай муҳорабада мерганнинг куни туғади. Ўзини кўрсатган мерган ёвқурлиги учун амирнинг қўлидан ҳам, йўлидан ҳам кўп илтифот кўрган. Бугун оёғидан оғир яradор бўлиб чопишга ярамай қолганида истеъфога чиқиб, уйига қайтиб, уйланиб, бола-чақа кўриб, тинчгина овчилик қилиб юрган жойи.

Унинг ов майдони бепоён уммоннинг ўзи. Аслини олганда, бу майдон ўртасидан бир пайтлар Қашқадарё оқиб бориб, Жайҳунга қуйилган. Балки Тоҳирни оқизган дарё ўзани айни шу қум барханларидан ўтгандир. Кета-кетгунча сойлик экани, айни баҳорда фақат тоғ этакларида ўсадиган эрбаҳоси, шувоқларининг тўп-тўп бўлиши, улар орасида тулкию товушқон, шақолу бўриларнинг кўп бўлиши тахминни тамғалайди. Сойнинг икки қаноти теп-текис қумлик майдон. Юлғун ва саксовуллар соясида бемалол соялаш мумкин. Уларнинг майда баргли шохлари орасида ҳам саҳро қушлари тухум қўйиб, бола очади. Ҳамма нарса бор, фақат сув йўқ. Бу атрофда тирик жоннинг қўшиғи – сув, "сув, сув" деб тил чикаради, жиш полапонлар. Оҳулар галаси сув қидириб, Жайҳунгача чопиб боради ва у ерда қамишлар орасида ётган йўлбарсларга ем бўлади.

Қарқара мерганнинг уйида, мехмонхонасида Жайҳун йўлбарсининг териси осиб қўйилган. Демакки, Қарқара юрак бетлаб йўлбарс овигаям борган ва қуруқ қайтмаган. Қарқаранинг минадиган оти ўзининг ранг-тусидай қоравут эмас. Ўмгани қатта, оёқлари узун-узун жийрон қашқа. Салгина қимтисанг қийнамай узоқ чопа олади. Мисли қанотли тулпор. Жайҳундан ўтаётганда қорнини шиширib, меш қилиб олади шекилли, ўрдакдай сузиб қирғоққа чиқиб силкиниб-силкиниб олади-да, йўл қараб тураверади. Қарқаранинг ўлжаси яradор йўлбарс бўлсаям ҳеч қийналмай, тисланмай ортиб келади. Йўлтўсар карокчилар тўдаси ҳам неча бор ҳужум қилиб мерганни қўлга туширолмаган. От эгасининг кўнгил тилини билади. Мерган ҳам бу отга жонини беришга тайёр. Бир ноҳуш воқеа бўлди-ю, мерган ҳаммасидан қўл силтаб тарки дунё қилди.

Ғози РАҲМОН – 1947 йилда туғилган. Қарши давлат университетини битирган. "Чумолилар сўқмоғи", "Орият шажараси", "Булбул қанотидаги битиклар" каби бир қанча китоблар муаллифи. "Эл-юрт" ҳурмати ордени соҳиби.

Сардобанинг бой-бадавлат одамлари кўп. Уларнинг энг зўри Жобирбек тилло тангаларни саночга солиб, кураклаб шопиради. Жобирбек элим-элатим дейдиган хилидан. Амирлик томонидан ҳар йили уч-тўрт марта қишлоққа ташланадиган ўлпончиларнинг бировини ҳам эшикма-эшик юрдирмай, бир ўзи тўлаб юборади. Кейинроқ бошқа бойлар билан келишиб, озми-кўпми ёрдам олсаям, буни оддий авомга билдирмайди. Сардоба қуриш ташаббуси ҳам Жобирбекдан чиққан. Бундай улкан сардоба Қарши ва Бухоронинг ўртасида танҳо десаям бўлади. Қурилиш харажатларини бойнинг ўзи кўтарган. Орияти баланд, саховати ундан бинойи.

Бойнинг иккинчи хотини Гулзода тожикзабон бўлиб, Жайҳуннинг нариги тарафидан тушган. Ой деса оғзи, кун деса кўзи бор бу аёл бойга тушгандан бери фақат қиз туғади. Беш қиздан кейин бир ўғил Турсунбойни туғиб олмаганида Жобирбек унинг тўшагини қайта босмай қўйиши ҳеч гап эмасди. “Ё отага мол, ё қизга жамол”, деганларидек бойнинг қизлари бирин-кетин жойини топиб кетди. Кенжа қиз Ҳуснора эса келган совчиларни қайтариб ётибди. Қарқара мерган ҳам бу қизни кенжа ўғлига келин қилиш нияти бор. Эна дарёнинг нариги тарафидан ҳам совчиларнинг қадами узилмаяпти.

Бир куни ҳеч кутилмаган кор-ҳол рўй берди. Қиз ўлгур энажони билан тил бириктириб, ўзича муносиб куёв топиб, холаваччасининг отига мингашиб, дарё ортига қочиб қолди.

Тонг азонда қизининг номаълум куёв билан қочиб қолганини “суярча” хотинининг ўз оғзидан эшитган бойнинг тепа сочи тикка бўлиб, кўз олди қоронғилашиб “сенга уч талоқ” деб юборишига сал қолди. Ўзини зўрға қўлга олди-ю, “Сенинг тўшагинг энди менга ҳаром” дея олди, холос. Бой ўша куни кун бўйи уйдан чиқмади. Тун бўйи мижжа қоқмади. Унинг эрталабки қарори бешафқат бўлди:

– Қарқара мерганни чақиринглар!..

Мерган Жобирбекни бой бўлгани учун эмас, элим, дегани учун хуш кўрарди. Катта оғасидай унинг имо-ишорасига ҳозиру нозир эди. Бу сафар ҳам бир оғиз сўратгани яхшиликка деб келди-ю, пойига тиз чўкди.

– Мерган оғам, сенинг хабаринг борми-йўқми, менинг бошимни эгиб кетишди. Қизимни олиб қочишди.

– Қайси қизингиз, Ҳуснораними, мен уни сарбоз ўғлимга сўратмоқчи эдим.

– Қанийди шундай бўлса? Энди уларни қўшмозор қиламан. Қарқара, мен кўп ўйладим. Жонимни қақшатиб йўқ демасанг, айтаман.

– Майли, сиз бир нима десангиз, йўқ дермидим?

– Бу ишнинг уддасидан фақат сен чиқасан. Сен ва ёлғиз Оллоҳ!

– Тортинмай айтаверинг.

– Сенга уч кун муҳлат. Ўша нобакор қиз тушган ҳовлини қидириб топасан. Келин-куёвни бошини танасидан жудо қилиб, қўш каллани хуржунингга солиб келиб, менга кўрсатасан. Ўша бевош бошларнинг оғирлигича мендан тилло оласан.

Мерган бехос “их” деб юборди. Бой эса хотиржам, ҳижжалаб шартни яна қайтарди.

Мерган ов қилганида ўлжаси урғочи ҳайвон бўлса кўп ачинарди. Ахир бундан зурриёд қоларди-ку. Ярадор бўлгандаям, даволаб қўйиб юборарди.

– Бой ота, яна пушаймон бўлмайсизми?

– Уларнинг айби-гуноҳи менинг бўйнимда. Сен менинг ор-номусимни қайтариб, қўлимга берасан.

– Майли, бой ота, бир уриниб кўраман. Битта бошга битта ўлим ҳамиша бор.

Жийрон қашқа нимадир сезгандай бўлди. Бели тортилаётганда, юган солинаётганда, устига хуржун ортилганда тувлаб – қулоқ жимирди. Агар тили бўлса ялиниб-ёлвориб мерганни ёмон йўлдан қайтариб оларди. Бироқ йўлда ҳам, Жайҳундан ўтаётганда ҳам от ўзини сездириб қўяверди. Буни билган мерган дарё ўртасидан сузиб бораётиб, ортга қайтмоқчи бўлиб, жилов тортди. Энди от жонивор изига қайтишни истамади. От мени тушунди деб ўйлаган мерган қирғоққа қараб жадал сузиб кетди. Бераҳм тақдирни кўринг. Келин-куёвнинг никоҳ иддаси ўтиб, айни шу оқшом бир-бирига қовушган эди. Бундай пайтда ҳатто илон бўлсаям ўлдириш гуноҳи азим. Мерган эса ор-номус деб шу ақидани ҳам унутиб қўйгандай эди. Азроилни кутиб ўтирмай қилич яланғочлаб нақ гўшанганинг ўзига бостириб кирди-ю, шайтон нағмасига рақс тушаётган икки юракни ўлдириб, танасидан бошини айириб, хонани қон билан тўлғазиб, кўзлари чақчайиб қолган бошларнинг киприкларини ёпиб, хуржунга солиб отининг ёнига яқинлашганда жийрон пишқириб кишнаб юборишига сал қолди. Хайриятки, олдинда дарё бор. Унда ювиниб-поклаиниш мумкин. От ҳар сафар кечувда бемалол сузарди. Бу сафар атайлаб қилгандай шўнғиб-шўнғиб олади. Худди шу пайт мерганнинг қаттол танаси от билан сувга ботиб-ботиб кетар, бундан фойдаланган мерган юз-қўлларини ишқалаб-ишқалаб ювиб олар, белдаги ханжар тилида қотиб қолган қонни қинга тегизиб яланар, хуржун кўзларига кирган сув эса бошларни чайқаб-чайқаб ювиш билан овора эди. Бу алфозда кундуз куни юриб бўлмас эди. Хуржунга чивин айланиша бошлаганди. Кундузи бирор пана ўнгирда ётиб, тунлари тўхтамай юрган мерган айтган куннинг охирги кечаси Жобирбекнинг эшигига кириб борди. Хуржундан чиқарилган бошлар малларанг докадай оқариб кетганди. Уларга кўзи тушган бойнинг ранг-рўйи ҳам худди шу тахлит оқарди. Юз-қўлларини саҳро қуёши куйдирган мерган эса кўкариб кетганди.

– Воҳ болам, воҳ жоним-а, ҳам қизимдан, ҳам тилломдан айрилдим. Э Худо, менга ажал бер!

Мерган ваъда қилинган тиллога ҳам қарамай уйига қайтди. Бечора жийрон қашқа уч кунга ҳам етмади. Ҳеч нарса емай-ичмай, кўзларидан юм-юм ёш оқизиб, тик туриб жон берди. Уни мерган ювиб-кафанлаб, катта қабристон девори тагига кўмиб келди. Қирқ кун аза очиб, дунё ишларидан қўл силтаб Тангрига ялиниб-ёлвориб ибодатга юкинди. Жобирбек эса ўша куннинг ўзиёқ савдойи бўлиб қолди-ю, қизининг бежаноза кўмилган мозорига қатнаб юриб, еттинчи кун унинг ўлигини ўша қўш қабр ўртасидан топдилар. Бойнинг ўғиллари унга кўпам ўхшамади. Невара-чеваралар бобомдан қолган мерос, деб ўша кўҳна сардобага ҳамон кўз-қулоқ эмиш.

САВОЛ

Ҳикоя

Мирзапўлат ТОШПЎЛАТОВ

Баҳодир атак-чечак юриб, “ая”, “ада” деганда, ўзи ҳам, ота-онаси ҳам қувончдан ўзларига сиғмасди.

Беш ёшга тўлди. Пиёла синдирди. Онасининг жаҳлдан лаблари пирпиради. Қоши чимирилди.

– Ҳой, аҳмоқ, нега пиёлани синдирдинг? – деб онаси бир тарсаки туширди. Баҳодир роса йиғлаб, охири чарчаб тўхтади.

Мактабга қадам қўйди. Ёзишни, санашни ўргана бошлади. Мактаб ҳаёти бошланди. Бир куни уй вазифасини бажармай борди.

– Нега уй вазифасини қилмай келдинг? – деб уришди муаллим.

Гоҳо бажариб борганда “баҳойинг беш”, – деди, қувонтирди. Шу алфозда кунлар ўтди. Улғаяверди. Отаси ҳам илгаригидек эркалаб осмонларга отмади. Қучоқлаб бағрига босмайдиган бўлди.

Кунлар бир-бирини қувиб ўтарди. Ота ўғлининг кундалигини очди, нигоҳи кундаликдаги “икки” баҳога тушди.

– Нега “икки” олдинг, – дея тарсаки туширди.

Қанчадан-қанча эркалатишлардан кейин бу тарсаки унга ёқмади. Отасидан хафа бўлди. Бир неча кун аразлаб юрди. Кунларнинг бирида отаси яна кундаликка назар ташлади. Ота “беш”ни кўриб эркалади. Бошини силади:

– Ҳа, ота ўғил, одам бўлай десанг, шундай ўқигин.

Мактабни битирди. Ўзи орзу қилган олий ўқув юртига ўқишга киролмади. Таниш-билишларидан, дўстларидан уялди. Кўчага чиқолмай, уйда диққинафас бўлиб юрди. Кўчага чиқди. Ҳеч кимнинг иши бўлмади. Ҳамма ўз ташвиши билан банд. Нега киролмадинг, ҳам дейишмади.

Ишга кирди. Ишлади. Университет анчагача қалбида ўкинч бўлиб қолди. Улғайди. Йигитмисан йигитдек қатъиятли бўлди. Соқол, мўйловини олдирадиган, бир рўзғорни эплайдиган бўлди.

Севди, севилди, турмуш қурди.

Ота ўғлини ёнига чақирди:

Мирзапўлат ТОШПЎЛАТОВ – 1950 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Юракдаги сир”, “Беором тўлқинлар”, “Санам тоғидаги гулхан”, “Ойни ахтараётган бола”, “Тонг оқариб келарди”, “Занжир”, “Бахт юлдузи” каби китоблари чоп этилган.

– Ўғлим, мана мен вазифамни бажардим. Бир бошингни иккита қилдим. Мустақилсан. Қарзим йўқ, болам, – деди.

Баҳодир мустақил бўлди. Фақат турмушнинг қулига айланди. Уйининг ёнидаги оқар сувда чархпалак гоҳ айланади, гоҳ ариққа сув келишини кутиб ётаверади. Баҳодир ҳам гоҳ кувончга, гоҳ ғамга ботиб, яхши кунларни кутиб яшайверди. Яхши кунлари ҳам, озроқ ичиккан кунлари ҳам етарли бўлганча қаторлашиб ўтиб борарди.

Баҳодир ота бўлди. Озми-кўпми қўни-қўшни, қавм-қариндошни йиғиб, оталик мақомини нишонлади. Олдинма-кетин уч фарзанд кўрди. Оталик гаштини ўтказди. Болаларининг йиғисига, шўхликларига кўникди. Кечани кеча, кундузни кундуз демасдан йиғинди. Икки қизни, бир ўғилни уйли-жойли қилди. Қариликни бўйнига олиб, ниманидир кутгандай осмонга қараганча, бир пайтлар отаси ётгандек ёнбошлаб ётаверди. Отасининг меҳнатларини, оталикни тушунди. Набираси ёнига келди:

– Бобо, нега сизнинг сочларингиз оппоқ?

– Қарилик, – деди бобо.

– Бобо, нега бизлардек бекинмачоқ ўйнамайсиз? – деди бобосининг оппоқ сочларини силаб.

– Қариб қолдик, болам.

– Нега қаридингиз, бобо, мендек бола бўлсангиз бўлмайдими? Иккаламиз ўртоқ бўлиб ўйнардик. Нима қиласиз бобо бўлиб? Ёш бўлинг!

– Қани эди, лекин қаридим. Бу йўлдан қайтиб бўлмайди.

– Ҳадеб қаридим, деяверманг.

Осон эмас экан бу саволларга жавоб бериш. Бир пайтлар Баҳодир ҳам отасига шу саволни берганди. Шуларни эслаб отасининг қадрига етмаганидан ўкинди.

– Болам, бу саволга ҳали ҳеч ким жавоб топмаган экан. Ушалмас орзу ҳам шу, болам. Ҳамма йигит бўлиб қолсайдим, дейди. Бўлолмайди-да, – деб оғир тин олди.

Кунботар томонга қаради. Қуёш ботиб борарди. Фақат қуёш қайтиб чиқаверади, ой-юлдузлар қайтиб чиқади. Йиллар саналиб, ойлар, кунлар ўтаверади. Фақат сонлар, рақамлар ўзгаради. Одам эса қайта туғилмайди.

Йиллар ўтди. Баҳодирнинг боласи Алибек ҳам отаси босиб ўтган йилларни, ой, кунларни босиб ўтди. Сочига оқ, юзига ажин тушди. Белидан қувват кетди. "Кексалик гаштини суряпман", дейди-ю, ич-ичидан қани эди ёш бўлиб қолсайдим, деб хаёл суради.

Набираси ёнига келди. Алибек бир пайтлар бобоси ва отасига берган саволни энди набираси қайтарди.

– Бобо, нега сочингиз оқ, юзингиз ғижим, нега мендай бола эмассиз?

– Қарилик, – деди.

– Нега қаридингиз?

– Ўзим ҳам билмайман. Бирпасда қариб, бобо бўлиб қолибман.

– Мен ҳам сиздек бўламанми?

– Бўласан, болам. Сен каби набираларинг ҳам бу саволни бераверади. Мендек саволга жавоб излаб ўтираверасан. Чунки бу тўхтамас оқим. Оқим ўз қонун-қоидасидан ажрамайди.

Набира жим бўлиб қолди.

– Бу оқим қаердан бошланади, қаерда тўхтайди?

– Сенинг ёшингдан. Шу саволни берган кунингдан.

Бир кун келди, йиллар, кунлар, ойлар ўтиб, Алибекнинг набирасига ҳам шу савол берилди...

Чиммату сочвонини ишқ ўтида куйдирди гул

Амир
ХУДОЙБЕРДИ

* * *

Бу садо, тингланг, қулоқларга қаёқлардан келур,
Билмагайсизму заминдан балки тоғлардан келур.

Бу наво бунча сеҳрли, айлагай дилни селоб,
Бу наво найданми ё "Чўли ироқ"лардан келур.

Бу нафас хушбўй эрур, оламни маст айлар чунон,
Эмизакли ёш гўдакдин ё гиёҳлардан келур.

Бу шивирлашдан баҳор сандиқдан олди сепини,
Бу шивирлаш кўп сирли, тунги боғлардан келур.

Энтикишми ё саодат, бир жимирлайдур кўнгил,
Ё илоҳий сасми бу – билгисиз ёқлардан келур.

Қайдин эшитсин ани ғофил кишилар, бу овоз
Сайёҳ шамоллар бағрида йироқ-йироқлардан келур.

Эй Амир, ўтди нечалар сенгача англай дебон,
Сен умид айла, жавоб сенга огоҳлардан келур.

* * *

Айри этгай гулни боғдан, танни жондан айрилиқ,
Ям-яшил япроққа етгайдир хазондан айрилиқ.

Кимки кетди қайтмади, нарёқда не бор – ноаён,
Айирмишдир бу жаҳонни у жаҳондан айрилиқ.

Дод десанг, осмон эшитмас, ерга боқсанг, ер чўкар,
Чиқоргай дуд нола бирла устухондан айрилиқ.

Амир ХУДОЙБЕРДИ – 1961 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) битирган. Шоирнинг "Дунё ва мен", "Жавобсиз савол", "Эврилиш", "Еттинчи малак", "Суҳо", "Ойдин лаҳзалар", "Таҳаммул", "Илоҳий садо" китоблари нашр этилган.

Излагайдир то ҳануз Қайс топмайин Лайлосини,
То ҳануз ошиққа жой бермиш ёбондан айрилиқ.

Икки дилдир икки соҳил, бир-бирига талпинур,
Ўртада дарё оқар – оби равондан айрилиқ.

Юзларингни тирна, сочинг юл, ёқангни йирт, вале,
Бир нажот йўқ, фарқламас зардобни қондан айрилиқ.

Армондин топмоқ завол гар қисматингда бор эса
Эй Амир, ердан эмас бу, осмондан айрилиқ.

* * *

Бўлмасанг сен, менда найлай икки гавҳар зорини,
Кўр бўлай, борим унутсин борлиғингнинг борини.

Бор эсанг, сас бер, юзингдан ол замонлар пардасин,
Ҳуд маконда шуъла сочсин, оч дилинг асрорини.

Зардобли наҳр ичра умрим хазони оққай абад,
Безамас эркан юзунг то жисму жон гулзорини.

Икки олам сийратида сувратингдан не жамол,
Фанода кўрсат ёр, бир бор бақо дийдорини.

Бераҳмдир вақт шамоли, ёр дилимни овлагил,
Совурмасидан бурун ул жисмимизнинг хорини.

Илоҳа, дил топса боқий бахт билолинг болидан,
Бидоят буржида бўйнимга осай зуннорини.

Топса сен дилдорини басдур Амирга, ҳақ тилаб
Ахтарур бир тола сочингдан ғариб дилдорини.

* * *

Қирқ пари қушдай қўнибдур қай бирини сайласам,
Сочи қирқ қиз, қоши қирқ қиздай парини сайласам.

Сочлари сочбовига сиғмай сабода солланур,
Садафда сочқунча сақланган сирини сайласам.

Афсун айларда азимат аҳлининг ақлин олиб,
Карашмаси куфру кўзи кашмирини сайласам.

Зоҳири – зуҳд, ботини – бут, суврату сийрат аро
Ботинидан ботиниб бир зоҳирини сайласам.

Гулжабинли, инжабелли, не десам бошдан-оёқ
Гул эрурким, аввали ё охирини сайласам.

Қўпти ғавғолар, жонимга мингта таскин етмагай,
Не бўлур сайлаб-сайлаб кофирини сайласам?

Ай, Амир, асран адодан айласа аҳд – айлагай,
Сабрким, дегил: "Саодат – собирини сайласам!"

* * *

Агар ишқ ўти куйдирса, парилар ҳам тўкар кўзёш,
Агар ёр суйса-суйдурса, парилар ҳам тўкар кўзёш.

Муҳаббат офати тўфон, минг бир Нуҳ қолмагай омон,
Кемаси чўкса, сел сурса, парилар ҳам тўкар кўзёш.

Агар ишқ ўтидан учқун тушиб, Қоф тоғида ул кун
Ловиллаб бир чаман қурса, парилар ҳам тўкар кўзёш.

Эрам боғини кез, эй жон, кўрарсан ҳамма маст, шодон,
Шамол ул ўтни келтирса, парилар ҳам тўкар кўзёш.

Муҳаббат бир ибодатдур, ғам чекмак анда тоатдур,
Агар меҳробга бош урса, парилар ҳам тўкар кўзёш.

Ким айтди тошбағир бўлгай, алар суйса оғир бўлгай,
Ҳажр даштида ел турса, парилар ҳам тўкар кўзёш.

Амир, қалбингни юлгин, от, беишқ оламни қилгин мот,
Шояд бир боқса, бир кўрса, парилар ҳам тўкар кўзёш.

* * *

Воҳ, на кўрк бу, юз очиб мен силниким суйдурди гул,
Чиммату сочвонини ишқ ўтида куйдурди гул.

Кўрмадим гул кездиму гулшанни минг йил ул каби,
Гул на жаннатда топилмас бил, деди, билгурди гул.

Билмадим, ким анга бир бор боқди, тупроқ юзига
Тортдию қора ниқоб, устига чим уйдурди гул.

Томоша қилмоқ учун ҳуснин баҳор келгай мудом,
Қутлабон сандиғидан турли либос кийдурди гул.

Ғунчасида ишқ элининг сирлари пинҳон азал,
Муҳаббатнинг тахтида ўз ошёнин қурди гул.

Кимни қутгай, кимга ул зор, билмадимки гулзор,
Бир сарин исла муаттар – хўрсиниб "уф" урди гул.

Эй Амир, сен-да юкингил, на хазонлар ҳасратин
Чекмади ул, воҳ, юзин мангу баҳорга бурди гул.

Жумақул
ҚУРБОНОВ

ҚАСАМ

Ҳикоя

Шодмонқул хонасига кириб, эндигина иш бошламоқчи бўлиб тургандики, остонада котиба қиз бўй кўрсатди.

– Сизни бошлиқ йўқлаяпти! Тез...

Бошлиқнинг ўз ходимларини йўқлаб туриши табиий ҳол бўлса-да, аммо негадир бу йўқловдан Шодмонқулнинг юраги увушди: "Тез? Нима бўлди экан-а?! Ишқилиб Мардон Шукуровични кайфияти яхши бўлсин-да!"

Шодмонқул куни кеча бошлиқ буйруғи асосида бажарган юмушларини бирма-бир кўз олдидан ўтказди: "Мардон Шукуровичнинг ҳамма айтганларини... Ҳа-а, ишдан салгина барвақтроқ кетгандим. Эҳтимол, ўшанга жаҳли чиқиб..."

Шодмонқул хаёл билан бўлиб, қабулхонага кирганини ҳам сезмай қолди. Чўғдай пояндоз устида қатор терилган ўриндиқлардан бирига ўтирмоқчи бўлган эдики, тирноғини маникюр қилаётган котиба сўз қотди:

– Сиз кираверинг... Мардон Шукурович кутяптилар!

Шодмонқулнинг баданига яна титроқ кирганича қўли беихтиёр эшик бандига югурди. Тупугини ютиб, ичкарига қадам қўяркан, бошлиқнинг юзидаги иликликдан енгил тортди.

– Киринг... кираверинг! – Мардон Шукурович одатига хилоф равишда ўрнидан қўзғалиб, уни қаршилади. – Хўш-ш, ишлар қалай?

Шодмонқул минғиллаб миннатдорчилик билдираркан, юраги ҳаприқди: "Бу мулойим кутиб олишлар бекорга эмас-ов! Ҳозир яна муҳим топшириқ елкамга юкланади..."

– Эшитишимга қараганда... – Мардон Шукурович юзига жиддий тус берди. – Сизнинг ов деган нарсалардан ҳам хабарингиз бор эмиш?! Катта овчи эмишсиз?! Учиб бораётган қушнинг кўзидан урармишсиз. Шу гаплар ростми?

Шодмонқул ўнғайсизланди.

– Ҳа, энди... бир пайтлар тоғда яшаган даврларда...

– Бўлмаса топшириқ шундай! – Мардон Шукурович ходимининг гапини чўрт кесди. – Биласиз, анчадан буён соғлиғимнинг мазаси йўқ... Мен бормаган курорт, санаторий қолмади. Кеча бир тажрибали врач айтдики, менинг касалимга кийик гўшти шифо бўлар экан! Қалай, шу вазифани сизга ишониб топширса бўладими?!

Жумақул ҚУРБОНОВ – 1955 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тугатган. "Қоракўз", "Амир Темур туғилган жой ёхуд Занжирсарой қиссаси", "Улуғ ҳадисшунос Муборак Ал-Марвазий", "Чорраҳа" асарлари, "Туркистонда миллий мустақиллик учун кураш" монографияси, "Сардоба" трилогияси нашр этилган.

Шодмонқулнинг юрагига оғриқ кирди. Уни шу тобда кийикни "Қизил китоб"га киритилган ноёб ҳайвон эканлиги ёхуд уни топиш ва овлаш қийинлиги эмас, балки... Ўшанда Шодмон полвон келбат ўсмир йигит, тоғли қишлоқлардан бирида яшарди. Овчилиги туфайли эл орасида "Мерган" деган ном ҳам орттирган эди. Дарҳақиқат, Мардон Шукуровичга етказишгандек бир пайтлар қўлига милтиқ тутганда кўзга чалинган қуш ёхуд жонивор ундан қочиб қутулолмасди. Янги уйланган кезларида кимдир "Тирик тутилган айиқ боласи ҳисобига" унга катта миқдорда пул ваъда қилди. Шодмон мерган тўйга кетган харажатларни қоплаш ниятида шартга рози бўлди. Одатига кўра, каллаи саҳарлаб ўлжа қидиришга отланди. Аммо ўша куни омад ундан юз ўгирди. Айиқ яшайдиган ғор томон бораётганида, эҳтиётсизлик оқибатида босган қадамидан юраги орқасига тортиб кетди. Оёғи остидан кўчган тошга қўшилиб, ўзи ҳам жарликка учди...

...Оёқ-қўли гипсда шифохонада шифтга термилиб ётаркан, ўзини кўргани келганларга, ёшгина хотинига қараб ёлворди:

– Мени бегуноҳ жониворларнинг уволи тутганга ўхшайди. Наҳотки умрим тугаган бўлса?! Сизларнинг олдингизда қасам ичиб айтаманки, эсон-омон, ўлмай оёққа туриб кетсам, бундан бу ёғига қўлимга милтиқ ушласам, мени ов урсин! Сизлар ҳам менга умр тиланглар...

Мардон Шукуровичнинг бу қасамдан хабари бор ё йўқ эканлигини билмайди. Билганда ҳам...

– Ҳа, ўйлаб қолдингиз? – унинг хаёлини бошлиғининг норози оҳангдаги сўзи бузди. – Ё илтимосимиз малол келдими? Ҳў-ў, оғайни, бошни кўтаринг... Ахир, ҳали сизни яна ҳам юқорироқ... Эҳм-м, ёғлироқ жойга қўямиз деб ўйлаб юргандим.

Шодмонқул зил-замбилга айланган бошини зўрға кўтарди...

– Мардон Шукурович, бирор марта хизматдан бўйин товлаганмидик? Аммо... бир ўйлаб кўришга рухсат беринг!

Мардон Шукурович "ўйлаб кўришни" ризолик аломати деб тушунди, шу боис ёйилиб жилмайди.

– Баракалла! Танти йигитлигингизни яна бир марта исботлайсизда-а? Сизга икки кун, ана, боринг беш кун муддат. Бошбухга айтиб қўйибман, "командировочний"ни бирйўла ола кетинг. Ўлжа билан келсангиз "кварталний" мукофот оласиз. Келишдик-а?! Хўп, хайр! Овингиз бароридан келсин.

Шодмонқулнинг дарди бўғзида қотди. Қабулхонага қай тариқа қайтиб чиққанини сезмай қолди.

Ашқол-дашқоллар сақланадиган қазноқни титкилаб чангга ботган милтиқни топиб чиққан Шодмонқул хотинига дуч келди.

– Тинчликми?! – эрининг қўлидаги қуролни кўриб аёлнинг ранги оқарди. – Сафарга милтиқ олиб кетадиган одатингиз йўқ эди-ку? Ёки...

Шодмонқул хотинининг кўз қарашидан шу саволни туйди: "Ёки ичган қасамингизни бузиб яна жониворларнинг қонини тўкишгами?"

Шу боис у шошa-пиша ўзини оқлаган бўлди.

– Қишлоққа олиб бориб.... Сотмоқчиман!

Қишлоқда ҳар сафаргидек Шодмонқулни қариндош-уруғлари, жўралари илиқ қаршилашди.

– Сени кўрадиган кун ҳам бор экан-ку, – ярим ҳазил, ярим чин оҳангда сўради қишлоқ шўросининг котиби, Шодмонқулнинг тенгдоши Раҳмонқул Мирзо. – Бутунлай шаҳарлик бўлиб кетдимикан, деб ўйловдик. Кўпга келдингми ўзи?

– Уч-тўрт кунга, – Шодмонқул ютинди, дўстидан нима ҳақидадир сўрамоқчи бўлди-ю, аммо ботинолмади. – Бу тоғда ҳали ҳам кийик... Умуман, тоғ-тошларни соғиндим.

Раҳмонқул Мирзо мийиғида кулди.

– Соғинишинг турган гап. Ахир болалигинг ўтган жойлар... Лекин оғайни, кейинги пайтларда тоғларимизга кўз тегди. Олдин бу томонларга машина тугул, отда келиш ҳам қийин эди. Эслайсанми, киш кезларида какликлар емиш излаб қишлоқнинг этагигача тушиб келишарди. Кийик деган жониворлар...

Шодмонқул негадир титраб кетди. Раҳмонқул Мирзо эса унинг бу ҳолатини сезмаган кўйи шавқ билан сўзида давом этди.

– Ҳа-ҳа... Кийик, олкор деган жониворлар пода-пода бўлиб юришарди. У пайтларда, тан бериш керак, овчилар ҳам инсофли эди-да! Бу томонларга асфальт йўл, электр токи келди-ю, ҳаётимиз ўзгарди-қўйди. Инсофингни бўри егурлар, машинада, вертолётда ов қилишади-я... Айтиб қўяй, дунёда одамдай диёнатлиси ва одамдай ноинсофи бўлмайди. Инсоннинг оёғи етган жойда жонивор деганининг шўри қурийдиган бўлиб қолди. Хайрият, бу атрофларни қўриқхонага айлантиришди-ю, талон-торожлик озроқ бўлса-да, барҳам топди. Лекин, катталарнинг рухсати билан милтиқ кўтариб келадиганлар ҳали ҳам учраб туради.

Шодмонқул яна ютинди.

– Бу... Тоғда кийиклардан битта-яримта қолганми, ё?..

Раҳмонқул Мирзо ялт этиб унга қаради.

– Кийик нимага керак сенга? Ов қилмаслигингни ҳамма билади...

Шодмонқул кўзларини олиб қочди.

– Шунчаки... Тушларимга ҳам кириб чиқадиган бўлиб қолган, жўра. Жониворларни айтиб ўтирма.

Раҳмонқул Мирзо дўстини юпатган бўлди.

– Ҳа-а... Ҳақиқатан туғилган жойингни соғинибсан. Ундай бўлса мана, мен каватингга кириб ўзим айлантираман.

– Йўқ, йўқ! – Шодмонқул ўзини ўта ҳориган қиёфага солди. – Мен ўзим... Ёлғиз айланиш ниятим бор. Менга фақат битта от бериб... кийиклар ўтлайдиган жойни кўрсатсанг, бас! Негадир ўша жониворларни кўргим келяпти...

Шодмонқул бехос отнинг кишнашидан уйғониб кетди. Бу кезда ҳали атрофдан коронғилик қора пардасини йиғиштириб олмаган, кўк тоқида икки-уч ҳовуч юлдузлар шодаси совуқ нур сочиб турарди. Шодмонқул ёш болалардек кўзини ишқалаб супадан тушиб келганда, Раҳмонқул Мирзо қоратўриқ байталнинг жиловидан тутган кўйи дарвозахонада унга маҳтал турарди.

– Тезроқ ювиниб отланақол... Нонуштанг хуржунда. Тоғни саҳарлаб томоша қилмасанг... Отнинг ювошидан танладим, шундай бўлса-да, эҳтиёт бўл. Тоғбегига ҳам тайинлаб қўйганман. Қийналсанг, ўшанга учрашасан. Кийиклар ўша ўзинг билган Кийиқдара томонида... Тушликка яқин етиб борсанг ҳам катта гап. Улар сув ичгани тошбулоқ томон келишади. Ўшанинг-чун тезроқ отлана қол... Мен кетдим, шаҳарга тушиб келишим керак.

Раҳмонқул Мирзо кетиши биланоқ у ортга қайтди. Яшириб қўйган қуролини олиб, хуржунга жойлади, сўнг отини етаклаб дарвозахонадан чиқди.

...Шодмонқул "шаҳарлик" бўлганидан буён улов минишдан чиқиб қолган эканми, эгарда ўтиришидан тезда толиқди. Байтални жиловидан тутган кўйи сўқмоқ бўйлаб одимлади. Йўлнинг икки томони ўт-ўланларга бурканган, ҳавода хушбўй ҳид анқир, пастда тезоқар дарё шовулларди. Аммо Шодмонқул атроф манзарасини кўрмас, хаёлида турфа фикрлар ғужғон ўйнарди: "Ишқилиб, Кийиқдарага эсон-омон етиб бориб бирорта бўлса ҳам... Раҳмонқул Мирзонинг аччиғи келса-чи? Ҳа, унда... Браконьер овчи отган экан, мени кўриб ташлаб қочди дейман-да! Ишонса

ишонар, ишонмаса, қишлоқдан оёғим тортилади... Ҳали у ёқда хотиним ҳам бор. Бу ёққа келаётганимда милтиқ олаётганимни кўриб ғингшиганди: "Ов қилмайман деб қасам ичгандингиз. Нега яна... Қасамни бузиш эркак кишига гуноҳ!" Қасам ичганим-ку ёдимда, лекин бу энағар Мардон Шукурович қасамни биладими, бировнинг қўлидан келадими-йўқми, унинг неча пуллик иши бор?!"

Пориллаган товушдан Шодмонқул чўчиб кетди. Тош орасидан бир жуфт каклик кўтарилиб жарлик томон ўқдек учди. От ҳуркиб безовталанди... Шодмонқул эҳтиёт шарт эгардаги хуржунга қўл тиқиб латтага ўроғлиқ милтиқни суғуриб олишга тахт қилиб қўйди. Айтиб бўладими... Бу тоғу тошлар орасида бўридан тортиб қоплонгача учратиш мумкин.

Шодмонқул милтиғини елкага олгач, отни яқинроқдаги писта дарахтига боғлади. Бундан бу ёғига уловда юриш хавфли эди. Шодмонқул бироз тин олди. Хуржундан Раҳмонқул Мирзо солиб қўйган тугундан бир парча патир билан бўлак яхна гўшт олди. Лекин иштаҳаси бўғилиб яна жойига қўйди. Кийикдарага кўтарилиб олиш учун бироз куч йиғиб олиш керак. Тошбулоққа етиб олса, ана ўша жойда бемалол овқатланади. Шунча хатти-ҳаракати эвазига ҳали кийик учрамаса нима бўлади? Йўқ, Раҳмонқул Мирзо алдамайди. У айтдими, демак, кийик бор. Эҳ, шу ташвишдан бир амаллаб халос бўлсайди, иккинчи маротаба ов деган нарсани буткул йиғиштирарди. Барибир шу ичган қасамини бузаётгани ёмон бўлди-да! Иримчи бўлмаганида ҳам гўрга эди. Энди бундан бу ёғига бирор иши юришмасаям ана шу қасамни бузганликка тақайверади. Мардон Шукуровичнинг буйруғини бажармаслик эса... Бунинг устига бошлиқ ёғли вазифа ҳам ваъда қиляпти...

Шодмонқул оғир ўйлар гирдобидан зўрға қутулиб, тор сўқмоқдан тепага қараб тирмашди. Юраги гурс-гурс урар, аъзойи бадани жиқ терга ботган, тиззалари қалтирар, Мардон Шукуровичнинг истеҳзоли башарасини кўз олдига келтирганча яна тепага одимларди.

Шодмонқул Тошбулоққа етиб борганда тамоман ҳолдан тойган, қўл-тиззалари шилиниб тушганлигидан муттасил ачишар, аммо анчагина тетиклашган эди: "Ишқилиб, етиб келдим-ку! Бу ёғига бикиниб... Бир кеча-кундуз бўлса ҳам пойлайман. Майли, ҳамқишлоқларим, ана... хотиним ҳам юз ўгирсин! Лекин Мардон Шукуровични тан олдиртирсам бас... Ана шундан кейин ишхонада менинг пишагимни "пишт" деб кўрсинлар-чи?!"

Шодмонқул ният қилгандек булоқнинг сувидан тиниқиб ичди, енгил-елпи тамадди қилди: "Шамол йўналишига тескари томонни танлаш керак. Бўлмаса кийик деган жонивор олти чақиримдан ҳам бегона ҳидни туяди. Ҳу, анави харсанг орти... Ўша жой маъқулга ўхшайди. Баланд булоқ атрофи ўша жойдан кафтдек кўзга ташланса керак". Шодмонқул яхшилаб жойлашиб олгач, нима иш қилишини билмай, яна хаёлга ботди: "Барибир қасамини бузаётганлиги кўп хунук иш бўлди-да! Битта порахўр бошлиқнинг буйруғи сабаб элу юрт, ҳамқишлоқлари юз ўгиришсачи?! Хотинини-ку "Қуролни сотиб келаман", деб алдади. Бир кун шу ишнинг миси чиқади. Унда неча пуллик киши бўлади... Йўқ... Йўқ! Бу ишни бажармаса бўлмайди! Ҳамқишлоқларини унинг шахсий ҳаёти билан нима иши бор? "Ўзинг учун ўл етим", деган гап бор. Бу оламда қасам ичиб уни бузиб яшаётганлар камми?! Ахир у ҳам яхшироқ мансаб эгаллашни, яхши еб, яхши кийишни истайди... Агар шу буйруқни бажармасин-чи! Мардон Шукурович унинг думини тугади. Эй, Худо! Шу ташвишдан эсон-омон қутулиб олсайдим..."

Шодмонқул муздек тошга суяниб хаёлига эрк берганча мудроқ босганини сезмай қолди. Қанча вақт ўтганини билмади. Ички бир ҳисдан туйқус чўчиб уйғонди.

Харсанг орасидан булоқ томонига қаради-ю, қичқириб юборишдан ўзини зўрға тийди. Бир эмас, бир тўда кийик шундайгина унинг кўз олдида ўтлаб юрарди. "Ҳа, Раҳмонқул Мирзо алдамаслигига кафил эдим! – Шодмонқулнинг қўли беихтиёр милтиқ томон силжиди. – Энди Худо омадни бериб... Анови четда қоровулликда тургани семиз экан... Э-э, кичкина иккита болачаси бор-ку! Йўқ, улар увол. Яхшиси, тўдага қараб отади... Ишқилиб қўли чиқиб кетмаган бўлсин-да!"

Шодмонқулнинг томирларида овчилик қони қайтадан гупургандек бўлди. Ҳаяжондан юраги гупиллаб урди. Шу аснода кийиклар тўдасининг сардори ҳавода ноҳуш ҳидни туйгандек ғалати сас чиқарганча олдинга интилди. Ортидан эса қолган жониворлар... Шодмонқул шоша-пиша тепкини босди. У шошиб ўрнидан қўзғалаётиб, тиззасини харсангга уриб олди. Сўнг оғриқни ҳам унутиб, олдинга қараб ҳаккалади. Булоқ бошига етгач юраги зирқираб кетди. Ён-атрофни қопқора қонга бўяганича кийик боласи жон талвасасида типирчиларди. Шодмонқул ўзидан ўттиз-қирқ қадамлар чамаси нарида изига қайтган она кийикка кўзи тушиб қалтираб кетди. Шодмонқул ўн йилга яқин овчилик билан шуғулланиб бундай ҳолга тушмаганди. У ҳушини йиғиб оёғи остига қаради. Кийикча ҳамон жон талвасасида типирчилар, чиройли кўзларининг қорачиғи торайиб борарди. Шодмонқул пичоқни суғурди-ю, кўзларини юмганича жониворни бўғзига қўл сирмади... Еру осмон чирпирак бўлиб айланди. Тоғу тошлар акс-садо берди.

– Ичган қасамингни буздинг-а?! Бегуноҳ жониворнинг уволига қолдинг-а?!

...Шодмонқул қабулхонага киргач, бошлиқни суриштирди.

– Йўқлар, – котиба қиз унинг юзига қарамасдан жавоб берди. – Лекин сизни... Келса албатта кутиб туришингизни тайинладилар. Кейин аллақандай мукофот ҳақида гапирдиларми-ей. Марҳамат, ана стул... Ўтира туринг.

– Вақтим тиғиз, – Шодмонқул бир варақ қоғозни котиба қизнинг олдига ташлади. – Мана бу... ишдан бўшашим, ўз вазифамни эплолмаслигим тўғрисида. Мен... Қасам урган одамман!

Котиба қиз бошини илкис кўтарди-ю, ҳанг-манг бўлиб қолди. Шу уч-тўрт кун ичида Шодмонқулнинг сочларини оппоқ қиров қоплаганди.

УЛУҒ АЛЛОМАЛАР МЕРОСИ – МУСТАҲКАМ ЭЪТИҚОД АСОСИ

Акмал САИДОВ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига тақдим этган Мурожаатномасида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий номларидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислом академияси каби илмий-маърифий муассасалар фаолиятини йўлга қўйиш ишлари бошланганини алоҳида қайд этди. Шулар қаторида давлатимиз раҳбари буюк алломаларимизнинг ёдгорлик мажмуалари қошида ҳадисшунослик, ислом ҳуқуқшунослиги, тасаввуф, калом ва ақида илми каби диний-маърифий йўналишларни ўрганиш бўйича махсус мактаблар ташкил этилганига эътибор қаратгани бежиз эмас.

Бинобарин, бугунги кунда мамлакатимизда, бир томондан, фарзандларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб, хусусан, диний жаҳолатга, зарарли оқимларга қарши маърифат билан курашиш руҳида тарбиялашга, иккинчи томондан, кўҳна заминимизда яшаб ўтган улуғ алломаларимизнинг муқаддас қадамжоларини обод қилиш ва бой маънавий меросини атрофлича ўқиб-ўрганишга катта аҳамият берилмоқда. Биргина Қашқадарё вилояти мисолида оладиган бўлсак, давлатимиз раҳбарининг мотуридия мактаби намояндаси Абу Муин Насафий зиёратгоҳини реконструкция қилишга доир ташаббуси бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Улуғ аждодимиз Абу Муин Насафий XI асрда яшаган, ислом маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган алломалардан биридир. Ушбу улуғ зот 1027 йили[1] Насаф яқинидаги Ибсан (ҳозирги Қовчин) қишлоғида туғилган ва узоқ муддат Бухоро ҳамда Самарқанд шаҳарларида илму ижод билан шуғулланган, 1114 йили 87 ёшида Самарқандда вафот этган. Абу Муин Насафий ёзган ўнлаб китобларнинг акса-

[1] Қаранг: Буюк алломаларимиз. – Т.: "Тошкент ислом университети", 2002. – 47-бет; У. Уватов. Насафлик алломаларнинг хорижий мамлакатларда сақланаётган қўлёзмалари ҳақида / Насафлик алломаларнинг жаҳон маданиятида тутган ўрни: илмий-назарий конференция материаллари. – Қарши, 2008. – 8-бет; Ш. Шарапов, И. Холиёров. Ёдгорликларга бой гўша. – Т.: "Voris-nashriyot", 2016. – 76-бет; Ш. Шарапов, И. Холиёров. Исҳоқ бува зиёратгоҳи. – Т.: "Voris-nashriyot", 2016. – 21-бет. Айни мавзуда алоҳида тадқиқотлар олиб борган Носир Муҳаммад "Насаф ва Кеш алломалари" тазкирасида (Тошкент, 2006, 2-нашр) ва "Сирли зарваракдар" тўпламида (Тошкент, 2016) Абу Муин Насафий туғилган санани "1037 йил" деб кўрсатган бўлса, Тошкент ислом университети тадқиқотчиси С. Оқилов "Насафлик алломаларнинг жаҳон маданиятида тутган ўрни" тўпламидаги мақоласида (Тошкент, 2016, 10-бет) ушбу санани "417/1024 йил", дея қайд этган. – *А. С.*

Акмал САИДОВ – Ўзбекистон Фанлар академияси ҳақиқий аъзоси, юридик фанлар доктори, профессор. 1958 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. "Амир Темур – дунё илм-фани кўзгусида" номли библиография, "Амир Темур ва Франция" (ҳаммуаллифликда), "Ҳазрат Занги ота" каби китоблар муаллифи.

рияти калом илми масалаларига бағишланган. Ана шу нодир китобларнинг ўнлаб қўлёзма нусхалари дунёнинг кўплаб кутубхоналарида сақланмоқда.

Буюк бобомизнинг илмий асарлари бугунги кун учун ҳам ғоят аҳамиятлидир. Шу маънода, давлатимиз раҳбари 2017 йил 24–25 февраль кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи асносида бу улуғ зотнинг Қарши тумани, Қовчин қишлоғидаги муқаддас қадамжосини обод зиёратгоҳга айлантириш, зиёратчиларга зарур шароитлар яратиш, ушбу масканда кутубхона ташкил этиш ва аллома асарларини таржима қилиб, халқимизга етказиш бўйича амалий тавсиялар бергани[2] айни муддао бўлди.

Бу ҳақда сўз борганда, албатта, 2017 йил 15 июнда бўлиб ўтган "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусидаги видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон Президенти маънавий мерос масаласига алоҳида тўхталиб, "Кейинги вақтда мен жойларда бўлиб, ҳудудларимиз ҳаёти билан янада яқиндан танишар эканман, шундай бир фикрга ишонч ҳосил қилаяпманки, биз ҳали юртимизни, унинг ўзига хос тарихи, маданияти, улуғ олиму уламоларини, бебаҳо маънавий меросимизни тўлиқ ўрганганимиз йўқ"[3], дея қайд этганини эсга олиш лозим.

"Мисол учун, Қашқадарё заминида буюк аллома, мотуридия таълимотининг йирик вакили Абу Муин Насафий бобомиз яшаб ўтганлар. У киши узоқ муддат Бухоро ва Самарқандда таҳсил олиб, калом илми, яъни исломий эътиқод поклиги масаласида 15 га яқин китоб ёзганлар. Ана шу китобларида, бундан минг йил олдин дин масаласида адашганларга тўғри йўл кўрсатганлар"[4], деди мамлакатимиз раҳбари.

Ўшанда Насафий бобомиз (тўлиқ исм-шарифлари: Абул Мўъийн Маймун ибн Муҳаммад ибн Мўътамид ибн Муҳаммад ибн Макҳул ибн ал-Фазл ан-Насафий ал-Макҳулий) зиёратгоҳида муаззам мажмуа барпо этиш, бу улуғ зотнинг китобларини таржима қилиш ва нашрдан чиқаришнинг муҳим аҳамиятга эга экани ҳақида ҳам сўз борди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида динимиз равнақи йўлида беқиёс хизмат қилган буюк азиз-авлиёлар, аллома зотлар хотирасига барпо этилган ёдгорлик мажмуалари, илмий марказлар фаолият кўрсатаётганига эътибор қаратилди.

Президентимизнинг: "Қашқадарёда – Абу Муин Насафий марказида ақида илми мактабини ташкил этсак, ўйлайманки, бу жуда фойдали бўлади. Келгусида чуқур билимли имом-хатиблар, исломшунос мутахассислар, уламолар тайёрлашда, энг муҳими, фарзандларимизни буюк аждодларимизнинг бебаҳо мероси руҳида, соғлом эътиқод руҳида тарбиялашда бу мактаблар таянч бўлиб хизмат қилади"[5], дея билдирган қимматли таклифлари асосида бу ерда ана шу илмий мактаб ўз фаолиятини бошлади.

Бинобарин, ақоид[6] илмида битилган жамики манбалар, шарҳ ва ҳошияларда Имом Абу Муин Насафий номи тилга олингани ҳамда унинг "Табсират ал-адиллати фи илм ал-калом" ("Калом илмида далиллар тилга кирганда")[7] асаридан иқтибос келтирилгани ёки унда баён қилинган ҳукм эътироф этилганини кўриш мумкин.

Айрим манбаларда ушбу китобнинг "Табсират ал-адилла фи усул ад-дин ъала тариқат-ал Имам Аби Мансур Мотуридий" ("Абу Мансур ал-Мотуридий тариқатига

[2] Одамлар яхши яшаши учун зарур шароитлар яратиш – барча раҳбарларнинг асосий вазифасидир // Халқ сўзи, 2017 йил 28 февраль.

[3] Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик // Халқ сўзи, 2017 йил 16 июнь.

[4] Ўша жойда.

[5] Ўша жойда.

[6] Ақоид (*арабча:* "ақд" – бир нарсани иккинчисига маҳкам боғлаш; бирликда – ақида) – балоғатга етган киши эътиқод қилиши, имон келтириши, ислом динининг заруратлари шаклида тасдиқ қилиши, қалбига маҳкам боғлаб олиб ундан ажралиши мумкин бўлмаган шаръий эътиқодий ҳукмлар.

[7] Муҳаммад, Носир. Сирли зарваракдар: тарихий этюдлар. – Т.: "O'zbekiston" НМИУ, 2016. – 64-бет.

биноан дин усулларини аниқ далиллар билан шарҳлаш")[8] деган тўлиқ номи истифода этилган. Шунингдек, бу ном "Табсират ул-адиллафи калом" ("Калом илмида далиллар изоҳи")[9], "Табсират ал-адилла" ("Далиллар изоҳи")[10], "Табсират ул-адилла"[11] каби шаклларда ҳам қўлланилади.

Иброҳим ибн Абдураҳмон Узрий (р.а.)дан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ҳар бир замонларда адолатпеша инсонлар (мўътадиллик) ҳаддидан ошганларнинг нотўғри талқинини, лаёқатсиз кимсаларнинг асоссиз тасдиқлашини ҳамда нодонларнинг таъвилларини инкор этган ҳолларида бу илмни ҳимоя қиладилар", дедилар (Имом Байҳақий ривояти)[12].

Муҳаммад алайҳиссаломнинг ушбу ҳадиси шарифида тўғри йўлдан адашган, асоссиз нарсаларни ўзларига "ҳужжат" қилган ҳолда, бошқаларни чалғитадиган, илмсизликдан ояту ҳадисларни нотўғри таъвил[13] ва талқин қиладиган кимсаларни тўғри йўлга соладиган, мусулмонларни соф ақоидга бошлайдиган инсонлар ўз замонасининг адолатпеша инсонлари, дея зикр қилинмоқда. Имом Абу Муин Насафий ўз замонасининг ана шундай кишиларидан бири бўлган. У зот Мотуридий ақоидининг бизгача етиб келишида катта хизматлар қилган.

Абу Муин Насафийнинг "Табсират ул-адилла" китобида Имом Мотуридий таълимоти ниҳоят даражада мукаммал ва тушунарли тарзда баён этилган. Шу сабабли у асрлар давомида калом илми бўйича асосий қўлланмалардан бири сифатида эъзозлаб келинади.

Имом Мотуридийнинг "Тавҳид" ҳамда Имом Абу Муин Насафийнинг "Табсират ул-адилла" китобини ўзаро қиёсий таҳлил этган олимларнинг фикрича, "Абу Муин Насафийнинг шоҳ асари "Табсират ул-адилла" Имом Мотуридий (р.а.)нинг "Тавҳид" китобидан кейинги китоб саналади. Балки ушбу асар "Тавҳид" китобига шарҳ, тафсир ва баён деб эътибор қилинади. Чунки "Табсират ул-адилла" асари кўп ўринларда "Тавҳид" китобининг услубларини баён қилиб, унга нисбатан кенг камровли ва тафсилотлар билан бойитилган асардир"[14].

Араб тилини ўрганиш бўйича Француз илмий институти тадқиқотчилари ҳажми минг саҳифадан ортиқ бўлган "Табсират ул-адилла" китобини 1990 ва 1993 йилларда Дамашқ шаҳрида икки жилд ҳолида нашр эттиргани ҳам бу асарнинг улкан маънавий қийматидан далолат беради. Ушбу нашрни тайёрлашда асарнинг 1269 йили Бухорода Муҳаммад ибн Ҳасан ибн ал-Ҳусайн исмли хаттот кўчирган ва Мисрдаги Искандария шаҳри кутубхонасида, шунингдек, Қоҳирадаги "Дор ул-кутуб ал-Мисриййа" ва машҳур ал-Азҳар университети кутубхоналарида сақланаётган мўътабар қўлёзмаларига таянилган[15].

Имом Абу Муин Насафийнинг илм аҳлига яхши таниш бўлган яна бир китоби –

[8] Ҳожи Халифа. Кашф аз зунун. II жилд. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти, №5978 (Араб тилида). – 114-варақ.

[9] Оқилов С. "Соҳиб ат-Табсира" – Абул Муъин ан-Насафий / Насафлик алломаларнинг жаҳон маданиятида тутган ўрни: илмий-назарий конференция материаллари, 11-бет.

[10] Уватов У. Насафлик алломаларнинг хорижий мамлакатларда сақланаётган қўлёзмалари ҳақида / Насафлик алломаларнинг жаҳон маданиятида тутган ўрни: илмий-назарий конференция материаллари. – Қарши, 2008. – 8-бет.

[11] Жуманазар, Абдусаттор. Насаф. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 47-бет.

[12] Имом Абу Муин Насафий // Ислом нури, 2017 йил 15 декабрь.

[13] Таъвил (*арабча:* изоҳлаш, асл маъносига қайтариш) – айрим мураккаб оятлар мазмунини ўз билими доирасида изоҳлаш. Бу сўз кейинги пайтда тафсирлаш, шарҳлаш каби маъноларда ҳам ишлатилмоқда. Қуръони Каримда ўнлаб "муташобиҳ" (иштибоҳли, яъни асл маъноси бандасига номаълум мураккаб оятлар) ва "муқаттаот" деб номланувчи оят ва иборалар борки, уларнинг туб маъноларини Оллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким аниқ билмайди (Оли Имрон сурасининг 7-оятига қаранг). Ҳанафий-мотурудий мазҳаби бўйича бу каби оятларни таъвил қилиш, шарҳлаш ёки изоҳлаш шаккоклик ҳисобланади.

[14] Имом Абу Муин Насафий // Ислом нури, 2017 йил 15 декабрь.

[15] Муҳаммад, Носир. Сирли зарваракдар: тарихий этюдлар. – Т.: "O'zbekiston" НМИУ, 2016. – 64-бет.

"Баҳр ал-Калом фи илм ал-Калом" ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Ҳозирги кунда "Баҳр ал-Калом" асарининг қўлёзма нусхалари Дубай, Дамашқ, Бағдод, Қоҳира ва Искандария шаҳарлари кутубхоналарида сақланмоқда[16].

Маълумки, замондош алломамиз Убайдулла Уватов 2007 йил баҳорида Англияга илмий сафарида Британия музейи кутубхонасида 100 дан зиёд Насаф ва Кеш алломаларининг бизга номаълум асарларини излаб топишга муваффақ бўлди. Олим 2008 йилда Саудия Арабистонида ҳам бўлиб, насафийлар ва кешийлар илмий меросини тадқиқ этиш билан жиддий шуғулланди.

Профессор Убайдулла Уватовнинг таъкидлашича, Имом Абу Муин Насафийнинг "Баҳр ал-Калом фи илм ал-Калом" китобида келтирилган Пайғамбар алайҳиссаломнинг икки ҳадиси фавқулодда аҳамиятга моликдир.

Биринчи ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.): "Мендан кейин Абу Бакр ва Умарга иктидо қилинглар", деган бўлишига қарамасдан, халифалик устида икки кун баҳс бўлган. Бу ҳол муборак ислом динимиздаги дастлабки ихтилофларнинг пайдо бўлиши, деб баҳоланади.

Иккинчи ҳадис: Сарвари оламнинг "Мендан кейин халифалик ўттиз йил, ундан кейин амирлик, подшоҳлик ва ҳокимлар бўлади", деган фикрлари нақадар тўғрилигини алоҳида қайд этиш зарур. Чиндан ҳам, бу муддат, яъни ўттиз йил тўғри йўлдан юрувчи халифалар – чорёрлар пайтида тугаган. Ҳозирги вақтда "халифалик"ни орзу қилиб юрган баъзи кимсалар учун ҳам Пайғамбар алайҳиссаломнинг бу ҳадислари асосли жавобдир[17].

Бундан ташқари, Имом Абу Муин Насафийнинг "Ат-Тамҳид ли қовоид ат-тавҳид" ("Тангрининг ягоналиги асосларига оид бошланғич таълим"), "Ал-Умда фи усул ал-фиқҳ", "Китоб фи-т-тавҳид", "Тасаййуд ал-қавоид фи илм ал-ақоид", "Мукаддимат фи одоб ал-баҳс" каби асарларида ҳам ақидавий масалаларнинг талқини салмоқли ўрин эгаллайди.

Шу ўринда Қашқадарё воҳаси заминида Насафий нисбаси билан юритилган яна кўплаб улуғ зотлар камолга етганлиги ҳақида ҳам мухтасар тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, Абу Муин Насафийнинг катта бобоси Макҳул ан-Насафий (вафоти 930 й.) Имом Мотуридийнинг шогирдларидан, алломанинг бобоси Муътамид ибн Макҳул ан-Насафий эса ҳанафийлар орасида катта обрў-эътибор қозонган зотлардан бўлган.

Буларнинг барчаси бежиз эмас. Чунки Қашқадарё воҳасининг икки йирик шаҳри – қадимда Нахшаб, Насаф номлари билан аталган бугунги Қарши ҳамда Кеш номи билан машҳур Шаҳрисабз тарихи Ўрта Осиёнинг бокий шаҳарлари Самарқанд, Бухоро, Хива сингари қадимийдир. Жаҳонда 2700 йиллик тарихга эга бўлган шаҳарлар унча кўпчиликни ташкил этмайди. Вилоятнинг асрларга бўйлашган бу икки муаззам шаҳрининг олис кечмиши, бой тарихи ва зафарларга тўлиқ бугунги куни унинг ҳар бир фарзанди қалбида юксак миллий ғурур туйғусини уйғотиши табиий.

Насаф ва Кеш алломалари фаолияти бўйича алоҳида изланишлар олиб борган фидойи зиёлиларимиздан яна бири – раҳматли шоир ва публицист, таниқли жамоат арбоби Насриддин Муҳаммадиев (Носир Муҳаммад)нинг маълумотларига қараганда, Насаф IX–XII асрларда мусулмон оламида "мадина" (яъни, йирик шаҳар) деб юритилган 8 та шаҳар – Мадинаи мунаввара, Бағдод, Исфаҳон, Нишопур, Марв, Бухоро, Самарқанд билан бир қаторда маълум ва машҳур бўлган[18].

[16] Муҳаммад, Носир. Насаф ва Кеш алломалари (IX–XX асрлар): тазкира. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2006. – 31–32-бетлар.

[17] Буюк алломаларимиз. – Т.: "Тошкент ислом университети", 2002. – 47–48-бетлар.

[18] Муҳаммад, Носир. Насаф ва Кеш алломалари (IX–XX асрлар): тазкира. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2006. – 12-бет.

Абдулкарим ас-Самъонийнинг (1113–1167) "Ал-Ансоб" ("Насабнома") номли асарида Насаф ва унинг атрофидаги 50 дан ортиқ қишлоқларда етишиб чиққан салкам 180 нафар алломанинг номлари қайд этилган. Ас-Самъонийнинг ёзишича, Насаф атрофидаги Косон, Қасба, Майморғ, Варасин, Устуғдодиза, Фарғуздиза, Ғубдин, Кожар, Ниёза, Навқад, Ибсан, Базда, Хузор, Суводиза каби қишлоқлар каттагина нуфузга эга бўлган ва насафлик алломаларнинг нисбаларида бу ҳол ўз аксини топган. Агар тарихчи олим ушбу шаҳарда қарийб икки ой яшаганини эътиборга олсак, унинг бу маълумотлари нечоғлик холис ва ишончли эканига шубҳа қолмайди.

VIII аср охири ва IX аср бошларида Насаф ва Кеш ҳудудларида ислом таълимоти асослари, ғояларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган. Бунинг натижасида воҳада туғилиб вояга етган, шунингдек, Мовароуннаҳр ҳамда ислом таълимоти кенг ёйилган ўлкалардан таълим олиш, илм ўрганиш мақсадида келган шахслар томонидан Қуръон тафсирлари, Ҳадислар моҳияти ва фиқҳ илмининг асослари ўрганила бошланган. Натижада ушбу ҳудудларда ҳадисшунослик ва фиқҳшунослик мактаблари вужудга келган[19].

Хусусан, Абу Абдураҳмон Муъаз ибн Ёқуб ан-Насафий IX асрда яшаган ислом олимларидан бири бўлиб, бу улуғ зот 834 йили ўз маблағи ҳисобидан Насафда жоме масжиди, сўфийлар учун работ ва сув манбаи қурдирган. Кўплаб шогирдлар етиштирган, ҳадисшунослик борасидаги изланишлари билан шуҳрат топган.

Насаф вилоятининг Варасин қишлоғида туғилган тарихчи ва ҳадисшунос олим Абул Ҳорис ал-Варасиний ан-Насафийнинг ўнлаб асарлари орасида "Китаб муфахарат аҳл Насаф ва Кашш" ("Насаф ва Кеш аҳлининг ифтихорлари") номли китоби ҳам борлиги эътиборга моликдир. Ушбу аллома талабалик йилларида Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, Туфайл ибн Зайд ат-Тамимий, Мусанно ибн Иброҳим ал-Ғубдиний (Ғубдин – Қарши туманидаги қишлоқ) сингари ўз даврининг машҳур шахсларидан таълим олган.

Шунингдек, 914–943 йилларда яшаган шоир, файласуф ва давлат арбоби Муҳаммад Нахшабий, тилшунос ва адабиётшунос олим Абу Усмон ан-Насафий (952 йили вафот этган), олим ва фақиҳ Ҳусайн ибн Хизр Насафий (1033 йили вафот этган), фиқҳ ва ҳадисшунослик, тарих ва филология соҳасида кенг қамровли билимлар соҳиби, "Насаф ва Кеш тарихи" номли икки жилдли (бизгача етиб келмаган) китоб муаллифи Абул Аббос Жаъфар ан-Насафий (962–1041), Насафдан 4 фарсах узоқликдаги Устуғдодиза қишлоғида таваллуд топган муҳаддис Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ал-Устуғдодизий ан-Нахшабий (1018–1066) номларини тилга олиш ҳам фарз, ҳам қарздир.

Насафлик яна бир фиқҳшунос олим Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Наср ибн Солиҳ шамс ул-аимма ал-Ҳалвонийнинг "Ал-Мабсут" номли асари ўз даврида довруқ қозонган. Ал-Ҳалвоний таҳаллуси олимнинг ота касби ҳолвачилик бўлганига ишоратдир. Тарихий манбаларда унинг 1056 йилда Кешда вафот этгани, сўнгра Бухорода дафн этилгани қайд этилган. Янги маълумотлар эса олимнинг мақбараси Қарши шаҳридаги Қовчин қишлоғида эканидан далолат бермоқда.

Айниқса, X асрда Аҳмад ибн Тадёний, Ҳаммад ибн Шокир ан-Насафий, Абдулмўмин ибн Халаф ан-Насафий, Ал-Лайс ибн Наср ал-Кожарий, XI асрда Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий, Муҳаммад ибн Аҳмад Баладий, Ал-Ҳасан ибн Али ал-Ҳаммадий ан-Нахшабий каби олимлар бутун ислом оламида танилган. Шунингдек, "Зубдат ул-ҳақойиқ" китоби муаллифи Азизиддин Насафийнинг асарлари ўрта асрлардаёқ Европада маълум бўлган.

[19] А. Саидов. Мовароуннаҳр фиқҳ мактаби анъаналари // Тошкент оқшоми, 1997, 7 ноябрь; А. Саидов, С. Исҳоқов. Мовароуннаҳр фақиҳлари: Ҳофизиддин Насафий // Маҳалла, 2001, 3 январь

Ҳадисшунослик ва ҳанафий мазҳабининг таниқли фиқҳшуноси Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Баздавий ан-Насафий 1009 йилда Насаф яқинидаги Базда қўрғонида (Пазда, ҳозирги Фазли қишлоғи) туғилган. Унинг "Канз ул-вусул ила маърифат ул-усул" асари "Усули Баздавий" номи билан машҳур.

Қомусий олим, шоир, тарихчи ва фиқҳшунос Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Насафий эса 1069 йили Насаф шаҳрида таваллуд топган. Умрининг охирида Самарқандда яшагани учун баъзан исмига "ал-Мотуридий" нисбаси ҳам қўшиб айтилган бу аллома Бурҳониддин Марғинонийнинг устози бўлган[20].

Нажмиддин ал-Насафийнинг "Ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд" ("Самарқанд уламолари зикрида қанддек ширин китоб") номли асарида 60 дан ортиқ Насафий, Косоний, Касбавий, Баздавий нисбали, шунингдек, ўнга яқин Кеший нисбали алломалар, хусусан, Имом Бухорийнинг содиқ дўсти Тоҳир ибн ал-Ҳусайн ан-Насафий ал-Майтмаконий, эллик йилдан ортиқ Насафда қозилик қилган Абу Зайд Туфайл ибн Зайд ат-Тамимий ан-Насафий, шайх Абулйуср Муҳаммад ибн Муҳаммад ан-Насафийнинг таржимаи ҳоли ҳақида маълумотлар келтирилган.

Жумладан, Абулфазл аш-Шаъбий ибн Абдуллоҳ ал-Афроний ҳақида маълумот берар экан, муаллиф: "Насаф яқинидаги Афрон қишлоғида туғилган бу аллома илм бобида мисли хазина, ҳадис толиблари учун эса битмас-туганмас манба эди"[21], деб ёзган.

Бу ҳақда фикр юритганда, Афрон (Офурон) Қарши туманидаги ҳозирги Оброн қишлоғи эканига эътибор қаратиш лозим. Шу тариқа Нажмиддин ал-Насафий ўз асарида Қашқадарё воҳасининг шаҳар ва қишлоқларида яшаб ижод қилган кўплаб алломалар, шу жумладан, Насафдан – 63, Кешдан – 8, Касбидан – 6, Фазлидан – 3, Ғубайдийда (Ғубдин), Устуғдодиза, Косон, Тадёна (Фудина) қишлоқларидан 1 нафардан, жами 85 нафар фозил зотлар ҳақида муҳим маълумотларни баён этган[22].

Бундан ташқари, Ҳофизиддин Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий (1310 йили Бағдодда вафот этган) ҳам замонасининг машҳур имоми, фиқҳ илми билимдони, атоқли муҳаддис сифатида танилган бўлса, Шамсиддин Сўзаний, Муайидиддин Насафий, Зиёуддин Насафий, Сайидо Насафий, Ломеи Насафий, Насим Маҳрам, Дастур Насафий, Тоҳира Насафий сингари шоирларнинг асарлари адабий давраларда кенг эътибор топган.

Кези келганда, ЮНЕСКО Бош анжуманининг 2017 йил 30 октябрь – 14 ноябрь кунлари бўлиб ўтган 39-сессияси қарори билан тасдиқланган ЮНЕСКО иштирокида 2018–2019 йилларда нишонланадиган қутлуғ саналар қаторида шоир Миробид Сайидо Насафий (1618–1707) таваллудининг 400 йиллигини нишонлаш кўзда тутилганини таъкидлаш мақсадга мувофиқ[23]. Асосан форсий тилда ижод қилган Сайидо Насафий ўзидан бой адабий мерос қолдирган бўлиб, унинг лирик ва эпик асарлари – ғазал, рубоий, қитъа, маснавий каби мумтоз жанрларда битилган асарлари ҳажми 18 минг мисрадан ортиқдир.

Абу Туроб Нахшабий, Қусам Шайх, Баҳоуддин Қишлоқий сингари тасаввуф шайхлари фаолияти ҳам Қарши шаҳри ва унинг атрофларида кечгани диққатни тортади. Масалан, 806 йили Нахшаб шаҳрида туғилган ва умри давомида 40 маротаба ҳаж зиёратига пиёда борганлиги учун Шарқда сабр-бардошнинг юксак тимсолига айланган Абу

[20] А. Саидов. Бурҳониддин Марғиноний – буюк ҳуқуқшунос. – Тошкент, 1998.

[21] Муҳаммад, Носир. Сирли зарвараклар: тарихий этюдлар. – Т.: O'zbekiston" НМИУ, 2016. – 64-бет.

[22] Равшанова Г., Равшанов П. Мозий сабоғи: тадқиқот. – Т.: "Янги аср авлоди" НМИУ, 2009. – 63-бет.

[23] Қаранг: Решения 201 EX/26 и 202 EX/36: Предложения государств-членов о праздновании памятных дат в мероприятиях по случаю которых ЮНЕСКО могла бы принять участие в 2018–2019 г.г. / ЮНЕСКО. Генеральная конференция. 39-я сессия, Париж, 2017 г. // 39 C/15. Пункт 4.1 предварительной повестки дня; 24 октября 2017 г. Оригинал: французский.

Туроб Нахшабийнинг номи Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достонида ҳамда Фаридуддин Атторнинг "Тазкират ул-авлиё" асарида эҳтиром билан тилга олинган.

Қусам Шайх ва Баҳоуддин Қишлоқий эса Баҳоуддин Нақшбандниг илк устозлари сифатида тарихда қолган. Қусам Шайх ҳаётининг Насаф билан боғлиқлиги хусусида сўз борганда, айни пайтда Фудина қишлоғида[24] мангу ором топган бу зот Хожа Аҳмад Яссавийнинг шу юртда яшаб қолган эвараларидан бири эканини қайд этиш лозим, деб ҳисоблаймиз[25].

Эътибор берилса, Насафий нисбасини олган алломаларнинг бир қисми айнан Насаф шаҳрида, бошқа бирлари эса Насафга яқин жойлашган қишлоқларда таваллуд топганига амин бўлиш мумкин. Зотан, Қашқадарёда Иккинчи жаҳон урушидан то бугунги кунгача 120 дан зиёд қадимги ва ўрта аср шаҳарлари, қишлоқ ва қалъалари тадқиқ қилингани, айниқса, мустақиллик йилларида Қарши шаҳрининг учта қадимий ўрни бўлмиш Ерқўрғон, Қалъаи Заҳҳоки Морон ва Шуллуктепа, шунингдек, Кўҳна Фазли, Узунқир, Сангиртепа каби ёдгорликлар ўрганилиб, воҳанинг бир неча минг йиллик тарихи қайта тикланган буни яна бир бор илмий асосда исботлаб берди.

Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда вилоят марказида "Насафий ва Кешийлар меросини ўрганиш илмий маркази" фаолият юритаётгани эътиборга лойиқ. Бундай ташаббуслар, энг аввало, ёшларимизда эл-юртимиз тарихига қизиқиш уйғотибгина қолмай, айни чоғда, улуғ аждодларимизга нисбатан ҳурмат-эҳтиром туйғуларини ривожлантиришга хизмат қилиши билан ниҳоятда муҳимдир.

Яна бир муҳим далил – бугунги кунда Қарши хаттотлик мактаби вакиллари, хусусан, Муҳаммад ан-Насафий, Муҳаммад Саид Насафий, Искандар Насафий, Мирзо Исомиддин Насафий, Мирзо Абдулқодир Насафий каби моҳир хаттотлар қўли билан битилган қўлёзма асарлар дунёдаги турли давлатларнинг қўлёзма хазиналарида сақланмоқда.

Насафлик номдор меъмор Али Насафий чизган тарҳ негизида 1370 – 1380 йилларда Шоҳи Зинда меъморий мажмуасидаги мақбаралардан бири тикланган бўлса, XV аср охири – XVI аср бошларида яшаган ҳофиз ва бастакор Маҳмуд Насафий муайян муддат Темурийлар саройидаги санъаткорлар гуруҳида хизмат қилган. Хусусан, "Исфаҳон", "Ҳусайний", "Ироқ" мақомларида бир неча "Нақш", "Амал" ва "Савт" яратган ушбу бастакорнинг "Нақши Маҳмудий" оҳанги машҳур мусиқий асарлардан ҳисобланади.

Чиндан ҳам, Ўрта асрларда Насаф ва Кешнинг номдор фарзандлари нафақат шариат ва фиқҳ, адабиёт ва илм-фан, мусиқа, меъморчилик ва хаттотлик соҳаларида довруқ қозонган, айни чоғда улар Амир Темур салтанатининг таянчи ва суянчи, Соҳибқирон шонли қўшинининг ўзагини ҳам ташкил этган. Бунга бир яққол мисол келтирамиз.

Тарихий манбаларда ёзилишича, 1402 йилнинг 28 июлида Анқара шаҳри яқинидаги Чубуқ водийсида Амир Темур билан Усмонлилар султони Боязид Йилдирим аскарлари ўртасида кечган ва Соҳибқирон ғалабаси билан якун топган жангга гувоҳ бўлганлар орасида Кастилия ва Леон қироли Дон Энрике III томонидан Амир Темур ҳузурига йўлланган элчилар – Пайо де Сото Майор ва Эрнан Санчес де Паласуэлос ҳам бўлган. Жангдан сўнг Туркистон амири элчиларни қабул қилган,

[24] Фудина қишлоғи – Буюк ипак йўли бўйида, Қарши шаҳридан Косон туманига борадиган йўлнинг тахминан 15-километрида жойлашган. Асрлар мобайнида қишлоқнинг номи Тадиёна, Пидина, Фудина, Пудина шаклида ўзгарган. Бу ерда Марказий Осиё минтақасидаги энг қадимий ёдгорликлардан бири – Қусам ота тарихий-меъморий мажмуаси мавжуд (IX–XIX асрлар). IX асрда Фудина ва унга яқин Балад (арабча – шаҳар деган маънода, ҳозирги Пўлоти) қишлоқларига улуғ ҳадисшунос олим Имом Бухорий ташриф буюргач, ҳар икки қишлоқда ҳам ҳадисшунослик мактаблари фаолият кўрсата бошлаган. Фудина қишлоғида Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур ва бошқа машҳур зотлар тўхтаб ўтгани ҳақида нақллар бор.

[25] Қаранг: Акмал Саидов. Ҳазрат Занги ота. – Т.: "Шарқ" НМАК, 2015. – 147-бет; Истам Усмонов, Номоз Аҳмедов, Насриддин Эшнўлатов. Шайх Қусам ота ёхуд Баҳоуддин Нақшбандниг устози ҳақида. – Қарши: "Насаф", 2001. – 32-бет; Шарофат Ашурова. Қусам Шайх: роман; Қурбоной Аҳмедова. Аждодлар ёди: тадқиқот. – Қарши: "Насаф", 2005. – 384-бет.

улардан испанлар давлати ва қиролнинг ҳол-аҳволи ҳақида суриштирган, зиёфатларга таклиф этиб, кўп ҳадялар берган[26].

Элчиларнинг қайтиш пайти келганида Соҳибқирон икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида улар билан бирга қобилиятли беклардан Муҳаммад Кешийни ҳам мактуб ва совғалар билан Кастилияга элчи қилиб жўнатган. Кеший у ерга эсон-омон етиб бориб, мактуб ва совғаларни Қирол Дон Энрике III га топширган.

Шу ўринда Амир Темур элчисининг шахси ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Унинг номи баъзи бир манбаларда "Муҳаммад қози", "Муҳаммад ал-қози", кейинги, янги тадқиқотларда эса "Муҳаммад Кеший", "Муҳаммад ал-Кеший" тарзида келтирилган. Маълумки, Амир Темур Насаф ва Кеш олимлари, диний ва дунёвий илмлардан хабардор, хорижий тилларни биладиган қобилиятли шахсларни ўз саройига ишга жалб этган. Улар турли лавозимлар қатори элчилик вазифасини ҳам адо этишган. Масалан, Муҳаммад Кеший Соҳибқироннинг элчиси сифатида маълум муддат Испанияда яшаб келган бўлса, Мавлоно Абдуллоҳ Кеший[27] Амир Темур томонидан Миср султони Фаражга элчи қилиб юборилган.

"Кеш" сўзининг "қоз"га айланиб қолиши масаласини Европа тилларининг ўзига хос талаффуз талаби билан ҳам изоҳлаш ўринлидир. Масалан, ҳатто Руи Гонсалес де Клавихонинг ўзи ҳам баъзан тарихий атоқли номларни ва жойлар номини турлича ишлатган. У Тўхтамиш номини бир ўринда – Тотамих, бошқа жойда – Керамих, яна бир ўринда – Тетанис деса, Табриз шаҳри номини эса Торис, Турис, Таурис қабилида турлича шаклларда қўллаган.

Амир Темур, одатда, Европа мамлакатларига масиҳийлик дини пешволарини элчи қилиб юборган. Франциско, Франциско Садру, Султония шаҳри архиепископи Иоанн ана шундай вазифаларни адо этганлар. Мисол учун, 1402 йилда Иоанн Франция ва Англия қиролларига Соҳибқироннинг хатларини олиб борган. Мусулмон дипломатлардан фақат Муҳаммад Кешийгина Европага боришга муяссар бўлган. Бу ҳам унинг қобилиятидан, бир неча тилларни, эҳтимол, Европа тилларидан бирини билганлигидан далолат беради.

Ўша даврда Амир Темурнинг шуҳрати бутун Европага тарқалган. Шу сабабли Муҳаммад Кеший Кастилия Қироли Дон Энрике III ҳузурида катта ҳурмат-эътибор билан кутиб олинган. У Қирол саройидаги ва йирик зодагонлар қасридаги қабулларда иштирок этган. Қирол унга Руи Гонсалес де Клавихо бошчилигидаги ўз элчиларини қўшиб, ҳурмат-эҳтиром билан Самарқандга кузатиб қўйган.

Шу тариқа 1403 йили испан элчиси Клавихо билан бирга юртга қайтган Муҳаммад Кеший узоқ ва машаққатли йўл босиб, 1404 йилнинг август ойи охирларида Самарқандга етиб келган. Соҳибқирон Кастилия элчиларини ўша йили 8 сентябрь куни Самарқанд ташқарисидаги Дилкушо боғида қабул қилган. Шу элчилар орасида Муҳаммад Кеший ҳам бўлган, деб гувоҳлик беради тарихий манбалар. "Улар билан яна Темурбек томонидан Испанияга юборилган элчи ҳам бор бўлиб, унинг устидан у ердагилар кулишар, чунки элчи кастилча, яъни испанча кийимларни кийиб олган эди"[28], деб ёзган Клавихо.

[26] Люсьен Керен, Акмал Саидов. Амир Темур ва Франция: Тўлдирилган ва қайта ишланган нашри. – Т.: "Адолат", 2016. – 175-бет.

[27] Мавлоно Абдуллоҳ Кеший – Амир Темурнинг Мисрга юборган элчиси. Амир Темур билан душманлик кайфиятида бўлган Миср султони Барқуқ тўсатдан вафот этгач Миср тахтига Султон Фараж ўтиради. У Амир Темурнинг талабларини қабул қилиб, ўзини Амир Темурнинг вассали деб тан олади ва икки ўртада сулҳ тузилади. Ушбу сулҳнинг имзоланишини Амир Темур томонидан Абдуллоҳ Кеший элчи сифатида назорат қилади. Қаранг: Н. Муҳаммад. Насаф ва Кеш алломалари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2006. – 103-104-бетлар.

[28] Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403–1406 йиллар) / масъул муҳаррир: Муҳаммад Али; сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М. Сафаров; таржимон О. Тоғаев. – Т.: "O'zbekiston" НМИУ, 2010. – 110-бет.

Бу ишончли маълумотлар, шубҳасиз, олис тарихда Кеш ҳам Насаф каби йирик маданият марказларидан бўлганини кўрсатади. Шарафуддин Али Яздий "Зафарнома" асарида Кеш шаҳрилик уч нафар улуғ муҳаддис ва имом – Абу Муҳаммад (Абдуллоҳ ибн Абдулҳамид ибн) Наср (Ибн Ҳумайд) ал-Кашший, (Абу Муҳаммад) Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон ад-Дорамий ас-Самарқандий ва Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (р.а.) номларини тилга олган. Машҳур тарихчининг фикрича, ўша вақтда диний масалалар ечимини ўрганиш учун олам аҳли Кешга ёғилиб келавергани туфайли бу шаҳар "Қуббатул илм ва адаб" деган ном билан башарият назарига тушган.

Туркиядаги Сулаймония кутубхонасида яна бир кешлик аллома – Аҳмад ибн Мусо ал-Кеший қаламига мансуб "Мажмуъ ул-ҳаводис ва-н навозил" асари сақланмоқда. Бу китоб 1155 йилда ёзилган бўлиб, ҳозирги кунга қадар атрофлича ўрганилмаган[29].

Ўрта асрларда Кешда Шамсиддин Кулол ал-Кеший, Ҳазрати Башир, Мавлоно Хожагий Имканагий сингари азиз авлиёлар ва машҳур тасаввуф шайхлари, Абд ибн Яҳё Киссий (Кеший), Абдуллоҳ ибн Али ибн Аҳмад ибн Амийрак Киссий, Абдуллоҳ ибн Ҳасан Киссий, Абдураҳмон ибн Муҳаммад Кеший, Абу Аҳмад Исо ибн Жунайд ан-Наҳвий ал-Адийб ал-Киссий, Абу Иброҳим Ишоқ ибн Иброҳим ал-Боб ал-Кеший ал-Самарқандий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ибн Мансур Кеший каби киркка яқин муҳаддис ва алломалар, Хўжа Абулбарака Фироқий, Айюб Шаҳрисабзий, Лозимий Кеший, Нажми Кеший, Ҳаким Шаҳрисабзий каби шоирлар, ўнлаб моҳир хаттотлар яшаб-ижод қилган[30].

Қашқадарё тупроғидаги Хўжа ибн ал-Жарроҳ, Солмони Пок, Хўжа Шамсиддин Кулол, Ҳазрати Башир, Ҳазрати Султон, Султон Мирҳайдар, Лангар ота каби ўнлаб зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжоларни халқ ихлос билан тавоф этади. Ўз навбатида, бу муборак юрт заминида камол топган шундай улуғ аждодларимизнинг тарихини, фаолиятини, маънавиятимиз хазинасига қўшган ҳиссасини ҳар томонлама ўрганиш, тарғибу ташвиқ қилиш ҳар биримизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандия таълимоти, Термизий ўгитлари, Яссавий ҳикматлари, Имом Мотуридий ва Имом Абу Муин Насафий ақоидлари асосида тарбия қилаётганимиз бежиз эмас. Бинобарин, маънавий ҳаётимизни, шу жумладан, маърифий ислом, таъбир жоиз бўлса, маърифий тасаввуфни мана шу улуғ алломаларимиз, пири комил аждодларимизнинг номлари билан боғлаймиз.

Зеро, Мовароуннаҳр ёхуд Марказий Осиё минтақаси мусулмонлари ислом дини кириб келган вақтдан бошлаб Имоми Аъзам (ҳанафий) мазҳаби кўрсатмаларига риоя қилиб келганлар. Ўтган уламоларимизнинг деярли ҳаммаси шу мазҳаб асосида асарлар битиб қолдирганлар. Халқимиз ҳам шу мазҳаб йўл-йўриқларига амал қилади. Бинобарин, ўз мазҳабини маҳкам тутган ҳар қандай мусулмон бошқа мазҳабларга нисбатан ҳам иззат-икром руҳида бўлиши лозим. Аммо ақидавий масалаларда фақат "Аҳли Сунна вал-Жамоа" эътиқоди тўғри, бошқа фирқа ва оқимлар эътиқоди ботил, деб билишлари зарур.

Ҳозирги вақтда бутун башарият глобаллашув замонида, ғоялар кураши ўта фаоллашган, баъзи экстремистик кучлар ислом динини ўзларига ниқоб қилиб олиб, ғаразли мақсадларда фойдаланаётган даврда яшамоқда. Бу қалтис ва мураккаб вазиятда биринчи навбатдаги вазифа шуки, мусулмонларнинг ўзи ақидапарастликдан халос бўлмоқликлари шарт. Акс ҳолда, дунё миқёсида тинчлик ва барқарорликка эришиш ниҳоятда мушкулдир.

[29] Муҳаммад, Носир. Сирли зарваракдар: тарихий этюдлар. – Т.: "O'zbekiston", 2016. – 83-бет.

[30] Қаранг: Умаров Ш. Ўрта асрларда яшаган кешлик алломалар. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази, 2014. – 92-93–бетлар; Муҳаммад, Носир. Сирли зарваракдар: тарихий этюдлар. – Т.: "O'zbekiston" НМИУ, 2016. – 84–85-бетлар.

Глобаллашув асрида жаҳонда тинчлик ўрнатишнинг энг муҳим тамойилларидан бири диний бағрикенглик ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, ҳар бир инсондан эътиқодида мустаҳкам бўлган ҳолда бошқа динлар, бошқа эътиқод ва анъаналарни ҳам ўрганишни тақозо этади.

Аслида ақидапарастлик деярли барча диний эътиқодларда мавжуд экани сир эмас. Шу нуқтаи назардан, инсон онги ва қалби учун кураш кескин тус олаётган бир пайтда диндан ғаразли мақсадларда фойдаланаётган турли оқимлар фаолиятига муносиб баҳо бериш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Президентимиз Парламентга тақдим этган Мурожаатномасида ҳозирги кунда Ўзбекистон китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланаётганини айтиб ўтди. Аммо бу нодир китоблар ҳали тўлиқ ўрганилмаган, улар олимлар ва ўз ўқувчиларини кутиб турибди.

Давлатимиз раҳбари жуда асосли равишда уқтирганидек, ушбу ноёб асарларда бугунги давр ўртага қўяётган жуда кўп долзарб муаммоларга жавоб топиш мумкин. Зеро, улуғ аждодларимиз асарларидаги ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб берадиган, барча одамларни эзгулик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик йўлида бирлашишга даъват этадиган теран маъноли фикр ва ғоялар бугун ҳам ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотган эмас.

Афсуски, биз ана шундай ноёб мерос ворислари, шундай бойлик эгалари бўлатуриб, уларни ҳар томонлама ўқиш-ўрганиш, халқимиз, аввало, униб-ўсиб келаётган ёшларимизга, жаҳон ҳамжамиятига етказиш бўйича ҳалига қадар етарли иш қилмадик. Ҳолбуки, диний жаҳолатга, зарарли оқимларга қарши маърифат билан курашиш кераклиги ҳақида кўп гапирамиз. Лекин маърифат, маърифий билимлар, ислом ҳуқуқи бўйича кенг тушунчалар, аввало, ота-боболаримиз бизга қолдириб кетган мана шундай мўътабар китобларидадир.

Ушбу муаммонинг негизига назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистон китоб фондларида мавжуд қўлёзма асарларнинг атиги 15 мингтаси каталоглаштирилгани, аммо шу озгина қисм қўлёзмалар ҳам ҳатто рақамлаштирилмагани, яъни электрон шакллари яратилмагани бу борадаги аҳволни аниқ-тиниқ кўрсатиб турибди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ҳудудида ислом цивилизацияси эришган ютуқлар ва бу борадаги бой маънавий меросимизни тизимли асосда чуқур ўрганиш ва ҳар томонлама илмий-амалий таҳлил қилишни таъминлаш мақсадида ушбу йўналишдаги илмий ва диний асарларнинг ягона каталогини тузиш мақбул иш бўлар эди.

Бўлажак каталогдан миллий ва хорижий кутубхоналарда сақланаётган турли тўпламлар, жумладан, литографик ва қўлёзма манбалар, тарихий ҳужжатлар, археологик топилмалар, ёдгорликлар ва осори атиқалар каби маърифий ислом ғояларини тарғиб этишга қаратилган барча тарихий манбалар жой олиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Давлатимиз раҳбари мунтазам эътиборимизни қаратиб келаётганидек, униб-ўсаётган фарзандларимиз тафаккурини ақоид масаласида Имом Абу Муин Насафий каби улуғ алломаларимиз маънавий мероси негизида тўғри шакллантириш – ёшлар, таъбир жоиз бўлса, бутун жамиятнинг ҳаёти ва келажагини мафкуравий таҳдид таъсиридан сақлаб қолишда энг оқилона маърифий йўлдир. Табиийки, буларнинг барчаси халқимиз, айниқса, вояга етаётган баркамол авлодимиз онгу шуурига соф эътиқодни сингдириш, ёшларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашда бевосита кўмак беради.

Кўз ўнгингда фақат ишққа дўнар дунё

Раҳмиддин АБРАЕВ

* * *

Тийрамоҳда – ёмғирлар рақси,
Қандай гўзал шалаббо чирой?
Кўзларимга қамаб тун аксин
Сув тубига чўкиб кетди ой.

Қара, қандай енгил ва сокин,
Ёмғирдан сўнг туманли ҳаво?
Сўзларимни тингламас ёки
Бу боғчалар шунчаки авом...

...Йигитликдан бир йил нарида
Ўсмирлигим қўяр йўталиб.
Кузги боғлар оралиғида
Кетаяпсан китоб кўтариб.

* * *

Тийрамоҳнинг боғлари сокин,
Эшитилар юрак уриши.
Бу жимликни бузади гоҳи
Безовта итларнинг ҳуриши.

Сутчелакнинг ҳидидан сармаст,
Ой рақсидан девона оқшом –
Хаёлини ёзиш шарт эмас,
Айни вақти намози хуфтон.

Эҳтимол, Моцартга дарс берган
Бастакор тун куйларга бойдир.
Ёпинчиғин ахтарар ердан,
Қишлоқларнинг фонуси – ойдир.

Жон олиб, жон бермоқда барглар,
Барглар хавотирда ўзидан.
Кўзёш бўлиб тўкилаверар
Қарри олхўрининг кўзидан.

Раҳмиддин АБРАЕВ – 1994 йилда туғилган. Қарши давлат университети ўзбек филологияси факультетининг тўртинчи курс талабаси.

Кумуш РАҲИМОВА

Лайлакқорни соғиниб

Бунча соғинтирдинг эрка кўнглимни,
Хаёлларим учар ҳар зарранг излаб.
Лайлакқор, ёғсайдинг баҳоримгача,
Токи, кўнглим ундан қолсайди музлаб.

Ёғсангда, совитсанг кириб дилимга,
Унутсам ўзимни ўзимдан топиб.
Қушдек қанот қоқсам – бола бахтимга,
Сўлаётган ишқнинг кўзларин ёпиб.

Кўзларимга ёниб йилтираган чўғ,
Нигоҳинг совитган бир парча музми?
Нега эрта сўнди менда муҳаббат,
Тез ёнган оловнинг сўниши тезми?

Исмимга уйқашиб кетган ҳайратлар,
Менинг кунларимни айладилар зор.
Ҳаяжонлар ичра ёнмоғим учун,
Бағримга яқинроқ келгин, лайлакқор.

Туш

Кун тунга ётоғин алишганда бот,
Ажиб ҳурлик сари маҳкумдир олам.
Эрк истар ёш кўнгил солади фарёд,
Соғинчи, ўтинчи нурсиз бир қалам.

Юрак қурғур ҳамон-ҳамон болада,
Кўнгилнинг азмида ёзавераман.
Хаёл гоҳ пинжимда, гоҳо панада,
Ишқингда ақлимдан озавераман.

Чечаклар мудрайди, ой ҳам эриниб
Тўзғитмоқ истайди ёниқ ўйларим.
Улар қайдан билсин оқшом соғиниб,
Ҳадеб куйлайверса сени куйларим.

Умр оқаверар, оқаверар тун,
Шамолдек кўкларга учгим келади.
Ўлтурурсан ташна, ҳилол-ку маҳзун,
Бошингдан юлдузлар сочгим келади.

Бедорлик уйғотса, илҳом майлида,
Ҳар гал тун шарпаси қилади олқиш.
Кумуш парчаларни кўз-кўзлаганча
Деразам ортидан мўралайди қиш.

Уйғонмоқ – омонат, уйғонмоқ – бу бахт,
Аслида кимлигинг келади билгим.
Кўксимда порлаган илоҳий хилқат,
Тушимда сесканиб уйғонган севгим.

Кумуш РАҲИМОВА – 1997 йилда туғилган. Қарши давлат университети ўзбек филологияси факультетининг иккинчи курс талабаси.

Нуриддин РАСУЛОВ

Севги надур?

Севги надур – бу ақлдан ёт нарсалар,
Кўкрагингда синган шохнинг ғичирлаши.
Қарашларни эшитмайсан, эшитилар,
Бўлиқ дунё ўз дардини пичирлаши.

Кенглаб борар тонг бағрига сочилган ранг,
Тунда баркаш юлдузларни қучарсан, бас!
Шуурингга оқиб кирар минг хил оҳанг,
Мингта ҳисни тўлқинлатар ҳар бир нафас.

Вужудингда қуш патидай силкинар, оҳ,
Қайда бўлма ўша ёруғ дилга оқсанг.
Йўлларингни судраб кетар битта нигоҳ,
Қадамларинг кўмиб юрар ўтган лаҳзанг.

Оқ йўлакка пардай енгил қўнар дунё,
Хато, хато аталгувчи номлар ўчар.
Кўз ўнгингда фақат ишққа дўнар дунё,
Юрагингни силкилаган ғамлар учар.

Шу лаҳзадан: "Озодман!" – деб чиқар овоз,
Бўйнинггача кўмиб кетган талаблардан.
Унинг битта кулгуси деб кечганинг рост,
Борлигингга тиркалгувчи сабаблардан.

Нега?

Шу момиқ пальтонгга синголмай, абгор,
Йўлакка қор тушар, парча-парча қор.
Балки, беозор у, оппоқ эҳтимол,
Нилу, айтчи унинг нима ҳаққи бор,
Кафтингда беармон эриб ўтишга?

Январь. Кеч тушаяпти, пар тўкар гардун,
Шаҳрим кўчасида қизир жараён.
У қанчалар бахтли, у қанчалар шод,
Пойингга тўкилиб тушгудай осмон,
Наҳот, қўлим етмас уни тутишга?

Нуриддин РАСУЛОВ – 1990 йилда туғилган. Қарши ахборот технологиялари коллежини битирган.

Бугун ҳам учрашув, бугун ҳам дўст – ёд.
Ҳа, ҳатлаб кетаяпти бу катта ҳаёт.
У ерда ҳам ўзинг бўлган эдинг ё
Нигоҳлари сендек ёнаётган бор,
Ахир, қор ҳам мажбур эди кутишга.

Лекин, у нега,
мендек хаёллари тўзмасдан бурун,
Соғинч, ҳижрон, хижолати ўсмасдан бурун,
Қишга айтиб сачранади висол ҳақида?
Нега, ахир, сендан кўнглим узмасдан бурун,
Жуда енгил нафас олар, эрксиниб қишга?
Нега?

КЕНГЛИКЛАР ШОВУРИ ЁҒИЛАР НУРДАЙ

Адабиёт – раббоний ва руҳоний олам кўзгуси. Инсоният онгу шуурини, руҳиятини, дунёқарашини шакллантиришда саодат маёғи ҳамдир. Бугунги кунда адабиёт ва санъатга гамхўрлик борасида янгича қарашларга тамал тоши қўйилмоқда. Юртбошимизнинг таклифи билан Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов номидаги Қарши шаҳри марказида ихтисослаштирилган мактабнинг ташкил этилиши адабиёт дарғаларига юксак эътирофдир. Бу эса, вилоятимизнинг адабий муҳитини янада жонлантиради. Айниқса, ўтган йили 5–7 июль кунлари Зоминда ўтказилган анъанавий Республика ёш ижодкорлар семинарида воҳамиздан саккиз нафар қаламкаш иштирок этди. Мўътабар Бойматованинг "Шоҳжаҳон" драмаси драматургия кенгаши томонидан ижобий баҳоланди. Кибриё Холматова, Наргиза Жумақулова ва бошқа қаламкашларимизнинг таржима, насрий қўлёзмалари ҳам таниқли адиблар ва таржимонлар эътирофига сазовор бўлди.

Ўтган йили "Истеъдод мактаби" республика семинари иштирокчиларидан Зилола Намозованинг "Кўзгуга айланган кўнгил", Мансур Жумаевнинг "Оқ орзулар", Байрам Алининг "Ёмғирли кунлар" тўпламлари Республика Ёзувчилар уюшмаси "Ижод" фонди томонидан ўн минг нусхада чоп этилди. Ёш драматург Ўғилой Неъматова адабиёт йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди. Қувонч билан айтиш мумкинки, қашқадарёлик ижодкорлар Ватан меҳрини қалбига жойлаб, бугуннинг нафасини чуқур ҳис этиб, ижод қилишмоқда. Ижодий изланиш ҳамиша ўз самарасини бериши тайин.

Ўроз ҲАЙДАР,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Қашқадарё вилоят бўлими масъул котиби

* * *

Сой бўйига сувга чиққан қиз
Хонишингни севарман жуда.
Оёғингда ярқирар тимсиз –
Ковушингни севарман жуда.

Бир кўза сув ва икки юрак,
Ёлғизоёқ йўлда иккимиз.
Ҳар тонг кутган бўлиб жонсарак
Кўзанг билан сувда иккимиз.

Сув олар чоғ мени ўйларсан,
Юраккинанг ўртаниб кетган.
Бизнинг пинҳон юришимизга
Ҳатто кўзанг ўрганиб кетган.

Сой бўйи ва ёлғизоёқ йўл,
Кўринади узоқдан кимдир.
Юрагингда ишқ бўлиб оққан,
Балки ўтсиз бўсаларимдир.

Одамлардан қўрқмайман энди,
Мен ўзимдан бўлиб қолдим лол.
Сир тутилган бу севгимизни
Сотиб қўяр бўлди мажнунтол.

Сотиб қўяр бўлди мажнунтол.

* * *

Лой кўча ўртада оввора,
Уйингга бораман, қайтаман.
Кўчангга чиқмайсан бир бора,
Мен қачон севишим айтаман?

Эшитмай юрагим уришин,
Уйдасан, билмайсан, эй ёрим!
Ёмғирлар сезади ҳаттоки,
Дилимдан ювади изҳорим.

Узоқдан кўринар дарвозанг,
Оёғим лойларга ботмоқда.
Ёнингга борай деб ошиқсам,
Ёмғирлар қўлимдан тортмоқда.

Осмондан ёғса гар ёмғирлар
Дилимда доимо таҳлика.
Учрашув кечикар бир кунга,
Ёмғирни хушламас маликам.



Нодирбек ЖУМАНОВ

Нодирбек ЖУМАНОВ – 1997 йилда туғилган. Қарши давлат университети ўзбек филологияси факультетининг иккинчи курс талабаси.



Луқмон
БЎРИХОН

ҚОРХАТ

Ҳикоя

Эрталаб учқунлай бошлаган қор пешин пайти гупиллаб, чинакамига ёға кетди. Учиб-ўйноқлаб ерга, дов-дарахтларга қўнаётган паға-паға қор ҳаш-паш дегунча чор-атрофни ҳарир оқликка буркаб ташлади. Идора деразасидан бу ажиб манзарани кузатиб ўтирган Зариф тобора завқ-шавққа чулғаниб борар, қийқирган кўйи ташқарига отилиб чиққиси, қор қалин тўшалган ерларда умбалоқ ошгиси келарди. Биринчи қор!

Ҳали ёш бўлишига қарамай тепа сочи тўкила бошлаган, биққа семиз ҳамхонаси томон Зариф илжайганича кўз ташлади. Ҳамхона столига мук тушган кўйи шапалоқдек қўл телефонининг ёниқ экранига термилиб ўтирарди.

– Сайфулла, қорхат нималигини биласизми?

– Биламан, – деб минғирлади ҳамхона қўлидаги матоҳдан кўз узмай. – Биринчи қор ёққан пайтдаги ёзишма-да. Бу жа-а алмисоқдан қолган ўйин, ҳозирги замонда ҳеч ким бундай хатлар ёзиб юрмайди...

Зариф оташин мухлисдай чапак чалиб ўтирган жойида ирғишлаб қўйди.

– Ҳа, қойилман сизга, бир умр қорхат ёзган одамдай гапирдингиз.

Ҳамхонасининг ғалати бир жўшқин кайфиятга кириб бораётганидан Сайфулла баттар ажабсинди. Ишга кунишибгина келиб, қунишибгина кетадиган Зариф шуми?! Тилла топган тентакдай мунча ял-ял товланади? Ё... кимдир лавозимини оширишга ваъда бердимикан?

– Ҳа, қорхат ажойиб ўйин-да, – деди Зариф ҳамхонасининг ўзига қизиқсиниб қараб турганига эътибор бермай. – Бу ўйинда ютган ҳам ютқазган ҳам баб-баравар яйрайди, ҳаётнинг таъмини туяди...

Унинг тўсатдан сўзамол бўлиб қолганидан Сайфулла тағин шубҳага борди.

– Дўстим, бугун тушликда оз-моз... – ҳамхона томоғи тагига намойишкорона чертиб қўйди. – А, топдимми?

Зариф Сайфулланинг имо-ишораларига деярли эътибор бермади. Айни пайтда унинг юраги соғинчми, қўмсашми, шунга ўхшаш тотли ҳисларга тўлиб-тошиб борар, тинимсиз ҳазиллашгиси, қаҳ-қаҳ отиб кулгиси келарди. Кўз ўнгида худди қор учқунлари каби олис хотиралар чарх уриб юрар, беғубор болалик қий-чуви

Луқмон БЎРИХОН – 1965 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. "Ялангоёқ", "Сирли муаллим", "Хизр кўрган йигит" сингари ҳикоя ва қиссалар тўпламлари нашр этилган. "Жазирамадаги одамлар" романи муаллифи.

қулоқлари остида жаранглар эди. Биринчи қор ёққан кунлари қишлоқда чинакам байрамона кайфият пайдо бўларди. Каттаю кичик бир-бирига қорхат ёзишар, ўйин қоидасига кўра бир-бирини қувлаб юрарди. Роса қизиқ бўларди-да ўзиям...

"Қорхат ёзаман", – хаёлидан чақиндай чақнаб ўтди унинг.

Лекин кимга ёзсин? Сайфуллагами? Йўқ, бу кўпроқ телефон ўйинларини афзал кўради! Бошлиққа ёзса-чи? Йўқ, унинг ҳузурига бемалол кириб бўлмайди. Аввал котибанинг сўроқ-терговидан ўтишга тўғри келади. Ҳа, топди! Ҳисоб-китоб бўлимидаги Заҳрога ёзади! Гап-сўзларга қараганда, икки йилча аввал эри билан ажрашган экан. Уч яшар ўғли билан ота-онасиникида яшар эмиш. Шу сабабданми ҳамиша тунд, маъюс қиёфада юради. Лекин чиройли аёл! Сарвқомат, қошлари қийғоч, киприклари узун-узун.

"Шу аёлга ёзаман, – тўлқинланиб ўйлади Зариф. – Зора кўнгли кўтарилиб, юзига кулги югуриб қолса..."

У столи тортмасидан бир дона оқ қоғоз чиқариб ихлос билан олдига қўйди. Қорхатга нелар битишини хаёлида пишита бошлади. Эсида, қишлоқдошлари бир-бирларига қорхат йўллашаркан, кўпинча битта тўкин зиёфат қилиб бериш шартини қўйишарди, баъзилари ҳиндча кино томошаси кетаётган кинотеатрга олиб тушишни талаб этишарди. Йўқ, Зариф бошқача йўл тутади. Унинг "Қорхат"и сирли ва жозибали бўлиши керак. Бирор нозик хоҳишни бажариш шартини қўяди. Ана шуниси қизиқ-да...

Ташқарида қор тобора тезлашиб, қуюқлашиб ёғарди. Ўйноқлаб-учиб келиб урилаётган оппоқ учқунлардан дераза алланечук чисирлайди, гўёки сирли шивирлайди, бутун борлиқни қоплаб олаётган оқлик, тиниқлик қўйнига чорлаётгандай туюлади.

Идора йўлаги жимжит эди. Хийла вақт уриниб, ёзиб битирган "Қорхат"ини кафтида тутган қўйи хонасидан чиққан Зариф бўртиқ, тиллатус ҳарфлар билан "Бугалтерия" деб ёзиб қўйилган эшикка рўбарў бўлди. Худди чимилдиққа кираётган куёвдай ич-ичида лаззатли бир ҳадик-ҳаяжон тўлқинланиб турар, юз-кўзида завқ-шавқ, сурур шарпалари кезиб юрарди.

Зариф секин эшикни очди. Аллақандай атир-упаларнинг ўткир ҳиди димоғига урилди. Ҳисоб-китоб бўлимида уч нафар ходим кучоқ-кучоқ қоғозлару жилд-жилд ҳужжатларга кўмилиб, ҳар бири ўз қаршисидаги компьютер экранига термилиб ўтирарди. Улар бўсағада пайдо бўлган шарпадан сергакланиб баб-баравар эшик томон кўз ташлашди.

– Вуй, бу одамнинг хурсандлигини қаранглар! – деб юборди чап тарафда ўтирган аёл. – Лотареясига ютуқ чиққанми дейман.

– Шунга ўхшайди. Агар мукофот-пукофот чиққанида энг аввал биз хабардор бўлардик, – дея луқма ташлади юз терилари ғижимтоб, қировтус сочлари сийрак амаки.

Зариф ўзини ажабсиниб, бош-оёқ кузатаётган ҳисоб-китобчиларга гўёки эътибор бермай дераза томон ишора қилди.

– Қор! Биринчи қор ёғаяпти!

– Ҳа, – деди кимдир энсаси қотиб. – Шу етмай турувди ўзи, энди ҳамма ёқ тарашадай музлайди, совуқни шунчалар ёмон кўраманки...

Хона тўридаги ялтироқ стол ортида қизғиш жемперини елвагай ташлаб алланеларнидир ёзиб-чизиб ўтирган, толим-толим сочлари елкаси узра ёйилган Заҳро умумий бўлим ходимига саволчан кўз ташлади.

– Бугалтерияда ишингиз борми?

– Ҳа, сизда ишим бор, – деди Зариф илжайиб ва қўлидаги тўрт қатланган варақни аёлга узатди. – Мана, бу сизга.

– Нима бу?

– Қорхат. Биринчи қор билан сизни табриклайман.

Умумий бўлим ходими ҳануз ажабланиб турган Заҳрога қўлидаги битикни тутқазди-ю, худди ёв қувгандай хонадан отилиб чиқди. Сўнг узун йўлакнинг нариги бошига қараб лўкиллаб югурди. У "Қорхат"да айнан шу масофада қувиб етиш шартини қўйган эди. Агар мени тутиб олсангиз, ўйинда ютган ҳисобланасиз, мен сизнинг бирор нозик истагингизни бажараман, агар етолмасангиз, мағлуб сифатида менинг бирор сирли тилагимни рўёбга чиқарасиз, деб ёзган эди. Аслида ютса ҳам, ютқазса ҳам аёлнинг бирор илтимосини бажаришни кўнглига тукканди. "Қорхат" ана шуниси билан қизиқ-да...

Бир пайт "Бугалтерия" эшиги шараклаб очилиб ичкаридан Заҳро отилиб чиқди. Чиқди-ю, йўлак бошида ҳануз илжайиб турган Зарифга юзланиб шанғиллади:

– Эй, Рўзиев, нима бу?! Нима қилганингиз бу?

Аввал йўлак бўйлаб "дуп-дуп" ўтган қадам товушларидан, сўнг аёлнинг важохатли овозидан безовталанган ходимлар хоналаридан йўлакка чиқишди.

– Мани ким деб ўйловотсиз? – ҳануз чинқирарди Заҳро қўлидаги "Қорхат"ни ҳавода силкитиб. – Ким ҳуқуқ берди сизга бунақа нарса ёзишга?

Зариф чопқиллаганича яна "Бугалтерия" ёнига келди. Ҳалигина юз-кўзида балқиб турган завқ-шавқдан асар ҳам йўқ эди.

– Заҳро, бу қорхат, – деди у хижолатланиб. – Ўқиб кўрдингизми ўзи? Бу бир беғараз ўйин. Биринчи қор ёққан кунлари одамлар бир-бирига ёзишади. Ўзингиз ҳам яхши билсангиз керак.

– Биламан! Жуда яхши биламан! Ўргатманг манга! Лекин нега сиз манга қорхат ёзвотсиз? Қанақа "нозик хоҳиш"? Нима девотганингизни биласизми ўзи?

Ходимлар ғала-ғовур билан ҳисоб-китобчи аёлни ўраб олишди.

– Қани, биз ҳам кўрайлик-чи...

Заҳро жирканганнамо узатган "Қорхат" қўлдан-қўлга ўта бошлади. Бир парча қоғоздаги ёзувларни ўқиб кимнингдир юзида истеҳзо, кимнингдир юзида таажжуб пайдо бўлди. Афтидан жанжалга пишанг бериш илинжида бўлса керак:

– Жа-а, писмиқ экан-у... – деди кимдир тиржайиб.

Шу пайт йўлакда сарғиш сочлари саватдай хурпайган, афт-ангори обдан бўялган Алфера Тагировна – кадрлар бўлими бошлиғи пайдо бўлди-ю, семиз лошини лапанглатганича тўдага яқинлашди.

– Что случилось? Нима гап?

– Рўзиев хат ёзибди, – деди қўлидаги қоғозни унга узатган қоп-қора аёл.

Алфера Тагировна узатмани иштиёқ билан қўлга олди.

– Хат? Қани, посмотрим...

Бир пайт шовқин-сурондан сергакланганми ё қайгадир отланганми, йўлак бошида бошлиқ пайдо бўлди.

– Тинчликми? Нега тўпланиб турибсила?

Бошлиққа кўзи тушди, шекилли, Зарифга хўмрайганича тикилиб турган Заҳро овозини яна бир парда баланд олди.

– Мани шарманда қилмоқчимисиз? Қасдиз борми манда?

Алфера Тагировна қўлидаги қоғозни ҳаволатиб бошлиқ томон йўрғалади.

– Рўзиев Маҳкамовага хат ёзибди.

– Хат?! Қанақа хат?

Алфера Тагировна қўлидаги қоғозга бир кўз ташлаб олди.

– Кўрхат.

– “Кўрхат”?!

– Йўқ, кархат, – деди кадрлар бўлими бошлиғи қўлидаги вараққа яна бир карра синчков нигоҳ югуртиб.

Раҳбар баттар ажабланди.

– “Кархат”?! Нима у?

Алфера Тагировна яна адашганини пайқаб кўкрагида осилиб турган кўзойнагини тақиб, қўлидаги битикка қайта назар ташлади.

– Э-ха-а... қорахат экан.

Бошлиқ бетоқат бош чайқади.

– Нималар девотсиз, Тагировна, қанақа “қорахат”, ким ўлибди, қани, ўзимга беринг-чи.

Семиз аёл қўлидагини тавозе билан узатди.

Зариф қуруқликка чиқиб қолган балиқдек оғзини каппа-каппа очиб саросималаниб турарди. Афтидан, у нелардир демоқка чоғланарди-ю, бироқ ғала-ғовур шаштини қайтараради.

Тагировна берган қоғозга кўз ташлаган кўйи яна ичкарига кириб кетган бошлиқ кўп ўтмай Зарифни ҳузурига чорлатди.

– Эй, сиз нималар қилиб юрибсиз? – деди у жавдираган кўйи кириб келган ходимни хушламай. – Нима, ёш боламисиз? У ёқ-бу ёғи қирқни уриб қўйдингиз-у...

– Мен... шунчаки... биринчи қор ёққанига қувониб... ҳазиллашгандим, – деб зўрға ғудранди Зариф.

– Ёзишмани яхши кўрасиз, шекилли, а, – деди бошлиқ курсисида нописанд тебраниб. – Йиллик ҳисоботингиз тайёрми?

Зариф хокисоргина бош чайқади.

– Йўқ...

– Ишни вақтида тугатмайсиз, лекин аллақандай... кўрхатми, кархатми, қорахатми ёзишга фурсат топасиз.

– Узр... мен...

– “Узр” эмиш... Нега унақа ахлоқсиз гаплар ёздингиз Маҳкамовага?

– Мен бироз сирли бўлсин дегандим...

– Хуллас, гап бундай, – деди бошлиқ столга таҳдидли чертиб. – Ёзишни ёқтирсангиз, қани, қилмишингиз ҳақида битта “Тушунтириш хати” ҳам ёзиб ташланг-чи, боринг...

Умумий бўлим ходими ўзича тағин нелардир деб ўзини оқламоқчи бўлди. Аммо бошлиқ унга изн бермади.

– Кўзимдан йўқолинг, дедим сизга!

Зариф тисарилган кўйи хонадан чиқиб кетди.

Қор ҳануз гупиллаб ёғарди. Чор-атроф оппоқ тусга кирди. Бошлиқнинг талабини бажариб ўтирган Зарифга чор-атроф оппоқ кафанга ўралгандек туюлди.

У яна йўлакка чиқди. Ёзганларига яна бир карра кўз ташлаб қабулхонага бош суқди. Котиба жойида йўқ экан. Зариф бошлиқ хонасини очиш учун эшик тутқичига қўл чўзди. Шу пайт ичкаридан ғўнғир-ғўнғир товуш ғира-шира эшитилди.

– Мана, жонгинам, нозик илтимосингиз бажариладиган бўлиб турибди, – дерди бошлиқ кимнидир эркалаган оҳангда. – Рўзиевни ахлоқсиз қилмиши учун кетига тепиб ҳайдаймиз-у, ўрнига укангизни оламиз...

Зариф кўру кар бўлиб, қора терга ботиб қабулхонадан чиқди.

Ташқарида чарх уриб биринчи қор ёғарди...

“ОШНО ЮЛДУЗЛАРДАН ТЎКИЛАДИ НУР...”

Абдуғани СУЛАЙМОН

Ёшликнинг гулгун чоғлари. Қалбим айни ишқ-муҳаббатга тўлган пайтлар. Қайсидир гўзалнинг муҳаббати бутун жисмимга аланга ёққан. Ўша гўзалнинг кўнглини топиш учун йўл ахтараман. Йўлларидан даста-даста гуллар билан кесиб чиқаман, у бўлса юрагимдаги сўнгги илинжни бир зардаси билан чилпарчин қилиб кетади. Тунлари кўзимга уйқу келмайди, денг. Охири, унинг ишқи, рад этилган муҳаббат қўлимга қалам тутқазади. Аммо ёзган шеърларим у гўзалнинг ҳуснижамоли олдида ҳеч нарса эмасдай туюлиб, ёзаман, ғижимлаб ташлайман, ёзаман ғижимлаб ташлайман.

Кунлардан бир кун қайсидир журнални варақлаб, ундаги бир шеърга кўзим тушади. Аввал шеър кўзларимни оловдай куйдиради, сўнгра бу оташ жон-жонимга етиб боради:

Кеча оқшом фалакда ой бўзариб ботганда,
Зуҳро юлдуз милтираб хира ханда отганда,
Руҳимда бир маъюслик, сокинлик уйғотганда,
Мен сени эсга олдим, биринчи муҳаббатим,
Эслаб хаёлга толдим, биринчи муҳаббатим...

Бу ўзининг илк тўплами биланоқ шеърият шайдоларининг қалбини забт этиб улгурган истеъдодли шоир Абдулла Ориповнинг “Биринчи муҳаббатим” шеъри эди. Мен қанчадан-қанча ҳижронли тунлар, ранжу аламлардан сўнг ана шу шеър “етовида” суйганимнинг кўнглига йўл топиб борганман.

Орадан шунча йиллар ўтиб, бугун мен севимли ижодкорим Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Ориповнинг ранг-баранг ижодини – дилбар шеърияти-ю драматик асарларини элимиз юрагидан, унинг маънавий ҳаётидан мустаҳкам ўрин олган, ҳамма фаслда ҳам яшнаб турадиган улкан дарахтга ўхшатаман.

Таъкидлаганимдек, йигитлик чоғимдан Абдулла Орипов шеърияти мени ўзига маҳлиё этган. Инсон чорасизликда баъзан руҳан эзилиб, борар йўлини йўқотади. Худди ана шундай ҳолларда шоирнинг шеърлари ҳар қандай кўнгли ярим, туш-

Абдуғани СУЛАЙМОН – 1943 йилда туғилган. Шинжонг университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Шоирнинг “Кўнглимдаги дарё” ва “Кўнглим китоби” шеърий китоблари нашр этилган. Унинг асарлари қозоқ, қирғиз, уйғур тилларига таржима қилинган.

кун кайфиятга тушиб қолган одамга кўмакка келишига, уни бадбин ўй-хаёллар исканжасидан озод қилиб, қалбига бир олам умид бахш этишини кўп бора ҳис қилганман. Асл шеърият ҳамма вақт турфа дийдиёлардан баланд туради, кишилар кўнглида ҳали ҳеч ким юрмаган хаёлий сўқмоқларни кашф этади, тоза, бетакрор ҳис-туйғуларга ошно қилиб, тирикликнинг қувончу ташвишини завқ-шавққа айлантиради. Худди ана шундай сеҳр-жоду мужассам Абдулла Орипов шеъриятида, десам янглишмаган бўламан. Шу боис, ҳар сафар унинг шеърларини ўқиганимда, бутун борлиғимга куч-қувват иниб, ўзимни тобора яшариб бораётгандек сезаман.

Мен адабиётшунос олим эмасман, аммо яхши шеърнинг баҳосини, қадрини яхши биламан. Яхши шеър Абдулла Орипов шеърлари каби тиниқ ва жунбушли бўлади. Оташнафас шоирнинг ўзига хослиги, ҳеч қайси шоирга ўхшамаслигининг боиси ҳам унинг қаламидан дур бўлиб тўкилган алангали шеърларидир. Бу шеърларда инсон нафаси, унинг юрак зарблари сезилиб туради, уларни ўқиб тафаккур қилсангиз, бутун жисму жонингиз болу пардай парвозга шайланиб, ҳалолликка талпинади. Одамнинг одамга биродарлигини англайсиз, анчадан буён дилингизни тарк этган меҳр-муҳаббатни қўмсайсиз:

Йиллар ўтиб кетди гоҳ ҳуд, гоҳ бехуд,
Айрилиқ, ҳижронлар енгдилар мени.
Энди барчасидан узгандим умид,
Кўргим келиб қолди дафъатан сени.

Шоир инсон тақдирига, жамиятда учраб турадиган паст-баландликларга, турфа эврилишларга бефарқ қарай олмайди. У Тангри ато қилган оламни ҳар хил иллатлардан пок, беғубор кўргиси келади. Одамлар қалбидаги эзгулик, мурувват, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларининг боқийлигига ишонади. Шоирнинг "Одамлар" шеърини ўқир экансиз, беихтиёр дилингиздаги одамийлик ҳислари қайта жонланганини сезасиз:

Эй, йўловчи, бўла қол қўноқ,
Уйда борин кўрамиз баҳам.
Тағин ўзинг биласан, бироқ
Қош қорайди, йироқдир йўл ҳам...

Ажралишар, улар ҳаттоки
Исмларин сўрамаслар ҳам.
Улар қайта учрашар балки,
Балки қайта учрашмаслар ҳам.

Абдулла Орипов шеърларида ана шундай ўзбекона лутф, ўзбекона руҳ жуда баланд. Унинг ҳар бир сатрида халқимизнинг минг йиллик қадриятлари, урф-одат ва анъаналари бўй кўрсатиб туради, уларнинг ҳаммаси яхлит бир шеър шаклини олганда эса кўз олдимизда асрий синовлардан мардона ўтиб келаётган жонажон Ватан жамоли намоён бўлади. Шоирнинг "Мен нечун севаман Ўзбекистонни" шеърини бугун барча, ёшу қари бирдек ёд билади, десак муболаға қилмаган бўламиз. Бу шеър шу қадар сеҳр-жодуга эгаки, уни бир бор ўқиганингиздаёқ, бутун борлиғингиз билан Ватаннинг бир бўлагига айлана бошлайсиз:

Мен нечун севаман Ўзбекистонни,
Боғларин жаннат деб кўз-кўз этаман.
Нечун ардоқлайман тупроғини мен,
Ўпаман: "Тупроғинг бебаҳо, Ватан!"

Шоир бор ҳис-ҳаяжонини сўзга айлантиради. Ва ана шу сўзларга жону жаҳонидаги самимий меҳр, муҳаббатни қўшади. Йўқ, шоир бу ўринда ортиқча дабдаба, зўрма-зўраки ҳайқириқларга изн бермайди. Аксинча, тирикликка пайванд ҳаёт шамолида тебраниб турган қисмат дарахтидай адл туради ва ҳақиқатнинг алвон уфқини кўнгил кенгликларига пояндоз қилиб, рост ёзади:

Ҳўш, нечун севаман Ўзбекистонни?
Сабабини айтинг десалар менга.
Шоирона гўзал сўзлардан олдин
Мен таъзим қиламан она халқимга.
Халқим, тарих ҳукми сени агарда
Мангу музликларга элтган бўлсайди,
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,
Меҳрим бермасмидим ўша музларга?

Мисрадан мисрага ўтгани сайин шеърдаги аланга кучайиб боради. Айни пайтда қалбингизда илдиз отган Ватан сурати катталашади…

Ажиб бир ҳолат: Абдулла Орипов шеърлари қат-қатларидан ҳар биримизнинг кўнглимиз мўралаб тургандек бўлаверади гўё. Худди ўша ҳис-туйғуларни сиз ҳам қачондир бошингиздан ўтказгансизу, унинг нималигини англамагансиз. Шоир эса дилидаги саркаш ўй-хаёллари, юракдаги беадад изтироблари, исёну тўфонлари билан унинг нималигини сизга англатади:

Барглар орасига тинмасдан сира
Ошно юлдузлардан тўкилади нур.
Билмайман, қийнайди қайси хотира,
Титроқ юлдуз каби музлаган шуур...

Шеърда акс этган ҳолат замирида драматизм унсурлари кучли, айни пайтда, жуда тиниқ ва нафис. Ҳеч бир мусаввирнинг ранг-баранг бўёқлари буларнинг барчасини бор бўйи билан тасвирлашга етмайди. Шеърнинг жонбахш таъсирини кўрингки, ич-ичимизда анчадан буён ғижирлаб турган муз бир зумда эрийди. Кимнидир қаттиқ соғинганимизни ҳис қиламиз. Ана шу соғинчнинг кўзлари билан дунёга назар соламиз. Ва ундан кўнгилга ўхшаган нимадир излай бошлаймиз.

Ўзбек шеъриятининг куёши ҳазрат Алишер Навоий ижоди мана салкам олти асрки, издошлари – адабиётимиз намояндаларининг йўлини чароғон этиб келади. Янаям аниқроқ айтсак, шу узоқ асрлардан буён бирорта мумтоз шоир йўққи, Навоийнинг ижод бўстонидан гуллар термаган бўлса! Худди шу воқеликка муқояса тарзида айтадиган бўлсак, кейинги ярим аср мобайнида Абдулла Орипов шеърияти ҳам замондош ижодкорлар учун ана шундай илҳом манбаи бўлди. Мен ўзимча, дабдурустдан, бундай хулосага келмадим. Аввало, жуда кўп замондош шоирларни ўқидим, уларнинг ижодини баҳоли қудрат таҳлил қилиб, шу нарсага амин бўлдимки, танилган, эл суйган ижодкорларнинг барчаси Абдулла Орипов шеъриятидан қайсидир даражада илҳомланган экан. Шу маънода, мамлакатимиз ҳудудларида бу бетакрор шеърият булоғидан сув ичмаган бирорта ҳам шоир топилмаса керак, деб ўйлайман. Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим бир шеърида бу ҳақда шундай ёзади:

Болаликдан мен ҳам шеър деб ёнган эдим,
Не қиларим билмай баъзан толган эдим,
Ориповдан қарзга олов олган эдим –
Бу қарзимни бугун айтсам, ҳалол бўлгай.

Бундай самимий эътироф ва икрорлар Абдулла Ориповнинг ҳар бир сафдош, шогирд ва замондошлари қалбида бор, десам сира ҳам адашмайман. Худди шундай кўнгил изҳорини Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо қуйидаги тарзда ифода этган:

Сизга ошно бўлдим болалик кездан,
Сиздан ранглар олдим сўзимга аён.
Эл қатори қарздор эдим мен Сиздан,
Ўзимнинг армоним ўзимга аён.

Ўтган асрнинг 70-йилларида адабиётимизга гулдурос овоз билан кириб келган атоқли шоир Азим Суюн Абдулла Орипов билан "учрашув"ни мана бундай ҳикоя қилади: "Мен "Митти юлдуз"дан чиққанман... 1965 йил эди. Камина саккизинчи синфда ўқирдим. Пайариқ тумани марказида каттагина китоб дўкони бўлғучи эди. Чўнтагимдаги пулим "Гул ва кўнгил" деб ёзилган, ичида ўнта шоирнинг китоби жойлашган кути – тўпламга етди. Мана шу жилд ичида Абдулла Ориповнинг "Митти юлдуз" деган китоби ҳам бор эди.

Китоб дўконидан чиқар эканман, автобус бекатигача китобни гоҳ тўхтаб, гоҳ суриниб варақлаб улгурдим. Ҳаяжон чўғи вужудимни куйдирарди. Бу китоб варақларида илоҳий бир тўлқин борлигини юрагимга жо қилдим. Ҳафтадан сўнг "Митти юлдуз" менга ёд бўлди..."

Бундай адабий таъсирлар кейинчалик ўз йўлини насрда, публицистикада ёки илмда топган замондошларимиз тақдирига ҳам тааллуқлидир. Бизнинг бу фикримизни бугун кўплаб турли соҳа вакиллари, давлат ва жамоат арбоблари ҳам тасдиқлайдилар.

Дарҳақиқат, Абдулла Ориповнинг кўпларга ибрат бўлгулик ижоди, ижод йўли борлигини баралла айтиш жоиз. Бу йўл, балки ўзига хос ижод мактабидир. Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек, адабиётимизда қандайдир мавқега эришган ижодкор бўлса, албатта, унинг ана шу мактаб сабоғи хусусида ўз мулоҳазаси мавжуд. Олимларимиз келажакда шу йўналиш бўйича илмий изланишлар олиб боришни давом эттиришади. Қолаверса, бундан илм аҳли ҳам, ижод аҳли ҳам фақат ютади.

Энди нокамтарлик бўлмасин, замонамизнинг улуғ шоири билан юзма-юз ўтириб суҳбат қурмаган бўлсам-да, мен ҳам у даврабошилик қилган шеърият кечаларида кўп қатнашганман. Ўша кечалардан бири Абдулла ака "Шеър ёзиш фақат шахсий изтиробларингни қаламга олиш дегани эмас. Аксинча, юракда тўлқинланган, ёзмасанг бўлмайдиган дунё дардини чин дилдан ҳис этиб, руҳингда алангалатиб сўнгра қоғозга тушириш чинакам шеърдир", деган эди. Шоир ўз ижоди билан ўзбек шеърияти тор, биқиқ, маҳдудлик қобиғида қолиб кетмаслиги учун бир умр курашиб яшади.

Абдулла Ориповнинг "Тулки фалсафаси", "Илтимос", "Хато қилишингни кутарлар" каби кўнгил изтироблари силқиб турган бир қатор шеърларида ҳаётнинг номукаммаллигидан зада бўлган қалбнинг бетаскин фарёди сизилиб туради. Назаримизда, у бутун дунё аҳлини одамийликнинг юксак белгиси бўлган аҳилликка, бағрикенгликка чорлашдан чарчамаган ҳақиқат овозида бонг уради:

Дунёни қизғанма мендан, азизим,
Қалбингни ёқмасин шубҳа ва сўроқ.
Мен ўзга манзилга тикканман кўзим,
У сенинг кулбангдан жуда ҳам йироқ!

Ҳақиқий шоирлар, асл шеърларгина дунёни ҳар қандай ҳалокату фалокатлардан асрашга қодир. Абдулла Орипов шеърияти ҳам ана шундай ҳақиқат ва поклик устига қадалган туғдир. Унинг маржондек тизилган сатрларида кўнгил нигоҳини кўриб қоласиз.

Шоирнинг "Соғинч" номли шеъри менинг қалбимда чуқур ўрнашиб қолган. Нимагадир тушкун, эзгин пайтларимда уни бот-бот такрорлаб ўзимга, ўзлигимга қайтаман. Ушбу шеърда мен англамаган қандайдир афсун бордек гўё. Агар ишонмасангиз, шу дамда бу шеърни мен билан биргаликда такрорланг. Беихтиёр қалбингизга самовий нурлар оқиб кираётганига амин бўласиз:

Парчагина булут,
Чексиз осмон,
Адир ортидаги ёлғизоёқ йўл...
Барча ташвишларни унутиб шодон
Қайтгим келаётир қошингга бутқул.

Сездингизми, шеърда бепоён денгиздай мавжланган кенглик ишқи, соҳир нигоҳларни соғинган туйғулар мавжи бор. Шунинг учун бўлса керак, томирларингизда сокин оқаётган қон гупуриб, қалбингизни уфқларга туташган уммондай тўлқинлантиради.

Бадиий ижодни қисмат деб билган истеъдод соҳиблари адабиётнинг қайси жанрига мурожаат қилмасин, ҳеч бир муболағасиз, шу жанр ривожига туртки бўладиган асарлар яратишган. Шу маънода, Абдулла Ориповнинг шеъриятимизнинг мумтоз шакли – ғазал жанрига мурожаати ана шундай гўзал натижаларга сабаб бўлган. Унинг деярли барча ғазаллари дилтортар қўшиқларга айланган. Абдулла Орипов ғазалнависликда руҳнинг ўзига хос оҳангини топа олгани боис мазкур йўналишдаги битиклари юракларга олам-олам завқ бағишлайди. Шоирнинг "Кетмоқдаман" радифли ғазали барчамизга ёд бўлиб кетган. Айниқса, ушбу ғазал билан айтиладиган қўшиқ сеҳри шу қадар кучлики, уни тинглаб туриб, ажиб хаёллар оғушига чўмади киши.

Яхши қол, эй дилбарим, дилда кадар, кетмоқдаман,
Ишқ аро энди ҳолим зеру забар, кетмоқдаман.

Нақадар дилга, тирикликка яқин байт. Негадир ундан ўз кечмишингизни топгандай бўласиз. Қисмат қуёшида товланаётган армон қирралари гўё кўксингизга ботади. Сиз эса унинг оғриғида ҳаёт мазмунини топасиз...

Шоирнинг "Бу кун" радифли ғазали ҳам жондаги аланга билан оромижонлик қилади:

Ваҳки, ишқ саҳросида қолдим беишқ танҳо бу кун,
Чиқма, Қайс, оҳим билан ёнмоқда ул саҳро бу кун.

Шарҳи дил этмай туриб рад этди ёрим бўйлаким,
Қисмат омин айтди, айтмай зарра бисмилло бу кун.

Нун лабинг узра сокин қолди ҳилолдек ҳолатим,
Ҳарф ўйин айлай десам, ўзга эрур имло бу кун.

Мумтозлик даражасидаги ушбу ғазалда ишқ ва ошиқлик ҳолати шу қадар жунунга уйғунки, беихтиёр ҳайрат бармоғини тишлайсиз. Ва тўлқинли байтлар кўнглингизга худди уммон ҳайратини бахш этгандай бўлади. Абдулла Орипов туйғулар рангини моҳир мусаввирдай яхши билади. Қолаверса, жанр хусусиятларини яхши билган ғазалхонлар байтлар замирида яширин шеърий санъат унсурлари, сўз ўйинларидан битмас-туганмас шавққа тўладилар.

Шоирнинг бедилона тўртликлари инсон ҳаёти, унинг мазмун-моҳияти ҳақида баҳс юритади, мушоҳада учун имкон яратади. Тўрт қатор шеърга бутун бошли олам муддаосини сиғдира олиш – чинакам санъат. Санъат бўлганда ҳам юксак маънолар

санъати. Шоир ҳар куни нигоҳимиз тушадиган нарса-ҳодисалардан ёки инсонларнинг ўзаро муносабатларидан, чархнинг айланиши-ю жамики борлиқ бағридан сир-синоат ахтаради.

Тингла, бу абадий садо бўлади,
Гадонинг душмани гадо бўлади.
Иккови бир-бирин егунича то
Ўртада бу дунё адо бўлади,

дея шоир олам аҳлини ғафлатдан уйғотгудай ичкин бир овозда ҳайқиради. Бу ҳайқириқда қанчадан-қанча инсонларнинг бошига кулфат ёғдирган, тараққиётнинг кушандаси бўлмиш ҳасадгўйларнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан нафрат мужассам. Мазкур шеър таъсирида қанийди, биз одамлар бир-биримизни тушуниб, қадрлаб, қутлаб яшасак. Беғубор туйғулар шудрингида дунё нечоғлик мунаввварлик касб этган бўларди.

Абдулла Ориповнинг "Ўзбекистон" шеъри мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг юрак харитаси, мундарижасига ўхшайди. Бу шеърда тарихий кечмишимиз хронологик тартибда бадиий воситалар орқали акс этгани боис уни юртдошларимиз севиб, ёддан ўқиб юришади. Шундай фахр-ифтихорга лойиқ шеър. Она юртимизнинг олис ўтмиши, бугуни ва эртасига ташланган назар шу қадар тиниқки, шеърни ўқиб туриб кўз ўнгингизда гўё тасвирлар жонлангандек бўлади:

Кўз олдимдан кечар асрлар,
Кўз-кўз этиб нуқсу чиройин.
Сарсон ўтган неча насллар,
Тополмасдан туғилган жойин.
Америка – сеҳрли диёр,
Ухлар эди Колумб ҳам ҳали.
Денгиз ортин ёритди илк бор,
Берунийнинг ақл маъшали.
Колумбда бор аламим маним,
Ўзбекистон Ватаним маним.

Абдулла Орипов шеърияти кўплаб тадқиқотларга мавзу бўлгулик. Аммо мен оддий бир мухлис, бетакрор шоир ижодининг оташин шайдоси сифатида у ҳақда кўнглимдан тошган фикр-мулоҳазаларимни мухтасаргина баён этдим.

Кўпинча марҳумлар ҳақида бугун у орамизда йўқ, деб гап бошлаймиз. Мен эса бу масалага бошқача ёндашаман. Инсоннинг умри унинг қилган эзгу ишлари билан ўлчанади. Демак, Ватани, эл-юрти ободлиги, фаровонлиги, одамларнинг маънавий оламини бойитиш, юксалтириш йўлида жон чеккан инсонлар ҳаёти, умри боқийдир.

Шу маънода, абадият осмонининг марказида чарақлаб турган ёруғ юлдуздан бир нур ҳар куни кўнглимизга тўкилади, қалб ойнасида акс-садо бериб, мардона жаранглайди:

Мен шоирман, истасангиз шу,
Ўзимники эрур шу созим...

Изла меҳру эзгуликка мангу маскандан макон

Мирзо ТУРСУНЗОДА

Ватан

Баҳор келди ва умримдан яна бир йил олиб ўтди,
Жами кўрган-кечирган кунларим ёдга солиб ўтди.
Жаҳонгаштликда кечди гар бу умримнинг ярим боби,
Мисоли эт билан тирноқ дилим юрт-ла қолиб, ўтди.

Қаерда бўлмайин, юртим, суюк пок осмон бўлдинг,
Узоқ соҳил, узоқ тупроқда ҳам сен орқа – тоғ бўлдинг.
Буюк денгизда сузган, мавжида кулганда ҳам кўзлар
Жаранглаб жилғалардек чорлаган бир қўнғироқ бўлдинг.

Менга энг бахтли дам бўлди, сафардан сенга қайтган кун,
Ғуборинг кўзга сурдим, қайтадан бўлдим сенга мафтун.
Гўзал водийларинг кездим, яна сеҳрингга банд сездим,
Сенинг орзу ва тақдирингга эшликдан дилим мамнун.

Диёримдан ва ёримдан узоқ тушсам саёҳатда,
Мени машҳур жаҳонгашта дедилар ушбу одатда
Ва, лекин мен ҳамиша қайси элда нону туз тотдим,
Фахр қилдим, сурур топдим, Ватан, сенга садоқатда.

Баланд ошиён

Энг баланд жойларга учгил, ошиён қурмоқ эсанг,
Тоғларим бошини қучгил, кенг жаҳон кўрмоқ эсанг.
Кўм-кўк осмон гумбазин гар манзил этмоқ хоҳишинг,
Сен теран ўйларга кўчгил бехазон турмоқ эсанг.

Сен-ку бир чўл булбулимас, зору афғон бошласанг,
Ғам-надоматлар қулимас, кўзларингни ёшласанг.
На биёбонлар гули, на чўл тикони сен эмас,
Манзилинг топмай ўзингни ғору жарга ташласанг.

Мирзо ТУРСУНЗОДА – Тожикистон халқ шоири. Халқаро Жавоҳирлаъл Неру мукофоти соҳиби. 1911 йилда туғилган. Тошкент педагогика институтида таҳсил олган. Шоирнинг "Ижодкорларга", "Жони ширин", "Абадият чироғи", "Садои осиё", "Духтари муқаддас", "Ҳасан аравакаш", "Озод шарқданман" каби китоблари чоп этилган. 1977 йилда вафот этган.

Ошиёнинг паст бўлса, селу ел пайҳон этар,
Ўйнашиб бебош шўхлар тош отиб вайрон этар.
Мунгли қушлар бир умр болу қаноту қушчасин
Асрамоқ, ардоқламоқ дардига жон қурбон этар.

Сен учар бўлсанг баланд тоғ, чўққидан парвоз қил,
Токи, дўстларга ўзингдан хуш салом овоз қил.
Токи, ҳайратли, муҳаббатли боқиб десин Ватан –
Эй жигарбандим, бу сайринг ҳам баланд, ҳам соз қил.

Тикка парвоз истасанг, тоғ бургутидан ол сабоқ,
Чақнаган учқур ҳаётнинг шиддатидан ол сабоқ.
Хоҳи шодсан, хоҳ ношод – бўл баайни навбаҳор,
Чангу гард ювмоқда ёмғир санъатидан ол сабоқ.

Гар учар бўлсанг боболар ёди бирлан кўкка уч,
Янги, ёрқин сахфалар достони бергай сенга куч.
Йўлларингда порлаган гулхан буюклар машъали,
Сен у гулхан довруғи – шони билан оламни куч.

Ошиён қурмоқ эсанг ахтар юраклардан макон,
Меҳру аҳду ҳам садоқат, ҳам тилаклардан макон.
Бормикан инсон дилидан ҳам баландроқ жойким,
Изла меҳру эзгуликка мангу маскандан макон.

Тожик тилидан
ЗУЛФИЯ таржимаси

Умр

Боқи
РАҲИМЗОДА

Бу дунёда умрдан азиз дам йўқдир,
Умр ғашти, шавқила асти ғам йўқдир.
Умринг адо бўлса ҳам муҳаббат билан,
Қайғурма ҳеч, севгидек бир ҳамдам йўқдир.
Эй, яшашга шошилган инсон, билгилки,
Шошилганга ортиқ ҳеч бир малҳам йўқдир.
Умрингни азиз билгин, ғаниматдур ул,
Аввал-азал умрга ортиқ дам йўқдир.
Хаёл сурма беҳуда, хом сут эмган зот,
Билмаганга, билгилким, ҳеч карам йўқдир.
Юрак, осойишта яшашни ўрган,
Билганга ундан ҳеч хотири жам йўқдир.

Боқи РАҲИМЗОДА – Тожикистон халқ шоири. 1910 йилда туғилган. Тошкент давлат педагогика институтини битирган. Шоирнинг "Фронтга", "Яшил япроқ", "Олтин бешик", "Булоқ", "Босиб ўтилган йўл", "Илҳом" каби китоблари нашр этилган. 1980 йилда вафот этган.

Лафз

Маъни-ла фузун дунёда бу лафз,
Ширин-шакару бир бода бу лафз.
Фаҳму сухану рамзда, бешак,
Тунни ёритур зиёда бу лафз.
Дил сўзларини элу юрт ичра
Изҳор этадир закода бу лафз.
Сўз санъатидан кўнгул-кўнгулни
Равшан этадир ибода бу лафз.
Истар бу кўнгул, чарақласа то –
Тонг юлдузидек самода бу лафз.
Лафз мактабида ҳамиша толиб,
Боқий экан у, вафода бу лафз.

Тожик тилидан
Туроб ТЎЛА таржимаси



Мўмин ҚАНОАТ

Уйқусиз тунлар

Тун қора сочинг ёдида
Тунни саҳарга улаб,
Ўкинмадим
Булбулдек гул фарёдида.
Ёстиқ айлантириб бошим,
Мисли гирдобдек тортарди,
Нигоҳим тонггача шуълаи моҳтобга ботарди.
Дарё бўйида зора, қиз,
Тополсайдим сени ёлғиз,
Шивирлардим қулоғингга
Юрагимни – достонимни,
Бахш этардим сенинг болингга жонимни.
Нечун қилдинг карам менга,
Тушларимга кириб ногоҳ?
Ёнгинамга ўлтириб сен,
Нигоҳимни тўлдириб сен,
Мушкин сочим оқарибди, дединг, эвоҳ.

Мўмин ҚАНОАТ – Тожикистон халқ шоири. 1932 йилда туғилган. Тожикистон давлат университети тарих ва филшунослик факультетида таҳсил олган. Шоирнинг "Сталинград фарёди", "Менинг исмим – Тожикистон", "Сино бешиги", "Масъуднома" шеърий тўпламлари ва достонлари нашр этилган.

Сени кўриб тўёлмадим,
Сени ўпиб тўёлмадим.
Қаҳ-қаҳ отдинг –
Кулгунгдан тонг ҳам отди,
Айландингу парига сен
Учдингу бошимдан кетдинг,
Тушдек кўз ёшимдан кетдинг.
Мен талпиндим
Ортингдан айларга парвоз,
Фалакка бергудек овоз.
Ўзимга келсаму
Боқсам:
Оёғимда тилла занжир,
Бу занжир занжири тақдир.
Кетдинг сен, қолди афсона –
Ўша ёстиқ, ўша хона.
Сену ойдин кеча қолди,
Туним бедор кеча қолди...

Шалола

Эй, шалола!
Кўзгудек беғуборим менинг,
Ёшлигимга ёру бекарорим менинг.

Эски оҳангларни такрор этасан,
Унутилган ёдни бедор этасан,
Розимни ўз тилингда изҳор этасан.

Ёдингдами, ул лаҳзалар – марғуб манзара,
Сувга келди субҳидам кўйлаги ҳилпираб,
Юзлари гул, одимлари... эсингдами сира?

Кўркам қаддига сочлари шалоладек оқар,
Кўзи сувингдек сафоли, юзлари навбаҳор,
Қадди мисоли шаршара ларзону беғубор.

Очилиб, кулиб сувга гул – кулгулар сочарди,
Гўдакдек, сувга ноёб бир инжулар сочарди,
Жонимга ўт ёқарди ҳам ёғдулар сочарди.

Гул юзларининг рангидан гулзор қонар эди,
Юришларидан нечаким хуммор қонар эди,
Дийдоридан лабташналик – дийдор қонар эди.

У қиз менга ким эди,
Синглимдир эҳтимол?
Ё илк баҳор олдирганим
Кўнглимдир, эҳтимол
Ё оқ кабутардек менга ҳамроҳдир, эҳтимол?

Ким бўлса ҳам
Менга эди у жондан ортиқ,
Жону жаҳонни ҳам унга қилардим тортиқ.

Икки қирғоқ мисоли жудо бўлдик биз,
Дарё садо берди-ю, бесадо бўлдик биз,
Шаршаранинг торларида наво бўлдик биз.

У лаҳзалар ширин-ширин уйқуга кетди,
Болалигим умри магар шўх сувга кетди.
Каклик мисол бир пастланиб, сўнг шитоб этди.

Эй, шалола!
Келгил яна кучоқларимга.
Чалгил ўшал таронани қулоқларимга,
Навбаҳорим топсин аксин қарокларимга!

Тожик тилидан
Муножот ҒАФФОРОВА таржимаси

Низом ҚОСИМ

Армон

Мен умримни фидо қилдим, диёрим то жавон бўлгай,
Кечибман нечалар жондан, ки жони то омон бўлгай.

Қачон, қайдин Ватан сори агар боди хазон эсса,
Баҳоримни сипар қилдим, Ватан то бехазон бўлгай.

Заминимдан қурол – тийру камонни мен узоқ қилдим,
Самосида жилоланган мудом Тийру камон бўлгай.

Қасам ичдим сутинг ҳаққи онамга, она халқимга,
Саодатли яшаш унга ҳамиша, ҳар замон бўлгай.

Очиқ дил ҳам очиқ чеҳрамни оламга кушод эттим,
Ки, мулки мўъжазим олам кўзига полвон бўлгай.

Низом ҚОСИМ – 1958 йилда туғилган. Тожикистон давлат университетининг филология факультетини битирган. Шоирнинг "Шеър бошоғи", "Юлдуз қони", "Бешикдаги ойбола", "Садо тоғи" каби шеърий китоблари нашр этилган. Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси раиси.

Жаҳон минбарлари узра тилимни сарбаланд эттим,
Ки, халқи хушзабоним ҳам жаҳонга ҳамзабон бўлгай.

Басо, хорлик чекиб, уммид гулимни парвариш қилдим,
Ки, хорлик кўрмайин гулгун диёрим гулфишон бўлгай.

Манга ҳар боғ дилни гул қилурдан бир хабар айтур.
Манга ҳар мазраи кўклам яшилликдан нишон бўлгай.

Ватан нонининг урпоғи кўзимга тўтиё бўлсин,
Дилим ҳамрози бу йўлда манга пиру жавон бўлгай.

Этай тожи сари дунё дилоро Тожикистонни,
Бу дунё тахту тожидан манга бу армон бўлгай.

Ватан қўшиғи

Етишди даври вахдатинг, аё Ватан, аё Ватан,
Муборак бу саодатинг, аё Ватан, аё Ватан!

Не давлати ёшу қари, не содалик бу беназир,
Зиёда бўлсин давлатинг, аё Ватан, аё Ватан!

Шарорадай шарр ўтдию, бошингдан офат ўтдию,
Қолди бу кун шарофатинг, аё Ватан, аё Ватан!

Вафоси йўқ узоқлашур, вафоси бор ўртоқлашур,
Жафокашим шу миллатим, аё Ватан, аё Ватан!

Фидосидир бу бошимиз, жаҳони бахт паноҳимиз,
Бу сувратинг, бу сийратинг, аё Ватан, аё Ватан!

Хитобларинг ҳам биз учун, китобларинг ҳам биз учун,
Ҳакимимиздур ҳикматинг, аё Ватан, аё Ватан!

Чу бехато бўлур санга, зўр раҳнамо бўлур санга,
Низому, расму одатинг, аё Ватан, аё Ватан!

Гулинг бизу сен боғимиз, ҳамиша чоғ димоғимиз,
Боғу чаманда накҳатинг, аё Ватан, аё Ватан!

Ҳаволаринг олсам нафас, давою нархи арзимас,
Табобату табиатинг, аё Ватан, аё Ватан!

Элтар сани мақсад сари, бизнинг вафо йўл сингари,
Вахдатдан токи қудратинг, аё Ватан, аё Ватан!

Тожик тилидан
Ориф ҲОЖИ таржимаси

ФАРЗОНА

Ўзимга қадар

Мен ҳаётга ишонаман охиратгача,
Шабнам қуриб, тингунча то булбул куйлари.
То мўъжиза жўнлашгунча,
Яъни, ишқ билан
Видолашмоқ учун ярим нафас бор ҳали.
Ўлгим келса менга рухсат бермайди, бироқ,
Битта орзу – олисларга қўлим етмаган.
Қандай оддий бўлай, ўйлаб иштирокимнинг
Шартлигини бир мажлисга. Ўнда. Эртага.
Қандай қилиб оддий бўлай?
Чироқсиз қолиб,
Маҳкум бўлсам чироқсизга бергали мадад.
Қандай қилиб оддий бўлай?
Ўшал хаёлий
Шуълазорга мен уларни айласам даъват.
Қандай қилиб оддий бўлай?
Ахир, бозордан
Янги кўйлак сотиб олсам ҳар бир қадамда,
Келганимда ҳар гал сизнинг кўз олдингизга,
Келтирмасам янги жонни янги баданда.
Қандай қилиб оддий бўлай?
Қачонки…
Асли,
Оддийлигим ва оддийлик – гўзал, бетакрор.
Оддийлик, бу – мўъжизадан, балки, баландроқ,
Ҳали вақт бор,
Ҳали тағин ярим нафас бор.
Балки, қай бир эски тўрва, эски сандиқда
Қолгандир ишқ ва муҳаббат юқидан асар.
Туғилмоққа қадар босиб ўтай бу йўлни,
То тозармоқ,
То Худо
То ўзимга қадар!

ФАРЗОНА – 1964 йилда туғилган. Хўжанд давлат педагогика институтини тамомлаган. Унинг "Ёмғир толаси", "Яшилбарг", "Чақмоқ хуружи", "Ишқ ояти", "Мино гули муҳри", "Ҳама гул ҳама тарона" каби шеърий китоблари нашр этилган.

Ишқ даъвати

Чап қўл фаришталари,
Ўнг қўл фаришталари,
Қайда ўшал олов ишқи бор айлаб мани,
Даричамга салом бериб, ҳол сўрган қани?
Қайда ўшал тириклигим, ўшал нотамом,
Бу ҳаётим топгай унинг нуридан самар:
Лабларимдан лабларимга йўллаган салом,
Кўзларимдан кўзларимга айлаган назар.
Икки қўллаб тутдим тилла қуёш ҳалқасин.
Эшигимиз ҳалқаси бу азиз
Ва илк бор
Бир юз ханда нурин тўкди эшик очилиб,
Оҳ, қанчалар руҳоний ва ошно бу рухсор?
Салом, орзу-истакларим, қўл етмас маъво,
Салом, нурим, янги чиққан қуёш – беғубор.
Салом, эй, сен, тиловати намозимга жо,
Салом, эй, сен, хаёлида таҳоратим бор.
Бошқа буюк узлатингни этма ихтиёр,
Чўккanларинг ҳолига сен кулмагин фақат.
Азоб бергин, даргоҳингда ахтарса ўзни,
Мени менда бор ўзингга айлама яқин.
Сен тонгнинг кўк жандасини чирмаб лошингга,
Қуёшни чал, ноғорадай кетсин жаранглаб.
Зинҳор тутма қўлимдан,
То ўз талошимда
Баланд бўлай, бағир бўлиб ўша баландга.
Чап қўл фаришталари,
Ўнг қўл фаришталари,
Қайда ўшал сас, бахтга ёр борлиғи, тани,
Ишққа даъват айлагувчи ул садо қани?..

Тожик тилидан
Одил ИКРОМ таржимаси

КЎНГИЛ ГАНЖИНАСИДАГИ ҲАҚИҚАТ

Нурбой ЖАББОРОВ

Ўзбек миллий уйғониш адабиётини Зокиржон Фурқат ижодий меросидан айри тасаввур этиш маҳол. Зотан, XIX аср иккинчи ярмида миллий ўзликни англаш, истибдодга қарши исён, эрк ва озодлик ғоялари дастлаб унинг асарларида бўй кўрсатди. Шоир юртнинг "куффор банди ичра сонсиз тугунда қолган"идан, "охир ул-амр ҳукумат гулшани хазон бўлиб, булбуллар ўрнини зоғлар эгаллаган"идан изтироб чекди, бунинг боиси "сиёсати Рус" эканини баралла айтишга жасорат топди. Ватан ва миллат бошига келган бу оғир мусибатга муолажа излади. "Ҳамани эмди кўз тутгони бир Соҳибқирон бўлди", дея умид ва нажотни истибдод гирдобидан олиб чиқишга қодир йўлбошчининг тарих саҳнасига чиқишида кўрди. Миллатнинг бошига давлат ҳумоси қайтажагига ишонди.

Фақат бугина эмас. Шоир ўзи мансуб халқнинг замона аҳволидан огоҳ бўлмоғини, жаҳолат уйқусидан уйғонмоғини, маърифатдан баҳра олмоғини орзулади. Русия гимназияси ҳақида шеър ёзар экан, миллат болаларининг шу сингари замонавий таълим масканларида ўқишини истади. Виставкани, театрни васф этар экан, шундай маданий ҳодисаларсиз тараққий этиш имконсиз эканини англади ва англатмоққа уринди. Русиянинг ўша давр фан-техника соҳасидаги ютуқларини тарғиб этар экан, уларга "ўз нафъимиз учун мулоҳаза қилсоқ лозим"лигига урғу берди. Аниқроқ айтганда, ҳар бир ишда Ватан ва миллат манфаатини устувор билди.

Фурқат миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг "кўп ва хўб" ижод қилгани билан алоҳида ажралиб турувчи сиймоларидан. Мумтоз шеъриятнинг деярли барча жанрларига мансуб қарийб ўн икки минг мисралик назмий мероси, "Аҳволот", "Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий" сингари салмоқли насрий, "Тўй хусусида","Аза хусусида", "Гап хусусида" каби этнографик, арузга оид "Илми шеърнинг қоидаи авзонини баёни" асарлари, ижтимоий-сиёсий мавзудаги публицистик мақолалари бунинг далилидир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Марказий давлат архивида сақланаётган дастхатлари Фурқатнинг моҳир хаттот бўлганини кўрсатса, "Зубдат ул-ҳукамо" ("Ҳакимларнинг сараси") дея шуҳрат қозонгани унинг фаолияти нечоғлик серқирра эканини, табобатда ҳам камолга эришганини тасдиқлайди.

Шоирнинг хорижга кетиши ва юртга қайта олмаслиги сабаблари шу пайтгача тур-

---

Нурбой ЖАББОРОВ – Филология фанлари доктори, профессор. 1966 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) битирган. "Маърифат надир", "Замон, мезон, шеърият", "Адабиёт ва миллий маънавият" каби китоблари нашр этилган.

лича талқин этилган. Бу ҳақда ҳеч қандай асоссиз, ҳужжат-далилсиз ҳар хил тахмину гумонлар ҳам билдирилган. Архив ҳужжатлари ва мавжуд манбалар таҳлили Фурқатинг чет элга кетишига икки нарса сабаб бўлганини кўрсатади: шоирнинг чор Русияси мустамлака сиёсатини очиқдан-очиқ қоралаб асарлар ёзгани; Фурқатнинг маърифатпарварлик фаолияти Ватан ва миллат манфаатларига асосланган.

Русия мустабид сиёсати Туркистон халқлари ҳаётининг барча – сиёсий, иқтисодий ва маънавий жабҳаларини бирдай исканжага олгани маълум. Табиийки, миллатпарвар зиёлилар, жумладан, Фурқат ҳам бунга бефарқ қараган эмас. Ғафур Ғулом номидаги Қўқон Адабиёт музейи фондида 7050-рақами билан сақланаётган "Шарҳу рисолат иш-шамсия ва аййана фийҳ ил-мантиқия" асари қўлёзмасининг ҳошиясига битилган "Муножоти мусаддас" бунинг ёрқин далилидир[1]. 108 мисрадан иборат мазкур мусаддаснинг жорий имлодаги тўлиқ матни манбашунос Аҳмаджон Мадаминов томонидан тайёрланиб, доцент Рустам Тожибоев сўзбошиси билан эълон қилинган[2].

Яратганга илтижо, муножот руҳида битилган мусаддасда шоир бундай ёзади:

Зулматни гирдбоди тегди, қуюнда қолдук,
Тўфони ҳайрат, эйки, ғарқи жунунда қолдук,
Ғафлат ила ўтуб умр, кулгу, ўйунда қолдук,
Куффор банди ичра сонсиз тугунда қолдук,
Раҳм айлагил, Ҳудоё, бечора, хасталарга,
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

Фурқат "Зулмат гирдбоди, қуюн, тўфони ҳайрат, ғарқи жунун" каби тимсоллар, "Куффор банди ичра сонсиз тугунда қолдук" образли тасвири воситасида рус мустамлака сиёсатининг моҳиятини очиб беради. Зеро, бу истибдод сиёсати миллат ҳаётининг барча жабҳаларини бирдай асоратга солгани, миллий истиқлолга, нурли истиқболга элтадиган барча йўлларни батамом тўсиб қўйгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Бинобарин, "...рус маъмурияти қонунларни ўзи истаганча ўзгартириб, маҳаллий аҳолининг иқтисодий, ижтимоий, диний ва сиёсий эркинликларини нақ 50 йил давомида поймол этиб келган"и[3] ҳам бунинг далилидир.

Мусаддаснинг қуйидаги мисралари ҳам истибдод исканжасида қолган юрт тақдирига куйиниш ҳисси билан йўғрилган:

Қозию муфти, аълам доим ҳазину маъюс,
Дин посини тутай деб зиндони ғамда маҳбус,
Бечоралар на қилсун бўлса сиёсати Рус,
Қўймайди бир тарафдин халқ ичра нангу номус,
Раҳм айлагил, Ҳудоё, бечора, хасталарга,
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

Ушбу мисраларда мустамлака сиёсатининг адолатсизликка, зулмга асосланган, ҳатто қози, муфти, аълам каби ҳуқуқ посбонларининг ўзлари ҳам ҳақсизлик гирдобида қолганӣи ифодаланган. Уларнинг "Дин посини тутай деб ғам зиндонида маҳбус" бўлиши сабабини Фурқат очиқ-ойдин кўрсатиб ўтади: "Бечоралар на қилсун бўлса сиёсати Рус?!"

Хўш, ўша пайтдаги Рус сиёсати нимага асосланган эди? Манбаларда бу ҳақда қуйидагича маълумот берилади: *"...чор ҳукуматининг золим генераллари Туркистон ўлкасига қўйилган "миссионер", яъни дин бузувчи Остроумовларнинг таклифлари бў-*

[1] Ғафур Ғулом номидаги Қўқон Адабиёт музейи, қўлёзма № 7050, 244[б] – 245[а]-бетлар.
[2] Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1997 йил 20 июнь, № 25 (3500).
[3] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т.: "Шарқ" НМАК, 2000, 326-бет.

йича, Туркистон ўлкасининг халқини кўр каби истибдод қоронғусида қолдирмоқнинг маслаҳатида "русский-туземний" мактабларочмоққакиришдилар. Мадраса вақфларини боний, вақф қилғувчиларнинг авлодларига буюриб бериб, сотиб емоқларига фармойиш қилиб, мусулмонларнинг жума намозларида подшонинг номини (хутбага) қўйиб ўқимоқ, "Қуръон"нинг "вал-мушрикин" деган жойларидан "мушрик" иборатларини чиқармоқ каби беҳуда ишларни амр қилдилар. Шаҳар ҳокимлари, қози ва амалдорлар ҳам мактабдорларни чақириб, оқ подшонинг номини жами одамларга билдириб, масжидларда, намозларда дуо қилдириш, ҳатто мактаблардаги ёш болалар ўқийдиган Эшон Сўфи (Сўфи Оллоёр)нинг "Чаҳор китоб"и деган савод китобларидаги "азоби қабр кофирларгадир, чун кўрар гўрнинг азобин баъзи мўмин"дек бўлғон байтларини ва "кофир", "мушрик" деган иборатларини йўқотиб, янги босиладиргон китоб ва "Қуръон"лардан юқорида айтилган калималарни чиқаришдек фармойишлар қилдилар. Мусулмонларни ниҳоят эзиб, қисиб, ҳатто кўчадан пристуф ўтиб қолса, ё беихтиёр кўрмай қолғон ва ўрнидан турмаган мусулмонлар бўлса, қайтиб келиб уриб, қамар эдилар"[4].

Шоир мусаддаснинг бошқа бир бандида истибдод исканжасида қолган юрт иқтисодиёти ҳам инқирозга юз тутганини, аҳли бозор ночор қолиб, тижоратнинг касодга учраганини чуқур изтироб билан тасвирлайди:

Уч йил бўлурки қолмиш накбатга аҳли бозор,
Кўрмас тижоратидин кўп нафъ хайли тужжор,
Аҳли ҳунарда ҳам йўқ чандоне равнақи кор,
Йўқдур Ўзунгдин ўзга бир меҳрибону ғамхор,
Раҳм айлагил, Худоё, бечора, хасталарга,
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

"Уч йил бўлурки қолмиш накбатга аҳли бозор" мисраси асарнинг Қўқон хонлиги рус қўшинлари томонидан босиб олинганига уч йил бўлган пайтда, яъни 1879 йили ёзилганини кўрсатади.

Фақат бугина эмас. Шоирнинг фикрича, маънавият бобида ҳам таназзул жараёни бошланган: *"Заифалардин шарму ҳаё, ағниёлардин жуду сахо, бир-бирга ошнодин меҳру вафо йўқолган. Фақр аҳлидан қаноат, шайхдан риёзат, сўфидан ибодат тобора барҳам ўлган. Доно залилу нодон азиз бўлган. Элнинг феълу хўйи кетиб, гуфтугўйи фақат шикоят бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам эл куффор аҳли ичра ҳайрон бўлиб қолган, на ҳукм қилса дарҳол буйруғини олган, олиғ-солиғ бериб толган".*

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, мустамлака маъмурияти узоқни кўзлаб иш тутган. Ўлкадаги энг эътиборли лавозимларга лаёқатсиз, жоҳил, Фурқат таъбири билан айтганда, *"на ҳукм қилса дарҳол буйруғини оладиган"*лар қўйилган. *"Рус мустамлакачилари ўзлари ишлаб чиққан "Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақида Низом"да шариат қозиларини сайлаш масаласига алоҳида эътибор бердилар, –* дейилади "Ўзбекистоннинг янги тарихи"да. *– Хонлар замонида саводхон ва ниҳоят билимдон одамлар қозиликка тайинланган бўлса, рус маъмурларининг қонунига кўра, саводсиз кишилар ҳам бу лавозимга сайланиши мумкин бўлди"*[5].

Фурқат мазкур асарида бу ҳолни мана бундай образли тасвирлайди:

Ҳар қайда сарфаёғлар қозишинос бўлди,
Барпо қилурга фитна бекаму кост бўлди,
Эл ичра қадр топти ким хушлибос бўлди,

[4] Фозилбек Отабек ўғли. Дукчи эшон воқеаси. Самарқанд-Тошкент, 1927, 21-бет

[5] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т.: "Шарқ" НМАК, 2000, 321-бет.

Зоти бек ўтмаганлар соҳибасос бўлди,
Раҳм айлагил, Худоё, бечора, хасталарга,
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

Шоир бу аҳволдан қаттиқ изтиробга тушади. Ёлғиз паноҳи – Оллоҳга муножот қилади, ундангина нажот кутади:

Биз Одам ўғли бўлсак, инсон иши хатодур,
Ҳар шайъ аслисига рожиъ бўлуб кетодур,
Лутфу карамни сандин банда умид этодур,
Фурқат қулинг – гунаҳкор, сан соҳиби атодур,
Раҳм айлагил, Худоё, бечора, хасталарга,
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

Шу ўринда Фурқат ва Навоий муножотларида яққол кўзга ташланадиган фарқли жиҳатларга эътибор бериш зарурати сезилади. Навоий муножотлари инсон, унинг моҳияти, Ҳақ таоло маърифати каби миллатидан, ирқидан қатъи назар, барча учун, умуминсоният учун бирдай зарур масалалар таҳқиқига, бадиий талқинига бағишланган. Фурқат муножотида эса ўзи мансуб бўлган миллат дарди қаламга олинади. Шоир муножотларини, таъбир жоиз бўлса, ўз кечмишидан узоқлашаётган, шу боис сиёсий, моддий ва маънавий инқирозга юз тутган миллатга ўз қилмишлари оқибатини кўриши, хулоса чиқариши учун тутилган кўзгу деб аташ мумкин.

Чор ҳукуматининг манфур босқинчилик сиёсатини бутун моҳияти билан фош қилиш, миллатни огоҳ этишга бўлган интилиш, мустабид сиёсатга, жабру зулмга, адолатсизликка бўлган нафрат Фурқатнинг бошқа асарларида ҳам акс этган. Жумладан, "Бўлди" радифли мухаммасида шоир бундай ёзади:

Баҳор айёми ўтти, на гулу сарву суман қолди –
Ки, булбул бирла қумри ўрнига зоғу заған қолди,
На жоми марг ичмай лолаи хунинг, кафан қолди,
Чаманлардин нишон ҳеч қолмади, илло тикан қолди,
Зимистони ажални бодидин бори хазон бўлди[6].

Баҳор – тараққиёт рамзи. Шоирнинг ёзишича, у ўтиб бўлган. Шунинг учун ҳам булбул бирла қумри ўрнини зоғу заған эгаллаган. Бу – юртни Русия забт этганига ишора. Ажал зимистони – истибдод тимсоли. У бор мавжудликни хазонга айлантирган. Бинобарин, истибдод боис миллий анъаналар топталиб, миллат бошига қора кунлар тушган, унинг ҳуқуқи, эрки поймол этилган.

Шоир бу аҳвол сабабини аждодларнинг асрий анъаналари унутилгани, *"мусулмон халқимизнинг тўғри йўлдан адашиб, маъсият сори равон бўлгани, ато бирла ўғул ўртасида меҳру шафқат, ано бирла қиз орасида зарра ҳурмат, ағниёларда қайру саховат, фақиру бенаволарда сабру қаноат қолмагани"* билан изоҳлайди. Мухаммас қуйидаги мисралар билан давом эттирилади:

Юмуб кўзни, қадамни мардлар сори адам қўйди,
Вафосиз даҳр аларни жонига токи алам қўйди,
Ажал фарзанди одамни жаҳон мулкида кам қўйди,
Мингу уч юз биринчига сана токим қадам қўйди,
Ҳамани эмди кўз тутгони бир Соҳибқирон бўлди.

[6] Ғафур Ғулом номидаги Қўқон Адабиёт музейи, қўлёзма № 29, 32[а]–34[б]-саҳифалар (мухаммасдан олинган кейинги иқтибослар ҳам ушбу манба асосида келтирилди).

"Юмуб кўзни, қадамни мардлар сори адам қўйди". Адам – йўқлик, демакдир. Бу мисрада мардлар, яъни миллат зиёлиларининг қатағон гирдобига ташланганига ишора бор. Натижа шундай бўлдики, *"Ажал фарзанди одамни жаҳон мулкида кам қўйди"*. Яъни, бу ҳол оммавий тус олди. "Тажриба шуни кўрсатадики, – деб ёзади Туркистон генерал-губернатори Россия ҳарбий вазирига йўллаган мактубида, – бу ўлкада ошкора қатл ижросигина маҳаллий аҳолига яхши таъсир кўрсата олади. Сиздан, Россия ҳудудида ўлим ҳукмининг ошкора ижроси ҳақидаги қонунни Туркистон ўлкасига татбиқ этмаслик учун зоти Олийлари ижозатини олиб берсангиз, деб илтимос қиламан"[7].

Кейинги мисрада шоир таърих санъатининг сариҳ усулини қўллаш орқали бу фожиалар рўй берган санани ҳам очиқ ёзади: *"Мингу уч юз биринчига сана токим қадам қўйди"*. Ҳижрий 1301 йил милодий 1883–1884 йилларга тўғри келади. Демак, рус босқинининг айни авж палласи ҳақида гап кетяпти. Бу, ўз навбатида, муҳаммас ёзилган санани ҳам билдиради.

Бешинчи мисрада янада аҳамиятли фикр ифодаланган: *"Ҳамани эмди кўз тутгони бир Соҳибқирон бўлди"*. Дарҳақиқат, миллат бу пайтда Соҳибқирон Амир Темурдек йўлбошчига муҳтож эди. Юртни мўғуллар зулмидан озод қилган Соҳибқирон – миллий озодлик тимсоли. Шунинг учун ҳам шоир миллатга унингдек бир раҳнамони орзу қилади.

Кўриниб турибдики, шеърда озодликка, миллий истиқлолга интилиш туйғуси чуқур дард, бетакрор бадиият билан ифодаланган. Бу туйғу баъзан очиқча, айрим ҳолларда эса мисралар тагматнида акс этгани кузатилади.

Кейинги изланишлар натижасида аниқлаганимиз – шоирнинг шу пайтгача маълум бўлмаган "Бегим" радифли дастхат шеъри ҳам бу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга. Ғазал матни бир варақ фабрика қоғозига бинафшаранг сиёҳда шикаста аралаш настаълиқ хатида кўчирилган. Варақнинг ўнг томонида матнни ўқишга халал бермайдиган доғ бор. Ушбу 17 байтли шеър 1889–1891 йилларда Фурқат Тошкентда яшаган даврда ёзилган. Дастхат XIX аср хаттотлик санъатининг нодир намунаси сифатида ҳам аҳамиятлидир. Унда байтлар муайян мутаносиблик асосида жойлашган. Яъни, байтлар сони юқоридан қуйига ҳамда ўнгдан чапга *бир, икки, уч, тўрт, уч, икки, бир* тартибида квадрат (мураббаъ) шаклида битилган. Мураббаънинг қайси тарафидан қараманг, айни тартиб амал қилади. Демак, фақат мазмундагина эмас, шаклда ҳам мукаммалликка эришилган. Шаклдаги ушбу мукаммалликни сақлаш учун шеърнинг сўнгги 17-байти ҳошияга кўчирилган. Қўлёзма Фурқатнинг юксак хаттотлик маҳорати намунаси сифатида ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Ғазалдан олинган қуйидаги мисралар шоирнинг мустамлака сиёсатига бўлган муросасиз муносабатига далил бўла олади:

Шўъбада изҳор этиб ногоҳ чархи ҳийласоз,
Бошлади афсун ила макру дағосидин, бегим.
Ғунчаи давлатни гул янглиғ паришон айлади,
Тундбоди ҳодисоти можаросидин, бегим.
Охируламр ҳукумат гулшани бўлди хазон,
Келди зоғу қолди булбуллар навосидин, бегим[8].

Мазкур байтларда юртнинг тараққиёт қуёши сўниб, таназзул шоми бошлангани сўнгсиз ҳасрат билан ифодаланган. Чархи ҳийласознинг афсун ила макру дағоси – ўша кезлари мамлакатда кечган фитна-фасодлар, инқироз жараёни тимсоли. Натижада *"...ғунчаи давлат гул янглиғ паришон бўлган. Ҳукумат гулшани хазонга айланган"*.

[7] Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Фонд №1, 1-рўйхат, 1-иш, 99-бет

[8] Дастхат шеърнинг асл нусхаси Янгийўлда, шоир Абдулҳақ Махзум Роиқ шахсий архивида сақланади (шеърдан олинган кейинги кўчирмалар ҳам шу манбадан келтирилди).

Зоғлар келиши билан булбуллар навоси тинган. Бинобарин, булбул боғда сайрайди. Зоғнинг макони эса – вайрона. Мустамлака исканжасидаги Туркистоннинг аянчли аҳволини Фурқатгача ҳеч қайси шоир бунчалик таъсирчан ифодалай олган эмас. Бунда шоир тазод санъати (гулшан-хазон, зоғ-булбул) имкониятидан унумли фойдаланган.

Дастхат ҳошиясида *"Камина Фурқат ва Ҳожи Аъзам тарафидин чўх дуо ва саломлар вусулингиз ўлсун"* сўзлари битилган. Савол туғилади: шеър кимга бағишланган? Фурқат ва Ҳожи Аъзамнинг "чўх дуо ва саломлар"и йўлланган шахс ким? Ҳошиядаги қайддан буни аниқлаш имконсиз. Хўш, у ҳолда "бегим" дея ким улуғланмоқда? Унинг Фурқат ва Ҳожи Аъзамга қандай алоқаси бор? Шоир мустамлака сиёсати билан боғлиқ изтиробларини ким билан бу қадар чин дилдан дардлашиши мумкин? Бу саволларга жавоб бериш учун, аввало, ушбу дастхат шеър матнига мурожаат этиш зарур. Хусусан, қуйидаги байт бу масалага ойдинлик киритиши мумкин:

Шаҳ ҳаёти дуржида бир дур эдинг, бўлдунг ятим,
Қадринг ошди даҳр атаб қўйган баҳосидин, бегим.

Бу сўзлар унинг шоҳ фарзанди эканини кўрсатади. Фурқат қайси шоҳ зурёди билан яқин муносабатда бўлгани, кимга "бегим" дея мурожаат этиши мумкинлиги таҳқиқ этилса, унинг Худоёрхон фарзанди Фансуруллобек экани маълум бўлади. Зеро, шоир "Сабоға хитоб" дея номланган шеърий мактубида ҳам Фансуруллобекка "бегим" дея мурожаат этган:

Бегим, жоним, афандим Фансуруллоҳ,
Зиҳи шаҳзодаи зул-изза ул-жоҳ.
На ман танҳо, улус шаҳзодасидур,
Ҳама шаҳзодалар озодасидур[9].

Қолаверса, Фурқат Тошкентда яшаган даврида Фансуруллобек билан жуда яқин муносабатда бўлган. Бу ҳақда профессор Шариф Юсуповнинг қуйидаги фикрлари, айниқса, диққатга сазовор: *"Шеъриятга, шоирларга ихлоси баланд Фансурулло Фурқат Тошкентда яшаган йилларда 20–22 ёшлар орасидаги йигит эди. Ўзининг ҳамшаҳри бўлмиш забардаст шоир Тошкентда эканини билгач, табиийки, у билан танишиш, дўстлашиш, айниқса шеърият ҳақида суҳбатлашиш, ўз шеърий машқларини кўрсатиб, ундан маслаҳатлар олиш истаги тез орада Фансуруллобекни Фурқат билан яқинлаштиради. Фурқат Фансуруллобекнинг Занжирлик маҳалласи тор кўчасидаги ҳовлисида бир неча марта бўлади, ундан илтифотлар кўради. Шу боис Истанбулга бориши биланоқ энг яқин дўстлари қаторида Фансуруллобекни соғиниб, "Сабоға хитоб"нинг салмоқли бир қисмини унга бағишлайди.*

Иккинчи томондан, Фансуруллобекнинг қайнотаси Жўрабек додхоҳ ҳам Фурқат билан гоят яқин муносабатларда эдики, қайнотасининг Қорасувдаги катта боғида бўлган суҳбатларда ҳам у Фурқат билан бир неча бор учрашган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас"[10].

Дастхат шеърнинг қуйидаги мисралари Фансуруллобекка отаси Худоёрхон вафоти, *"чархи ҳийласоз"*нинг шундан кейинги *"макру даго"*лари, зулму ситамлари муносабати билан ҳамдардлик йўсинида ёзилган:

Одам ўғли йўқ эрурким, арсаи олам аро,
Бўлмаса озурдадил даврон жафосидин, бегим.
Кимса меҳр, ушбу жаҳондин, кўрдиким, кўз тутқомиз –
Бу жаҳон ичра жаҳон аҳли вафосидин, бегим?

[9] "Сабоға хитоб"нинг Санкт-Петербургда сақланаётган дастхати фотонусхасидан олинди.
[10] Шариф Юсупов. Худоёрхон ва Фурқат. Т.: "Шарқ" НМАК, 1995, 77-бет.

Манго қилғон зулмини кўргилки, уйла бор эдим,
Сен киби шаҳзодани хайли гадосидин, бегим.

Ушбу 17 байтли шеър шахсан Фансуруллобекка бағишланган бўлса-да, унинг теран мазмуни умуммиллий аҳамиятга эга. Бинобарин, *"гунчаи давлатнинг гул янглиғ паришон бўлиши, ҳукумат гулшанининг хазонга айланиши, булбуллар ўрнини зоғлар эгаллаши"* фақатгина Фансуруллобек бошига тушган мусибат эмас, балки миллат дарди ва мусибати бўлган. Ҳеч шубҳа йўққи, Фурқат буни теран ҳис этган. Бугина эмас. Миллат дарди билан йўғрилган қалб кечинмаларини, кўнгил изтиробларини қуйма мисралар орқали баён этган.

Шеър дуо мазмунида битилган қуйидаги байтлар билан якунланади:

Жонсипору қадрдонлигдин бажуз бир туҳфа йўқ,
Ҳазратингга Фурқатий холис дуосидин, бегим:
Сояи Тангри насиб этгай санинг бошингга ҳам,
Зойил ўлмас бобақо давлат ҳумосидин, бегим.

Кўринганидек, ғазалда шоир тахаллусидан кейин ҳам бир байт келган. Шайх Аҳмад Тарозий фикрича: *"...ул байтеким, тахаллусдин сўнгра айтурлар, икки навъ бўлур. Бириси улким, тахаллус байти маънода нотамом қолур. Бир байт бирла они тамом қилурлар, они мутаммим ул-анқос ўқурлар. Ва бир навъи улким, бовужудким, тахаллуси тамомдур, бир байт масал тариқи бирла келтурурлар, андин тахаллус байтига рабт ҳосил бўлур, они робита дерлар"*[1].

Маълум бўладики, мазкур ғазалда тахаллусдан кейин келган байт биринчи турга мансуб. Бинобарин, тахаллус байтида маъно тугалланмаган. Кейинги байт ("мутаммим ул-анқос") ғазал мазмунига якун ясаган. Фурқат яшаган тарихий вазиятда, ўша ижтимоий муҳитда бундай сўзларни битиш чинакам жасорат, Ватан ва миллатга фидойилик намунаси эди.

Мазкур асарлар ёзилган саналар ("Муножоти мусаддас" 1879 йили, "Бўлди" радифли мухаммас 1885 йили, "Бегим" радифли ғазал 1890 йили ёзилган) кўрсатиб турибдики, шоирнинг мустамлака сиёсатига бўлган муносабати йиллар ўтиши билан ҳам ўзгармаган. Фақат истибдодни қоралаш руҳи дастлабки асарларда очиқроқ акс этган бўлса, кейингиларида кўпроқ образ ва тимсоллар замирида берилган.

Табиийки, Русия мустабид сиёсатини қораловчи, фош этувчи бундай асарлар мустамлака маъмурияти манфаатларига зид бўлган. Бу эса мазкур ҳукумат шоирдан қутулиш учун уни мамлакат ҳудудидан чиқариб юборишнинг барча чораларини кўрган, Фурқатнинг хорижга кетиши ва она юртга қайтмаслиги масаласи генерал-губернаторлик томонидан режали асосда махсус уюштирилган, деб ҳисоблаш учун етарли асос беради.

Фурқат ҳаёти ва ижодининг энг самарали ўн саккиз йили хорижда кечди. Унинг чет элларга сафари саналарини энг сўнгги илмий изланишлар асосида қуйидагича белгилаш мумкин: Туркия – Юнонистон сафари 1891 йил сентябрь – 1892 йил 24 февралгача, Араб мамлакатларига сафари 1892 йил 24 февралидан шу йил августигача, Ҳиндистон – Тибет сафари 1892 йил августидан 1893 йил сентябрига қадар давом этган. 1893 йил сентябрида у Ёркентга боради ва умрининг охирига қадар бу шаҳарда турғун бўлиб қолади.

Юқорида шоирнинг чор истибдодини очиқдан-очиқ қоралаб асарлар ёзгани ҳақида фикр билдирилди. Таъкидлаш жоизки, бундай имконият унда ҳар доим ҳам бўлаверган эмас. Айниқса, Фурқат хорижда экан, унинг ҳар бир қадами назоратда бўлган. Шунинг учун шоир энди бошқача йўл тутади. У, айниқса, "Туркистон вилоятининг газети" учун

[1] Шайх Аҳмад ибн Ҳудойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Абдукодир Ҳайитметов). Т.: Хазина, 1996, 39-бет.

мўлжалланган асарларида айтмоқчи бўлган асосий фикрларини билвосита, асарлари тагмазмуни орқали ифода этади. Жумладан, Фурқатга жуда кўп таъналар қилинишига сабаб бўлган "Рус аскарлари таърифида" деб номланиб келган асарнинг насрий сўзбошиси – кириш қисмида шоир бундай ёзади: *"Ҳабл ул-матин" ва "Песаи ахбор" ном Ҳиндустон газеталарида Русия давлатининг ёпун халқи бирла қилғон муҳорабалари хусусида ўрусия аскари борасида аксар киноямез сўзларни ёзадур. Чунончи, ул ахборларнинг зоҳир иборати маҳз бир воқеий ҳолотлардур. Ва лекин, мазмунини диққат бирла мулоҳаза қилғонда киноя ва ҳасадомез маънилар пайдо бўладур"*[12].

Сўзбошидаги "Русия давлатининг ёпун халқи бирла қилғон муҳорабалари" жумласига урғу берилаётгани бежиз эмас. Бу орқали чор Россиясининг босқинчилик сиёсатига ишора қилинган. "Ҳабл ул-матин" ва "Песаи ахбор" газеталаридаги **"ахборларнинг зоҳир иборати маҳз бир воқеий ҳолотлар"**, яъни ҳақиқатда бўлган воқеалар эканига оид шоир таъкиди ҳам диққатга сазовор. Бу орқали у рус армиясининг Япониядаги шармандаларча мағлубиятига ишора этган. Шоирнинг эътирози фақат бу ҳақда ёзилган сўзлар киноя ва ҳасадомез маънида эканига қаратилган.

Мавжуд нашрларда Фурқатнинг бошқа кўплаб асарлари қатори мазкур шеър ҳам қисқартириб босилган. Нашр нусхаси манба билан қиёсланганда, "Танланган асарлар"дан манзуманинг 30 мисраси тушириб қолдирилгани аниқланди. Нашр нусхада "Қисқартириб олинди" дея изоҳ берилгани нашрга тайёрловчининг масалага холислик билан ёндашганини кўрсатади[13].

"Танланган асарлар"дан тушириб қолдирилган 7–8-байт мазмунига диққат қилайлик. Шоир бундай ёзади:

Бориб Манжурия сори урушқа,
Ёпун халқини турди ўлтурушқа.
Қизиб бозори марг андоғки яксар,
Пули бору пули йўққа баробар[14].

Бу – чор Россиясининг мустамлака уруши эди. Шоир рус аскарининг *"Манжурия сори бориб, ёпун халқини ўлдиришга тушгани, ажал бозорини қизитгани"*ни таъкидлар экан, уларнинг ўзга бир юртга босқинчилик нияти билан борганига ишора қилади. Нашр нусхадан тушириб қолдирилган 15-байт ҳам рус армиясининг қонхўрлиги ифодаланган:

Бўлуб дарёда сув қондин намудор,
Деса бўлғай ани дарёи хунхор.

Жорий нашрларга кирмай қолган навбатдаги мисралар тагматнида яширинган мазмун шоирнинг асл мақсадини англаш имконини беради:

Бировга Ҳақ берур фатҳу зафарни,
Бировга солғуси хавфу хатарни.
Онга лозим эмас асло таарруз,
Қилур нодон киши бежо таарруз.
Жаҳонда зоҳир этмас бу "шижоат",
Бизинг оқподшоҳдин ўзга давлат. (29, 30, 31-байтлар)

Маълумки, мазкур асар ёзилган 1905 йилги рус-япон уруши рус армиясининг шармандали мағлубияти билан якунланган. Шоир "*Бировга Ҳақ берур фатҳу зафар-*

[12] Туркистон вилояти газети. 1905 йил 27 август, № 34.
[13] Фурқат. Танланган асарлар. Икки томлик. Т. II. . Т.: Бадиий адабиёт, 1959 (Холид Расул кейинчалик Фурқатнинг араб имлосидаги "Асарлар мажмуаси"да маснавийнинг тўла матнини келтирган).
[14] Туркистон вилояти газети. 1905 йил 27 август, № 34 (кейинги иқтибослар ҳам шу манбадан олинган).

ни, Бировга солғуси хавфу хатарни" деганда шуни назарда тутган. *"Онга лозим эмас асло тааррузи, Қилур нодон киши бежо тааррузи"* дер экан, шоир бу тақдир тақозоси экани, унга рози бўлишдан ўзга чора йўқлигига ишора қилади. Тақдирга нодонларгина қаршилик кўрсатишга интилишини таъкидлаган шоир бундай "шижоат", яъни нодонликни оқподшоҳдан ўзга ҳеч ким зоҳир этмайди, дея истеҳзо қилади.

Мана бу байтлар мазмунига диққат қилинг:

Билурсизму ёпун қайдин келибдур,
Бориб қайси тараф, на иш қилибдур?
Туруб ул ўз маконида урушти,
Ўрус бирлан эшигида кўрушти. (42–43-байтлар)

Ушбу мисралардан олдинги байтда шоир "Билурға сўз дурин сарроф лозим", дея бу сўзлар моҳияти анча теран эканига ишора қилади. Бу ҳақда чуқурроқ фикр юритмай туриб бирор хулосага келмасликни тавсия этади. *"Кимики жугрофия илмини билса, ўйлаб кўрсин. Русийдин японға қанча йўл эканлигини андиша қилсин. Русийдин неча лак аскар қанча чўлу биёбонлардин ошиб, емак-ичмагини тошиб, оғир юкларни – олоти ҳарб анжомини олиб, андоғ олис ерларға боргани сабабини мулоҳаза этсин"* мазмунидаги мисраларни битар экан, шоир ҳар бир сўз замирига олам-олам маъноларни жойлайди. Унинг таъкидлашича, "Бу урушда японлар бирор бошқа жойдан келмаган, рус аскарларига ўхшаб ўзгалар юртига босқинчилик мақсадида борган эмас, улар ўз маконларида туриб, ўз юртлари ҳимояси учун урушдилар. Кейинги байтда шоир шундай ёзади:

Бу сўзнинг рамзини доно билур, бас,
Нечук оташга тоқат айлагай хас.

Яъни, шоир *"Бу сўзнинг рамзини доно билур, бас"*, – деяр экан, бу ёзган сўзларидаги зоҳирий маъноға эмас, ундаги рамзларга, нозик ишораларга эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлайди. Ўзга юртни босиб олиш ниятида борган рус аскарини япон халқининг босқинчиларга қарши ғазаб оташи олдида бамисоли хасга қиёс этади.

Маълум бўладики, Фурқатнинг "Рус аскарлари таърифида" деб номланиб келган асари мустабид чор Россияси аскарлари мақтовига эмас, аксинча уларнинг босқинчилик ҳаракатини, рус-япон урушидаги шармандали қисматини фош этишга қаратилган. Шундай бўлгач, мазкур асар, унинг мазмун-моҳияти, ғоявий йўналиши хусусида шўролар замонида билдирилган фикр-мулоҳазалар ўша пайтдаги ҳукмрон мафкура талаби, замон тақозоси сифатида баҳоланмоғи лозим.

Шу ўринда асар моҳиятидан келиб чиқадиган муҳим бир хулосани – асарнинг номланиши нотўғри бўлганини таъкидлаш зарур. Бинобарин, аввало, ушбу ном шоирнинг ўзи тарафидан эмас, нашрга тайёрловчи томонидан берилган. "Туркистон вилоятининг газети"да "Стихи из Яркента" сарлавҳаси билан эълон қилинган ушбу манзумага шоирнинг ўзи сарлавҳа қўймаган. Иккинчидан, "Рус аскарлари таърифида" деган ном асарнинг асл моҳиятига мутлақо мувофиқ келмайди. Агар асарга сарлавҳа бериш эҳтиёжи сезилса, бизнингча, уни "Рус-япон муҳорабаси хусусида" деб номлаш тўғрироқ бўлар эди. Чунки, асарда муаллифнинг мазкур урушга холис ва ҳаққоний муносабати акс этган.

Қолаверса, Ёркентдан Николай Остроумовга ёзган мактубларидан бирида шоир *"...мундин муқаддам Ёпуниё муҳорабаси хусусида бир шеър хизматингизга пошта илан юборуб эдим, иншоаллоҳ, мавсул бўлғондур"*[15] деб ёзган эди. Бинобарин, Фурқат рус аскарлари таърифида эмас, Ёпуниё муҳорабаси хусусида шеър ёзганини

[15] Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Фонд № 1009, 1-рўйхат, 115-иш (2-жузгир), 111-бет.

таъкидлаяпти. Бизнингча, шунинг ўзидаёқ шоир мазкур асарни ёзишдан кўзлаган асл мақсадига ишора қилган.

Асарда оқподшоҳ, рус аскарлари шаънига мақтов мазмунидаги мисралар ҳам мавжуд-ку, деган савол туғилиши табиий. Тўғри, манзума шундай маънодаги мисралардан ҳам холи эмас ва бу Ватандан йироқда, ғурбатда яшашга маҳкум этилган шоирнинг юқорида таъкидланган қимматли фикрларини юртдошларига, келажак авлодларга етказиши учун махсус танланган восита сифатида баҳоланмоғи керак. Умуман, Фурқатнинг мазкур асари Шарқ шеъриятининг ўзига хос ифода усулини, маъно серқатламлилигини ўзида мужассам этган юксак намунасидир.

Фурқатнинг мазкур ва бошқа аксарият асарлари таҳлили, рус матншуноси Дмитрий Сергеевич Лихачев таъкидлаганидек, уларнинг "ғоявий таҳрир"дан ўтганини кўрсатади. Олим қайд этганидек: *"Матннинг "ғоявий таҳрир"дан ўтиши асарнинг стилистик жиҳатлари билан боғлиқ бўлиши ёки боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Таҳрир баъзан бутун матн таркибига, айрим ҳолларда унинг алоҳида қисмига алоқадор бўлади. Ёзма ёдгорликка бутунлай тескари маъно юкланиши, матнда у ёки бу хил "ғоявий тозалаш" ўтказилган бўлиши мумкин. Ҳатто асарга унда мутлақо бўлмаган ғоя қўшилиши ёки матнда мавжуд бўлган ғоя "қисқартирилиши" ҳоллари ҳам учрайди"*[16].

Фурқат асарлари тадқиқида Д. С. Лихачев таъкидлаган "ғоявий таҳрир" муаммосини ҳар доим эътиборда тутиш зарурати сезилади. Дарҳақиқат, шоир асарларига баъзан бутунлай тескари маъно юкланган, айрим ҳолларда уларнинг "ғоявий тозалаш" чиғириғидан ўтгани, натижада нотўғри талқин этилгани бугун мутахассислар учун сир эмас.

Шоирнинг "Қасида" асари ҳам мутахассислар ўртасида баҳсу мунозарага сабаб бўлган. Асар ҳатто Фурқатнинг чор мустамлака сиёсати моҳиятини тушунмаганига далил этилган. Аслида ҳам шундайми? Асар матни устида олиб борилган изланишлар бунинг зиддини исботлайди. Яъни, Фурқат бу асарининг ҳам тагматнига чор истибдодининг асл қиёфасини фош этувчи мазмунни маҳорат билан сингдириб юборгани кузатилади.

Жумладан, шоирнинг "Қасида"га ёзган сўзбоши – изоҳи унинг мазкур асарни ёзиш вақтидаги руҳий ҳолатини ҳис этиш имконини берувчи қуйидаги жумлалар билан бошланади: *"Зимистони шабистонларким, сиёҳбахтлар рўзгоридек қаро ва соҳиби афкорлар андишаси янглиғ узун ва беинтиҳодур. Бу лайлат уд-дажода уйқу дуррожлари кўзлар ошёнасидин рамида қилиб, хаёл насойими ҳар тарафға варзида қилур эрди..."*[17]. Қарангки, "оқподшоҳ"га бағишланган қасиданинг дебочаси қандай тасвир билан бошланмоқда: *"Сиёҳбахтлар рўзгоридек қоп-қора, зимистон тун"*. Бу тасвир замирига шоир қандай маъно жойлаган? Бу орқали нима демоқчи? Бу тасвир мазкур дебоча давомида *"жўши баҳори рашки гулистони Эрам"* дея таъриф этилган Фарғона мамлакати, *"бу роқими тасвидотнинг асл шажараи вужуди... обу ҳавоси обёрлиги бирла тарбият топмиш бўлғон"* Хўқанд гулшанининг истибдод зулматида қолганига ишора эмасми? Ушбу сўзлар замирига худди шу моҳият сингдирилган, назаримизда. Акс ҳолда подшоҳ мақтовига оид қасида бундай дард-алам ифодаси бўлган сўзлар билан бошланмас эди.

Қолаверса, ушбу изоҳ – сўзбошининг давоми янада чуқурроқ мулоҳаза юритишни тақозо этади: *"Арбоби назардин умид улким, ушбу жаридага мунсифона кўнгул бирла мутолаа ва мулоҳаза айлагайлар. Мабодо хотирларига хутур қилмагойким, ушбу сўзлар хушомадгўйлиғ юзидин адо топқон бўлғай деб. Чунки мақсудимиз асли бошқа*

[16] Лихачев Д. С. Текстология. Москва – Ленинград, Изд-во АН СССР, 1962, С. 83–84.
[17] Туркистон вилояти газети. 1903 йил 9 июнь, № 22.

ерга реша чекмаклиги кўнглумиз ганжинасида мактум ва музмардур. Вассалом"[18].

Шоирнинг бу асарга инсоф юзасидан баҳо беришни сўраб ёзган ушбу сўзларидан кейин ҳам у ҳақда юзаки мулоҳаза юритиш арбоби назар – олимлар учун муносиб бўлмаган ҳол. Бевосита асар матнига мурожаат этамиз. Маснавий Яратганга ҳамду сано билан бошланади:

Жаҳонда ҳар наким этти – Худованди жаҳон этти,
Қилиб қудратнамолиғ замину осмон этти.
Камоли жуди ўн саккиз минг олам айлабон мавжуд,
Мукаррам халқ этиб одамни, сунъини аён этти.
Ҳама махлуқни, Борий, мутиъу зирдаст айлаб,
Оларға Одам ўғлин чиредасту қаҳрамон этти.
Ҳақиқий подшоҳеким, жаҳонни интизоми-чун
Мажозий подшоҳларни жаҳонға ҳукмрон этти[19].

Мазкур ҳамд-байтларнинг сўнгтиси, айниқса, тагматнда ифода этилган мазмуннинг теранлиги билан ажралиб туради. Яъни шоир "оқподшоҳ"га қарата: *"Сен вақтинчалик мажозий подшоҳсан, сенинг ҳукмронлигинг ҳам ўткинчи. Ҳақиқий подшоҳ эса Тангри таолодир. У хоҳлаган куни худди аввалги подшоҳлар каби сенинг ҳукмронлигингга ҳам чек қўйишга қодир"* деган ҳақиқатни образлар воситасида айта олган.

Кўриниб турибдики, Фурқат ҳатто зоҳиран "оқподшоҳ" мадҳига бағишлангандек таассурот қолдирадиган асарида ҳам йўлини топиб мустамлака сиёсатига бўлган нафратини ифода эта олган. Бу эса, ўз навбатида, асосий фикрларини мисралар тагматнида бериш унинг хориждаги давр ижодида ўзига хос услуб даражасига кўтарилганини кўрсатади.

Фурқатнинг Ватанга қайтиш йўллари ёпиб қўйилиши сабабларидан яна бири унинг собит эътиқод эгаси бўлгани, деб ҳисоблаш мумкин. Ўзбекистон Марказий давлат архиви Николай Остроумов фондида сақланаётган ҳужжатлардан бирида Фурқат машҳур "Гимназия" шеърини ёзган пайтда Тошкент Эрлар гимназиясида таълим олган Степанов деган кимсанинг Ёркентга бориб, шоир ҳақида мана бундай маълумот юборгани қайд этилган: *"Муҳтарам Николай Петрович,* – деб ёзади Степанов. – *Мен сизга ушбу хат билан Ёркентда кўришганим Зокиржоннинг шеърларини ҳам юборяпман. Очигини айтганда, Зокиржоннинг шеърлари менга ёқмади. Мен Фурқатнинг самимийлигига мутлақо шубҳа билан қарайман. Тан олиш керакки, у жуда ақлли, истеъдодли ва бениҳоя ёқимли инсон. У табобат билан шуғулланади, ерда ишлашни ёқтиради.* Менинг ўйлашимча, у Россияни мутлақо севмайди. *(Таъкид бизники – Н. Ж.) Эътиқодда бениҳоя собит. Мен унга шеър ёзишдан ташқари, бизнинг сартларимизни қизиқтириши мумкин бўлган маҳаллий мавзулар: бу ернинг аҳолиси, урф-одатлари, саноати ҳақида ёзишни тавсия қилдим. Бу ердаги ақлга сиғмайдиган жаҳолат, шунингдек, рус зулмидан доимий равишда норози бўлган бизнинг Туркистон туземцилари фойдаланаётган қулайликларга алоҳида ургу беришни сўрадим". (Ўзбекистон Марказий давлат архиви, фонд № 1009, 1-рўйхат, 135-иш, 42–43-бетлар.)*

Степанов тўғри таъкидлаганидек, Фурқат мустамлакачиларни мутлақо севган эмас. Лекин, бу ерда масаланинг эътибор бериш зарур бўлган бошқа бир жиҳати бор. Мазкур ҳужжатнинг ўзиёқ кўрсатиб турибдики, Фурқат чор ҳукуматининг доимий назоратида бўлган. Унга ҳатто нималар ҳақида ёзиш ҳам тавсия этиб турилган. Степанов Туркистондаги чор маъмуриятига шоирдаги ўзи ёктирмаган қуйидаги уч хусусият ҳақида

[18] Туркистон вилояти газети. 1903 йил 9 июнь, № 22. (Ушбу иктибосдаги "музмар" сўзи шу пайтгача амалга оширилган Фурқат асарлари нашрларида ва тадкикотларда "музаммир" шаклида нотўғри ўқилган.)

[19] Туркистон вилояти газети. 1903 йил 9 июнь, № 22. (Кейинги иктибослар ҳам шу манбадан олинди.)

ёзиб юборади: 1) унинг Россияга нисбатан самимийлигига шубҳа билан қараши; 2) Фурқат шеърлари унга маъқул келмагани; 3) шоирнинг мустаҳкам эътиқодли шахс экани.

Бу сингари фактлар Фурқат ҳақида мунтазам равишда ана шундай маълумотларни тўплаб борган чор ҳукумати миллатпарвар шоирнинг она юртга келишини мақсадга мувофиқ эмас деб топгани ва унинг Ватанга қайтиш йўлларини тақа-тақ ёпиб қўйгани ҳақидаги хулосага олиб келади.

Шу ўринда муҳим бир масалага тўхталиш зарурати сезилади. Бу – Фурқат қарашлари миллий уйғониш ҳаракати намояндалари, миллатпарвар жадидлар томонидан давом эттирилгани масаласи. Бинобарин, Фурқат ва жадидлар қарашларида муайян изчиллик, давомийлик мавжудки, бу кўпдан тадқиқотчилар эътиборини тортмоқда. Бироқ, афсуски, адабиётшуносликда бу масала шу пайтгача тезис даражасида қолиб келди.

Бу ҳақда дастлаб хорижлик тадқиқотчилар ишларида фикр юритилган. Жумладан, бошқирд олими Заки Валидий "Бугунги турк эли: Туркистон ва яқин тарихи" китобининг махсус бобини "Янги ўзбек адабиёти" деб номлайди. Олим янги ўзбек адабиёти тадқиқини Фурқат асарлари таҳлилидан бошлайди. *"Ўзбекларнинг Оврупо ва рус маданияти таъсирида инкишоф этган янги адабиёти ҳануз жуда ёш"*[20] эканини таъкидлаган муаллиф ўз хулосаларида Фурқат асарларига таянади. Шоирнинг ушбу янги адабиётнинг тамал тошини қўйганлардан эканини алоҳида қайд этади.

Мажор олими Яношь Экман "Хоразм, қипчоқ ва чиғатой туркчасига оид тадқиқотлар" номли йирик асарида Туркистон жадидчилик ҳаракатига Фурқат, Муқимий, Завқий, Аваз Ўтар, Зорий каби шоирларнинг маърифий қарашлари асос бўлгани хусусидаги муҳим бир масалани ўртага қўяди. У бундай ёзади: *"... Хивали шоир Аваз Ўтардан бошқа жадид адабиётининг дастлабки намояндалари Муқимий, Фурқат, Завқий ва Зорий каби хўқандли шоирлардир"*[21].

Хорижлик тадқиқотчилардан яна бири Адиб Холиднинг фикрича, жадидчиликни муайян сана билан чеклаш тўғри эмас. Унинг таъкидлашича, *"мусулмон жамиятини замонавий алоқа воситалари ва мулоқотнинг янги шаклларидан фойдаланиш орқали ислоҳ қилишга уринувчи шахслар "жадидлар" деб аталади*[22]. Бинобарин, Фурқат ва унинг замондошлари худди шунга интилгани мутахассисларга яхши аён.

Лекин Фурқат ҳам, у билан бир даврда яшаган ижодкорларнинг бирортаси ҳам ўзларини жадид деб атаган эмас. Биз ҳам уларни бу ном билан аташ фикридан йироқмиз. Фақат таъкидлаш керакки, улар жадидчилик деб аталган ва XX аср бошида миллатимиз ҳаётининг барча – ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий жабҳаларини ислоҳ этишга бўлган интилишларни мужассам этган улкан ҳаракатга замин ҳозирлаган эдилар.

Ўзбек фурқатшунослигида шу йўсиндаги фикр дастлаб профессор Шариф Юсупов тадқиқотларида илгари сурилган. Олимнинг "Худоёрхон ва Фурқат" асарида *"Фурқат маърифатпарварлиги билан жадидлар қарашлари ўртасида бевосита давомийлик борлиги"* хусусида мулоҳаза юритилиб, *"...масаланинг бу томони ҳали пухта ўрганилиши, мантиқий ниҳоясига етказилиши зарур"*[23]лиги таъкидланган.

Бу мулоҳазалар Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатнинг миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг йирик намояндаси, ўзидан кейинги авлод ижодкорларга ҳам кучли таъсир кўрсата олган улуғ ижодкор, бутун салоҳиятини, иқтидорини Ватан ва миллат равнақи йўлига тиккан буюк сиймо экани ҳақидаги ҳаққоний илмий хулоса учун асос бўла олади.

[20] A. Zeki Velidi Togan. Bugunku Turkili: Turkistan ve yakin tarihi. Istanbul - 1981, B-501.
[21] Janos Eckmann. Harezm, kipcak ve cagatay turkcesi uzerine arastirmalar. Ankara, 1996, B-209.
[22] Adeeb Khalid. The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidizm in Tzarist Central Asia. PhD, Madison, 1993, 137.
[23] Ш. Юсупов. Худоёрхон ва Фурқат. Т.: "Шарқ" НМАК, 1995, 78–79-бетлар.

“ИЛОҲИЙНОМА”ДА ЮСУФ ОБРАЗИ

Нафас ШОДМОНОВ

Юсуф образи генезисини қадимий диний манбаларда кўриш мумкин. Турли манбаларда турлича талқин қилинади. “Таврот”да Юсуфнинг пайғамбар экани таъкидланиб, унинг ҳаёти машаққатларга тўла кечгани, бунда унинг иродаси ва сабри оғир синовлардан ўтиб мурод гулшанига етгани батафсил ҳикоя қилинади. Ундан сўнг бу пайғамбар образи “Инжил”да ҳам зикр этилади. Бироқ унда Юсуф қисмати ва қиссаси у қадар ёркин эмас. Лекин “Қуръони Карим”да “Юсуф” ҳақида махсус сура нозил бўлиб, унда келтириладиган воқеалар “аҳсанул-қисас” сифатида алоҳида эътиборга моликдир.

“Қуръони Карим” нозил бўлиши билан Юсуф образи мусулмон халқлари орасида, халқ оғзаки ижодида ва адабиётида бир неча талқинларда ишланиб, сайқалланиб борди. IX асрдан бошлаб Шарқда 150 дан ортиқ “Юсуф ва Зулайхо” достон ва қиссалари вужудга келгани маълум. Буларнинг энг машҳурлари қаторида Абул Муайяд Балхий, Фирдавсий, Шаҳобиддин Амъақ, Шоҳин Шерозий, Абдуллоҳ Ансорий, Хожа Масъуд Ироқий, Абдураҳмон Жомий ва бошқаларнинг қисса-достонларини кўрсатиш мумкин. Фақат туркий адабиётда “Юсуф ва Зулайхо” ҳақида 50 га яқин асар яратилган. Жумладан, Қул Али, Носириддин Рабғузий, Дурбек, Ҳайдар Хоразмий, Мулла Юсуф Ёркандий, Нозим Ҳиравий, Сайқалий, Хиромий, Салоҳий, Андалиб, Ҳозиқ каби ижодкорлар қисса ва достонлар битганлар. Шунингдек, муаллифлар томонидан ўз асарларида Юсуф образидан, аниқроғи, у ҳақдаги қиссалар эпизодларидан фойдаланиб танланган маълум ғояга мос ихчам ҳикоятлар келтириш анъанаси ҳам кенг тарқалган. Бу образ жуда кўп ишланган ва турлича талқин қилинган. Фаридиддин Атторнинг “Илоҳийнома” достони ҳам шу анъанага мувофиқ келади.

Маълумки, Шайх Фаридиддин Аттор тасаввуф адабиётининг буюк намояндаси. Унинг “Асрорнома”, “Булбулнома”, “Тазкират ул-авлиё”, “Панднома”, “Уштурнома”, “Илоҳийнома” ва “Мантиқ ут-тайр” каби асарларида тасаввуфнинг турли масалалари, жумладан, ваҳдат ул-вужуд назариясининг талқинлари ўз ифодасини топган. Бугунги кунда бундай масала ва назариялар тарихга айланган, аҳамиятини бир қадар йўқотган бўлса-да, улар маънавиятимизнинг илдизлари бўлгани, қолаверса, бадиий адабиёт, бадиий тафаккуримиз ривожида муҳим ўрин тутгани билан бениҳоя қадрлидир.

Нафас ШОДМОНОВ – Филология фанлари доктори. 1960 йилда туғилган. Қариш давлат университетининг филология факультетини битирган. “Темурийлар даврида мусиқашунослик”, “Хожа Абдулқодир Марогий”, “Жон жавҳари”, “Аруз вазни асослари”, “Муаммо жанри ва уни ечиш амаллари”, “Мумтоз адабиёт тарихи” каби илмий рисолалар ва ўқув қўлланмалари муаллифи.

Шунинг учун ҳам улар асрлар давомида ўрганилмоқда, таржима қилинмоқда ва нашр этилмоқда. 1940 йилда Истанбулда Атторнинг "Илоҳийнома"си факсимилеси олмон тилидаги илмий нашри дақиқ ишлардан эди. 2007 йилда атоқли шоиримиз Жамол Камол томонидан ўзбекчага ўгирилиб қилинган нашри ўқувчилар ва илм аҳли учун катта армуғон бўлди. Унга атоқли олимимиз Иброҳим Ҳаққул томонидан ёзилган сўзбоши ғоят аҳамиятли. Гап Юсуф тимсоли ҳақида бораркан, Атторнинг бу асарини четлаб ўтиб бўлмайди. Унда Юсуф (а.с.) ҳақидаги еттита ҳикоят мавжуд. Улар икки хил услубда келтирилади: 1) ота тилидан бевосита; 2) бошқа бир авлиё тилидан билвосита ҳикоя қилинади. Шунингдек, улар турли ўринларда бўлишига қарамай, достон мазмунига мос равишда ўзига хос тадрижий тизимни ташкил қилади.

Ҳикоятларнинг аввалги иккитаси халифа томонидан биринчи ўғил орзу-мақсадининг заифлигига жавобан айтилади. Биринчи ҳикоят "Ҳикояти ҳазрат Яъқуб ва Юсуф" деб номланади, мазмуни шундай: Яъқуб (а.с.) айрилиқ сўнгтида Юсуф билан учрашиб унга дейди: *" Эй чашми чироғим, мени ҳижрон дарду доғи ўлдирди. Сен мени кулбайи эҳзонга солдинг, жонимга ўт ёқдинг. Шунча вақт ўтди, отангни бир эсламадинг, лоақал бир хат ёзмадинг".* Юсуф мулозим чақириб, унга хатларни келтиришни буюрди. Мулозим бир даста хат олиб келди, уларнинг ҳаммасида "Бисмилло"дан бошқа сўз йўқ эди. Юсуф бу ҳолни тушунтириб деди: "Эй шамъи биҳиштим! Мен сенга мана шунча марта хат ёзмоқчи бўлдим. Лекин Жаброил қошимга келиб, Оллоҳ буни хоҳламаётганини айтди. Мен қанча хат ёзмай, Ҳақ исмидан бошқа нарса қоғозда қолмас эди. Аҳволимни сенга баён қилмоққа иштиёқим бор эди-ю, иложим йўқ, маъзур эдим. Ҳақ хоҳламаса, иштиёқ билан иш ҳал бўлмайди..."

Юсуфнинг фикрини шоир халифа (ота) тилидан давом эттириб, уйланган киши фарзанд кўриши, агар у Юсуфдек шойиста бўлса, азобларга гирифтор бўлиб, отасини ҳам қийнаши, натижада, тасаввуфий нуқтаи назардан, ота Ҳақ йўлида аросатда қолишига ишора қилади.

Иккинчи ҳикоят Ҳазрат Юсуф ва Ибн Ямин (Юсуфнинг ота ва она бир укаси) ҳақида бўлиб, жумладан қуйидагилар сўзланади: Ибн Ямин саройга кириб келганида юзига парда тортиб олган Юсуф унга ёнидан жой беради. Ибн Ямин ёнида жонидек ширин, азиз акаси ўтирганини билмайди. Юсуф ёқимли сўзлар билан уларни иззат қилади ва Яъқубнинг аҳволини сўрайди. Ибн Ямин унга Яъқубнинг мактубини беради. Юсуф хатни олиб ўз уйига, болаларининг олдига киради ва боболаридан хат келганини айтиб, уни ўқиб беради. Барчалари йиғлаб тинглайдилар. Кўзларда ҳасрат ва ҳайрат ёшлари эди. Саройда аркони давлат йиғилади. Юсуф тахтга чиқиб оға-иниларининг жуфт-жуфт бўлиб ўтиришларини амр қилади. Ҳар жуфт она бир оға-инилар бўлиши керак эди, шундай жуфт бўлиб ўтирадилар, фақат Ибн Ямин ёлғиз қолади ва кўзига ёш олади. У оғаси Юсуфни йўқлаб йиғлар эди. Унинг кўз ёшларидан олдига қўйилган коса тўлади. Оға инисидан йиғиси боисини сўрайди. Иниси оғаси бўлгани ва унинг дараксиз кетганидан изтиробда эканини айтади. Юсуф иниси олдига ўтириб, "мени оғанг деб бил" деганча унга ҳамкосалик қилади. Дастурхончи коса ёш билан тўлганини, уни емаслик лозимлигини айтади. Яқуб ўғиллари Ибн Ямин ҳали ёшлигини, у сарой расм-русумларини яхши билмаслигини айтиб узр сўрайдилар. Юсуф Ибн Яминни эркалаб қўяди ва "Юзинг нега сарғайган?" деб сўрайди. "Юсуф фироқида", деб жавоб беради у. Сочлари нега паришонлигини сўраганда онасининг вафот этгани боис "рўзгори паришон" эканини айтади. Отаси ҳақида сўралганда Яъқубнинг туну кун йиғлаб кўзлари кўр бўлиб қолгани хабарини айтади. Юсуф бу хабарлардан қаттиқ қайғуради, бошини эгиб кўз ёшларини яширади. Шунда Ҳақ хабарчиси ёнига келиб, юзидан пардани олишни буюради. Кўз ёшларидан ивиб кетган парда олинади. Ибн

Ямин уни кўриб, "оҳ" тортганича ҳушдан кетади. Юсуф уни ҳушига келтириш чораларини кўллайди ва у ўзига келганда нега ҳушдан кетганини сўрайди. Ибн Ямин уни ўз оғасига ўхшатганини, фарқ тополмай ҳайратланганини, агар Юсуф бўлса, инисини нега шунча вақт қақшатганининг сабабини сўрайди.

Бунга жавобни халифа ота тилидан яна Атторнинг ўзи беради: агар буни кимки афсона деса, у ақлу хираддан бегонадир. Дилингда ошнолик бўлмаса, ишингда рўшнолик йўқ. Ошнолик боис ишингда "курби Ҳазратдин самар" бўлади. Ҳақ билан бўлган Ҳақни пеша қилади. Ҳақ деганга у якин, чунки соя бор жойда нур якиндир.

Учинчи ҳикоят билвосита ҳикоя қилинувчи бўлиб, у машҳур шайх Юсуф Ҳамадонийдан олингани эслатилади. "Шайх Юсуф Ҳамадоний ҳикояти" жоду илмини талаб қилган иккинчи ўғилга қарата айтилган. Унга кўра, Юсуф (а.с.)дан сўрайдилар: "Нега сен шўрлик аёлни хўрлаб хастаю хор қилдинг? Унинг кўнгли сенда экан, олибсан, қайтариб бер". Юсуф унга жавобан дейди: "У кампир билан менинг не ишим бор? Унинг кўнглидан бехабарман. Йигирма йилдирки, ўз кўнглимдан ҳам жудоман. Ўз кўнгли ўзида бўлмаган одам қандай қилиб бировнинг кўнглига йўл топсин?"

Шу пайт Зулайходан ҳам сўрайдилар: "У қандай қилиб кўнглингни олди. Кўнглинг ўзингда бўлса, ноз қилиб Юсуфдан сўраганинг нимаси?" Зулайхо онт ичиб жавоб беради: "Дилимдан битта мўйимнинг ҳам хабари йўқ. Қандай ошиқ бўлганимни ҳам билмайман. Кўнглимнинг қаёққа кетганидан ҳам бехабарман. Юсуфда кўнгил бўлмаса, менда ҳам дил йўқ".

Бу ҳикоят орқали ўзликнинг тақдир ҳукми олдидаги ўрни ҳақида гап боради.

Тўртинчи "Ҳазрати Юсуф ва Жаброил ҳикояти" Сулаймон бармоғидаги бутун ер юзидаги жамики инсу жинларга подшоҳлик нишони бўлган узукка, яъни жаҳон султонлигига даъвогар бешинчи ўғилга қарата айтилади. Бу ҳикоятда Юсуф (а.с.)нинг чоҳ (зиндон)да эканида унинг ҳузурига Жаброил (а.с.) келиб таскин ва истиқболдан башорат бергани тасвирланади. Унга яна шундай савол берилади: "Сен шоҳ бўлиб, жаҳон амрингда бўлганида ўнта оғанг ҳузурингга нон сўраб келишса, уларни ҳам банди зиндон қиласанми, дорга осасанми, ё қамчи уриб, калтак суриб буткул қонга белайсанми?" Юсуф дейди: "Улар келишса, ҳузуримга таклиф қиламан. Чоҳдан, чеккан азобимдан сўз очмайман. Юзимдан ниқобим ечиб, не қилганингизни биласиз, майли, Юсуфга қилганларингизни эслаб ғам чекманг, дейман. Шу азоб ва изтироб уларга етади. Агар диллари тош, метин бўлса ҳам, бу изтиробдан пора-пора бўлади".

Бу ҳикоят сўнггида қалбда нур бўлгудек дард бўлмаса, унда дил ҳаёт бўлмаслиги, агар ўша нур бўлса, у билан ўз-ўзига сафар қилиш муродга етказиши, ўзлигини бирдам сезган киши бир эмас юзта кўнгилни англаши, агар ўзида зарра айбни кўрса, ғайб ул-ғайбнинг неча юз нуридан афзал экани таъкидланади.

Бешинчи ҳикоят "Юсуф ва Зулайхо ҳикояти" деб аталади. У олтинчи – кимё илмига ҳавасманд ўғилга панд сифатида келтирилади. Унда Зулайхо хаста, дунё аталмиш хокдондан кўзларини юмган ҳолда йўл четида ўтиради. Бундан ранжиган Юсуф Ҳақ таолога шикоят қилади. Шунда унинг олдига Жаброил келиб, бундан ранжимаслигини айтади, чунки у Ҳақ севган зотни севади. Бу севгиси туфайли у ҳам Ҳаққа севимли. Жаброил бу ишқ билан у муродга етишини, у ёшартирилиб Юсуфга жуфти ҳалол қилинишини айтиб, Юсуфдан унга эътиборли бўлишни сўрайди.

Олтинчи ҳикоятда Юсуф (а.с.)нинг кўзгуга қараши ва ўз ҳусни ўзига манзур бўлиши, лекин бу бир тамсил экани, Ҳақ ўз жамолига инсонни кўзгу қилгани баён қилинади.

Еттинчи ҳикоят "Аҳмад Ғаззолий ҳикояти" деб номланган билвосита ҳикоятлардан ҳисобланади ва унда бу машҳур шайхнинг жамулжам жамоага Яъқубнинг Юсуф иштиёкида Мисрга бориши, улар бир-бирларини кучиб йиғлашлари ҳамда Яъқубга

ўғли қучоғида турган ҳолда нега "Ўғлим қани?" деб фарёд кўтаришини сўрашганда Юсуф Канъонда пайтида ўзининг Яъқуб бўлгани, энди эса ўзи Юсуфга айлангани ҳақидаги жавоби тўғрисида – кимёнинг энг олий даражаси инсоннинг Ҳақ билан бирлигини пайдо қилиш эканини сўзлаб бергани асосида яратилган.

Кўриниб турганидек, Юсуф образи мутасаввуф шоир томонидан тасаввуфий ғояларни талқин этишга хизмат қилдирилади. Атторнинг бу талқинлари кутилмаган ҳол эмас. Ундан олдин ҳам, унинг замондошлари орасида ҳам худди шундай ғоялар асосида бу образдан фойдаланиш ҳолати мавжуд эди. Бунга мисол сифатида Шиҳобиддин Суҳравардийнинг "Мунис ул-ушшоқ" асаридан бир эпизодни келтириш мумкин. Унга кўра, дунёда энг аввал Ақл пайдо бўлади ва у уч ўғил кўради. Уларга Ишқ, Гўзаллик ва Изтироб деб ном қўйилади. (Форс тилида улар Меҳр, Некуий ва Андуҳ деб аталади).

...Навбат Юсуф (а.с.)нинг яратилишига етганда бир неча вақт муқаддам Одам ҳузурини тарк этган Гўзалликка бу ҳақда хабар берадилар, у Юсуф томон йўл олади ва у билан бирлашади. Ишқ ва Изтироб яна Гўзаллик томон шошадилар ва уни Юсуф (а.с.) ҳузурида топадилар. Изтироб бориб эшик қоқади, Гўзаллик ким келганини сўрайди. Ишқ ўзини танитади, Гўзаллик эса киборона уни ҳайдаб солади. Ишқ ва Изтироб Ҳайрат саҳросига чиқиб кетадилар. Саҳрода Изтироб Ишққа бир-биридан ажралиб, турли томонларга кетишни, бир неча муддатдан сўнг яна биродарига ўз хизматини таклиф этишни маслаҳат солади. Шу вақтдан бошлаб уларнинг йўллари айро тушади: бири Канъонга, бири Мисрга равона бўлади.

Бунгача Суҳравардий Зулайхо ва Яъқубни саҳнага олиб чиқмайди. Яъқуб Канъонда эди, Зулайхо эса Мисрда. Изтироб ва Ишқ улар билан сафарда эканида учрашади. Шунинг учун Суҳравардий Ишқ, Гўзаллик ва Изтиробларнинг дунёи дундаги Юсуф, Зулайхо ва Яъқуб ҳузурларидаги ўзаро муносабатларини баён қилишдан аввал уларга кейинчалик фоний дунёда содир бўлиши муқаррар воқеаларнинг фаришталар оламида башорат тасвири кўрсатилиши ҳақида сўз юритади.

Изтиробнинг йўли Канъонга яқин эди. Изтироб мақсадига эришиши биланоқ, унга боғланиб қолган Яъқубга рўбарў бўлди. Ишқнинг Мисрга етказувчи йўли узоқ эди. Мисрга етиши биланоқ Зулайхо ёнига борди.

Ишқ Зулайхони ўзининг Мисрга етиб келгунича босиб ўтган йўли ва ўзи мансуб бўлган малакут оламларига олиб чиқади... Бу илоҳий руҳий сайрдаги танишувлардан сўнг Ишқ ва Зулайхо ўртасида иккинчи суҳбат бўлиб ўтади. Унда Ишқ яна бир бор қандай қилиб бу ерга келиб қолгани, икки бирodари: Гўзаллик ва Изтироб ҳақида маълумот беради. Бу ҳикояни эшитган Зулайхо Ишқни ўзига қабул қилади ва уни ўз ҳаётидан кўпроқ қадрлайди. Шу даврда Юсуф Мисрга келади ва Зулайхо унинг ташрифи ҳақида хабар топади.

"Ишқ Зулайхони дарвозадан олиб чиқади ва улар биргаликда Юсуф томонга йўл олишади. Зулайхо Юсуфни кўргач, унга томон боришни истади. Бироқ унинг юрак оёклари ҳайрат тошига қоқилди. У сабр чегарасидан чиқиб кетади. Таъма қўлини узатади, ҳаё пардасини йиртиб, шу ондаёқ ғамга ботади..." Ҳикоя сўнгида Гўзаллик тахтга чиқади. Ишқ эса хизматкор каби унинг қаршисида тиззалаганча ўтиради. Изтироб эса шоҳ олдида мукка тушиб йиқилади.

Бу ерда биринчи диққат қаратилиши лозим муҳим жиҳат, бу Суҳравардий фикрларининг асоси ёхуд манбалари, Ишқ ва унинг Гўзаллик ҳамда Изтиробга муносабати ҳақидадир. Кўриб ўтганимиздек, Суҳравардий Ишққа психологик нуқтаи назардангина ва фақат руҳнинг ҳолати сифатида қарамайди, аксинча, уни аввало, метафизика нуқтаи назаридан ва унинг ёнида яна икки метафизик тушунча – Гўзаллик ҳамда Изтироб билан бирга Ақлнинг уч жузъи сифатида тақдим қилади. "Ақл" сўзи бу ерда унинг

дастлабки оддий маъносидан фарқли равишда махсус неоплатончилик ғояларига мос мазмунида қўлланган. Форс адабиётида "ақл" сўзи одатда дедукция (хусусий хулосалар чиқариш, истидлол), инсондаги фарқлаш хоссаси маъносида қўлланади ҳамда Ақл тасаввуфий ва мистик шеъриятда Ишқдан қуйи мақом тутади. Лекин бу асарда Ақл неоплатончилик таъбирида "Биринчи Эманация" деб номланган Ҳақдан мажоз дастлабки манба, порлоқ моҳият, ёки бебаҳо пурнур дур сифатида талқин қилинади.

Бу фикрни ифодалаш учун форс мистик адабиётида кўпинча "руҳ" сўзи ёки "руҳи аъзам" бирикмаси қўлланади. Мисол учун Аҳмад Ғаззолийнинг "Савониҳ" асари биринчи бобида "Руҳ йўқликдан борлик майдонига келганида Ишқ вужуд (борлиқ) чегарасида Руҳ маркабини кутиб турди", дейилганини айтиш мумкин. Руҳ дейиш билан Суҳравардий Ақл деб атаган ўша манбани назарда тутган эди. Аҳмад Ғаззолийдан келтирилган парчада Руҳ маркабига Ишқ минади. Бошқача изоҳга кўра, Руҳ – моҳият, Ишқ – тажаллийдир. Суҳравардий, кўриб ўтилганидек, Ишқни Ақлнинг тажаллийси деб ҳисоблайди. Лекин Ғаззолий ва Суҳравардий мулоҳазаларида фарқ бор. Суҳравардийга кўра, Ишқ Гўзаллик ва Изтироб каби Ақлнинг фарзанди. Ғаззолийга кўра эса, Ишқ Руҳдан туғилмаган, ундан мустақил. Ҳақиқатда Ишқнинг мавжудлиги Ҳаққи мутлақка боғлиқ. Бу фикр Плотин, Форобий ва Ибн Синолар қарашларига мос келади. Бу олимларнинг фикрича, Ҳақ ўз зотида севувчи ва севилувчидир. Ҳақ зотига Ишқ ва Гўзаллик сифатлари мансубдир. Севгининг бундай талқини "ишқи зотий" номи билан форс шеъриятида ниҳоятда кўп учрайди.

Атторнинг Юсуф ҳақидаги ҳикоятлари ҳам ишқ моҳияти ҳақида. Унга кўра, ишқи ҳақиқий турли жисмоний ва нафсоний ғаразлардан холидир. Бу фикр ҳикоятдаги Юсуфнинг мактубларидаги Ҳақ исмидан бошқа ҳамма сўзлар ўчиб кетиши ва қоғознинг оппоқ тусга кириб қолиши мисолида далилланади.

Юсуфнинг Ибн Ямин билан мулоқотида қонли ёш тўла коса, ундан истеъмол қилиш, юзга тортилган парда ҳам шундай мазмунга эга. Ҳикоятда ошнолик сўзи ишқ сўзи ўрнида қўлланади, шунингдек, хотима қисмида Қуёш ва соя ҳақидаги фикрнинг келтирилиши зот ва тажаллий бирлигига ишора. Худди шу рамзлар, хусусан, соя ваҳдат ул-вужуднинг энг йирик назариётчиси Муҳйиддин Ибн Арабийнинг жуда кўп асарларида махлуқ мақомига нисбат берилиб қўлланади.

Олтинчи ҳикоятда кўзгу мисолида тажаллиёт назарияси талқин қилинади. Кўзгу детали "Таврот"да ҳам, "Қуръони Карим"нинг "Юсуф" сурасида ҳам зикр этилмайди. Бу ижодкорлар талқинлари эҳтиёжидан пайдо бўлган. Кўзгу детали Юсуф ҳақидаги бошқа асарларда Аттор асаридагидан фарқли талқинда қўлланган. Бунга туркий адабиётнинг Рабғузий ва Андалиб каби ижодкорлари асарларидан ҳам мисол келтириш мумкин. Уларга кўра, Юсуф отаси ёнида юрган даврларида "кунлардан бир кун у кўзгуга боқди ва юзини кўрди, тонглади. Кўнглида кечди, бу кўрк бирла қул бўлса эрдим, баҳомни ким бера олғай эрди? Ўз кўркинга қуванди эрса қул деб ўн саккиз пул ярмоқға сотдилар. Кўркка қуванганнинг баҳосин кўргуздилар. Сотилмоқда ҳикмат бу эрди" ("Қисаси Рабғузий"). "Илоҳийнома"да эса Юсуфнинг кўзгуга қараши даври, замони аниқланмайди, шунингдек, унда талқин мутлақо тасаввуфий маъно касб этади.

Учинчи ва еттинчи ҳикоятларнинг Юсуф Ҳамадоний ва Аҳмад Ғаззолий тилидан айтилишида ҳам рамзий маъно бор. Назаримизда, Аттор ваҳдат ул-вужудни талқин қилишда ўша олимларга таянаётгандек таассурот уйғотади. Умуман, Аттор Юсуф образидан фойдаланар экан, уни фақатгина пайғамбар ёки гўзаллик тимсоли сифатидагина зикр этмайди, балки тасаввуф назариётчилари илгари сурган ишқ ва изтиробнинг рамзи сифатида ҳам талқин қилади. Шу билан бирга, у орқали бошқа тасаввуфий назариялар, ахлоқий масалаларни ёритишга ҳам эриша олади.

ИРОДА

Эссе

Қилич АБДИНАБИЕВ

Устозим Самар Нурий буйрагидан оғир операция бўлди. У бундан ўттиз тўрт йил муқаддам оғир жароҳат туфайли хасталикка учраган, ўшандан буён биринчи гуруҳ ногирони бўлиб қолган эди. Тиббиёт фанлари номзоди Ботир Тўрақулов (Оллоҳ иккисиниям раҳматига олган бўлсин) операциядан кейин мени ҳузурига чақириб олди-да:

– Беморнинг аҳволи ниҳоятда оғир, асаб тизимлари, жисми ўта толиққан, қўлимдан келадиган барча ишни қилдим, бу ёғи ёлғиз Оллоҳга аён, – деди.

Бу гапдан кейин иккимиз анча пайтгача жим қолдик.

* * *

...Устозим билан бир минг тўққиз юз саксон тўққизинчи йилдан буён ҳам шогирд, ҳам ён қўшни бўлиб яшадим. Назаримда яшин тезлигидек ўтиб кетган ана шу йиллар мобайнида Самар Нурий умрининг энг оғир, аччиқ кезлари ҳамда ҳаётининг яхши дамларида ўзини қандай тутганини кўп бора кузатдим.

Невараси Сардор уч ёшга эндигина қадам қўйганида болалар боғчасига қатнайдиган бўлди. Ҳар куни ишга отланганимда болакайнинг ёлғиз ўзи изғиринда, тўнига ўраниб олганича, жунжикибгина, сирғанчиқ йўлкадан пилтанг-пилтанг қадам ташлаб боғчасига кетарди. Бир куни:

– Сардорни эрталаблари Гулчеҳра ёки янгам сал нарига кузатиб қўйса бўларди, – деган эдим:

– Аралашманг, мустақил яшашни ўргансин! – деб қўя қолди.

Дастлабки йилларда мен кўрган Сардор ювош, эрталаблари отаси ёки онаси ҳамроҳлигида боғчасига кетаётган тенгдошларидан кўра шавқи паст бўлса, орадан икки йиллар ўтгач шаҳдам қадам ташлайдиган, кўринган одамга бурро овозда салом берадиган бўлди. Сардор коллежда ўқиб юрган кезидаёқ "Насаф"нинг матбуот котиби билан келишиб, севимли футбол жамоамиз аъзоларини суратга туширарди. Ўз ишига шунчалар садоқатли эдики, коллеждан ёзги таътилга чиққан кезларида жамоа билан биргаликда қўшни вилоятлардаги ўйинларигача бориб бир қанча ажойиб ўйин лаҳзалари акс этган суратларни олиб келадиган бўлди. Боз устига интернет билан тиллашадиган, дунёнинг кўплаб янгиликларидан бизларни хабардор қилиб турадиган зуккога айланди.

Қилич АБДИНАБИЕВ – 1949 йилда туғилган. Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида (ҳозирги ТДСМИ) таҳсил олган. "Қора кўланкадаги болакайлар", "Аросат", "Туш таъбири" каби драмалар муаллифи. "Амир Темур, Йилдирим Боязид ва Масхара", "Тиббиёт заҳматкашлари" китоблари чоп этилган.

* * *

...Ниҳоят Ботир Тўрақулов тилга кирди:

– Тошкентдаги катта шифокорлардан биронтасини санитар авиацияси орқали чақирсак-чи?

– Қизиқсиз-а, ҳозир таниқли бўлган дўхтирлар (Ботир Тўрақулов ўн саккиз йил Тошкент тиббиёт институтида талабаларга сабоқ берган) ўз қўлингизда ўқиган-ку, – дедим. Яна жим қолдик.

* * *

...Орадан кўп ўтмасдан невараси Азизнинг университетда ўқиши муаммоси кўтарилди. Невараси болаликдан ўта тиришқоқ, мактабда яхши баҳоларга ўқирди, Самар ака унинг журналист бўлиб етишиб, жаҳонда бўлаётган турли-туман воқеа ва ҳодисаларга матбуотда ўз муносабатини билдириб боришини орзу қиларди. Бир куни устоз билан гурунглашиб ўтирдим-да, невараси Азиз Қарши давлат университетига ҳужжат топширганини, юқори балл тўплай олмай шартнома асосида ўқишга кирганини айтдим ва:

– Шартнома пули анча-я, Самар ака, Райим Раҳмонов (ўша кезлари вилоят ҳокими ўринбосари бўлиб ишларди, Оллоҳ раҳмат қилсин, кўп ижодкорларга ёрдам берган инсон эди) ёки шоир Рустам Очил (ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ўша кезларда Толлимаржон магистрал канали бош директори бўлиб ишларди) ёйинки Муборак тумани ҳокими Жумақул Қурбоновга, ҳеч бўлмаса Муборак газ конлари унитар шўъба корхонаси бошлиғи Нуриддин Зайниевлардан биронтасига бир оғиз айтсангиз, шартнома пулини дарҳол ўтказиб беришади-ку, ёки Азизнинг университетдан берилган шартномасини олиб бирортасининг ҳузурига ўзим кириб чиқайми? – дедим.

Яна ўша-ўша жиддий ва ўйлантирувчи жавобни олдим.

– Аралашманг, пул топиш йўлини ўргансин!

Ўқишни тугатгунча онаси Саодат келин ва Азизнинг ўзи шартнома пулини тўлаш учун қандай қийналганларини яхши биламан. Азизнинг отаси Аҳрор шу воқеалар бўлишидан анча йил мукаддам вафот этганди. Бева қолган Саодат келин дўкондор акасидан қарз олди, кези келганида тилла зиракларигача сотди, Азиз эса университетда ўқиши билан бир қаторда вилоят газетаси "Қашқадарё"да махсус мухбир бўлиб ишлади, онасига шартнома пулини тўлашга ёрдам бериш билан бир қаторда, "Келажак овози" кўрик-танловида қатнашиб, республика босқичида биринчи ўринни олди ва шу билан яқинлари кўнглини ғурурга тўлдирди...

***

Орадан икки кун ўтгач, устознинг касаллиги янада кучайиб кетди. Бутун танасидаги тери қавати сарғайиб, сариқ хасталигига чалинган бемор киёфасига кирди. Томоғидан ҳеч нарса ўтмас, бемор ёнида ўтираверіб бир ҳовучгина бўлиб қолган Олия янгам боқий хилқатга абадий сафар олдида турган турмуш ўртоғининг оғзига сув томизиб ўтирарди. Шу орада Қозоғистондан қизи Сурайё етиб келди. Хастанинг соғлиги яхшиланиш ўрнига соат сайин ёмонлашиб бораверди. Батамом ҳушини йўқотди, ҳузурига кўнгил сўраш учун келган ёр-биродарларини танимасди.

***

...Ўша кезлари устоз "Қоронғи тонг" романи устида ишлаётган эди. Бу роман маишатга берилган ҳамда ўз халқига жабр-зулм қилиб охири таназзулга юз тутиб, Россия империясига қарам бўлиб қолган Бухоро амирлари ва халқимизнинг эрк учун кураш олиб борган йигитлари – миллий қаҳрамонларимиз тўғрисида ҳикоя қилади. Ёз кунларидан бирида уйига бориб қолдим.

– Эртага Самарқандга бормоқчиман, ҳамроҳ бўлмайсизми? – деди.

Келишганимиздай саҳарлаб йўлга чиқдик. Самарқандга етиб борганимиздан кейин Регистоннинг ёнидаги чойхонада тўхтадик. Устоз ўтириб бироз нафас ростлагач:

– Менга бир чойнак чой олиб келиб беринг, – деди.

Чой тўла чойнакни олиб келиб, яхшилаб шопириб-шопириб қайтардим-да, пиёлага қуйиб узатдим.

– Энди бемалол сизлар томоша қилаверинглар, – деди.

Шундан кейин турмуш ўртоғим, Саодат келин, Самар аканинг неваралари Азиз ва Озод билан Самарқандни томоша қилишга киришдик. Орадан бир соатлар ўтгач чойхонага келсам, устоз жойида йўқ. Аммо стол устидаги чойнак қалингина кўл артгич билан ўраб қўйилган. Чойхоначидан устозни даракладим.

– Эҳ-ҳей, ҳалиги одамми? – деди чойхоначи тожикча талаффузда. – Ҳув анави томонга кетди, – Регистон томонни кўрсатди.

Асрлар ташвишини елкасига ортмоқлаган Регистон майдонига кирдим. Юртимиз кўрки бўлган мажмуани айланиб устозни излай бошладим. Роса қидириб, толиқдим. "Бошқа жойга кетган бўлса керак", деб кетишни мўлжаллаб турган пайтимда экскурсовод аёл менга яқинлашди-да:

– Бирор одамни излаётибсизми? – деб сўраб қолди.

– Шундай.

– Ҳу анави бурчакда зинапоя бор, ўша ердан тепага кўтарилсангиз, қайсар ногирон кишини топасиз, – деди.

Унинг "Қайсар ногирон" деган гапига ғашим келди. Чунки устозимни умрим давомида ногиронлар сафига қўшмай яшаганман. Ўзимча аламли кулимсираб:

– Нега қайсар деяпсиз? – дедим.

– Қайсармисан, қайсар-да, бу зинапоялардан соғ одам мезанага чиқса ҳаллослаб, ўпкаси оғзига тиқилади, қўйинг, чиқманг, десам гапга кўнмай юқорилади.

Аёлга раҳмат айтиб зиналардан юқорига чиқиб бордим. Самар ака Регистон деворининг энг юқори нуқтасига чиқиб олганича қўлидаги дафтарига мажолсиз бармоқлари билан бир нарсаларни ёзаётганди (унинг икки қўли бармоқлари касаллиги туфайли яхши ишламасди). Мени кўриб:

– Анча нарса ўргандим, энди тушамиз, – деб мени қўлтиқлаб олди.

Устоз замонавий биноларнинг юқори қаватларига чиқаётганида, зинапоя ёнидаги темир ушлагичдан бир қўли билан тутиб олганича қийналмасдан чиқиб кетаверарди. Аммо Регистоннинг зиналарида унга тутқич бўладиган ушлагич йўқ эди. Тушгунимизча анча қийналдик. Ниҳоят пастга тушдик:

– Биласизми, бемор бўлганимга йигирма беш йилдан ошди, шундан буён оёғим иссиқ-совуқни сезмасди. Ҳозир панжаларимда қоним юришди шекилли, – деди хурсанд овозда. – Ўқиганмисиз? Асрлар оша бўй чўзган манавиндай бинолар қурилиши олдидан қурбонлик қилишади.

– Оллоҳ йўлига-да!

– Шўри қисган, гуноҳли-гуноҳсиз одамлар қони эвазига ана шу удум амалга оширилади деган гаплар рост бўлса керак.

– Йўғ-ей, унақа эмасдир! – дедим, аммо бу гапни эшитишим билан юрагим орқага тортиб кетди.

– Ишонаверинг, Миср эҳромлари, Римдаги қадимий бинолар, Тожмаҳалу, Оқсарой-ларнинг-да барча, барчасининг таг-томирида қон бор. Бу бинолар минглаб одамларнинг пешона теридан баҳра олиш эвазига асрлар оша кўрк бериб, мағрур туришади. Мана шу бинолар киёфасида ўтиб кетган инсонлар кўркини, жамолини, шижоатини кўраман.

***

...Операциянинг бешинчи куни устознинг аҳволи батамом оғирлашди. Томиридан юборилаётган томчи дориларни касал вужуд батамом қабул қилмай қўйди. Республика Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Исмоил Тўхтамишевга қўнғироқ қилиб вазиятни айтдим. Олия янгам, устозимнинг синглиси Саодат опа, қизи Сурайё... ҳамма, ҳаммамизнинг бошимиз қотиб қолган эди. Беморлигига шифо топиш илинжида касалхонага ўз оёғи билан келган Самар ака энди ҳушсиз, тили калимага келмас, йиллар давомида тиним билмасдан ўрганган, ёзган, асарлари озарбойжон, татар, грузин, украин, белорус, латиш, қозоқ, тожик, қирғиз, уйғур, бошқирд, рус, болгар тилларига таржима қилиниб, Москванинг таниқли журналларида чоп этилган, умри давомида ташналик билан олға интилиб, ҳаётни ўрганган инсон ҳеч нарсани сезмас эди.

***

...Саксонинчи йилларнинг охири. Узумнинг меваси шиғил ғўрага айланган кезлар эди. Устоз ҳовли саҳнидаги курсида ўтирар, кўринишдан тажанг эди. Саломаликдан кейинок:

– Манави журнал, – Москвада чоп этиладиган “Знамя” журналини қўлимга тутқазиб, зардали овоз билан деди. – Бир ҳикоямни таржима қилиб босибди. Аммо...

– Табриклайман.

– Табрикка бало борми, ўқувчига айтмоқчи бўлган гапимни ўчириб ташлашибди.

– Қанақасига?

– Ўқинг.

Ўтириб ўқиб чиқдим, бу ҳикояни “Саҳархез қушлар” номидаги ҳикоялар тўпламида чоп этилганида ўқигандим.

– Жойида шекилли, – дедим ҳадиксираб.

– Йўқ, яна йўқ, – деди баъзан жаҳли чиққанида пайдо бўладиган шиддатли овози билан. – Пахта далаларига сепилаётган заҳарли дорилар таъсирида касаллик кўпайганлиги, ҳаттоки ёшлигимда тўқайларимизда кўриб юрганим сассиқпопишак, бойўғли, тира-тира, куркулловук, зағизғон, тўрғай сингари кўплаб деярли кўравериб ўрганиб қолган қушларимиз йўқолиб кетганлигини, бу қушлар экология сабаб, тепамиздан сепилаётган заққумлар ҳисобига юртимизни тарк этишганини айтмоқчийдим. Москвалик шумваччалар эса ана шуларни олиб ташлаб, чоп этишибди.

Мана зукколик, сатрлар сири ортида юрти қиёфасини, одамларимиз соғлиги, ҳаттоки тўқайларимизни тарк этаётган, қамишзор, юлғунзор ҳамда турли хил гиёҳлар ўсиб ётадиган дарёмиз қирғоқларидаги чакалакзорларга кўрк берадиган қушларимизнинг ташвишларини ўз асарларида ифода эттириш. Бу эса адабиётнинг атомдан кучли эканлигини кўрсата билиш дегани-да!

***

...Устознинг аҳволи ниҳоятда оғирлашди. Тунги соат ўн иккиларда шифохонага бориб Олия янгамга:

– Устозни уйига олиб кетмаймизми? – дедим.

Янгам бу гапимни эшитиши биланок:

– Йўқ, дўхтирлар эримни даволаб, тузатиб беришсин, – деб туриб олди.

Ноилож уйга келдим. Уйқум келмасди, безовта ўйлар гирдобидаман. Тунги соат бир яримда уй телефоним жиринглади. Гўшакни кўтарсам реанимация бўлими бошлиғи Абдураҳман Шукуров экан.

– Қилич ака, шифохонага келсангиз, Самар акани уйига олиб кетасиз, – деди.

– Олия янгам норози, даволатаман деяпти.

– Янгам рози.

– Гўшакни унга беринг, – дедим. Бироздан кейин гўшакдан Олия янгамнинг овози келди.

– Ўғлим, келақол, Самар акангизни ўз уйига олиб кетамиз.

"Тез ёрдам"га қўнғироқ қилиб, шифохонага машина юборишларини илтимос қилдим. Сўнгра Ботир Тўрақуловнинг уйига қўнғироқ қилдим. Гўшакни шифокорнинг ўзи кўтарди.

– Ботир ака, узр, бугун шундай кун бўлди, шифохонага келсангиз устозни уйига олиб кетамиз.

Тунги роппа-роса соат учда замбилда ҳушсиз, танаси енгилгина бўлиб қолган Самар акани шифохонадан уйига олиб келдик.

***

...Қишнинг бир тутам куни охирлаб қолганида устоз ҳузурига бордим. У иш кабинетидаги юмшоқ креслосида ўтирар, нигоҳлари рўпарасида китоблари тахлаб қўйилган токчаларга қаратилганди. Саломимга алик олмади, хаёл билан эшитмади, шекилли деган ўй билан қайта салом бердим. Яна аликсиз қолдим. Ҳайратим ошиб, нима қиларимни билмай иккиланиб қолдим. Бироз ўтгач чиқиб кетиш тараддудига тушган онимда майин овози билан:

– Келинг Қиличбек, ўтиринг, – дея сал нарида турган стулни кўрсатди. Ўтиришим билан:

– Манави суратга боқиб, ўзимни совутаётган эдим, – деди.

Китоблар тахланган токчага ёпиштириб қўйилган суратга тикилдим. Суратда қор босган тоғ чўққилари, оппоқ қордан тўн кийган дарахтлар ва сал пастроқда қор эришидан ҳосил бўлган музлик кўзга ташланарди.

– Бу сурат шимолга хос-да, – дедим ўзимча суратни шарҳлаб.

– Йўқ, асло, ундаймас! Қилишим керак ва улгура олмайдиган ишларим тўғрисида ташвишланаман. Бутун вужудим кўринмас ўт-олов таъсирида ёна бошлайди. Суратга бироз тикилиб, ўзимни ана шу қор ва муз саҳросидаман деб тасаввур қиламан. Бироз ўтгач вужудимга совуқ ўта бошлайди, тишларим такиллаб совуқ қотиб қоламан. Забтига олган совуқ ҳарорат остида бироз чиройим очилади, – деди.

***

...Ўша йиллардаги вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев ташаббуси билан устознинг "Қора тонг" романини чоп этиш учун нашриётга пул ўтказилганди. Янгамнинг айтишича, вилоят китоб савдоси ташкилоти бошлиғи Шавкат Бекмуродов роман чоп этилиш арафасидаги муқовасини олиб келиб сўнгги нафасларини олаётган устозимга кўрсатган онида хасталик дастидан ҳушсиз ётган Самар ака бир бора кўзини очиб ўз меҳнати самараси бўлган романининг муқовасига эътибор билан кўз югуртирган.

Мен устозим билан қилган суҳбатларим давомида бирор марта унинг қаҳ-қаҳа отиб кулганини кўрмаганман. Ёшига нисбатан қадди сал чўкик, боз устига ғамгин боқувчи, теран, ўткир нигоҳида паришонҳоллик аралаш ташвишни кўрардим.

Сўнгги кун борганимда Саодат опа бир қўлида тоғора тутганча акаси ёнидаги стулда ўтирарди. Бемор ўкчиди, дастлаб қуйқа келди, сўнгра лахта қон келди. Бу лахта қон инсон вужудини тозаланган қон билан таъминловчи, айни дамда эса касалланган ва хасталик зарбини кўтара олмай эриб тушаётган жигарнинг парчаси эди. Устозим эътироф қилганидек, бу боқий хилқатга абадий қиладиган сафаридан дарак берарди. Ҳовлига чиқиб кўкка тикилдим, тунги осмон бағрида битта юлдуз учиб борди-да, кейин узун из қолдириб сўнди, тунги осмон бағрини қамраб олган юлдузлар қийғос очилган эди-ю, барчаси юм-юм йиғларди.

ЮРАК САДОСИ

Севинчой ЁҚУБОВА

Фароғат Худойқулова – руҳан бедор ва ҳассос шоира. Бу ҳол мутлақо тасодиф эмас. Уни бедорликка чорлаб турган ҳис бу – киндик қони томган мўъжаз макон, не-не улуғ Насафийларга бешик бўлган Қашқадарё заминидан лиммо-лим тошиб келиб кўнглига инган қадим боболарнинг муборак руҳи. Шу боис ҳам фарзандлик бурчи, шоирлик масъулиятини чуқур англаган Фароғат Худойқулова "Оқ хатлар" шеърий тўпламида ифтихор билан:

Илдизимга ҳаёт берган, Қашқадарё,
Сўзларимни сувларингда чайгандирман.
Сўз ичинда сўз ахтариб топган туним,
Фароғатинг сенга бермиш фароғатин,
Ҳолинг сўраб боргум ўзим, Қашқадарё.

дея самимий иқрорларини мисраларга тўкади. У кадим Туркистон тарихига назар ташлар экан, бир-бирини муқаррар маҳв этишга қасдланган хоинлик ва ботирлик, лоқайдлик ва бедорлик, зулм ва ҳақиқат тушунчаларига нечоғлик ёвуқлик икки қирғоққа ажратиб ташлаган бир бутун эл тақдиридан гоҳ алам ҳамда изтироб, гоҳ ғурур ва сурур туяди.

Унинг туйғулари баланд лирик қаҳрамони тарих сукунати бағридан пўртанавор сўзлар саралаб, кескир овоз-ла ҳайқиришга куч топа олади. Чунки эл-юртга муҳаббат ҳисларининг чайқалиши мудроқ дилни уйғотиб, умрга зеб, юракка мадор бахш этади. Билъакс, оҳудай ҳуркак бир вужуднинг қанотлари шамширдай кескир тиғта айланмаган бўларди. Ҳа, эзгуликка бахшида умр сор лочинни муқаррар тарзда мангу юксак чўққилар сари элтажак. Бизнингча, *"Оҳ, бунча азобли бедор яшамоқ!"*, дея нола қилаётган кўнгил қушининг дардчил тўлғоқлари ўқувчини ҳам ҳушёр торттиришга қодир.

Фароғат Худойқулова қалбида устозларга яқинлик, улар маънавияти, ижодий меросидан куч-қувват олиш, поэтик маҳорат асроридан баҳраманд бўлишга интилиш туйғуси кучли. Жумладан, устоз Ойбек Чимён тоғларида ўзи дилхаста ҳолда бўлишига қарамай, руҳан кечинган баҳорий кайфият, лолалар кулгуси ва наъматаклар нозидан сармаст бўлган ижод онлари шоира тасаввурида қайта тикланади. Натижада, улуғ фай-

Севинчой ЁҚУБОВА – Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи мукофоти совриндори. 1996 йилда туғилган. Алишер Навоий номли Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси. "Тенгдошларим – туйғудошларим", "Нафис туйғулар таровати", "Дилторлар ғазаллар ва дилбар қўшиқлар" номли китоблари нашр қилинган.

ласуф шоирнинг азим тоғлар, чаманзор қир-адирлар бағрига сингган нигоҳлари изини қалбан ҳис этади, унинг илиқ нафасини туяди. Шеърни ўқир экансиз, баҳорнинг сокин бир оқшомида булоқ бошида ой ёруғида қаламини лабига босиб хаёлчан ўтирган кўйи қояларда гул очган наъматаклар билан сирлашиб, оламнинг Яратувчиси чеварлигидан мислсиз ҳайратлар туйган шоир сиймоси кўз ўнгингизда қад ростлайди.

Юлдузлар ёнидан япроқлар аста
Сирғалиб тушдилар сувнинг юзига.
Шоир ухлолмайди,
бедор, дилхаста,
Баҳор оқшомлари тортар ўзига.

Кўринадики, Ойбекона бедорлик ва ойдин оқшом сеҳрию турфа гуллар ишвакор тебранишларига маҳлиёлик шоира руҳиятига ҳам бегона эмас. Бунга унинг ўзбек шеърияти бўстонида мангу янграётган хуш сасларга дил қулоғини тутиш, табиат тухфаларидан донишона ибрат олиб, тоғ насимлари билан тиллаша олиш салоҳияти ёркин гувоҳлик беришга қодир. Шунинг учун ҳам шоира ўзини:

Тўсма, мен ўз йўлида оқиб турган дарёман,
Тошсам алам, гамларим қирғоққа боз урилгай...
Тўсма мен ўз йўлимни топдим деган кунимда,
Бевақт ёққан қорларни иситгай куйик бағрим.

деб ёзишга ҳақли сезади. Бу сатрлар беихтиёр тарзда Абдулла Ориповнинг *"Дунёни қизганма мендан, азизим"*, деб бошланувчи машҳур сатрларини эсга солади. Зотан, Фароғат Худойқулова ҳам Қашқадарё заминида туғилган. Ўзининг бақувват руҳли ашъорлари билан мудроқ руҳларни тиритиришга шаҳдланар экан, эзгуликка муҳаббат ва жаҳолат, лоқайдлик, бепарволик каби иллатларга қарши улкан нафратга йўғрилган туғёнли айтар сўзи, истиқболда кўзлаган аниқ манзили борлигини яшириб ўтирмайди. Бу каби шиддат ҳар бир шеърда ҳам очиқ-ошкор кўриниб турмайди. Шунга қарамасдан, сокин ирмоқдай туюлган тирик сатрлар бағрида пўртанавор туғён ниҳон, бедор кўнгил куйиклари ҳиди ҳис қиларлик даражада бўй таратиб туради.

Фароғат Худойқулова лирикасига зеб берган омиллардан яна бири кечинманинг пейзаж манзараларига йўғрилишидир. Чунки шоира юрт самоси бағрида порлаган сонсиз юлдузлар шодаси, оқ тераклар сочида тўлғонган тўлин ой ва олтинранг буғдойзорлар сирли шивирига қулоқ тутади. У зумрад бедапоялар бағрида чуғурлашган қушлар ноласи, шамолларга тил кўрсатиб шовуллаётган қамишзордан таралган мусиқий симфония, ҳатто чигиртканинг ўланлари ва кўлмакка кўрк бағишлаган қурбақалар овозида ҳам қандайдир хушоҳанг туяди. Тошларга тақаларини уриб мағрур кишнаётган отларнинг ҳар бири унга садоқатли Бойчибордай суюкли.

Бизнингча, айнан ўша юртнинг ҳар бир заррасига бўлган муҳаббат шоира қалбига бетакрор поэтик оҳанглар олиб кирган. Шунинг учун Фароғат Худойқулова битикларида манзараланган табиат ва жой тасвирларидаги миллий руҳ лирик қаҳрамон кайфият-ҳолатини очиш воситасига айланган. Жумладан "Лола сайли" шеъридаги қир бағрини қонатган қуёш нурлари, албон лолалар ва ўн саккизга кирмаган қизлар юзидаги қизиллик бир-бирини тўлдириб, ажиб уйғунликни юзага чиқаради. Чаманзорда шўх-шодон қийқириб чопаётган қизлар худди лолаларга қўшилиб оқаётган улкан денгизни эслатади. Аслида ҳам, тасвирдаги қизил ранг шунчаки контраст фонгина эмас, балки инсон руҳияти, қизларнинг айни дамдаги ҳолати билан уйғунлик касб этиб, ўша лирик ҳолатнинг вақти ва макони ҳақида ёркин тасаввур беради. Шоира чайқалиб турган дунёга тинчлик, оламга яшариш, фарзандларга камол тиларкан:

Камолингни истаб чархладим қалам,
Уруш бўлмаса бас юртимда, болам, –

деб ёзади. Бу сатрлар бизга беихтиёр Зулфиянинг:

Она қалби оёққа турса,
Ўғлим, сира бўлмайди уруш! –

деган ўтли хитобини эслатади. Зотан, айни дамда урушнинг заҳрини тотган, шаҳидлари руҳини эъзозлаган улуғ элнинг куйинчак шоираси ва ўз фарзандлари онаси сифатида Фароғат Худойқулова қалби ҳам қирғин-қатағон оловини ёқувчи касларга қарши оёққа туради. Қолаверса, у мустақил юртимиз тинчликпарвар сиёсатига ҳамоҳанг тарзда фикрлайди. Дарҳақиқат, биз қураётган мустаҳкам қўрғон, келажак авлодлар тақдирига масъуллик ҳисси шоира лирик қаҳрамонини огоҳлик ва ҳушёрликка даъват этувчи ижтимоий фаол шахсга айлантиради. Бинобарин, у яратган фуқаролик поэзияси меҳварида маънавий оламида ўшандай фожиаларга қарши курашчанлик руҳи камол топган ва ўзини ҳар лаҳзада муҳорабага чоғлайдиган лирик қаҳрамон образи туради.

Шаҳд айласам, қирқ эркакча ботирлигим,
Фахрим, шоним – қавмингизга доирлигим,
Лек бу дардга таскин бермас шоирлигим,
Покланишга чоғланинг, ҳур кўнгилларим,
Эрта хазон бўлган опа-сингилларим.

Умуман, шоира ижодида даъваткорлик руҳи қабариқ тарзда бўртиб туради. Зотан, у билиб-билмаган ҳолда аср вабоси саналган оқ ажал, фаҳш ва зино, одам савдоси, ватанфурушлик сингари иллатлар қурбони бўлиб қолаётган ўз қавмдошлари ҳаётига нисбатан зинҳор бефарқ қарай олмайди. Ахир, Тўмарис сингари кўнгилга нур ва дилга сурур бағишловчи, Ойбарчиндай жасур, Ширин мисол сулув, Лайлидек садоқатли, Кумушбиби янглиғ хокисор, Зеби каби самимий ва содда аёллар не-не алп ўғлонлар қалбини ўғирлаган, эртадан умидвор этган эмасмиди? Афсуски, XXI асрга келиб бевақт хазон бўлаётган айрим юртдош хотин-қизлар қисмати кишини чуқур ўйга толдириб, кўнгилда изтиробли кечинмалар уйғота бошлади. Шу маънода, шоира туйган ачиниш, нафрат, уят, масъуллик ҳислари огоҳлик даъвати бўлиб янграйди.

Кези келганда таъкидлаш ўринлики, китобнинг сарлавҳасига чиқарилган *"Оқ хатлар"* шартланган, образли поэтик атамадир. Зотан, одатда, мактуб ёзилар экан, оқ қоғоз қораланади. Оқ рангли мактуб, яъни самимий, беғараз туйғулар изҳорида бутун масъулият залворини зиммасига олишдан чўчимай, ўз-ўзини тафтиш этароқ, тақдир ҳукмига ризо бўлган жавобсиз севги қурбони – ҳижронзада лирик қаҳрамоннинг нолакор андуҳ, армонли исён ва тизгинсиз соғинч туйғулари акслланган. Аслида кимгадир жўнатилган моддий маънодаги мактуб мавжуд бўлмасада, шоира бадиий ҳисларининг онгдаги жилваси фикрга кўчгани боис, самимий дил изҳорлари орқали биз уни макон ва замонда мавжуд нарса сингари ҳис этамиз, тасаввур қиламиз. Бинобарин, хосланган умумлашма орқали қаламкашнинг айни шеър ёзилаётган пайтдаги маънавий-руҳий дунёсига ҳам кириб борамиз. Бошқачароқ айтганда, ҳиссий теранлик шоира ижодий ниятида ибтидоланган.

Кетдим,
Билмасам-да борар еримни.
Мен севиб юракни олдирдим.

Ихтиёрий ихтиёрсизлик – кўнгил истаги етовида манзил-маконсизлик сахросига бош олиб кетган лирик қаҳрамон қалби кенгликлар соғинади. Чунки баланд инсоний туйғуларига муносиб жавоб тополмай ўртанган ошиқ кўнгилнинг тор ҳужрага сиғмоғи маҳол.

Кузатганимиздек, шоира поэтик тимсоллар асосида фикрлайди ва нигоҳини воқеа-ҳодиса меҳварига қаратади. У қўллаган бадиий образларга хос рамзийлик ва боғлиқлик инсон руҳияти манзараларининг моҳиятини воситали тарзда очиш имконини беради. Жумладан, шамоллар олиб кетган сочларнинг бўйи, хаёлий теранликда англаниши мумкин бўлган кўнгил талпинишлари завол топган умр мазмунини ҳис этиш, боғ-тоғ, қиш-ёз, ой-сой сингари бир-бирига у қадар яқин бўлмаган нарса-ҳодисаларни ўзаро уйғунлаштирувчи муштараклик замиридаги оқибат туйғуси инсоний муносабатлардаги йўқотишларни миқёсли тарзда англатади. Такрорланиб келувчи ўртагувчи саволлар эса, фожиа мазмунини янада чуқурлаштиради. Бир моҳиятнинг иккинчи бир қисм, яъни рамзий образ орқали очиб берилиши (ассоциативлик) шеърий сатрлар китобхон шууридан чуқур жой олишига йўл очади, унинг ижодий тасаввур дунёсини кенгайтиради.

Муҳими, ишқ азоби жонни ўрташи-ю, кутганлари сароб бўлиб чиққанига қарамай, кўксида ўсиб бораётган залворли қайғу тоғининг юки остида лирик қаҳрамон қадди эгилмайди. Эътиборсизлик аталмиш мислсиз бахтсизликка рўбарў бўлган маъшуқа ўзи ташлаб чиққан ғариб кулбада қолган гуноҳкор бандадан кўнгил узолмайди. Чунки ёруғ оламда заррача оғринмай нозик кўнглини ишониб топшира олган ўша кимса борлигининг ўзиёқ унга улкан бахт, тансиқ неъмат бўлиб туюлади. Бироқ туйғулар қоришиқлиги шундаки, армонли дунёнинг хиёнат аталмиш гўшасида алданган бу мукаррам зот баъзан иккиланишлар гирдобида қоларкан:

Умримни осмонга, қушларга бериб,
Майсалар, тошларни севсам бўларкан!

қабилида афсус ва надомат чекади. Зотан, йўқотилган вақт ва эришилмаган орзулар кишида изтироб туйғусини уйғотиши табиий. Шундай кезларда фидокор бўлишга интилган, хаёлдай тиниқ ва ойдай ёруғ орзуларидан кечолмаган, ҳануз ўз аҳдида собит маъшуқа кечинмалари дилдан тилга кўчса не ажаб:

Пайт келмади пойинг кўзга сургали,
Кўшкингда ой бирлан хаёл сургали.
Пайт келмади садоқатдин тож кийиб,
Ҳуснинг давлатида даврон сургали.

Шоира оний туйғуларини сўз воситасида моддийлаштириш асносида, она Ватан сурати ҳамда замондошларимиз руҳиятидаги эврилишларни соҳир табиат манзараларига хос жилвакор ранг ва оҳанглар, қадим юрт садолари, мустақил диёримизда кечаётган яратиш, яшнатиш, бунёдкорлик жараёнлари билан ҳамоҳангликда тасвирлайди. Қалбидаги ўтли қаяжону ҳайратлар, қайноқ эҳтиросларни, юрагидаги сарбаланд мақсадлар билан чамбарчас боғлиқ шиддатли қайнашларни лирик мисраларга тизади, донишона ҳукм-хулосалар чиқаради.

Зотан, Фароғат Худойқулованинг юрак қафаси ўтли қайнашлар, пўртанавор тўлғонишларга торлик қилиб қолганида сўз жилови қўлдан чиқиб қоғоз сари ошиқади. Гоҳ оғриқли азоблар ва теран ҳамдардлик, гоҳида меҳр-муҳаббат ҳамда соғинчу армон ҳислари билан тўлган кўнгилнинг акс садолари бўлиб янграйди. Муҳими, уларнинг бари ягона нуқтада уйғунлашади. Натижада, шеърият аталмиш қутлуғ амалнинг қудрати, поэзия ўзини масъул деб билган бурчдорлик ҳисси ёрқин намоён бўлади.

Ёқубжон
ХЎЖАМБЕРДИЕВ

ҚАЛДИРҒОЧЛАР БАҲОРДА КЕЛАДИ

Ҳужжатли қисса[1]

"Бошқирдлар ҳам ажойиб халқ бўлади-да..." деб ўйларкан, Муродхон Собировнинг хаёлидан ўшлик қариндоши Саидолимхон аканинг бир пайтлар айтган ривояти кечди: "Бошқирдларнинг умри курашларда кечган. Чор армиясининг жасур аскарлари ҳам бошқирдлардан бўлган. Туякашлик қилиб Қашғарга қатнаганимда бир бошқирд билан танишиб қолган эдим. Ўша одам бошқирдларнинг ичида диндор олимлар кўплигини айтиб, бир воқеани ҳикоя қилган. Айтишларича, бошқирдларнинг бир донишмандлари ўтган. Ўша донишманд отасининг тасаввуфга муносабати ҳақида шундай деган экан: "...Отам сафардан қайтиши биланоқ "Фазканга борайлик", деди. Бу Фазкан Алағоянбоши қишлоғидаги Қочқинбойлардан бири эди. "Фазкан" эҳтимол, Файзуллоҳ ёки Фозил Хон дегани бўлса керак. У сўфий, машраб, ринд, жўмард эр киши эди. Менинг отам Аҳмадшоҳ шайхликни олса (яъни шайхлик даражасига етса), биринчи мурид мен бўламан, дер экан. Шу йили Шайх Зайнуллоҳ отамга шайхлик рутбасини берибди. Отам унинг ёзма ижозатномасини ҳам олган. Аммо отам айтдики: "Замонамиз тасаввуф замони эмас, у пайтлар ўтиб кетди. Эшон (шайх) бергач, олдим. Аммо ҳеч кимни мурид қилмайман, фақатгина Фазканни оламан, чунки унга сўз берганман", деди. Фазкан ўзига тўқ киши бўлиб, Муллакай ҳазратнинг шогирди эди. Форсча, бироз арабча биларди. Биздан эҳтимол, юз чақирим узоқда турарди. Уникига бордик. Отамнинг отдан тушишига ёрдамлашиш учун олдига келдим. Уй томондан тарақа-туруқ овоз, турли шовқинлар келиб турибди, аммо одам кўринмас эди. Ниҳоят, бир киши келди. Бу Фазканнинг ўзи бўлиб, маст эди. Отамнинг узангисини тутди. Уни отдан туширди ва уйига олиб кирди. Уйдан аччиқ асал ҳиди келарди. Жуда аччиқ эди бу ҳид. Отам: "Ҳа, чўчқа, ичибсизлар-да", деди. Ҳақиқатан ҳам улар базм қилишган эди. Фазкан: "Қўноқлар (яъни меҳмонлар) сен келганингни эшитиб, кўрагаларни (яъни асал идишлар) ўрундуқ остига яшириб, ўзлари деразадан қочдилар", деди. Бироздан сўнг аср намозини ўқидик. Фазкан қаттиқ йиғлади. Отам билан Фазкан яссавийчилар севадиган "Сўфий нақш ўлдинг, вале ҳаргиз мусулмон бўлмадинг" нашидасини (қўшиғини), Муллагулнинг "Масти саломат мекунад, пинҳон паёмат мекунад" нашидасини бирга ўқиб жўшдилар. Асли Шамс Табризийга оид бу телба қилувчи шеърларнинг маъноси шу эди: "Бир маст сенга салом бермоқда; Сен йўқдан бор, бордан йўқ қилишни биласан, мастнинг саломини тингла; бу шундай бир мастки, икки қўли ҳам сенинг қопқонингга тушган. Сен ҳар дудоқнинг тоти, ҳар масҳабнинг қибласисан, кўкдаги ой ҳар кеча сенинг уйингда қўриқчилик қилади; (Бу маъмуқ) бир боқсанг сенга қанот – учасан, бир боқсанг кеманинг темиридир – қимир этолмайсан; бир лаҳза сенинг тонгинг, бошқа лаҳзада сенинг қоронғи кечангдир. У сени бир лаҳза титратади, бир лаҳза қах-қах кулдиради, бир боқсанг сени маст қилар, яна бир боқсанг сени

[1] Охири. Бошланиши ўтган сонда.

жонсиз айва, тошга айлантирибди. Ҳечқиси йўқ, тан бўлолмасам, жон бўламан, гавҳар бўлолмасам, гавҳарларнинг кони бўламан; эй кўнгил, шуҳратинг фано бўлишидан асло чўчима, бу орқали яхши шуҳрат топасан". Уларнинг мана шундай сўфий жазавасига тушиб дунёни унутишларидан ичим сиқилди. Отамни бу телбанамо ҳаракатлардан қайтариш учун: "Ота, отларга сув берайми", дедим. Бер, деди, мендан хурсанд бўлди: "Аҳмад бизни уйғотди, у ҳушёр, жазавага тушиш жоиз эмас, мен тасаввуфни ва шеърларини севаман, аммо сўфийликни хушламайман. Энди турайлик", деди. Шундай қилиб, ўша куни отам Фазканни муридликка қабул қилди.

Отам бир сафар бошқа қишлоқдаги дўстиникига борган эди. Мен Фазканларникида бир ҳафтача қолдим. Фазкан бир куни ёзнинг иссиғида пичан йиғиб, ҳорибчарчаб уйига келди. "Аср намозини ўқидингизми?" – деб ундан сўрадим. "Асрни нима қиламан, иш бўлса, уни яйловга берасан тамом. Оллоҳ кутади, аммо пичан кутиб турмайди. Намознинг қазоси бор, аммо пичаннинг қазоси йўқ, буни яхши биламан", – деб қўшиб қўйди.

Отам ягона мурид қилиб олган Фазканнинг бундай куфр сўзларидан хабардор эди. "Фазкан олд тишларини землемер (рус зироат муҳандиси) билан уришганда йўқотган, ҳаёти давомида мусулмонларга фақат яхшилик қилади. Оллоҳ унинг ора-сира айтган куфрларини кечиради. У менинг замондошим бўлган энг самимий мусулмондир, у Оллоҳ севган бандалардан биридир", деди. Отамнинг сўфийлик ва мусулмонликка қараши мана шундай эди. Отам: "Шайх бўлганимнинг ягона фойдаси Фазканни ичкиликдан қайтариш бўлди", деб қаҳ-қаҳ отиб куларди. Отамнинг қаҳ-қаҳлари жуда ҳам кучли эди".

– Мазкур ривоятни менга ҳам кўп марта айтиб берган, – деб эслайди Давронбек отасини. – Яна шуни ҳам айтганки: "Кейин билсам, бу ривоят эмас, ҳақиқат экан. Бир куни Ирисга айтиб эдим, у: "Э, Муродхон, бу ривоят эмас, ҳақиқат. Бу ҳикоя бизнинг бошқирдлардан чиққан улуғ инсон, ўша пайтда нақ Ленинниинг ўзи билан бирга ишлаган Аҳмад Заки Валидий деган олимнинг айтганларидир. У киши ҳозирда чет элда яшайди, деб эшитаман. Яна қайдам. Ке, қўй, сиёсатга аралашмайлик..." деган экан.

Ҳа, ўша даврларда сиёсатга аралашиб бўлмас эди. Бунинг жабрини Муродхон Собиров ўз танасида синаб кўрган. У ўша кунгача шаҳарга чиқмаган эди. Бирга ўқиган курсдоши Қаландарнинг отаси баҳона Ирис билан шаҳарга чиқди. Маълум бўлишича, уларнинг билим юрти жойлашган Мари шаҳри каттагина экан. Бу ерда ҳарбийлар кўп эди. Қаёққа қарама, аскар кийимидаги одамлар. Ирис шаҳарга кўп чиққани учун шаҳарни яхши биларкан. Сабзавотчи айтган госпиталга дарров етиб боришди. Госпиталнинг тўғрисидан ўнгга бурилишиб, қаршидан келаётган бир мўйсафиддан "Оллоберган отанинг уйи қайси?" деб сўрашган эди, ҳў анови қийшиқ дарвоза, деб кўрсатиб қўйди.

Икки дўст дарвозани тақиллатишган эди, уни ёш ўғил бола очди. Отанг уйдами? деган даъватга бола:

– Отам урушда. Уйда бобом бор, – деб жавоб берди. Кейин "киринглар" деб йўл бошлади. Кирган жойлари чоғроқ ҳовли эди. Афтидан, ҳукумат қурган уйларга ўхшайди. Олди пастак айвон, ичкарида иккита ё учта хона. Бола йигитларни ёндаги хонага бошлади. Хонанинг тўрида соқоли туркманча кузакланган бир чол тасбеҳ ўгириб ўтирар эди.

– Келинглар, чироқларим. Ўтиринглар, – деб ёнидан жой кўрсатди чол. – Яхши юрибсизларми? Хизматлар жойидами? Қаландардан бирон хабар олиб келдингми?

Бобо кирганларга ҳадиксираб қаради. Кўнгли алланечук бўлиб кетди... Ота-да. Олам жаҳонда уруш бўляпти. Наҳот ўғли... йўқ. Бу йигитлар кўринишидан шу ерлик ҳарбийларга ўхшайди.

– Ўғлингиздан хат келиб турибдими, соғми, шуни билайлик, деб келдик, – деди Муродхон Собиров отанинг авзойи ўзгарганини сезиб.

– Ҳа, шундай демайсанми? – деди ота кўнгли жойига тушиб. – Сизларни кўриб, ичимдан ич қиринди ўтиб кетди. Ўғлимни ўйладим... Ахир у қон кечиб юрибди-да... Кел, ўтиринглар. Қайдасан, Назора? Чой қўй, дастурхон ёз. Қаландарни қайдан биласан?

– Қаландар билан Тошкентда бирга ўқиганмиз. Тарихни яхши билар эди. Қачон қарасанг Массон, Жуковский, Вяткин деган олимларнинг асарларини ўқиб юрарди, – деди чолга жилмайиб Муродхон Собиров. – Марв тарихи ҳақида асар ёзаман дер эди.

– Қаландар ўқишдан қайтгандан сўнг бир гуруҳ тузиб Марвни ўрганмоқчи бўлди, – деди ота мунғайиб. – Аммо бунинг учун катта маблағ керак бўлар эди. Маблағ эса йўқ. Бу ёқда тирикчилик гезариб турибди. Шуйтиб, мактабда ўқитувчилик қилди. Маорифга ишга ўтди. Бу йил баҳорда бўлса урушга олиб кетди-қўйди. Марв ҳам қолди, тирикчилик ҳам... Аммо унда-мунда Марв ҳақида ёзганлари бор. Назо, бояги акангни ёзганларини манови биродарларига кўрсат!

Шу пайт бир қиз дастурхон кўтариб кирди. Унга иккита чурек ўралган эди. Ирис чурекни чеккасидан ушатди. Бироз ўтиб Назора чойнак-пиёла ва қалин дафтарни кўтариб кирди. Ирис чой қуйди. Муродхон Собиров эса дафтар варақлади. Дафтарнинг биринчи саҳифасига "Қадимий Марв" деб сарлавҳа қўйилган эди.

ҚАДИМИЙ МАРВ

Марв шаҳри Ўрта Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири саналади. Шаҳарнинг номи ҳатто "Авесто"да ҳам келтирилади. Оташпарастликнинг бош китоби бўлган ушбу асарда шаҳар номи Мауру дейилган. Суғдиёна, қадимги суғд мамлакати жанубидаги Бактрия билан шимолдаги скифлар ўртасида жойлашган бўлиб, Марказий Осиёнинг уриб турган юраги ҳисобланади. Биз яшаб турган Туркманистоннинг Мари, Марв, Байрамали, Иолотан шаҳари ва бошқа қум-саҳроларидаги аҳоли ҳам суғдлар бўлишган. Суғдлар ўз мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қиладиган, юксак маданият яратган эрксевар кишилар бўлишган.

Суғд ва суғдийлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар зардуштийларнинг муқаддас китоби "Авесто"да учрайди. Александр Македонскийнинг Суғдиёнадаги Ўксус – Амударёдан Тананс – Сирдарёгача чўзилган ҳарбий юришларини мадҳ этган тарихчилар Суғдиёна ҳақида кўпгина маълумотлар беришади. Жумладан, тарихларда Марв ҳақида шундай дейилади: "Ровийлар бу шаҳарни Искандар Зулқарнайн барпо этган дейдилар. Эҳтимол. Ҳар қалай, у қадим ва муборак қасабалардан саналади. Ёки бошқа бир китобда: "Агар Самарқанд мадинат-ат тужжор, Бухоро мадинат-ул ислом бўлса, Марвни маданият-ул фузало дерлар. Марвнинг ҳикмат тўла кутубхоналарида юзлаб илми донишлар тарбияланган. Маъмун ибн Хорун ар-Рашид даврида Марвда Бағдод академиясининг асосини ташкил этган марвазийлар мактаби ташкил топади. Мари шаҳри қадимги Марвнинг деярли ҳудудида пайдо бўлган. Россия империяси Туркманистонни босиб олгач, бу шаҳарни Марв округининг ҳарбий-маъмурий маркази сифатида 1884 йилда барпо этган. Маридан ўттиз чақирим нарида эса қадимий Марвнинг харобалари ястаниб ётади. Қадимда Марв беш қалъадан иборат бўлган: Эрк қалъаси, Габр қалъаси, Султон қалъаси, Абдуллахон қалъаси, Байрамалихон қалъаси. Марв харобаларида XIX асрнинг 80-йилларида Валентин Алексеевич Жуковский, XX асрнинг 1946 йилида эса Михаил Евгеньевич Массон раҳбарлигида археологик қазишмалар олиб борилган. Марвнинг энг қадимий қисми Эрк қалъаси ҳисобланади. Бу қалъанинг ёшини олимлар милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг биринчи чорагидан мавжуд бўлган деб белгилашган. Ўрта асрлардаги Марвнинг равнақ топган даври XI–XII асрнинг

биринчи ярмига тўғри келади. Бу даврда у буюк салжуқийлар давлатининг пойтахти бўлган. Султон қалъа харобасида салжуқийларнинг улуғ подшоҳи Султон Санжарнинг мақбараси жойлашган. Энциклопедик маълумотларга кўра, XII аср охири ва XIII аср бошида Марв хоразмшоҳлар давлатининг йирик маркази ҳисобланган. 1222 йилда шаҳар мўғуллар томонидан вайрон қилинган. Кейинчалик шаҳар қисман бўлса-да қайта тикланиб, Шоҳрух Мирзо даврида анча равнақ топган. 1510–24 ва 1601–1747 йилларда Марв форслар қўл остида бўлган. Марв урушлари туфайли (1790 й.) шаҳар инқирозга юз тутган ва марказ ўттиз чақирим ғарбга, ҳозирги Мари шаҳрига кўчган. Мари Марвнинг христианча номи.

...Муродхон Собиров дўстининг қораламаларидан бошини кўтарганда вақт алламаҳал бўлиб қолган, Оллоҳберган чол пишиллаб ухлаб қолганди.

– Мени ҳам уйқу тортиб кетяпти, чойинг ҳам совиб қолди, ич, кейин турайлик, – деди Ирис дўстига қараб.

Улар ташқарига чиқишганда Назора кўйлакларини липпа қилиб кир юваётган экан. Йигитларни кўриб дарров кўйлакларини туширди. Бир оғиз ҳам сўз қотмасдан орқаларидан эшикни тамбалади...

Казармага етиб боришганда кечки овқат маҳали ўтган эди. Лейтенант-ку ҳар ҳолда алоҳида уйда туради. Бир нарса топиб егандир. Аммо Муродхон Собиров оч ётди. Уйқуси қочди. Дўсти Қаландарни ўйлади. У ёзган "Марв урушлари"ни кўз олдига келтирди. "Биз ўзи қандай халқмиз?" деган савол хаёлидан нари кетмади. Шундай қадимий шаҳарни инқирозга олиб келган ўзаро урушларни лаънатлади... "Бухоро амири Шоҳмурод, – деб ёзилган эди дўстининг қораламасида, – Марвни бўйсундириш учун қатор урушлар олиб борди. 1786 йилда Шоҳмуродхон Марв ҳокими Байрамалихонга қарши қўшин устига қўшин жўнатади. Биринчи ҳужум пайтида Байрамалихон ўлдирилиб, шаҳар атрофи таланади. Ўзаро келишилган шартга кўра Байрамалихоннинг ўғилларидан Муҳаммад Каримхон Марвга ҳоким этиб тайинланади. Аммо орадан узоқ вақт ўтмай, Муҳаммад Каримхон ҳокимиятдан четлаштирилиб, ўрнига акаси Хожа Муҳаммад Ҳусайн ўтқазилади. 1788 йили Шоҳмурод яна Марвга ҳужум қилиб, шаҳар ва унинг атрофини сув билан таъминлайдиган Султонбанд тўғонини (уни қўриқлаб турган қалъа бошлиғининг хоинлиги туфайли) эгаллаб, уни буздириб ташлайди. Марв сувсиз қолади. Шаҳарнинг теварак-атрофи қум-барханлардан иборат эканини инобатга олсак, ҳар томчи сувнинг бу ерларда қандай қимматга эга эканини ўзингиз билаверинг. Аммо шундай бўлишига қарамай, шаҳар аҳолиси дастлаб таслим бўлмайди. Сувсизлик тез орада ўзини намоён эта бошлайди. Аҳоли ўртасида очлик, қаҳатчилик авжига чиқади. Касаллар кўпаяди. Натижада шаҳар Шоҳмуродга таслим бўлади. Шунда Шоҳмурод Марвга беш минг кишилик қўшин киритиб, уларни ерлик аҳоли уйларига жойлаштиради. Шаҳардан эса ўттиз минг кишини Бухоро ва Самарқандга кўчиради. Марвни укалари Умарбий ва Фозилбийларга топширади. Султонбанд тўғони қайта тикланади. Ҳатто, Мурғобнинг қуйи оқимида Исломобод қалъаси ҳам қурилади. Бироқ, орадан вақт ўтиб Марв яна Шоҳмуродга бўйсунишдан бош тортади. Шоҳмурод 1790 йилда яна Марвга юриш қилади. Аммо шаҳарни қўлга ололмайди. Бундан алам қилган хон яна Султонбанд тўғонини буздириб, сув йўлини беркитиб қўяди... Ана шундай устма-уст урушлар натижасида асрлар мобайнида гуркираб келган шаҳар нари-бериси билан 20 йил орасида инқирозга юз тутади. Чўл-биёбонга айланади".

Гитлер қаергача бораркин, ўйлайди Муродхон Собиров. Москва остоналарида шафқатсиз жанглар бўлмоқда. Уруш уруш-да. Минглаб одамларнинг ёстиғи қуримоқда. Бизни қаерга ташлашаркин?.. Э, бор Худоё, золимнинг зулмидан ўзинг асра. Мана шундай муқаддас шаҳарда илм олишни насиб этдинг. Халқимизнинг

ўлмас тарихларини билишга, Марвдек улуғ шаҳар харобаларини зиёрат қилишга насиб этдинг, шукр ўзингга. Шукр ва яна шукр. Эрта бир кун улуғ жангга кираман. Юрагимни дадил қил. Душман қаршисида оёқларимни собит эт. Узоқдаги болаларимни, оиламни ва ўзимни ўзингга топширдим, Оллоҳ...

Муродхон Собиров мадраса кўрган одам эди. Оллоҳга таваллолар қилиб, ҳамду санолар, пайғамбаримиз саллолоҳу алайҳи вассаламга дуруду саловатлар йўллагандан сўнг ўзи севиб қироат қиладиган "Таборак" сурасини ичида ўқиди ва дуолар қилди...

Орадан икки йил ўтди. Имтиҳонлар тугаб, эрта-индин фронтга жўнаш вақти ҳам келди. Бу пайтга довур фронтда советларнинг фойдасига катта ўзгаришлар юз берди. Сталинград жангида қаҳрамон шаҳар қамалдан озод этилди... Ана шундай кунларнинг бирида Муродхон Собировни билим юрти штабига чақиришди.

– Мана ўқишни ҳам тугалладик, ўртоқ капитан, – деди билим юртининг бошлиғи полковник Аржаков. – Худо деган одам экансиз. Сафдошларингизнинг ҳаммаси фронтга жўнайди. Сизни эса Тошкентга юборамиз. Уларга ҳарбий журналист керак экан. Ҳужжатларингиз эрта тонгда тайёр бўлади. Поезд Байрамалидан кетади.

– Нима қиламан яшириб, ўғлим, – деган эди отам ана шу воқеани гапира туриб. – Полковникнинг қаршисида бир сўз айтишга мажолим келмади. Қаттиқ ҳаяжонландим. Бир зумга ўтган кунларим, золимнинг дастидан қочиб Оқбўрада музлаганларим, бошини кундага қўйиб, ҳаётимни сақлаб қолган дўстим Турсунбой, ота-онам, оилам кўз олдимдан ўтди, – деб айтиб берган эди ўшанда Давронбек. – Йўқ. Отам ўлимдан қўрқадиган одам эмасди. У доим: "Болам, бу ҳаётда қўрқиб, иккиланиб яшама, бир бошга бир ўлим, аммо шунчаки ўлиб кетсанг ҳам одамга алам қилади... Шуни унутма", – деб кўп айтар эди.

Муродхон Собиров Тошкентга келиб тўғри Туркистон ҳарбий округи штабига учради. Бу ерда уни штаб бошлиғи қабул қилиб, ҳозирнинг ўзида вокзалга бориши зарурлигини, у ерда махсус вагонда газета чиқариш учун барча ашёлар, жумладан, линотип машиналари юклаб қўйилганини, Андижонда чоп этиш кўзда тутилган "Қизил Туркистон" газетаси учун материаллар тайёрлаш бошлаб юборилганини, бу ишларни ҳозирда газета муҳарририятига масъул котиб этиб тайинланган фронтчи офицер бошқараётганини, ўзини эса мазкур газетага бош муҳаррир этиб тайинланганини маълум қилди.

– Вазифани тушунган бўлсангиз, сизга оқ йўл. Вагон бугун кечда Андижонга кетадиган поездга уланади, – деб хайрлашди штаб бошлиғи Муродхон Собиров билан.

Вагонни топиш қийин бўлмади. Чунки, унинг бир чеккасига катта ҳарфлар билан "Қизил Туркистон" газета редакцияси" деб ёзилган қоғоз ёпиштириб қўйилибди. Вагон иккига бўлинган эди. Биринчи бўлмада турли техника воситалари: ёзув машинкалари, линотип учун билакдек-билакдек қўрғошинлар ва газетага керакли бошқа ашёлар, ҳатто катта рулонли қоғозлар ҳам юкланган эди.

Муродхон Собиров иккинчи бўлманинг эшигини очиб ичкари кираркан, биринчи бўлиб ёзув столи ортида ўтирган барваста, оқ-сариқдан келган, столга тираб ўтирган қўллари, бармоқлари узун-узун, сочларига битта-яримта оқ оралаган, ҳарбий кийимдаги капитанга кўзи тушди. Зобит Муродхон Собировни ўрнидан туриб қаршилади. Кўришиш учун қўлини чўзар экан:

– Шароф Рашидов, "Қизил Туркистон" газетасининг масъул котиби, – деб ўзини таништирди.

Муродхон Собировнинг исмини эшитгач:

– Э, бормисиз, сизни бутун бир вагон бўлиб кутиб ўтирибмиз, – деди кулиб Шароф ака. – Боягина телефонограмма олдик. Собиров бугун келмаса, орқаларингдан боради, деб. Келганингиз яхши бўлди. Ишни бирга бошлайдиган бўлдик...

– Отам, Муродхон Собиров ўз хотираларида 1943 йили (қайси ойда экани номаълум) Андижонга бориб, кейинчалик Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган Шароф Рашидович Рашидов билан ҳамкорликда "Қизил Туркистон" газетасини чиқарганлари ҳақида кўп айтар эди. Газетанинг биринчи сони чиққандан кейин Москвадан кўрсатма бўлиб, газета ёпилган. "Қизил Туркистон" газетасининг мундарижаси, унда берилган мақолалар ҳақида, шунингдек, ягона сони чиққандан сўнг газетанинг ёпилиш сабаблари ҳақида отам ҳеч нима демаган, – деб эслайди Давронбек Собиров. – Баъзан ўйлаб қоламан. Нима сабабдан бу газета айнан Андижонда босилган? Мазкур босма нашр фронтдаги жангчиларга мўлжалланганми ёки фронт ортигами? Бу саволлар жумбоқлигича қолмоқда... Аммо, отам Шароф Рашидов раҳбарлигида Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришларни, бунёдкорлик ишларини доимий равишда кузатар, бунинг учун ҳар кунги "Ахборот" кўрсатувини канда қилмас эди. Баъзан: "Ана шу бирга ишлаган ўн кун давомида бу одамнинг катта ишларга қодирлигини ҳис қилганман. Аммо унинг ҳам дарди ичида кетди..." деб кўярди...

Дарвоқе, ўша 1943 йилда Андижонда чоп этилган "Қизил Туркистон" газетаси ҳақида Муродхон Собировнинг хотираларидан бошқа қўлимизда маълумот йўқ. Бу газетанинг нима мақсадда чоп этилиб, бир сони чиққандан сўнг ёпиб қўйилгани ҳақида ҳам ҳеч қандай ёзма далил-дастакни билмаймиз. Фақат тахмин қилиш мумкин. Бизнинг тахминимиз эса шундай: 1942 йилда Берлинда "Туркистон миллий бирлиги қўмитаси" иш бошлади. Мазкур қўмита "Миллий Туркистон", "Миллий адабиёт" журнали ва "Янги Туркистон" газетасини чоп эта бошлайди. Бу ҳақда маълумот берган Р.Шамсуддинов ва Ш.Каримовнинг "Ватан тарихи" (3-китоб, 368-бет) дарслигида шуларни ўқиймиз. "Миллий Туркистон" журналининг биринчи сони 1942 йил, 15 августда чиқади. Журнал "Бизнинг йўл" бош мақоласи билан эълон қилинди ва унга "Бизнинг йўл оталар йўлидир, мустақиллик йўлидир", деб баҳо берилган эди. Германия ҳукумати Миллий қўмитанинг бу сиёсий йўлини ўрганиб чиқиб, маъқуллади. Бу табиий эди, албатта. Чунки айни даврда Миллий қўмитанинг фаолияти Германия фойдасига ва Совет Иттифоқига қарши қаратилган эди. Миллий қўмитанинг баёноти бирон-бир даражада бўлса-да, Германиянинг мавқеига ҳеч қандай хавф туғдирмас эди".

Демак, ўша Иккинчи жаҳон урушининг айни қизиган палласида Туркистон мустақиллиги масаласи ҳам кўтарилган. Мана шундай пайтда шўроларнинг "жим" ўтириши албатта, мантиққа зид. Шўронинг ғоявий раҳномалари юқоридаги Миллий қўмитага ва унинг нашрларига муқобил газета чиқаришга қарор қилишган ва ана шу ниятда "Қизил Туркистон" газетаси чоп этилган бўлса, эҳтимол. Аммо, унинг бир сонини чиқариб, кейин ёпиб қўйилиши сабаблари номаълум. Нима бўлганда ҳам газетанинг асосий ходимлари – бош муҳаррир ва масъул котиб ўзбеклардан эди... Балки Москва "Уруш ҳамма нарсанинг баҳридан ўтади" деган мақолга биноан қанча маблағ, меҳнат сарфланиб чоп этилган газетанинг шунчаки баҳридан ўтгандир. Бу бизга қоронғи. Биз учун бошқа нарса – икки забардаст журналист – Муродхон Собиров билан Шароф Рашидовнинг бир ҳафта-ўн кун бўлсада, ҳамкорликда ишлашгани, учрашгани кўпроқ диққатга сазовор. Чунки ҳар иккала журналистни ҳам келажакда ўз йўллари, ўз тақдирлари кутмоқда эди...

– Шароф Рашидовнинг минбарга чиқиб сўзлаган пайтларини телевизор орқали кўп кузатдим, деган эди бир куни отам, – дейди биз билан суҳбатда Давронбек. – Бу одамга қараб туриб ҳар сафар "Шароф бахтиёрмикан?" – деган фикр кўнглимдан кечар эди. Балки, унинг ҳам бахтиёр дамлари бўлгандир. Аммо аслида унинг ҳаётида бахт кам эди. Буни мунг тўла кўзлари англатиб турар эди. Барча кўнглида эътиқоди бор одамлар каби унинг ҳам бахтига чечак чиққан эди. Ахир, миллий зулм ҳукмрон

бўлган тузумда бахтиёр бўлиш мумкинми? – Отам шундай деб тамбаланган эшикни қаттиқроқ тортиб келиб жойига ўтирар ва узоқ сукутга кетарди. – Сен мени нима билан хурсанд қилмоқчисан? – деб туйқусдан гапириб қоларди. – Янги лавозиминг ҳам, олган машинанг ҳам ўзингга буюрсин. Мен бир Хайём кайфиятидаги одамман. Кўп нарса керак эмас. Биласан-а, тиригимда хурсанд қилиб қол..."

Яна Шароф Рашидов ҳақида шуларни айтган эди: "У – улуғ одам. Ўзбекистон учун кўп ишлар қилди. Биттагина метро қурилишини айт. Бундай улкан қурилишни бошлашга Москвани кўндиришнинг ўзи бўлмайди. Ҳа, унинг қўлида катта кузири бор эди. Бу пахта билан тилла. Аммо тиллага тиши ўтмасди. Пахта билан эса бутун мамлакатни таъминлади. Буни қара, энди худди ана шу пахта толаси Шарофнинг бўйнини занжир бўлиб сиқди... Эй, нодонлар! Ўзбекистон Москвага пахта бермаса, Москва унга метро қурилиши у ёқда турсин, бир бурда нон ҳам бермайди... Бу тузум ана шундай қаттиққўл тузум эди. Охири нима бўлди? Нима эмиш, барчани Шароф Рашидов сеҳрлаб қўйган эмиш. Бўлмағур гап ҳаммаси. Шароф Рашидов қафасдаги арслон эди... У ўз ажали келмай қазо қилди. Уни ичидаги руҳий дард, пахта деб тупроққа қоришиб ётган ўзбек халқининг аҳволи, ғам-андуҳи олиб кетди. Яна қайдам. Менинг Шароф Рашидов билан ўн кунгина бирга бўлиб, унинг табиатидан билганларим шу..."

7

"Қизил Туркистон" ёпилгач, Муродхон Собиров фронтга жўнатилади.

У урушга 1943 йил кузида киради. 3-Украина фронтининг 147-ўқчи полкида рота командири сифатида жанг қилади. Днепр дарёсини кечиб ўтишдаги жангларда қатнашади.

– Отам Днепр дарёси соҳилига ин қуриб олган душманни олти кун тозалаганмиз. Мана шу олти кун ичида менинг ротам олти марта алмашган. Дарё қип-қизил қонга ўхшаб оққан, – деб айтиб берган эди, – дейди Давронбек биз билан суҳбатда. – Гап шундаки, разведка яхши ишламагани сабабли, душманнинг турган жойини аниқлаб бўлмаган. Аслида, немислар ўзининг ўт очиш истеҳкомини шундай дарёнинг лабига жойлаштирган. Разведка эса бу чизиқни дарёдан анча нарида деб кўрсатади. Натижада совет тўпчиларининг снарядлари душман истеҳкомини эмас, балки қуруқ жойни бомбардимон қилаверган. Артиллерия тайёргарлиги тугагач, пиёдаларни дарёдан сузиб ўтишга ташлашган. Снарядларни устиларидан ўтказиб юборган немислар эса ўзларига қараб сузиб келаётган жангчиларни бемалол қираверган. Шундан дарё қон бўлиб оққан...

Украинани немис-фашистлардан озод қилиш учун Днепр дарёсидан кечиб ўтиш керак эди. Бу ҳақда Иккинчи жаҳон урушининг қаҳрамонларидан бири, Совет Иттифоқи маршали Г.К.Жуков ўз хотираларида шундай ёзади: "Днепр душманга ёриб ўтиш қийин бўлган мудофаа имкониятини берган. Шу боис ҳам гитлерчилар бизнинг армиямизни худди ана шу табиий тўсиқ олдида тўхтатиб қоламиз, деб қаттиқ ишонган эдилар.

...6 сентябрда (1943 йил – Ё.Х.) Олий Бош Қўмондонликдан кўрсатма келди. Унда ҳаракатларини мувофиқлаштириш менинг зиммамда бўлган фронтларга Днепрнинг ўрта оқимига чиқиш ва у ердаги душман истеҳкомларини эгаллаш учун ҳужумни давом эттириш вазифаси қўйилган эди. Н. Ф. Ватутин қўмондонлик қилаётган Воронеж фронти Ромна – Прилуки – Киевга зарба бериши кўзда тутилганди. И. С. Конев қўмондонлигидаги Степной фронт Полтава – Кременчуг йўналиши бўйлаб ҳужумга ўтиши керак эди.

...Днепрни кечиб ўтишга чоғланган қўшин катта матонат ва қаҳрамонлик кўрсатди. Айтилгандек, дарёга яқинлашаркан улар тўхтамасдан олға интилдилар. Ясама кўприк ва бошқа оғир техника воситаларини кутмаёқ, ҳарбий қисмлар

қўлига нима тушса ўшанда – ясама соллар, тўсин ёғочларга осилиб ёки балиқ тутадиган қайиқ ва катерларга тушиб Днепрни кечиб ўтишган эдилар.

...Аёвсиз жанглар натижасида 3-Украина фронти қўшинлари томонидан душманнинг Запорожье йўналишидаги истеҳкомлари йўқ қилинди. Бизнинг жангчиларимиз Днепропетровск шаҳрини озод қилишди".

Муродхон Собиров мана шундай қонли жангларда бир неча марта яралар бўлади, аммо сафдан чиқмайди. Жанглар орасидаги танаффус пайтларида болаларини, рафиқаси Мухтабархонни эслайди... Уларни кўрмаганига ҳам беш йилдан ошди... Хаёлидан отаси Собирхўжа, бобоси Зайнобиддин тўксоба кечди. Ў, тақдир! Буни қарангки, уларнинг ҳаётлари ҳам жангу жадалда ўтибди...

Зайнобиддин тўксоба ўз даврида хоннинг хизматида бўлган. Тўксобалик мартабасини – ҳарбий унвонини олган. Қадим Туркистон ҳудудларида Чор Россияси армияси билан бўлган жангларда яралар бўлиб вафот этган...

– Ўшанда саккизинчи синфда ўқирдик, – дейди Давронбек. – Бир куни отам шундай деб қолди: Қўрғонтепада Гуручмозор деган станция бор. Бу станция шу жойнинг номи билан аталади. Биласанми, нима учун у жойни Гуручмозор дейишади?

Менинг бу саволга жавобимни эшитмаёқ, отам ўрнидан туриб эшикни маҳкам тамбалаб келиб, гапини давом эттирди.

– Бу воқеани менга отам Собирхўжа гапириб берган. Жуда мулойим, дароз одам эди. Тўқай деган жойимиз бўларди, ўша ерда деҳқончилик билан шуғулланган. Бу гапларни бировга айтма, лекин ўзинг билишинг керак. Туркистон катта бир мамлакат бўлган. Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб Чор Россияси худди пашмакни бир учидан синдириб егандай, мана шу Туркистон давлатини бир чеккадан синдириб, босиб кела бошлади. Аввал қозоқ ерларини эгаллади. Секин-аста Туркистон, Чимкент, Тошкент, Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Хива, э, қўйки, асрнинг адоғига келиб бутун бир мамлакатни ўзига тобе қилиб олди. Бир катта уламо айтганидек, "Афсуски, биз яқин ўтмишимизда ҳам иттифоқсизлик сабабли ўз давлатимиздан ажрадик. 1840 йиллардан бошлаб руслар Ўрта Осиёни истило қила бошладилар. Бу ерда учта хонлик бор эди: Бухоро амирлиги, Хўқанд ва Хива хонликлари. Оврупода илм-маданият тараққий қилиб, бутун инсоният оламига уйғониш ёғдусини соча бошлаган бу даврда хонликлар хурофот ботқоғига ботиб, жоҳилиятнинг ниҳоятига етган эдилар. Не қобилиятлик Ватан ўғлонлари ўзларининг азиз умрларини Бухоронинг қадимги эски мадрасаларида арабий, форсий тилларни ўрганиш билангина ўтказдилар... Аскарий тартиб шу эски усулда бўлиб, низомий тартиб киргизилмаган ва замонавий қуроллар йўқ эди. Энг афсусланарли жойи, бу хонликлар душманга қарши бирлашиш ўрнига доимо ўзаро низо ва қон тўкишлар билан шуғулланиб келдилар. Бундай онгсиз ҳукуматнинг инқироз бўлиши табиийдир. Булар Ватан ва миллат олдида энг кечирилмас жиноятчи одамлар, чунки давлатларини инқирозга, миллатларини қулликка, Ватанларини хорликка олиб келдилар".

Бироқ, бу дегани душманга ҳеч ким қаршилик кўрсатмади, дегани эмас. Туркистонда Чор Россияси қўшинларига қарши курашган қаҳрамонлар ҳам, шўроларнинг қизил армиясига қарши қурол кўтарган миллий озодлик ҳаракатининг ватанпарварлари бор эди. Гарчи хонлар ва зодагонлар бир чеккада қараб туришган бўлишсада, оддий халқ ўзининг ичидан ботирларини сайлаб душманга қарши ташлаган.

Гуручмозор воқеаси ана шундай қаҳрамонликларнинг биттаси, холос.

Чор армияси Фарғона водийси сари босқинчилик юриши қилиб, Фарғона, Андижонни эгаллаб олган пайтлар экан. Бу тахминан 1867–68 йилларга тўғри келади. Отам бироз қартайиб, хон хизматидан бўшаган замонлар. Русларнинг бостириб келаётгани ҳақидаги шов-шувлар Ўшга ҳам етиб келади. Оркаворатдан кел-

ган гапларга қараганда, ўрислар Андижонни босиб олибди. Энди навбат Ўшга келибди. Одамлар бу гап-сўзлар ҳақида кўркинч ва ҳаяжон билан гапиришар эди. Шунда Ўшнинг оқсоқоллари тўпланиб, душманга қарши чиқишимиз керак, деган қарорга келишибди. Тўпланажак жангчиларга ким раҳбарлик қилади, деган масала кўндаланг бўлиб, биров уни дебди, бошқаси буни. Оқсоқоллардан бири туриб: "Бу ишга кўпни кўрган, жангларда иштирок этган, ҳарбий ишлардан хабардор бўлган бир одамни биламан, у хўжагузарлик Зайнобиддин тўқсобадир, дебди. Бу одам узоқ йиллар хонга хизмат қилган. Кўп жангларда қатнашган. Ўша одамни қўмондон қилиб тайинлаш зарур", деган таклифни айтибди. Оқсоқолларнинг вакили Хўжагузарга борганида Зайнобиддин тўқсоба – ўша пайтда ёши олтмишлардан ошиб қолган кекса сарбоз ташқаридаги сўрида қиличини қайраб ўтирган экан. Ўрисларнинг Ўшга томон босиб келиши эҳтимолини бу одам аллақачон эшитган ва шунга қарши тайёргарлигини ҳам кўриб қўйибди. Ўзи бир эски кулбада болачақаси билан сиқилиб ўтирса ҳам саман отини катта отхонада сақларкан. Оиласи доғ сув билан талқон еса ҳам отининг ҳар кунги емини бадастир қилиб қўяркан.

Зайнобиддин тўқсоба Ўш шаҳри оқсоқолларининг таклифини ҳеч иккиланмай қабул қилади ва зудлик билан мажлисга етиб келади.

Шундай қилиб ёвга қарши курашга Ўш шаҳри ва унинг теварак-атрофидан ўзбек, қирғиз, татар, тожик – ўнг минг жангчи йиғилади. Уларнинг асосий қисми ўзбеклардан иборат эди. Қурол-аслаҳа беш-ўнта пилта милтиқ, қолганлари ўроқ, теша, найза, қиличдан иборат. Зайнобиддин тўқсоба пилта милтиқларни энг мерган, тийра кўз одамларга тарқатади. Уларни бир сафга тизиб, кетидан барваста қиличбозларни қўяди. Отлиқдан кўра пиёда кўп эди. Ана шу тариқа маълум тайёргарликларни кўришгач, Андижондан хабар кутишади. Ўша пайтда тўқсоба оқсоқолларга бир таклифни айтади: "Агар биз душманни шаҳарга яқин жойда кутиб олсак, шаҳар ва унинг атрофи катта талофат кўриши мумкин. Андижонга ўзимиз бостириб боришга эса тартибли жангчиларимиз, ўрисга бас келадиган курол-яроғимиз йўқ. Биз жангни ҳимоя билан бошлаб, жангнинг раддоматига қараб ҳаракат қила оламиз, холос. Шунинг учун душманни Ўш шаҳридан анча олисда, балки, Андижонга яқин жойларда кутиб олсак, шаҳримиз ва унинг атрофи озроқ талофат кўради. Ахир, русларда янги русумдаги милтиқлардан ташқари, уларнинг от етаклайдиган тўплари ҳам бор. Жуда ҳушёр бўлишимиз керак".

Оқсоқоллар мажлиси тўқсобанинг сўзларини маъқул топишиб, жангни олиб боришдаги бутун қўмондонликни унга топширишади. "Халқ лашкарини сенга, сени эса Худога топширдик", деб дуо қилишади.

Шу орада Андижондан "Ўрислар Ўшга Ойимқишлоқ орқали келаётгани" ҳақида хабар келади. Зайнобиддин тўқсоба ҳам зудлик билан лашкарни йўлга чиқишга фотиҳа беради. Мақсади душманни Ойимқишлоқ атрофларида кутиб олиш эди. Аммо бунга улгурмайди. Тўқсоба бошчилигидаги халқ лашкари Қўрғонтепадан ўтганда душманнинг қораси кўриниб қолади. Ўрис лашкарининг ҳаммаси отлиқ бўлиб, елкаларида бешотар милтиқлар, милтиқларнинг учида эса пичоқ (штик – Ё.Х.) ўрнатилган эди. Бу лашкар тартибли низом остида бўлиб, тўрт бурчак, тўрт бурчак шаклида ҳаракат қиларди. Ҳар бир гуруҳнинг ортида от қўшилган тўплар...

Тўқсоба душман ҳақидаги маълумотни эшитиши биланоқ халқ лашкарини тепаликлар, бутазор ва қамишзорларга яширинишга буюради. Агар дангал чиқиб боришса, душман тўпларини ишга солиб, ҳали жангга кирмаёқ уларни маҳв этиши мумкинлигини биларди. Шу тариқа халқ лашкари душман овози етадиган

жойгача келиб, кўринмагунча писиб ётди. Тўксоба бутун лашкарга ўзим хитоб қилмагунимча, жойингиздан жилмайсиз, деган кўрсатма беради.

Ана бир ёш рус аскари отини ўйнатиб келмоқда. Унинг эгнидаги кийимлари япянги. Тугмалари, елкаларидаги погонлари қуёшда ялтиллаб кўзни олади. От-чи, от! "Бу отлар ўрисларда қаердан ҳам бўлсин. Ўзимизнинг қорабайирлар-ку!" Тўксобанинг бақириб юборишига оз қолди. У душманни ўткир кўзлари билан кузатиб турар экан: "Яна, яна" деб қўярди. Шунда бирдан отига минди-ю, "Оллоҳу акбар" деб хитоб қилди. Бу овоз бутун тепаликлар, бутазор, қамишзорлар бўйлаб қайта акс садо берди. Халқ лашкари кўзғалди. Ўрислар бу овозларни илгари эшитишмаган эдилар, гўё. "Оллоҳу акбар" деган хитобларнинг минглаб оғизлардан чиқиб жаранглаётганининг ўзиёқ ўрисларни таҳликага солиб қўйди. Ўзлари томон ўқ отиб, қилич сермаб келаётган салла ўраган, қалпоқ кийган, энгил-бошлари юпун одамларни кўриб ортга тўпларининг панасига ўтишга ва тўпларидан ўт очишга уриндилар. Аммо улгуришмади. Халқ лашкарининг олдинги сафлари ўрис қўшинига ташланди. Орада қизғин, қонли жанг бошланди. Гарчи, мусулмонлар сон жиҳатдан кўп бўлишса-да, аммо ўрисларнинг қуроллари устун эди: бешотар милтиқнинг қаршисида пилта милтиқ, қилич, ўроқ, болта, теша нима бўлибди... Шунга қарамай, ўрислар етиб келган сайҳонликда жуда қаттиқ сўқиш қўпди. Ўрислар ватан ҳимоячиларини бешотарда отиб бўлиб, милтиқ учидаги пичоқ билан санчиб ўлдиришар эди... Халқ лашкари қанчалик фидойилик кўрсатмасин, қурол қаршисида ночор қоларди. Бу пайтга келиб, руслар мудофаа чизиғини ясашиб, сайҳонликда жанг қилаётган пиёда мусулмонларни битта-битта нишонга олар, халқ лашкари ҳам қўлида нима бўлса уриб, ўрисни отдан йиқитишга ва уни маҳв этишга уринарди. Бир неча соат фурсатда сайҳонлик ва унинг теварак-атрофи мусулмонлар ва ўрисларнинг ўлигига тўлиб кетди. Ниҳоят, халқнинг ғазаби устун келди. Қанчалик талофат кўришмасин, тўксоба аскарлари ўрисларни чекинишга мажбур қилди. Ўрислар Андижонга қайтиб кетишди. Сайҳонликда эса минглаб ўликлар қолди. Улар ерга сочилган гуручга ўхшарди: санаб саноғига етиб бўлмас эди. Бу жойнинг кейинчалик Гуручмозор деб ном олиши шундан. Зайнобиддин тўксоба ўша жангда ўрис милтиғини учидаги пичоқдан қаттиқ яраланади ва орадан уч ой ўтиб вафот этади...

Муродхон Собиров ғалабани Прага шаҳрида кутиб олди. Гитлер армияси расман таслим этилган бўлса-да, аммо совуқ уруш ҳамон давом этарди. Айниқса, иттифоқчиларнинг найранглари туфайли немис армиясининг қолдиқлари ундамунда бош кўтариб қоларди. Бундан ташқари Гитлернинг иттифоқчиси Япония Хитойга қарши урушни ҳали тўхтатмаган эди.

Бу борада маршал Жуковнинг хотиралари диққатга сазовор: "1945 йилнинг май ойи ўрталарида, – деб ёзади у ўзининг "Хотиралар ва ўйлар" китобида. – Олий қўмондон мени Москвага чақирди. Чақириқ сабаблари менга номаълум эди. Сўраш эса ноқулай, бундай одат ҳарбийларда йўқ. Мен тўғри бош штабга, А.И.Антонов ҳузурига йўл олдим ва ўша ерда ундан аниқлаганим шу бўлдики, Давлат Мудофаа Комитети ҳозирда АҚШ ва Англия олдидаги бизнинг янги мажбуриятларимиз – Совет Иттифоқининг Япония билан урушга кириши масаласини муҳокома қилаётган экан...

Алексей Иннокентьевич (Антонов – Ё.Х.) Бош штабнинг қўшинлар ва моддий воситаларни Узоқ Шарққа кўчириш ва уларни бўлажак фронтларга йўналтириш юзасидан ҳисоб-китоблар ҳақида маълумот берди. Бош штаб тахминига кўра Японияга қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлашга тайёргарлик кўриш учун уч ой атрофида вақт керак бўлади..."

Ана шу Узоқ Шарққа ташланган қўшинлар орасида Муродхон Собиров ҳам бор

эди. Ниҳоят, 1945 йил 9 августда СССР Японияга уруш эълон қилди. Қизил Армия кўшинлари Манчжурияга ёриб кирди. Японлар доғда қолди. 15 августда эса император Хирохито радио орқали Япониянинг расман таслим бўлганини тан олди. 1945 йил 2 сентябрда Иккинчи жаҳон уруши расман тугади.

Шундан кейин кучли давлатлар томонидан дунёни бўлиб олишга киришилди. Совет Иттифоқининг Японияни урушда таслим этиши Хитойни катта балодан сақлаб қолди. Ўша пайтда Хитой армияси Япон босқинчиларига қарши саккиз йил мобайнида курашди. Аммо фақат советларнинг ёрдамидагина урушни тугатишга муваффақ бўлди. "Сендан угина, мендан бугина", деган ибора қачон яралган экан! Унга минг лаънат! Совет-Хитой муносабатларида ҳам ўшандай бўлди: Чан Кайши (Хитойнинг ўша пайтдаги давлат раҳбари) ташқи Монголиянинг мустақиллигини тан олди. Совет ҳукумати Гоминдон маъмурияти (Чан Кайши бошчилигидаги) билан Шинжондаги уч вилоят вақтли ҳукумати – Алихонтўра Соғуний раҳбарлигида Шарқий Туркистон республикаси ўртасида музокара ўтказиш учун воситачилик қилишга тайёр эканини билдирди.

Аслида, бундай маккорликнинг сабаби бор эди. Гарчи, эълон қилинган Шарқий Туркистон республикаси миллий армияси қатор ғалабаларни қўлга киритиб, бутун Уйғуристонни озод этишга тайёр эса-да, аммо унинг тақдири Сталин томонидан ҳал этиб бўлинган эди.

Сўзимизга қайтайлик. Албатта, Муродхон Собировнинг юқоридаги найранглардан хабари йўқ бўлиши мумкин. Чунки, у солдат эди. Бир ротанинг командири эди, холос. Зотан, ғалабалар ҳам мағлубиятлар ҳам ана шундай "оддий солдатлар" қони эвазига келишини назарда тутсак, дунёнинг ишлари нақадар чалкаш эканига амин бўласиз. Кимдир қон тўкади, кимдир эса ҳукмронлик қилади. Ҳукмронларнинг бир ишораси билан бутун-бутун халқлар, элатлар ер билан яксон этилади. Қандай даҳшат! Муродхон Собиров ана шулар ҳақида ўйларкан, узоқ йиллар олдин тижорат билан бу ўлкаларга Қашқардан келиб қолган янги таниши Барот охуннинг бир ҳикоясини эслади. Бу жуда ҳам ғамгин ҳикоя эди. Бу пешонаси ярқирамаган бир элнинг парокандалик гирдобига кириб қолган тақдиридан бир оғиз сўз эди... Барот охун жуда пазанда одам экан. Муродхон Собиров билан унинг шериги кичик лейтенант Проскуряков уни бозорда учратиб қолишди. Тўғриси, зобитлар бу ерга тамадди қилиб олиш учун киришганди. Биринчи учраган одамлари Барот охун бўлди. У шундай карвонсаройга кираверишдаги йўлакка қасқонини қўйиб, мантн пишираётган экан. Муродхон Собиров манти қасқонни кўрди-ю, кўнгли суст кетди. Хотини Мухтабархон пиширган мантилар кўз олдидан ўтди. Барот охун ҳам русийзабонлардан бири ўзига миллатдош эканини дарров сезди-ю, қичқира бошлади:

– Кап қолинг, ширин манталарга!

Бу овозни эшитган Муродхон Собиров шеригининг қўлидан етаклади-да, Барот охуннинг каршисига қандай борганини билмай қолди. Шу-шу Муродхон Собиров Барот охуннинг олдига тез-тез келиб турди. Улар бир-бирларига шу даража ўрганиб кетишдики, бир гал Муродхон Собиров айтган пайтида келмай қолган эди, Барот охун уни Порт-Артур шаҳри кўчаларидан излаганини айтиб берди.

Барот охуннинг ҳикояси шундай бошланарди: "Қошғарда 12 йил ҳукм сурган 1270 (1805–1877 мелод. йил) тарихи ҳижрийда бутун Шарқий Туркистон ўлкасини Хитой босқинчилари қўлидан ажратиб олиб, уйғур турклари томонидан хон кўтарилган Ёқуббек оталиқ ўтди. Шундоқки, Уйғуристон – Олтишаҳардан Или ўлкасига аскарлик хизмати учун Хитой императори буйруғи билан мажбурий равишда кўчириб келтирилган уйғур-таранчилари хитойларнинг зулмига чидай ол-

май дўнган мусулмонлари билан бирлашган ҳолда, золимларга қарши кўзғолмиш эдилар. Охирида бирлашган мусулмонлар иттифоқлик шарофатидан золим Хитой аскарларини тор-мор келтириб, миллий ҳукуматларини қурмиш эдилар. Бу ёқдан Ёқуббек оталиқ Жанубий Олтишаҳарни Хитой босқинчиларидан тозалагач, Шимолий томондаи Жунғория маркази ҳисобланган Урумчи шаҳрини Иттифоққа келмаган, сулҳга унамаган жоҳил дўнғанлар билан урушиб, ғалаба қозонгандан кейингина қўлга келтирди. Сўнгра, шимолий томондан келиб, бутун Ғарбий Туркистонни босиб олган чор Русиясига қарши сиёсат қўллаб, Ғулжа ҳокими таранчи Қорасултонни бирлик – иттифоқликка ундаб, элчи юбормиш экан. Бу жоҳиллар бошлиғи ўзининг онгсизлигидан асосий мақсадни тушунмасдан, рад жавоби билан уларни қуруқ қайтаради. Йўқ эса, оталиқ талаби билан ўша вақтдаги Туркия султони Абдулазиз халифа томонидан юборилган олти нафар турк афандилари – уйғур, ўзбек ўғилларидан тузилган отлиқ аскарларни бутунлай янги интизом остига олмиш эдилар.

Халифа томонидан эса, оз-кўп уруш қуроллари ва аскар ясоқлари билан ҳарбий хизматларни йўлга қўйиб, тартибга солиш учун юқоридаги афандилар келмиш эдилар. Мана шулар орқалиқ отлиқ, оёқ аскарлар ва бошқа бутун ҳарбий ишлар турк аскарлари тартиблари бўйича тузилмиш эди. Шу сабабли ўзларидан қанча кўп – ортиқ қарши аскарларни енгиб, оз фурсат ичида Урумчи шаҳрини қўлга келтурдилар. У ердан ўтгач, Қунтубий, Сокжи, Монас, Шихуга яқинлашганларида бунга қарши шошилинч равишда Олмота губернатори қўмондасида чиққан Чор Русияси босқинчилари Ғулжани босиб оладилар. Шу билан қанча мусулмон қонлари бадалига янгигина қурилган давлат асосан иттифоқсизликдан руслар билан бир тўқнашишга ҳам ярамай заволга учрайди. Энди, эшитишимча, шу кунларда Ғулжада тўполон қўпиб, гоминдонга қарши исён кўтарилибди. Қўзғалонга андижонлик бир уламо бош бўлибди. Уни Алихонтўра Соғуний демишлар экан. Худодан тилагимиз шулки, мазкур ҳам русларнинг тазйиқига учрамаса эди. Худди ўзингиз кўрган япанларни қийратгандек, уларни ҳам тўзитиб юбормасайди...

Муродхон Собиров бу гаплардан хабардор эди. Чунки ҳарбий қисмда ўтказиладиган ҳар ҳафталик сиёсий машғулотларда зобитларга Хитой мулкида бўлиб турган сиёсий-жанговар воқеалар хусусида маълумот ҳам берилар эди. Аммо бу маълумотлар жуда умумий бўлиб, Барот охуннинг гапидек дангал эмасди. Муродхон Собиров орадан кўп йиллар ўтганидан сўнг қадрдони, қўқонлик машҳур уламо, домла Ҳиндистонийдан Алихонтўра Соғуний ҳақида эшитаркан, бир пайтлар Барот охун айтган воқеаларни кейинчалик ҳам эслайди.

Барот охуннинг ҳикояси Муродхон Собировни янада олис хотираларга етаклади. Унинг Зебохон исмли опалари бор эди. Зебохон ая ўқимишли аёл бўлиб, Қуръони Карим ва Ҳадис илмидан яхшигина хабардор бўлгани учун Ўшда Зебо отин, деб ном чиқарган эди. Тақдир қизиқ экан. Ўша опамнинг эри фин урушига кетиб, қорахат келди... Орадан бир-икки йил ўтгач, Ўшда истиқомат қиладиган Саидолимхон Маҳмудов деган одам Зебохон отинга уйланади".

– Биз у кишини "опоқдада" дер эдик, – дейди Давронбек Собиров биз билан суҳбатда. – Мен бу одам ҳақида эслаганим, дунёда шундай мард одамлар ўтганини сизга айтмоқчи эдим. Опоқдадам бу воқеаларни 60-йилларда у кишини кўргани Қуршобга борганимда айтиб берар эди.

"Мен, деган эди опоқдадам, 1910–16 йилларда бир карвонга ёлланиб туя етаклаб, Қашғарга қатнар эдим. 1916 йилда Ўшга қайтиб келиб, укам Зуҳриддинни кўрай, деб излаб топдим (Зуҳриддин амаки Имом ота даҳасида яшаган ва 1974 йилда оламдан ўтган). Укам билан ҳол-аҳвол сўрашиб юрагим увушди. Унинг ўта маъюс ўтирганини

кўриб, нима бўлди, деб сўрадим. Шунда укам "ака, ўзингизга аён, мен 5–6 йил бир бойнинг эшигида чоракор бўлиб ишлаб, орттирган пулимга шу 28 ёшга кирганимда уйландим. Тўй ўтганига ҳали бир ой ҳам бўлгани йўқ. Мана, бугун қоғоз чиқиб (повестка демоқчи) мени мардикорга олиб кетмоқчи", деб йиғлаб юборди.

Ўша йили Чор Россияси Биринчи жаҳон урушида ҳарбий иншоотлар ва ёрдамчи ишларни бажариш учун Ўрта Осиёдан 25–43 ёшгача бўлган 300 мингдан ортиқ эркакни мажбурий мардикорликка олган. Ўрта Осиёдан борганлар асосан Сибирь ўрмонларига қарағай кесиш учун сафарбар этилган.

Пойизингни юргизган,
Ўтхонаси билан дўнгалаги.
Двинскийга кетказган
Николай пошшо замбараги.

Мардикорликка олиш ҳақида халқ мана бундай қўшиқлар яратди: "Милдир-милдир сув оқар, сув тагида қум оқар, мардикорга кетганнинг онасини ким боқар"...

Укасининг аҳволини кўрган опоқдадам (яъни, Саидолимхон – Ё.Ҳ.): "Ука, қўрқма, хотининг билан бемалол яшайвер, қоғозингни эса менга бер, ўрнингга мен бораман. Кўриб турибсан, ҳалигача сўққабошман. Йиғлаб қоладиган болам йўқ", деб укасини хотиржам қилади. Шу тариқа Саидолимхон опоқдадамиз укасининг ўрнига мардикорга кетадилар. Бу энди нафақат жигарчилик, айни пайтда катта матонат эди. Ўйлайманки, Зуҳриддин амаки-ку, ўз укаси, агар унинг ўрнида шу аҳволга тушган бегона бўлганда ҳам Саидолимхон опоқдадамиз шундай қилган бўларди.

Янги борганларни қаҳратон қишда учиб бораётган қушлар музлайдиган Сибирь ўрмонларининг тўрида жойлашган Абакан шаҳри яқинидаги казармага жойлаштиришади. Мардикорлар ва бу ерга Россиянинг турли ўлкаларидан сургун қилинган маҳбуслар тонг саҳардан қора кечгача қарағай кесишади. Ўшандай оғир дамларда Саидолимхон сургунда юрган Пётр исмли рус йигити билан танишиб қолади. Пётр петроградлик бўлиб, инқилобчиларга қўшилгани учун қамалган. Унинг отаси Санкт-Петербургдаги Путилов заводида ишчи экан.

1917 йилнинг февралидаги инқилоб Чор Россияси подшосини тахтдан қулатди. Барча қамоқхоналар каби Саидолимхон турган казарманинг ҳам эшиклари ланг очилиб, маҳбуслару мардикорлар тўрт тарафга қоча бошлайди. Ўшанда опоқдадамиз ҳам Пётр билан Петроградга келади ва уларнинг уйида яшай бошлайди. Пётрнинг отаси бу икки йигитни ўзи ишлаган Путилов заводига мастер ёрдамчиси қилиб ишга жойлайди. Ўша йили Саидолимхон Пётрнинг синглисига уйланади. Кейинги, 1918 йили ўғиллик бўлади. Исмини Саидисломбек қўяди. Хотини ва ўғли билан Петроградда яшай бошлайди. Пётр эса уйлангач, бошқа вилоятга кўчиб кетади. 1935 йилда Саидисломбек Ленинград (ҳозирги Сантк-Петербург) давлат университети, немис тили факультетига ўқишга киради. 1938 йилда Саидолимхон опоқдадамизнинг аёли, Саидисломбекнинг онаси оғир хасталикдан сўнг вафот этади. Шундай қилиб, опоқдадамиз ўғли Саидисломбекни қайинсинглиси ихтиёрига қолдириб, ўзи киндик қони тўкилган ота юрти – Ўшга келади. Бир пайтлар Россиядан кўчирилиб, шу ерда қолиб кетган мужикларнинг қароргоҳи бўлган Қуршоб деган жойга келиб, бозорда ишлайди. Рус тилини яхши билгани ва одамлар билан хушмуомала, уларнинг яхши-ёмон кунларида доимо ҳамдард бўлиши аҳолида унга нисбатан меҳр уйғотди. Тез орада бозор аҳли опоқдадамизни бозоркомликка тавсия этишади. Ўша йили у бизнинг бувимиз, яъни отамнинг опаси Зебо отинга уйланиб, уни Қуршобга кўчириб келади. 1940 йилнинг ёзида Саидисломбек

Ленинград давлат университетини тамомлаб отасининг ёнига, Қуршобга келади. Ота ўғлини кўриб аранг таниди. Саидисломбек миқти, келишган йигит бўлибди. Аммо, бўйи онасига тортибди – ўрта бўй. Саидолимхон дадамиз эса дароз одам эди. Хуллас, Саидисломбек Мирзакадаги мактабда немис тилидан дарс бера бошлайди. Опоқдадамизнинг сўзларига кўра, кейинчалик, Саидисломбекнинг номи машҳур бўлиб кетади... Бу орада уруш бошланиб қолиб, Саидисломбекни ҳам армияга чақиришади. Немис тили бўйича мутахассис бўлгани учун уни махсус қўшинларга олишади. Ҳарбий разведка бошқармасида хизмат қилади..

Маълумки, Ленинград шаҳри душман томонидан 900 кун мобайнида қамал қилинган. Ленинград фронти жангчилари ҳам, шаҳар аҳолиси ҳам жуда катта қаҳрамонликлар кўрсатгани тарихдан маълум. Ана шу пайтда аҳолининг катта қисми Ўрта Осиёга кўчирилган эди. Саидисломбекнинг холаси ҳам эвакуация қилинганлар қаторида Қўқон шаҳрига келиб қолади. Саидисломбекнинг шахсий варақасида туғилган жойи Ленинград шаҳридаги холасининг манзили кўрсатилган эди. 1943 йилда ана шу манзилга "қорахат" келади. "Қорахат"ларнинг киши тасаввурига сиғмайдиган даражада "қобилияти" бўлганки, у охирги манзилгача етиб, керакли одамга нишини албатта урган. Саидисломбекдан келган "қорахат" ҳам манзилдан манзилга ўтиб, Қўқонга, ундан Қуршобга келади. Хатда "ўғлингиз бедарак йўқолди" дейилган эди. Зебо отиннинг сўзларига кўра, бу хатни Саидисломбекнинг холаси Қўқондан олиб келган. Хатни олган Саидолимхон икки кун мобайнида айвонда кўкрагини захга бериб, ўғлига аза тутади.

1960-йилларнинг ўрталарида кино экранларга "Йигирма олтинчиси отилмасин" деган фильм чиқади. Бу фильм ўзбекистонлик ёзувчи Борис Пармузин асари асосида суратга олинган бўлиб, унда Саидисломбек Маҳмудовнинг совет разведкачиси сифатида кўрсатган қаҳрамонликлари ҳикоя қилинади.

Шундай қилиб, опоқдадам то ҳаётининг охиригача Саидисломбекка чиқарилган нафақа ҳисобига ва керосин сотиб тирикчилик қилди. Уни қуршобликлар "керосинчи тоға" дейишар эди. Бу одам ўта покиза, ўзига талабчан, кўпни кўрган одам эди. Ўлимидан (1966 йил) кейин Саидисломбекнинг нафақаси боқувчисини йўқотган бувим Зебо отинга бериладиган бўлди. У 1987 йилда вафот этди.

Саидолимхон опоқдадамиз оиламиз учун бир иш қилдики, буткул авлод-аждолларимиз бу одамни ҳеч қачон унутмаймиз. Онам Мухтабархоннинг сўзларига кўра, уруш охирлаб қолган эди. Одамларнинг ҳаёти оғир, турмуш кечириш қийин бўлган йиллар. Бир куни опоқдадам оиламиздан хабар олгани Қуршобдан Ўшга келибдилар. Онам ва опа-акаларим отамни кўрмаганликларига 6–7 йил бўлган. У киши ўша 1938 йили кетганлари бўйича Ўшга келмаган. Орқаворатдан келган хат-хабарларга кўра, отамнинг ҳам урушга кетганидан хабардормиз, холос. Хуллас, ана шундай кунларнинг бирида Саидолимхон опоқдадамиз онамнинг аҳволидан хабар олгани келади. Қараса, онамнинг оёғидаги калиш йиртилиб, товонлари узилиб тушай, деб қолибди. Шунда опоқдадамиз ойимга бозордан битта калиш сотиб олиб келтириб: "Мухтабар, бундай юрма, мана буни кийиб ол. Ёғин-сочинда оёғингдан зах ўтиб, касал бўлиб қолмагин. Ҳали қиладиган ишинг кўп. Болаларни отасига соғ-омон топширишинг керак" деб насиҳат қилиб, Қуршобга жўнаб кетибди.

Онам бечора қўлидаги яп-янги калишни кўриб, кийишга кўзи қиймабди. "Ахир болаларимни қорни нонга тўймай турган бир пайтда, қандай қилиб янги калиш кияман. Буни сотиб, пулига бир неча кун болаларимни боқишим мумкин", деб ўйлабди. Шундай қилиб, онам калишни шундайлигича олиб бозорга борибди. Бир харидорга сотаётган пайтда қўшнимиз, милиционер йигит кўриб қолиб, чайқовчилик қиляпсан, деб онамни қамаб қўйибди. Онам йиғлаб, роса ялинибди:

"Сатторжон, ука, ўзингизнинг ҳам хабарингиз бор, кўриб юрибсиз, болаларимнинг қорни нонга тўймай ўтяпти. Бу матоҳни тоғам аҳволимни кўриб, йиртиқ калишни кийиб, соғлигинг кетмасин, деб олиб берган эди. Болаларимни ўйлаб уни кийишга кўзим қиймай, бозорга олиб чиқдим". Саттор милиционер бу гапларни инобатга олмай, уни судга бермоқчи бўлади. Шунда воқеадан хабар топган опоқдадамиз тезда Ўшга етиб келиб, ўша милиционерга учрайди. Жиянини қўйиб юборишини сўраб, илтимос қилади. Аммо Саттор милиционер – ҳеч қандай кўзёшлар, оҳ-воҳ эрита олмайдиган тош одам эди... Шунда опоқдадамиз "бу матоҳни жиянимга мен сотган эдим, мени қама", дейди. Опоқдадамни "Калишни мен сотганман", деган сўзи асосида унга жиноят иши очади. Онамни эса қўйиб юборади. Суд бўлади. Опоқдадамиз беш йил озодликдан маҳрум этилади. Беш йил кун-кунигача қамоқда ўтиради. Айнан Куршобдаги Юкос деган жойда муддатини ўтайди.

8

Муродхон Собиров уйига ғалаба билан қайтгач, уни Ўш ўзбек театрига директор этиб тайинлашади. Бу 1946 йил эди. Икки йил мобайнида театрда ишлайди. "Шунча йил болаларимни кўрмадим. Шунча йил улар менинг меҳримсиз ўсишди, деб ўйлайди Муродхон ака. Энди уларга бутун меҳр-муҳаббатимни бағишлашим керак. Қизларим Тўлқиной, Раънохон, ўғлим Арслонбек катта бўлиб қолишди. Айниқса, Раънохонни айтмайсизми, бирам қақажон бўлибдики... Бу қизим ўша мен Новдан урушга жўнашимдан олдин келиб-кетганимдан кейин, айни командирлик курсида ўқиётган пайтларимда туғилган экан. Ўшанда ҳарбийга олиш ҳақидаги аризам ҳал бўлгач, орада беш-олти кун вақтим бор эди. Ўлжабоевга учрашдим: "Урушга кетишдан олдин, болаларимни кўриб келмасам бўлмайди, нима бўлса бўлар", дедим унга. Ўлжабоев узоқ ўйланиб: "Қайдам, лекин айтишларича, ўша сен билан қамоққа ҳукм қилинган одамларнинг кўпчилиги отиб юборилибди. Сенга ўхшаб қочган-қолганларни афв этиб, урушга олишаётган экан. Суриштирдим. Аммо булар шунчаки гап бўлиши ҳам мумкин. Сенга бирон нарса деб, маслаҳат беришга ҳам ҳайронман", деди. Дўстимнинг иккиланишларига қарамай йўлга отландим. Икки кун деганда Ўшга етиб келдим. Хайрият, болаларим соғ-омон экан. Мендан кейин хотиним Мухтабархонни роса сўроқ қилишибди: "Эринг қаерда? Уйларингга қандай одамлар келиб турарди? Таласга эринг билан борганмисан ёки эрингни ўзи борганми? Москвага-чи?" Шунда хотиним бу саволларга: "Мен бир мушфиқ ўзбек аёлиман. Бизда хотинлар эр "ўтир" деган жойда ўтиради, "тур" деган жойда туради. Эрнинг орқасидан эргашиб юриш одати йўқ. Мен ҳатто, эрим нима иш қилишини ҳам билмайман. Эрталаб чиқиб кетади, кечқурун келади. Унга озиқ-овқат тайёрлайман, кирларини ювaман, болаларига қарайман. Ўша куни ҳам эрталаб кетганча, қайтиб келгани йўқ. Аслида, эримнинг қаердалигини мен сизлардан сўрашим керак", деб жавоб беради. Хотинимдан бу гапларни эшитарканман, унинг фаросатига қойил қолдим. Гарчи, мен билан Талас ва Москвага бормаган бўлса-да, аммо Тўрақул оғани яхши танирди. Бир неча марта уларнинг уйида меҳмон бўлганмиз. Тўрақул оға билан Нагима опалар ҳам бизникига келишган. Хуллас, юқоридаги каби сўроқлар бир неча марта такрорлангач, Мухтабардан бир иш чиқмаслигини билган НКВД ходимлари уни тинч қўйишибди. Аммо хотинимнинг айтишича: "Уйимиз бир неча ой давомида кузатувда бўлди. Шундай дарвозани очиб кўчага чиқсам, ҳар хил одамларга дуч келардим. Улар мени кўришлари билан жўнаб қолишар эди". 1940 йил охирига келиб эса мен билан рўйхатда бўлган баъзи одамлар қамоқдан чиқиб келишганини эшитибди хотиним. Уларнинг исм-фамилияларини ёдида сақлаб қолмабди. Нима бўлганда ҳам уйга келгач бизнинг устимиздан очилган ишлар бошланган уруш туфайли босди-босди бўлганини сездим. Уйда икки кун бўлиб, яна

Новга жўнадим. Борганимдан уч кун ўтиб эса армияга кетдим. Раънохон қизим ўшанда уйга яширинча борганимдан ёдгорлик бўлиб қолди...”

– Оллоҳ бандасини асрайман деса, бандаларининг қўлидан ҳеч иш келмас экан, – деган эди Давронбек сунъий кўл бўйида ўтган ўша суҳбатимизда. – Буни отамнинг ҳаётида кўрдим. 1948 йилга келиб, нима сабабдандир С.М.Киров номидаги ўзбек драма театри ёниб кетади. Отамнинг устидан жиноий иш қўзғатилади...

“Бу ишни ким қилганини ўйлаб, ўйимга етмадим, деб эслаган эди ўшанда ўғлига қараб Муродхон Собиров. Биласанми, аёлларнинг очилишларини биз мусулмонларда жуда ёмон олишган. Театримизда эса паранжини ташлаган аёллар ҳақида асарлар кўп марта саҳналаштирилган эди. Театрнинг ёқиб юборилишига ана шундай ҳолатлар ҳам сабаб бўлса эҳтимол. Чунки мусулмонларда орият кучли. Аёлларнинг бепарда юриши эса одамнинг ҳамиятини қўзғайди... Нима бўлганда ҳам театрнинг директори сифатида менга жиноят иши очишди. Ҳар куни сўроқ-жавоб... Ҳар бир артист, театр ишчи-ходимлари сўроққа тортилган. Мана шундай кунларнинг бирида Фрунзе шаҳридан телефон бўлиб, мени сўрашди. Телефондаги одам Қирғизистон Компартиясининг биринчи секретари Исҳоқ Раззоқов эди. Муродхон Собиров Тошкентда чоп этиладиган “Ер юзи” журналида ишлаган пайтлари Исҳоқ Раззоқов Ўзбекистон ССР маориф вазири бўлиб турарди. Улар ўша йиллари танишиб, дўстлашиб кетишган эди. Бу ҳозир, вазирларнинг ёнига йўлаб бўлмайди. У вақтларда одамларнинг бағрикенг, самимий бўлишган. Айтишларича, ҳатто Охунбобоевнинг олдига ҳам оддий одамлар бемалол кира олишган. Хуллас, Исҳоқ Раззоқов телефонда шундай дейди: “Муродхон, қаердасан? Ўғлимни уйлаяпман. Шу муносабат билан эски дўстларни таклиф қилдим. Бир ўтган-кетганларни эслаб ўтирамиз. Ахир, биз ҳам жонли инсонмиз, осмондан тушмаганмиз ёки темир эмасмиз. Ҳеч йўғи мана шу фарзандлар баҳонасида бўлса ҳам учрашиб турмасак, эрта-индин... Муродхон, одам-одамга ғанимат бўлиб қолди”. Шунда мен Исҳоқ Раззоқовга Ўшда бўлган воқеани – мен ишлаётган театрга ўт тушиб ёниб кетгани, ҳозир устимдан жиноят иши қўзғатилиб сўроқ-жавоб бераётганимни айтдим. Исҳоқ Раззоқов ҳеч нима демай гўшакни қўйиб қўйди...

Исҳоқ Раззоқовнинг гапларимга жавоб бермай, гўшакни жойига қўйгани мендаги хавотирни янада кучайтирди. Бўлиб ўтган воқеалардан марказнинг хабари йўқ экан, мана энди бу ишлар янада кескин тус олади, деб ўйладим мен. Кечгача ана шундай ўйлар билан ҳеч қаёққа чиқмай, уйда ўтирдим. Кечга томон уйимизга бир одам келиб, мен учун поездга билет олганини, ҳозирнинг ўзида Фрунзе шаҳрига кузатиб қўйишини айтди. Мен бу одамни илгари кўрмаган эдим...

– Шундай қилиб отамни Исҳоқ Раззоқовнинг ҳузурига “керакли одамларнинг” ўзлари кузатиб қўйишади, – дейди Давронбек биз билан суҳбатда. – Орадан бир ҳафта ўтиб, Ўшга қайтганда “театр иши” ёпилган эди. Дарвоқе, Исҳоқ Раззоқовнинг уйида тўй бўладиган кунлари Фрунзеда Ўрта Осиё республикалари раҳбарларининг қандайдир учрашуви ҳам бўлиб, бу учрашувда Тожикистон Республикаси Компартияси Марказий Комитетининг секретари Турсунбой Ўлжабоев ҳам иштирок этади. Шу куни, яъни ўғлининг тўйидан бир кун ўтказиб И.Раззоқов уларга уйида чой беради.

...Муродхон Собиров 1946 йили армиядан қайтибоқ дўсти, халоскори Т. Ўлжабоевни эслайди ва Душанбега йўл олади. Ўшанда Т.Ўлжабоев Тожикистон Компартияси Марказий Комитетида масъул лавозимда ишларди. Дўстлар ярим кечагача суҳбатлашиб ўтиришади.

– Энди нима қилмоқчисан? – сўради Ўлжабоев Муродхон акадан.

– С. М. Киров номидаги Ўш ўзбек драма театрига ишга қўйишмоқчи, – деди Муродхон ака.

– Эҳтиёт бўл, театр нозик жой. Артистлар ҳаётда ҳам артист бўлади... Агар хоҳласанг, Душанбега кел, газетадан иш топилиб қолар.

Узоқ йиллар оиласидан олисда юриб, юраги зада бўлиб қолган Муродхон ака дўстининг бу таклифига раҳмат айтиб, тез-тез келиб туришга ваъда бериб, Ўшга қайтиб кетади...

И. Раззоқовнинг уйида учрашаркан Т. Ўлжабоев Муродхон акага қараб: "Ие-ие, ваъдабоз дўстимиз ҳам шу ерда экан-ку", деб кучоқ очади...

Мана шундай тарихларни эслаганда, бир пайтлар яшаб ўтган аждодларимиз нақадар одамохун, танти бўлишганларига гувоҳ бўламиз. Шу пайтгача бизга ўтган аждодларимиз бир-бирларини сотганликда, кўролмаганликда, хасисликда шайтонни йўлда қолдириб кетарди, деб уқтириб келишди. Албатта, уларнинг ораларида шундайлари ҳам бўлгани шубҳасиз. Бундай воқеалар ёзувчилар, маданият ходимлари орасида ҳам бўлгани тарихий китобларда ёзилган. Бироқ, аксар одамлар, улар хоҳ мансабдор бўлсин, хоҳ оддий деҳқон, ишчи, савдогар бўлсин қалблари покиза, некбин бўлишган. Мана шу Турсунбой Ўлжабоев ёки Исҳоқ Раззоқовни олинг. Бу одамлар ўз даврида коммунистик партиянинг жойлардаги ишончли кишилари эмасмиди? Агар улар истасалар, Муродхон Собиров каби оддий бир журналист, театрнинг оддий бир директорининг тақдири билан қизиқиб ўтиришмас эди. Бир пайтлар ўқишган бўлса, ўқишгандир. Бир пайтлар бир бурда нонни бўлиб ейишса ейишгандир, нима бўпти. Ахир улар қанча-қанча одамлар билан бирга ўқимаган, бир бурда нонни бўлиб емаган... Гуноҳкор жазосини олиши керак, дейишганда эди, Муродхон Собиров ва унга ўхшаб улар томонидан сақланиб қолган юзлаб одамлар 90-йилларни кўрмаёқ ўша 37-йилларда ўлиб кетишган бўларди... Бу одамлар партия томонидан ўзлари олдига қўйилган вазифани кўр-кўрона бажаришмаган. Аксинча, ҳар бир нарса, воқеа-ҳодиса ортида инсон туришини чуқур ҳис этишган. Шу боис ҳам юқорида исм-шарифлари тилга олинган партия ходимлари ҳақида республикаларда фақат яхши ном қолган... Ёки ўз укасининг ўрнига Сибирга мардикорликка кетиш, ўз жиянига яхшилик қилиб, уни қутқариб қолиш учун беш йил қамоқда ётиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Саидолимхон Маҳмудовга Худо яна умр берганда балки, булардан ҳам бошқа яхшиликларни кўп қилган бўлар эди. Ҳа, дунёни ана шундай одамларнинг меҳр-муҳаббатлари ушлаб турибди.

...Муродхон Собиров "Қизил Тожикистон" газетасида иш бошлаганда 1948 йил бўлиб қолганди.

– Бир куни отам мени олдига чорлаб, ёнига ўтиришимни буюрди, – деб эслайди Давронбек. – У узоқ ўйга толиб ўтирди. Гўё мени ёнига чорлаганини ҳам унутган эди. Бир пайт шундай деб қолди: "Дунёда элу халққа нафи тегадиган улуғ ишларни бажариб ўтган инсонлар кўп. Шундай бир альпинист ҳақида эшитган эдим. Унинг жасади баланд тоғ устида, асрий музликларда қабр қазилиб, ўша ерда ором топган. Шундай бир журналистни биламан. У ҳақиқатни ёзгани учун қатл этилди. Ана шундай ўз соҳасида юксак марраларга эмас, ўз виждони буюрганини қилиб эл-юрт ҳурматини қозонган одамлар кўп. Айни пайтда, менга ўхшаш тепадан буюрилган ишни бажариб, гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда ишлаб юрган одамлар эса миллионлаб. Мен ҳам қалам билан эл-юртга хизмат қиламан, деб бел боғлаган эдим, шу мақсадда ўқиган эдим. Садриддин Айний каби устозлардан таълим олиб, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳорларнинг суҳбатида бўлгандим. Афсуски, ёзганларим оддий газета мақолаларидан нарига ўтмади. Шу боис ўйлайманки, умрим абас бўлди. Бир куни поездда кетаётиб, "Ленин йўли" газетасида ишлайдиган бир ходим билан учрашиб қолдим. У жуда ҳам оғиз кўпиртириб: "Газетамиз ундоқ қиляпти, бундоқ қиляпти. У кириб бормаган хонадон қолмади", деб мақтанарди. Шунда мен ўша ходимдан "Мени танийсизми?", деб сўрадим. У эса "Йўқ" деб жавоб берди. Мен унга ўзимни танитдим: "Мен сен ишлайдиган газетанинг энг би-

ринчи муҳарририман", дедим. У бундай исмни эшитмаганини айтди... Мана шунақа, ўғлим, бизни энди ҳеч ким танимайди, билмайди... Баъзан ўйлаб қоламан: бизнинг замонамизда элнинг оғзига тушиш учун қатл этилиш одат бўлганмикан, деб. Биламан, бундай эмас. Аммо, ҳозир газеталарда, радио-телевидениеда номлари тез-тез такрорланиб турган одамларнинг аксарияти қатағон қилинган кишилардир. Балки, мен ҳам ўшанда Новгa қочмасдан "Учлик"нинг ҳузурига кирганимда ҳозирда номим абадийлаштирилар эдими? Аммо мен ҳаётни севар эдим... Ҳа, албатта ҳамма ҳам ҳаётни севади... Мана ўша устозим Тўрақул Айтматовга "миллатчи" деган ёрлиқ ёпиштиришди. Мен бу одам билан неча йиллар ёнма-ён юриб, унинг русча тушуниладиган "националист"лигини сезмаганман... Уни айнан шу маънода айблашди. Агар бу одам "националист" бўлганда мен билан яхши гаплашармиди?.. Ҳақиқий "националистлар" мана бугун пайдо бўлди. Кўз очиришмайди-я... Тўрақул оға эса миллатпарвар эди. У миллат деганда барча туркий халқларни тушунар эди. Ҳа, болам, мен гарчи журналист сифатида эл-халққа ойни олиб бермаган бўлсам-да, Исҳоқ Раззоқов, Турсунбой Ўлжабоев, Тўрақул Айтматов, Шароф Рашидов, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Садриддин Айнийлар билан учрашиб, бирга ишлашиб ўша ойни ўзим учун олганман. Ўша ой ҳамон қалбимни ёритиб туради... Оллоҳга бир айтганим бордирки, қатағон йилларидан омон чиқиб, Иккинчи жаҳон урушидаги, айниқса, Днепр учун жангларда ғолиб ҳам бўлдик. Балки, буларнинг ҳаммасида мени сенинг руҳинг сақлаб қолгандир... Сен айнан ўша мен Тожикистонга қатнаб юрган йилларим дунёга келгансан.

Тожикистонда эса яна бир улуғ аллома билан танишдим. У киши билан танишишимиз ҳам қизиқ бўлган. Таҳририятга имзосиз хат тушди. Мазкур хат Душанбега 1949 йилда Ҳиндистондан келиб қолган бир домла ҳақида ёзилиб, у ёшларни ҳужрада ўқитяпти, деган мазмунда эди. Хатни киссамга солдим-да, унда кўрсатилган манзилга бордим. Ҳиндистоний домла ўша пайтлари Душанбе яқинидаги Хожа Яъқуб масжидига имом экан. Бориб билдимки, хат фақат газета таҳририятига тушмаган экан. Бу иш билан керакли ташкилотлар ҳам шуғуллана бошлабди...

– Ўша ҳар йили уйимизга келадиган домлани айтяпсизми, ота? – деб сўрадим мен.

– Ҳа, ўша домла Ҳиндистонийни. Унинг асл исми Муҳаммаджон Рустамжон ўғли.

...Ўшанда Муродхон Собиров домла Ҳиндистоний билан бир неча марта учрашиб билдики, бу одам жуда катта уламо, араб ва форс тиллари бўйича мутахассис экан. Мадрасада ўқимаганми, ким сохта домлаю, ким "мехробдан чиққан чаён" ва ким ҳақиқий уламо эканини Муродхон ака яхши билар эди. Афсус, ўша пайтда қўлидан ҳеч нарса келмади. Домла Ҳиндистонийни 25 йил муддатга қамаб юборишди. Шунда Муродхон Собиров домла Ҳиндистоний ҳақида биринчининг ўзига, Турсунбой Ўлжабоевга кириб айтади. Воқеани эшитган Ўлжабоев ундан: "Бу ҳақда нега илгарироқ айтмадинг" деб сўрайди. Муродхон ака бу саволга "Мендан илғорроқ одамлар ҳам бор экан" деб жавоб беради. Албатта, домла Ҳиндистонийни қамоқдан чиқаришга Ўлжабоевнинг бевосита ўзи киришмайди. Бунинг ҳеч иложи йўқ эди. Аммо у ўзи билган керакли "жойлар"ни ишга солиб, бошқа одамлар ёрдамида таъсир кўрсаттани ҳақиқат. Бир неча йиллик аризабозликдан кейин, энг муҳими, бевосита Москванинг аралашуви билан домла қамоқдан қутилади. Домла қамоқдан чиққанда бутун Душанбе эли унга пешвоз чиқди. Унинг ортидан кимлар юргурган Ҳиндистоний домлага аён эди. У Муродхон Собировни ўзи қидириб келади. Шу-шу улар ота-бола бўлиб қолишади. Кейинчалик ҳар йили Ўш шаҳрига ташриф буюрар экан, дастлаб Муродхон аканинг уйида ётиб, кейин бошқа жойга борар, қайтишда ҳам унинг уйида тунар эди.

Маълумотларга кўра, домла Ҳиндистоний Фарғона водийси ва Тожикистонда катта мавқега эга бўлган ханафий мазҳабидаги йирик уламолардан бири эди. У

1892 йили Қўқон атрофидаги қишлоқлардан бирида туғилган. Даставвал Бухорода, кейинчалик Кашмирдаги мадрасаларда таҳсил олади. Айнан шу ерда урду ва ҳинд тилларини ўрганади. 1928 йили домла Ҳиндистоний ҳаж амалини бажариб, бир йилдан сўнг ота юртига қайтади...

– Домла Ҳиндистоний Хизр алайҳиссаломни кўрган одам эди, – дейди Давронбек Собиров. – У киши ҳар йили Ўшга келар экан, икки кун – келган ва кетадиган куни бизникида тунар, ўша кунлари уйимиз байрамга айланиб кетар эди. Отамнинг болохонадаги мўъжаз хонасига одам сиғмай қоларди. Бир сафар Тошкентдан борсам (у пайтда Тошкентдаги Политехника институтида ўқирдим), уйимизга домла Ҳиндистоний келган эканлар. Ўша сафар бизникида қаторасига икки кун ётиб қолдилар. Ҳамма кетиб, уй тинчигач, иссиқ чой кўтариб олдиларига кирдим. Домла ўзи билан олиб келган китобларини вараклаб ўтирган эканлар. Мени кўриб, ўрнидан турмоқчи бўлдилар. Мен югуриб бориб елкасидан босдим. Ўшандаги суҳбатда мен домлага сиз ҳақингизда Тошкентда ҳам эшитдим. Сиз Хизр бувани учратган одам экансиз-у бизга индамайсиз, дедим. Бу гапимдан домла безовта бўлиб, юзимга қаради. Ноқулай аҳволга тушдим. Худди бу одамни сўроқ қилаётгандай туюлдим ўзимга. Лекин, энди сипоришлашнинг ҳожати йўқ эди. Индамай туравердим. Бироз сукутдан сўнг домла сўз қотди:

– Шундайми? Тошкентда шундай дейишяптими? Балки...

Домланинг юзига кулги ёйилди. У ўрта бўй, чўққи соқол эди, юзидан нур ёғилиб турувчи киши бўлган. Кўчага чиққанда салла кияр, уйда дўппи билан ўтирар эди. Овози оғир-босиқ бўлиб, кўрмаган одам басавлат бўлса керак, деб ўйларди.

– Балки, кўргандирман ҳам, бу Оллоҳга аён, – деди домла.

Шу пайт хонага отам кириб қолди. Табиийки, мен чиқиб кетдим. Мен домла Ҳиндистоний ҳақида шуларни эшитганман. Бу киши таҳсилни турли жойларда, ўн саккиз йил деганда тугатади. Мураттаб қори даражасига етади. Қуръони Каримни саккиз соат ўн икки минутда хатм қиларканлар. Айтишларича, домла Кашмирда эканида бир устознинг қўлида дарс олган экан. Ўша устознинг ҳар йили чилла ўтириш одати бўлган. Устоз ибодатга ўзи билан қирқ дона майиз олиб кириб кетаркан. Қирқ кун мобайнида шогирдлари қирқ офтоба сув узатишаркан. Хуллас, устози ана шундай чилла ўтирган бир паллада домла Ҳиндистоний кўчага айланиб чиқиб, вокзалга бориб қолибди. Узун йўловчи вагон ёнидан ўтаётиб, кўзи гурунглашиб ўтирган тўрт нафар оқсоқолга тушибди. Мундоқ ойнага яқин келиб қараса, чоллардан бири жуда ҳам таниш туюлибди. Шунда домла Ҳиндистоний вагонга чиқиб, оқсоқолларнинг ҳузурига кирибди. Э, воҳ, не кўз билан кўрсинки, уларнинг биттаси ўзининг отаси экан. "Худодан айланай, отажон, тирик экансиз, дейди домла отасини қучоқлаб. Ўшанда Қўқондан қочаётганимизда сизни отиб ташлашди, дейишган эди. Шунча йил тақдирга тан бериб яшадим. Ўзим дунё кезиб, хаёлим фақат сизларда-ю, илмда бўлди. Мана таҳсилим ҳам охирлаб қолди, отажон" дейди домла отасига. Маълум бўлишича, оқсоқоллар ҳажга боришаётган экан. Ўша пайтлари ҳажга борувчилар Покистон орқали ҳам боришар экан. Буни эшитган домла Ҳиндистоний отасига:

– Ота, мен ҳам сизлар билан бирга ҳаж қиламан. Ниятим ҳам шу эди. Яхши бўлди, – деб отасига қўшиб оқсоқолларни ҳам поезддан тушириб, хужрасига олиб кетади.

Чилла ўтирган устоз жуда қаттиққўл эди. Ҳар сафар ибодатга кираётиб шогирдларига ўзини безовта қилмасликларини қаттиқ тайинлар экан. Домла Ҳиндистоний отасидан "агар уч кун ичида йўлга чиқмасак, ҳаж мавсумидан кеч қолишлари"ни эшитгач, чиллахонага воқеа битилган бир энлик хат киритади. Шунда ичкаридан ҳам бир энлик хат учиб чиқади. Унда: "Мен сизлардан безовта қилмасликни сўраган эдим, бас қилинг" деган сўзлар ёзилган эди. Нима қиларини билмай қолган домла

яна узрини айтиб, ҳаж мавсуми ўтиб кетиши мумкинлигини тушунтириб, ичкарига яна хат йўллайди. Шунда ичкаридан, "Розиман. Боринг" деган рухсат тегади.

Шу боришда домла отаси ва унинг йўлдошлари билан ҳаж амалларини адо этишади. Ҳожи бўлишади. Ана шундай кунларнинг бирида, ҳали улар Маккаи мукаррамадан чиқмай туриб, домланинг отаси касал бўлиб қолади. Ҳолсизланиб ётган ота домлани ҳузурига чақириб: "Болам, бир карч тарвуз бўлганда ердим", дейди. Ўша йили ҳаж мавсуми баҳор фаслига тўғри келган эди. Бу пайтда албатта, тарвуз бўлмаслиги аниқ. Аммо ота илтижоси домлани кўчага чиқаради. У ташқарида нима қиларини билмай турар экан, тўғридан қўлида бир дона тарвуз билан келаётган сариқ чакмонли қарияга кўзи тушади. Шунда домла югуриб бориб бояги одамдан тарвузнинг қаердан олганини сўраб, касал отасининг ниятини айтади. Шунда бояги сариқ чакмонли қария ёнидан пичоқ чиқариб, тарвузни шартта иккига бўлиб, "Бир палласини олинг, отангизга шифо бўлсин", дейди. Домла хурсанд бўлиб бир палла қип-қизил тарвузни отасининг олдига қўяди. Ота тарвуздан бир карч ейди-ю, алҳамдуллиллоҳ, етказганига шукр, деб ёғлиққа қўлини артади... Шундан кейин ота фарзандининг кўзида бироз тетиклашгандай бўлади. Лекин, барибир ҳали йўлга чиқиб бўлмас эди.

Яна бир куни ота ўғлига кўнгли кўк чой тусаётганини айтади. Ўша пайтлар Маккада чой кам истеъмол қилинаркан шекилли, фарзанд чойни, айниқса, кўк чойни ҳеч учратмаган эди. Умуман, маккаликлар ҳозир ҳам чой ўрнига "замзам" сув ичишни афзал кўришади.

Домла Ҳиндистоний отасининг айтганини топиш учун кўчага отланади ва ташқарида яна ўтган галгидек, сариқ чакмонли қарияга дуч келади. У домлани қўлидан етаклаганча қабристон томонга бошлайди. Қабристондан шундай ўтишган ҳам эдиларки, қаршиларида бир қаср пайдо бўлди. Бинонинг ичкарисига киришади. Домла караса, бу ерда катта издиҳом бўлаётган экан. Ўтирганларнинг ҳаммаси сариқ чакмонли кишилар эди... Домлани етаклаб бораётган бояги қария уни тўғри тўрда ўтирган нуроний каршисига олиб боради ва ундан дуо сўради: "Тақсирим шу болага дуо қилсангиз. Бу мард отасини ҳажга олиб келган. Дуо беринг, илмлари зиёда бўлсин", деди. Нуроний дуо берди. Ортга қайтаётиб, қария белидаги белбоғи орасидан бир қути чой олиб, домла Ҳиндистонийга узатиб: "Ушла, отангга дамлаб бер", дейди.

Орадан икки кун ўтиб ота оламдан ўтди. Домла Ҳиндистоний зўрға топган отасини йиғлаб-йиғлаб қабрга қўйди. Бағри ҳувуллаб қолди... Эрталаб ўрнидан турибоқ ўзига дуо берган нуроний ва бояги қарияни кўришни ният қилиб, ташқарига чиқди. Қабристон томон йўл олди. У қабристонни айланиб ўтиб кўрсаки, у ерда уч кун аввал ўзи кирган қаср йўқ! Бутун теварак-атроф офтобда қовжираб ётган дашту биёбон эди...

ХОТИМА

Менинг ўзим бир пайтлар республикада чоп этилган "Ватан" газетасига бош муҳаррирлик қилганман. Бу ишнинг нақадар оғир, заҳматли, айни пайтда масъулиятли эканини яхши биламан. Шу маънода Муродхон Собировнинг "Коммунист" газетасини ташкил қилиб, унга муҳаррирлик қилиши нақадар қийин кечганини тасаввур этаман. Бунинг устига бу вазифаларда ишлаш айни сиёсий ва мафкуравий курашлар, қатағонлар авж олган, бир сўз учун салла ўрнига калла кетиши мумкин бўлган даврларга тўғри келиши вазиятни янада қийинлаштиради. Масалага шу нуқтаи назардан қаралса, Муродхон Собировнинг "Коммунист" газетасида ва область партия комитетида, комсомол комитетида ишлаши осон кечмаган. Ноҳақ қамалиб, отувга ҳукм этилаётган одамларнинг тақдири, оч-наҳор мактабга қатнаган

ўқувчилардан тортиб, умр бўйи косаси оқармай ўтаётган деҳқоннинг турмушини кўриб азоб чеккан. Шароф Рашидов ҳақида "уни ичидаги руҳий дард ўлдирди" дер экан, ўзини ҳам ўшандай дардлар қийнаганини яширмайди. Зотан, Фузулий домла айтганидек, "Шифойи васл қадрини ҳажр ила бемор ўландан сўр..."

Эллигинчи йиллар ўрталарига келиб Муродхон Собиров Ўшга қайтади. Оиладан олисда, дарвешона турмушдан безийди. Кўнгли оила тинчини истайди... Ўша пайтлари Ўш шаҳрида Тожикистонга қарашли Помир автомобиль трести очилади. Муродхон Собировни ана шу ташкилотга ҳодимлар бўлими бошлиғи этиб ишга юборишади. Нима бўлганда ҳам яна она шаҳрига қайтаётганидан хурсанд бўлади. Аммо тез орада сезадики, бу иш унинг учун эмас экан... Бу ердаги олғирликлар, қаллобликларни кўриб бир дарди ўн бўлади. Ишдан бўшайди. Уйда, оила даврасида тинч яшай бошлайди. "Етар, Оллоҳ мени шунча дунё кезишга, яхши-ёмон одамлар орасида бўлишга, қон кечиб жанг қилишга буюрди. Неча марта жаҳаннамнинг лабидан қайтдим. Энди оиламнинг бағрида бўлиш насиб этсин", деб Ўзидан сўради. Муродхон Собиров "Таборак"ни такрорлашни севарди. Ёлғиз пайтлари ана шу сураи муборакни ўқиб кўзларига ёш оларди. Муродхон Собиров Фузулийни ўқишни севарди, шоирнинг қанча мисраларини ёддан ўқирди...

Дунё қизиқ экан. Халқда "Нонхўрга нон, ошхўрга ош" деган гап бор. Шунга ўхшаш йўлчига доим йўл тайёр тураркан...

– Кунлардан бир кун ҳовлимизга бир гуруҳ оқ кўйлак, қора костюм-шим кийган одамлар кириб келишди. Отам сўритокда туриб хомток қилаётган эди. Меҳмонлардан бири тўғри отамнинг олдига бориб қучоқлаб олди. Билмадим, отам оёғи остидаги сўритокдан ўзи тушдими ёки ўша одам туширдими англамай қолдим, – деган эди Дарвонбек биз билан суҳбатда.

Келган бу одамларнинг бири Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Турсунбой Ўлжабоев, иккинчиси Тожикистон ССР Министрлар Советининг раиси Мамадали Қурбонов, бошқалари эса Ўш областининг раҳбарлари эди. Гап шундаки, ўша куни кўшни республиканинг бошлиқлари юқорида айтганимиз Помир автомобиль трестини кўриш учун Ўшга келишади.

Турсунбой Ўлжабоев дўстини кўп вақтдан буён кўрмаган эди. Иш билан бўлиб, сўраб-суриштиролмади. Муродхон Собиров эса биринчи раҳбар қанчалик дўсти, қадрдони бўлишига қарамай, ўзи йўқламаса, ҳузурига бораверишга истиҳола қилар эди. Ўлжабоев ҳатто унинг ишдан кетганидан ҳам бехабар қолган. Трестни айланиб бўлишгач, таомилга кўра Ўш область партия-совет раҳбарлари меҳмонларга чой беради. Ана шу бир пиёла чой устида Турсунбой Ўлжабоев обком секретаридан Ўшда бир журналист борлигини, унинг исми шарифи Муродхон Собиров бўлиб, ўша одам ҳозирда қаерда эканини сўрайди. Обком секретари елкасини қисади. Аммо, суриштириб топишга ваъда беради. Турсунбой Ўлжабоев обком секретарининг ўз кадрларини яхши билмаганлигидан таассуф қилади, аммо сездирмайди. Ниҳоят, чой охирлаганда ходимлардан бири "янгилик" топиб келади: Муродхон Собиров Ўш шаҳар, Навоий кўчаси, 14-уйда яшаркан...

Ўлжабоев ҳамроҳлари билан ўша заҳоти дастурхон учун мезбонларга раҳмат айтиб, айтилган манзилга йўл олади. Албатта, мезбонлар ҳам уларнинг ортларидан боришади...

– Отам воқеадан ўзини йўқотмади, – деб сўзини давом этади Дарвонбек. – Меҳмонларни уйга таклиф қилади. Гарчи, уйимиз бор-йўғи икки хонадан иборат бўлиб, меҳмон кутишга имкон йўқ эди. Кўнгилда... Афтидан, Турсунбой Ўлжабоев обком секретарининг Муродхон Собиров ҳақида тасаввурга ҳам эга эмаслигини билгандаёқ кўнгли ғаш тортганди. Уйни кўриб, турмушимизни билиб, унинг хаёлидан "Мен Муродхонни бундай аҳволда яшаши ва ишлаши учун ўлимдан сақлаб қолмаганман", деган ўй ўтган бўлса не ажаб... Ўша куни ва ундан кейинги кунлар отам уйга келмади.

Муродхон Собиров кўчага чиққанда доим галифе шим, эгнига кител, оёғига этик кийиб юрар эди. Меҳмонлар уй эгаси кийиниб чиққунга қадар тор ҳовлини кўздан кечиришди. Болаларни эркалатгандай бўлишди. Мухтабархон опа юмушда эди. Муродхон Собиров кўчалик кийимини эгнига илиб чиққач, улар тўғри аэропортга йўл олишади. Ўлжабоев то манзилга етгунча жим боради. Фақат уни самолёт томон етакларкан "Муродхон, сиз уларга керак бўлмасангиз, бизга кераксиз", дейди-да ўзи билан бирга олиб кетади...

– Орадан бир ой ўтиб, отамдан телеграмма олдик. Унда "Душанбедаман. Ишга жойлашдим. Болаларни олиб кел", деб ёзилган эди, – дейди Давронбек кўзлари жиққа ёшга тўлиб. – Ўша кунларни ҳеч эслагим келмайди. Ҳақиқатдан ҳам қийин шароитда яшардик... Онам катта ва кичик опамни олиб Душанбега кетишади. Мен ва катта акам уйда қолдик. Акам уйланган. Келинаям доим акасиникига чиқиб кетаверар эди. Бир ўзим ёлғиз қолардим. Мусичанинг қу-кусидан ҳам қўрқаман... Дарвозамизда бир тешик бор эди. Бир куни ўша тешикдан ҳовлига қараган кўзни пайқаб қўрқиб кетдим. Кейин ўша кўз дарвозани тақиллатди. Минг ҳадик билан бориб, дарвозани очиб қарасам, Исматилла почча экан. Бу одам мен билан кўришиб-кўришмай "Тезда бет-қўлингни ю, олиб кетаман", деди. Ишонасизми, кийгани иштоним ҳам йўқ экан, битта турсида юрарканман. Йўл-йўлакай магазинга кириб, шим олдик. Бу ерда ёзлик туфли топилмади, қишлик ботинка бор экан. Исматилла почча, ўша қишлик ботинкани харид қилиб кийдириб қўйди. Тасаввур қилинг, ёзнинг жазирасида ичи пўстак ботинкада юришнинг ўзи бўладими? Андижон вокзалига етиб борганимизда поезд ўрнидан жилаётган экан. Шунда билдим, Исматилла ака шу поездда "проводник" бўлиб ишларкан. Икки ярим кеча-кундуз деганда Душанбега етиб бордик. Отамга кўп қаватли уйлардан тўрт хонали жой беришибди. Ўша уйда яшай бошладик. Эсимда, Лайло Шарипова деган қўшикчи аёл бизга қўшни турарди. Мени кўрди дегунча қўлимга конфет тутқазар эди...

Кунлардан бир кун сув бўйида қум шаҳар ясаётган эдим. Устимга опам югуриб келди: "Тур ўрнингдан. Уйда отам чақиряпти", деди. Мен эса ўйиндан кўзим қиймай, шаҳар қуришни давом эттиравердим. Опам қўлимдан етаклаб уйга олиб кетди. Борсам, ҳамманинг рангида ранг йўқ. Тугунлар тугилган. Шунда отам: "Ҳозир сизларни поездга чиқариб юбораман. Ўзим кейин бораман" деб юкларимизни бир машинага ортиб вокзалга олиб кетди. Кейин билсам, ўша куни Ўлжабоев ишдан олинган экан... Бу 1961 йил эди.

Турсунбой Ўлжабоевнинг ўз вазифасидан кетиши сабаблари бошқа бир асар мавзуси. Зотан, Сталин ҳамда шўроларнинг турли ранг ва кўринишдаги қатағонлари ҳақида ҳали кўп нарсалар номаълумлигича қолмоқда.

Назаримизда қиссадан ҳисса чиқариш пайти келганга ўхшайди. Муродхон Собиров оддий журналист, ўша даврнинг биринчи муҳаррирларидан бири сифатида замоннинг кўп жабр-жафоларини бошидан ўтказди. У гўё ёзда келган қалдирғоч эди... Қатағонлардан, аввало, Оллоҳнинг инояти, қолаверса, ўз қардошлари туфайли омон қолди. Зотан, сиёсий айб қўйилса, отасини ҳам танимайдиган раҳбарлар бисёр эди. Улар ўз курсиларига зулукдек ёпишиб кун кўришган. Аммо Ўлжабоев, Раззоқов, Рашидов, Айтматов ва Собировга ўхшаган эл ишига камарбаста минглаб кишилар ҳам бор эдики, улар ўз лавозимларидан халқ тинчлиги, юрт фаровонлиги йўлида фойдаланишган. Мансабни мартаба даражасига кўтаришган. Шу ҳақда ўйлар эканман, бугунги Марказий Осиё республикаларининг келажаги, халқларнинг тинч-тотув, иттифоқликда яшашлари, мамлакатлар тараққиёти, кези келганда, бир бутун бўлиб бирлашишлари, халқларимиз орасида билимли, қалдирғочларнинг нега баҳорда келиб, кузда кетишларини яхши англаган йўлбошчиларнинг етишиб чиқишларига кўп жиҳатдан боғлиқ эканига ишондим.

Тамом

“РУҲИЙ ЭВРИЛИШ МАШАҚҚАТИ”

Содиқ НОРБОЕВ

Ўтган XX аср адабий-илмий муҳитида кечган жараёнларни пухта таҳлил этиб, шу асосда келажак режаларини тузиш адабиётшуносларимиз зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Зотан, ушбу аср миллий адабиётимизда уйғониш, янгиланиш даврини бошлаб бергани, шу билан бирга, истибдод мафкураси тазйиқ тақиқлари унинг сўнгги йиллиги эса эркин мушоҳада юритиш ва фикр айтиш имконини яратгани билан тарих саҳифаларида қолди.

Модомики, гап давр билан боғлиқ ҳолда адабиётшунослик ҳақида кетар экан, мустабид тузум бу борада ҳам ўзининг “чандиқли” изларини қолдирганига тўхталмасдан ўта олмаймиз. Чунки ўтган асрда айни шу мафкура учун хизмат қиладиган, бадиий савияси паст бўлса-да “кўтар-кўтар” қилинган асарлар яратилиши билан бирга шу тузум қолипида илмнамо ишлар ҳам қилинганки, буларнинг бари ўз навбатида, бизнинг дунё адабиёти, адабиётшунослиги сари интилиб қадам ташлашимизни секинлаштирди.

Албатта, бу ўринда “Чинакам истеъдоднинг ўзини кўрсатиши учун даврни баҳона қилишнинг кераги йўқ. Чунки Худо берган истеъдод қуёш янглиғ барибир ўзини кўрсатади” деган ҳақли эътирозни ҳам билдириш мумкин. Аммо умумий олиб қараганда барибир ҳукмронлик ўз кучини кўрсатганини асло инкор этиб бўлмайди.

Адабий-илмий нуқтаи назардан олиб қаралса, XX асрда жаҳон адабиётида, адабиётшунослигида чиндан-да олға силжишлар бўлди. Бу асрда мамлакатимизда кечган адабий жараённи, муҳитни ана шу юқори мезонлар асосида пухта ўрганишимиз ва янгиланаётган назарий тамойиллар уйғунлигида илм яратиш олдинда турган жуда ҳам муҳим вазифа эканини асло ёддан чиқармаслик лозим. Қувонарлиси, бу йўлдаги изланишлар аста-секин бўй кўрсатиб, салмоқли тадқиқотлар яратилмоқда. Таниқли адабиётшунос олим Баҳодир Каримнинг кейинги йилларда чоп этилган “Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур” номли китоби бунга ёрқин бир мисол бўла олади.

Абдулла Қодирий ҳақида ўнлаб китоблар, юзлаб адабий-танқидий мақолалар ёзилган. Уларда адиб ижоди, ҳаётига тегишли бўлган маълумотлар турлича талқин

Содиқ НОРБОЕВ – 1982 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган. Илмий-адабий мақолалари билан матбуотда қатнашиб туради. Айни пайтда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Маданият ва маърифат” телерадиоканалида фаолият юритмоқда.

қилинган. Буни дейлик, кейинги чорак аср давомида адабий-илмий муҳитда кечаётган жараёнларни кузатиб юрган нафақат адабиётшунос, балки адабиёт муҳиби бўлган киши ҳам яхши билади.

Шу ўринда бир савол пайдо бўлади: Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди ҳақида изланишлар олиб бориб, салмоқли тадқиқотлар яратган олим бу китобида ўқувчига ҳали ҳеч ким айтмаган қандай илмий янгиликларни, қарашларни, муҳим маълумотларни тақдим этишни ният қилган?

Китобни мутолаа қилар экан, ўқувчи Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди тадқиқи билан боғлиқ салкам бир асрлик қимматли манбалар билан танишади. Албатта, бу ҳам керак. Аммо бу ердаги энг муҳим жиҳатлардан бири шуки, адибнинг бадиий асарлари ҳамда маълумотлар жаҳон адабиётининг етакчи мезонларидан бири саналган герменевтика – талқин нуқтаи назаридан билимдонлик ва синчковлик билан талқин қилинган.

Олим бугунги кунда дунё адабиётшунослигида герменевтикани адабий талқин таълимоти, талқин назарияси сифатида адабий танқидчилик ва адабиётшунослик учун методологик асос қилиб олишга уринишлар кучли эканини баён этар экан, аввало, герменевтикага доир айрим маълумотларни келтириб ўтади. Чунончи, Баҳодир Карим герменевтиканинг грекча "hermeneukos" сўзидан олинганини, унинг "тушунтирувчи", "талқин этувчи" маъносини беришини айтиб, тарихига ҳам бир назар ташлайди. Унинг замонавий фалсафадаги йўналишлардан бири маъносида экани, адабиётшуносликда герменевтика ўзининг мавжуд фалсафий-назарий имкониятларини намоён қилиши ҳақида мулоҳаза юритиб, бу таълимот аниқ бир ҳолатда тўхтаб қолмаганини, унинг доирасида ҳалигача шаклланиш жараёни кечаётганини ҳам назардан қочирмаслик кераклигини зукколик билан ўқувчига уқтиради.

Одатда, илмий қарашларни ёхуд халқлар ўртасидаги маданиятларни таққослашда ўз-ўзидан "Шарқда қандай бўлган, Ғарбда-чи?" деган доимий ва асосли савол ҳам ўртага қўйилади. Олим айни бу жиҳатни асло эътибордан соқит қилмаган ҳолда шарқда ҳам герменевтик тафаккур ўзига хос шаклда мавжуд бўлганини, моҳиятига кўра "шарқ герменевтика"си ва ғарб герменевтикаси ўртасида ўхшаш, айни пайтда фарқли жиҳатлар борлигини имкон даражасида асослаб, ўзи кўзлаган мақсаддан узоқлашмаслик учун "қиёсан ўрганилиши лозим" деган таклиф билан чекланади.

Фикримизча, бу ўринда муаллифнинг ушбу маълумотлар билан чекланиши ўринли. Боиси, айни шу масаланинг ўзиёқ билимдонлик ва холислик билан чуқур ўрганиладиган илмий бир тадқиқотга мустаҳкам бир заминдир.

Баҳодир Карим герменевтиканинг кейинги бир аср давомида ўзбек адабиётшунослигида қандай тарзда намоён бўлгани ҳақидаги масалани ҳам диққат марказида ушлаган ҳолда бу борада ҳам асосли хулосалар чиқаради. Хусусан, ушбу даврда ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигида бу таълимотнинг асослари илмий муомалага кирмаганини, гарчи жуда кўп ўзбек адабиётшунослари герменевтиканинг қатор принципларини ўз илмий фаолиятларида қўлласалар ҳам, ўша фикрлаш тарзи, гипотезалари, таққослари, ҳукм ва хулоса чиқариш усулларининг қайсидир жиҳати герменевтик тафаккурга дахлдорлигини хаёлига ҳам келтирмаганларини қайд этади. Олим бу фикрларини давом эттириб, ўзбек адабиётшунослигида жаҳон илм-фанидаги энг илғор назарий-фалсафий мезонларни истифода этган герменевтиканинг мустақиллик йилларида ўрганила бошлаганини алоҳида таъкидлайди. Бизнингча, Баҳодир Карим айни шу ўрганилиш жараёнларига ҳам бироз тўхталиб, айрим маълумотларни келтириб ўтса нур устига нур бўлар эди.

Муаллифнинг асосли хулосаларидан яна бири "Ўзбек адабиётшунослигида герменевтиканинг муайян адиб ижодига татбиқи қониқарли эмас" деган фикрида ўз ифодасини топган. Назаримизда, бу фикр жуда тўғри бўлиб, ўз навбатида, олимнинг қодирийшунослик асосига қурилган мазкур тадқиқоти адиб ҳаёти ва ижодига оид илмий-адабий манбаларни герменевтик тафаккур маҳсули сифатида ўрганиш йўлидаги муҳим бир қадамдир.

Баҳодир Карим китобда қодирийшунослик билан боғлиқ масалаларни мантиқий, изчил ва асосли равишда ёритар экан, Абдулла Қодирий бадиий асарларининг поэтик концепциясини, ижодкор идеалини, қолаверса, ўз даври адабий танқидчиларининг Қодирий ижодига ва шахсиятига бўлган муносабатларини замона муҳити билан боғлиқ ҳолда теран тарзда ўқувчиларга тушунтиришга ҳаракат қилади. Масалан, олим Сотти Ҳусайн, Миён Бузрук, Айн (Олим Шарафиддинов) каби "танқидчи"ларнинг мақолаларини атрофлича ўрганиб, уларнинг адиб асарларига энг аввало, сиёсий-мафкуравий нуқтаи назардан ёндашганини, бу эса вульгарлашган ва субъективлашган қарашларнинг шаклланишига хизмат қилганини аниқ мисоллар билан кўрсатиб беради. У ҳар бир ҳолатда холислик ва ҳаққонийлик билан иш тутиб, бу "танқидчи"ларнинг ўзлари билиб-билмаган ҳолда Қодирий маҳоратини "ёритиб берган"ига ҳам синчковлик билан эътибор қаратади.

Бир асарни ҳар бир киши турлича тушуниши, тушунтириши, талқин қилиши мумкин. Бу албатта, табиий ҳол. Баҳодир Карим шундан келиб чиқиб, китобда "тушуниш", "тушунтириш", "талқин" тушунчаларига ҳам жўяли фикрлар бериб ўтади. Ўз навбатида, қодирийшунослик борасидаги талқинлардаги хилма-хиллик негизини, бадиий талқин ва илмий талқин мувозанатини инобатга олиб, ўзаро таққослаган ҳолда XX асрнинг 30–60 йилларидаги, ундан кейинги ва мустақиллик даври адабиётшунослигининг илмий манзарасини таҳлилий бир тарзда намоён қилади.

Тарихий манбалар, турлича қарашлар, тушунчалар, муносабатлар... Бу каби жиҳатлар улуғ адибимиз Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди мисолида яхлитлашган ҳолда мана шундай салмоқли бир тадқиқотнинг юзага келиши учун замин бўлган. Кириш ва хулоса қисмини қўшиб ҳисоблаганда ўнта бўлимдан иборат мазкур китоб ёш адабиётшуносларнинг илмий қарашларини, адабий-эстетик дидини такомиллаштириш учун муҳим манба вазифасини ўтайди. Унда дунё олимларининг адиб ҳаёти ва ижодига бўлган муносабати илова қилингани ҳам китобнинг илмий қимматини янада оширган.

Китобнинг бир бўлимини муаллиф "Руҳий эврилиш машаққати" деб номлаган. Назаримизда, бу бежиз эмас. Боиси руҳий эврилиш ҳар доим кишидан катта машаққатни талаб этган. Айни шу ҳолатни муқояса қиладиган бўлсак, адабиётимизга, адабиётшунослигимизга ҳам бу нарса жуда-жуда керак. Ана шундагина биз жаҳон адабиёти ва адабиётшунослиги билан бўйлашиш сари қадам ташлаймиз.

Биз, баъзи ҳолларда, яхши асарлар ҳақида негадир ўз вақтида муносабат билдирмаймиз. Сўз юритганимиз – Баҳодир Каримнинг ушбу китоби нашр этилганига ҳам тўрт йил тўлмоқда. Мақолани ёзиш жараёнида ушбу китоб ҳақида эълон қилинган мақолалар ёки фикр-мулоҳазаларни ҳам қидириб кўрдим, бироқ жўяли бир нарса тополмадим. Бир қаршда иддаога ўхшаб кетадиган бу мулоҳазани келтиришимдан мақсад шуки, яратилаётган ҳар бир салмоқли тадқиқот адабий танқидчиликда ўз вақтида муносиб баҳосини олмоғи керак. Ана шундагина олдинга силжиш, ривожланиш бўлади.

Сен томонга узатаман қўл

Чори АВАЗ

Уйғонишдан ўзга излама толе

Оғочлар гуллади, очун уйғонди,
Олислар уйғонди, яқин уйғонди,
Товушлар уйғонди, сокин уйғонди.
Ёмғир, гулдураклар, чақин уйғонди,
Қани энди сен ҳам, эй қалб, уйғонгин!

Одамсан, умрингни чиқарма йўққа,
Қара, гиёҳлар ҳам ўсарлар тикка –
Қуёшни соғиниб талпинса кўкка,
Саболар уйғонган, шамол уйғонган,
Табиат – исёнкор аёл уйғонган!

Уйғонишдан ўзга излама толе,
Фақат уйғонишда бахту камолинг,
Баҳор сенинг эмас, ернинг иқболи,
Тириклик аталган сарбон уйғонган,
Дақиқа, кун, ойлар – карвон уйғонган!

Баҳорга гулдурак, чақмоқ не даркор?
Табиатга яшил сўқмоқ не даркор?
Эй қалб, асли, сенга сабоқ не даркор?
Товушлар, имолар – дарак уйғонган,
Сўроқлар, жавоблар керак – уйғонган!

Чори АВАЗ – 1957 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. Унинг "Тортилган камон", "Кўз эртаси", "Уйғонишдан ўзга толе излама", "Мен ҳам битта Ўзбекистонман" шеърий китоблари, "Бахтиёрлик шу эмасми?" номли эссе, адабий-танқидий мақолалар ва таржималардан иборат тўплами босилган. Шоир 1992 йилда вафот этган.

Севги

Куз ёмғири. Аччиқ изғирин.
Манзил узоқ. Кетяпмиз яёв.
Гаплар айтгим келади ширин
Кўзларингга термилиб бирров.

Мен осмонга қарайман, сен ҳам
Унга қараб қўясан кейин –
Иродангни этиб мустаҳкам,
Менга далда берганинг тайин.

Йўлу ёмғир, изғирин, жимлик
Савамоқда бизни ҳамжиҳат.
Табиатга хос бу ҳокимлик,
Унга бир сўз деб бўлмас фақат.

Кўрдим, чарчаб, ҳориб қолдинг сен,
Аммо, сабринг етарли, мўл-кўл.
Яна кўкка бир қараб, кейин
Сен томонга узатаман қўл.

Рад этасан. Ҳаммаси маълум.
Сўнг, енгилроқ оласан нафас.
Сен биласан, нимадир ўлим,
Сен биласан, нимадир қафас.

Хабар бер

Сен менга хабар бер, севгилим,
Дунёда борлигинг ҳақида.
Сен менга хабар бер, севгилим,
Сен менга ёрлигинг ҳақида.

Мен сенга умримни атадим,
Сени деб ўйларга ботаман.
Бир кун бор келарми? Келади.
Ўзимни бағрингга отаман.

У ёғи эртакдек бир ҳаёт,
Ғам-аламни писанд этмаймиз.
Ва лекин, севгилим, ҳеч қачон
Муроду мақсадга етмаймиз.

Тортилган камон

Туркум

1

Тонг. Қуёш атайлаб чиққандай
Албатта олмоққа ўчини –
Совуққа, аёзга, қорларга
Кўрсатиб қўймоққа кучини.

Ёш тўка бошлади қуёшнинг
Қиш чидаш беролмай қаҳрига.
Ва, йиғлаб бош қўйди ниш урган
Майсалар лашкарин бағрига.

Майсалар безовта дилдираб
Қуёшдан илтифот сўради.
Кеч. Қуёш майсалар лашкарин
Тун билан қолдириб жўнади.

Тун эса, боққанча уларга
Ҳайратдан келмасди ҳушига –
Майсалар мириқиб ухларди
Қуёшни кўришиб тушида.

2

Ж.....и.....м.....
Куртакларни тўлғоқ тутмоқда
Ва осуда учмоқда бир сас,
Ўзбекистон фарзанд кутмоқда,
Бу оддий бир сония эмас.

Умр тулпорин қантариб қўйиб,
Лаҳзани бахш этинг куртакка,
Ўзбекистон чеҳрасидаги
Воқеани битинг юракка.

Кўкка боқинг (нидога эмас),
Сузмай турар сокин, унсиз ой.
Бу лаҳзани энтикиб олам
Роппа-роса кутди тўққиз ой.

Ж.....и.....м.....
Куртакларни тўлғоқ тутмоқда.

3

Қиш йиға бошлади кўчини,
Қариди шекилли сафари.
Ё қишнинг энг сўнгги кучини
Синдирди баҳорнинг зафари.

Куртаклар қиз каби тўлишди,
Шаббода уларни силади.
Куртаклар ичидан ям-яшил
Баргчалар кулгиси келади.

Майсалар қучоқлаб бир-бирин
Ёмғирда мириқиб чўмилар.
Далалар, адирлар, ўтлоқлар
Ғаройиб ҳисларга кўмилар.

Болари эркалаб ғунчани
Ваъдалар этади келажак.
Лабини чўзганча бўсага
Чўчитиб юборар гулдирак.

Дарёлар тўлишиб-тўлишиб,
Ўйноқлаб-ўйноқлаб оқади.
Самонинг белидан камалак
Баҳорга суқланиб боқади.

4

Неча кунки жилвагар қуёш
Кўз-кўз этса ерга жамолин,
Ўн еттига тўлмаган қизлар
Ўраб чиқар ёзги рўмолин.

Олиб учар хушбўй ҳид, ифор
Шабодалар туну кун ийиб.
Бўйга етган, етмаган қизлар
Юрар енгсиз кўйлагин кийиб.

Қизлар дилга қўшиқ тутади,
Қизлар ҳадя этади ҳислар.
Кўчаларда тўлиб кетади:
“Мен – Баҳор!” деб, ташланган излар.

5

Ҳамма нарса айтади алла,
Ҳамма нарса алла тинглайди.
Кўчадаги изларин кўриб,
Кечалари уйқум келмайди.

Вужудимни қоплар иликлик,
Тунда юлдуз тафти келадир.
Шаббодага мактуб юбориб
Қучоғига чорлайди адир.

Қучиб ўпгим келади, аммо,
Майсаларни чўчитгим келмас.
Мен бир ошиқ шоирман, афсус,
Шаббода ҳам, ёмғир ҳам эмас.

СОФ ТУЙҒУЛАР ПЎРТАНАСИ

Нилуфар УМАРОВА

XIX аср бошларида Чўлпон бошлаб берган эркин шеърда ижод қилиш анъанаси турли адабий шаклларда янгича андоза олди. Албатта, шакл ва мазмун икки ёндош чизиқда баравар ҳаракатланмас экан, узилишлар, бўшлиқлар пайдо бўлади. Назаримизда, бармоқ вазнида шеърлар ёзиш ўқувчига осондек туюлар, лекин оддийликнинг ички мураккаблик хусусиятлари мавжудлигидан чекиниб бўлмайди. Оддийликдан мураккабликка ва яна мураккабликдан оддийликка – шеъриятнинг олтин қоидасидир. Халқ оғзаки ижодида ҳам мана шу бадиий кўриниш асар ўзагини ташкил этади. Санъат даражасидаги илоҳий қувват жозибаси билан яратилган асарларгина асрлардан асрларга ўтиб яшаб келаётганлигининг боиси ҳам шундадир.

Машҳур рус мунаққиди Виссарион Белинский шеъриятнинг хил ва турларига баҳо берар экан, жумладан, лирикага тўхталиб: "Лирик шеърият, асосан, хусусий, ички поэзиядир, шоирнинг ўз ифодасидир"[1], – дея таъкидлаган. Лирик шеъриятда мусиқа ва рангтасвир биргаликда, бир бутун уйғунлик ҳосил қилиши баробарида руҳият кўзгусини тиниқлаштиради. Шеърда мусиқийликни кучайтиради, сўз ва фикр уйғунлигини таъминлайди. Шоир қалбининг ботиний кечинмаларини рангин тасаввурларда акслантиради. Фикрнинг бадиий ифодаси шеър ўқувчисида ҳайрат уйғотиб, унинг кўз ўнгида ёркин образларни намоён этади.

Шоир Назар Шукур ижодида лирик поэзия ўзига хос йўсинда жило топади. Унинг Чироқчи кенгликлари суруридан завқ олиб ўсганлиги шеърларидаги бадиий чизгиларда равшан тортади. Шоир ички руҳ, шеърий образлилик, тералликни бир-бирига қориштириб шеър яратади. У деярли воқеабандликдан қочади, чунки воқеа – фалсафий мушоҳада ва образлилик ҳавосини бўғишини яхши англайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир мисрани шеър шарбати билан тўйинтириб боришга интилади.

Учиб кетган турналар янглиғ
Олислардан жой излар баҳор.
Энди йўллар оташин, чангли,
Тўзғитар ёз тупроқни такрор.

1 В. Белинский, Танланган асарлар, Ўздавнашр, 1955 й, 135-бет.

Нилуфар УМАРОВА – 1972 йилда туғилган. Қарши давлат университетининг ўзбек филологияси факультетининг тамомлаган. Бир қатор шеърий китоблар ҳамда "Туйғулар тилмочи" адабий тадқиқот рисоласи муаллифи.

Жудо бўлиб бор имконидан
Ҳароратдан сарғаяр ранглар.
Жилолмас ҳеч сувлар ёнидан
Кетолмасдан қолган кўкламлар...

Лирик кайфият шеър муҳиби руҳиятига самовий завқ улашади, ҳужайраларни илоҳий муолажа этади. Ёз оёқланиши билан баҳорнинг турналар янглиғ олислардан қўналға излаб кетиши лирик қаҳрамонни музтарлик тўрига ўрайди, яшил чечакларнинг сарғайиши дашт манзарасини кўз олдингизга келтиради. Шоир рассом нигоҳи билан табиатни идрок кўзгусида жонлантиради. Аммо дарё кирғоғидаги кўкламнинг ўз жойидан жилолмаслиги ўқувчининг қалбига ҳайрат ёғдусини сочади. Сув – тириклик ва эзгулик куйидир. Ариқ бўйидан жилолмаган кўкламнинг "муқим"лиги лирик қаҳрамонда ҳаётга муҳаббат уйғотади. Инсоннинг ботиний олами билан табиатнинг соҳир манзараси уйғун эканлиги бу шеърда имсиз ишоралардек аниқ чизиқ тортган. Шеърни ўқиган ўқувчи манзаранинг инсон ақл-тафаккурига сиғмаган жозибасини янги талқинда чизиб бера олган шоирнинг табиат билимдони ва куйчиси эканлигини англайди. Янгича манзаралар шеър уфқига шундай сингдирилганки, беихтиёр табиатга ошно тутинасиз, унинг неъматларини кўз қорачиғидай асрашда ўзингизда куч топасиз. Шоирнинг деярли ҳар бир шеърида табиат картинаси бутун кўриниши билан жонланади. Ушбу шеърига назар ташлайлик:

Кетаяпман. Ой қалқиб оқар,
Ой ютгандай ёришар бағрим.
Чироқларнинг таралган тилла –
Сочларига кўмилар шаҳрим.

Муз ютган одамнинг бутун танаси жунжикиб кетганидек, туйқусдан қалб равшанлигини ойни ютиб юбориш билан қиёслаш шоир маҳоратининг юқори чўққисидир.

Шаҳар узра, қўнолмай Кеча,
Учиб юрар, осмонда қушдай.
Вужуди тош, қоп-қора кўча
Чўзилади энг узун тушдай.

Шеър турли рамзлар силсиласида қурилганлиги билан ўқувчи қалбини ҳайратга солиб, уни ўйлашга мажбур этади. Ўйлар қатидан Кечанинг осмонда сузиб юриши силқиб чиқиши баробар, ҳаётнинг нақадар ширинлигига сабабчи бўлган, яъни кучоғини туҳфага тўлдириб келган яқини кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Назар Шукурнинг шеърлари манзаралар, тасвирлар оқимига йўналтирилган шеърлар, У чўққилардан мўралаган қорларни, совқотган тоғлар этагини жонли воситаларда ёритади. Инчунун, Куз келган ўлкадан олис Баҳорларнинг турналарни териб кетиши, Ёзнинг ҳарорати нурлар ғарамини йиғиб кетганлиги, қорлар остида қолиб кетмасин деб хавотирланган Қуёшнинг яшилликни териб кетиши ва ниҳоят, Одамлар меваларни дарахтлардан йиғиб олгач, Кузнинг япроқларни териб кетиб, Қишга жой ҳозирлаши "Куз" шеърида ўта синчилик ва нигоҳбонлик билан акс эттирилган.

Профессор Қозоқбой Йўлдошевнинг қуйидаги эътирофи фикримизни янада тўлдиради ва ўқувчида ишонч туйғусини алангалатади. "Назар Шукурнинг шеърий меросида табиатнинг турфа ҳолатларини кўрсатиш асносида инсон кўнгли жилваларини моддийлаштириш, унинг энг қоронғу пучмоқларини ҳам муҳаббат ёғдуси билан нурлантириш устувор туради. Шоир "Кенгликлар қўшиғи" шеърида туғилиб ўсган ота маконнинг манзарасини чизиш орқали унга бўлган чексиз муҳаббатини

изҳор етади. Назар манзарани нафақат жонлантира билгани, балки унга руҳ ҳам бера олгани учун шеърнинг ҳар бир сатридан улкан севги ва соғинч балқиб туради:

Қуёш ўпар – бола тани кийимсиз,
Дарахтлари зерикади қуюнсиз,
Озод қушлар яшолмагай ўйинсиз,
Деҳқонининг кетмонидан кун анқир,
Жўякларда шилдираган ун анқир.

Шоир болалиги ўтган маконга муҳаббат ва уни қўмсаш туйғусини чучмал оҳанглар орқали таъсирли акс эттиради. Шоир қуёшнинг бола танини куйдирувчи иссиғида ўпични, доимо эсгувчи шиддатли қуюнларда дарахтлар овунчоғини, чўл қушлари ўйинида эркинликни, деҳқоннинг залворли кетмонида қуёшни, жўякларда оқаётган сувда ўзбекнинг ризқи бўлмиш унни кўра олади. Қисм орқали бутунни ифодалашнинг яхши намунаси бўлган бу тасвирлар ҳам акс эттирилаётган ҳодисалар моҳиятига мос келади, ҳам муаллифнинг кайфиятини кўрсатади..."[2]

Назар Шукурни туйғулар куйчиси дейишдан асло чарчамаймиз. Шоир лирикаси булоқдек соф туйғулар пўртанаси ҳосиласидир. Сўзлар жаранглайди, тасвир жонли, туйғулар тиниқ.

Шоир оддий сўз тизмаларини судраб шеър охирида лўнда фикр чиқаришдан қарийб четлаб ўтиб, туйғулар билан тиллашади. Туйғулар эса шеъриятнинг – жони, юрак махзани. Бусиз шеърият ақл маҳсулидан яралган жонсиз устухон бўлиб қолади.

Назар Шукур шеъриятнинг жони бўлмиш – туйғулар билан тинимсиз мулоқотда. У Журъат, Сабр, Тоқат, Азоб, Оғриқ, Ҳасад ва Хиёнат каби ёруғ ва қора туйғуларнинг суратларини чизиб ўзи яратган "Туйғулар музейи"ни шу "жиҳоз"лар билан тўлдиради. Мана шу эътирофлар Назар Шукур шеъриятига хос ва мос таърифдир. Шоирнинг қуйидаги сатрларида ушбу манзара янада ёркинлашади.

Чайқалади мовий хаёлим,
Мавжи тинсин, отим, йўргала.
Йўртиб-йўртиб чопади йўлим,
Йўртиб ўтар яшилсоч дала.

Шоир йўртиб бораётган от устидаги одамнинг кўзи билан дунёга қарайди ва бу ҳолатни "мен" орқали шундай тасвирлайди. "Мовий хаёл"нинг чайқалиши, йўлнинг йўртиб-йўртиб чопиши, ҳатто даланинг йўртиб ўтиши поэтик топилдиқлардир. Хаёлот кўзгусида зоҳир манзаралар кўнгил кўзида янгича шакл топади ва мазмун билан ботиний қарашларга "занжирбанд" этади. Табиат манзараларининг бундай ранго-ранг товланишларини Чўлпон ҳамда Рауф Парфи шеъриятида кўпроқ кузатамиз. Назар Шукур лирикасининг ўқ илдизи табиат ва инсоннинг руҳий уйғунлиги, моддий оламни рангин бўёқларда жонлантириш ҳамда кўнгил майлларини савқи табиий усулда ифодалаш орқали янада ёркин манзара ҳосил қиладики, бу шеърият муҳиби сезимларига ҳудудсиз кенгликлар шовури, куйини ҳамоҳанг этиб, самовий лаззат бағишлайди.

2 Қ. Йўлдошев Н. Шукурнинг "Сен қайтмасанг" китобига сўзбошидан. Тошкент. "Заркалам". 2006 й. 211-бет.

Абдулла АЙИЗОВ

ГАЗЕТА ЎҚИШАРКАН

Ҳажвия

Тўрт ойгина муаллимлик маошини олган Ҳамидуллани туман газетасига ишга таклиф этишди. Талабалик йилларидаёқ газета ва журналларда шапалоқдай-шапалоқдай мақолалари билан қатнашиб турган Ҳамидуллани қаламкашлар яхши билишарди. Уқуви дуруст эмасми, тез орада бўлим мудири бўлиб олди.

"Таҳририятга ишга ўтаяпман", деганида ҳеч ким ишонмади. Ҳатто тўққиз ой бир қоринда бўлиб, фақат бир неча дақиқагина отасидан олдин дунёга келган Ҳасан амакиси ҳам қўл силтаб қўйди:

– Ҳм! Шундай дегин! Санга ўхшаганлар анқонинг уруғи эканми? Бизам тушунамиз, сани газетадагилар бошига урадими? Ўзи пединститутни зўрға битирган бўлсанг. Шоир бўлиш учун камида Тошкентдаги журфакни битириш керак...

Газетанинг деярли ҳар сонида гоҳ чўнтакойнадек жойда хабар, гоҳ камзулнинг чўнтагидек мақола, гоҳ газетанинг бутун бир саҳифасини эгаллаган лавҳалар тагида: "Ҳамидулла Шошқин, махсус мухбир" ёзуви кўзга ташланадиган бўлди. Мақоласи чиққан куни чой ичиш нарида турсин, ҳатто ухлашни ҳам унутиб қўйди. Мақолалари хусусида одамлар қандай фикрда эканлигини билишга жуда интиқ. Аксига олгандек, биров ўзидан билиб Ҳамидулланинг ижоди ҳақида оғиз очмайди. Ўзи гап бошлай деса, мақтанаётгандек туюлади. Шундай бўлса-да, ҳар замонда кўнгилга яқин дўстларидан: "Қалай, ёзган мақолаларимдаги фикрлар тўғрими?" – деб сўраб қўяди.

– Оббо! Газет ўқишга вақт қаерда, санга ўхшаб бекорчиманми? Газет титкилаш қолувди энди, – дейди синфдоши, тракторчи Қодир. – Ундан кўра зўр бўлсанг, мани суратимни газетага чиқар...

Ҳамидулла шунга ҳам хурсанд: демак, дўстининг матбуотга ихлоси бор.

Бир куни матбуот деса ўзини томдан ташлайдиган, мудом туман газетасининг янги сонини қўлтиғига қистириб юрадиган қўшниси Эргаш домладан ўзи ёзган мақолалар ҳақида фикр билиш учун суҳбатлашишга чиқди:

– Э, ука, туман газетаси кейинги пайтларда яхши чиқмаяпти-да, мақолаларда нуқул

Абдулла АЙИЗОВ – 1962 йилда туғилган. Республика рус тили ва адабиёти институтини (ҳозирги ЎзДЖТУ) тамомлаган. "Отам ёди", "Бир гап бўлар" номли шеърий ва насрий тўпламлари чоп этилган. "Полвон йиғлаган тун" қиссаси муаллифи.

сийқаси чиққан гаплар. Обуна бўлганимга пушаймонман. Умуман, газетанинг ўзига тортадиган, таъсирли жойи йўқ-да, тўғрими? – деб қолди бир пайт Эргаш домла.

Домласининг "тўғрими?" деган саволига ноилож "ҳм!" дея бошини қимирлатди Ҳамидулла.

"Одамлар газетага қизиқмас экан-да, ёки мен ишлаётганим учун шундай дейишяптими?" – дея ўйлади Ҳамидулла. Тўғри-да, яқин дўстларидан бирортаси, ҳатто тилга тушган, шов-шувга сабаб бўлган мақолалари хусусида ҳам гапиришмайди, қайтанга бегоналар:

– Ўртоқ Шошқин, тунов кунги мақолани боплабсиз, роса мириқиб ўқидик, – дейишади.

Давраларда ҳовлиқиб гапириб юрадиган почтачи Бозор шақилдоқ ҳам кейинги пайтларда Ҳамидулла Шошқин ишлаётган газетага қизиқмай қўйганлигини айтди. Майли, ўқишмаса, ўқишмасин. Бу газетанинг ҳам ўз мухлислари бор. Газета чиқаверади, ҳамкасблари қатори Ҳамидулла Шошқин ёзаверади, кунлар ўтаверади...

Газетанинг уч кун олдинги сони сўнгги саҳифасида кичкинагина жойда "тузатиш" берилди: "Газета таҳририяти навбатчиси Ҳ. Шошқин хатоликка йўл қўйганлиги учун бўлим мудири вазифасидан адабий ходимликка туширилди".

Ҳамидулланинг бошига биров гурзи билан ургандек гандираклаб қолди. У "тузатиш" берилган газетанинг ҳамма нусхасини сотиб олишга тайёр эди. Ахир мухлислари ўқишса, нима дейишади? Хатога йўл қўйиш мухбир учун уят-ку! Муҳаррирга ҳам ҳайронсан, арзимас имло хатоси учун шунча гап-а! "Уф-ф! – Ҳамидулла сиқила бошлади. – Хўш вазифамдан пасайтиришди. Шуни эълон қилиш шартмиди? Қани энди одамлар газетанинг шу сонини ўқишмаса. Ҳеч бўлмаса, "тузатиш"га эътибор беришмаса. Э, танишларим ҳозиргача бу газетани қизиқиб ўқишмас эди. Бугун ҳам ўқишмас", деган хаёл Ҳамидуллани тинчлантирарди.

У уйга келди-ю, ижодхонасига кириб ётди. Ҳеч ким билан гаплашгиси келмасди. Бирдан телефон жиринглади. Гўшакдан амакисининг овози эшитилди:

– Жиян, ўзингмисан! Тинчликми? А ҳа, газетда ишлаш осонмас дегандим-ку. Ана, хато кетиб, шарманда бўлибсан. Жимгина мактабда болаларни алдаб юрмайсанми?!.

Ҳамидулла гапнинг у ёғини эшитмади. Тағин телефон қўнғироғи... Дўст-биродарлари "ҳол-аҳвол" сўрарди.

Эртаси маҳалладаги тўйга чиқди. Эндигина ошни еб бўлиб, бир пиёла чойни қўлига олувди ҳамки, почтачи Бозор шақилдоқ кўринди. Одамлар гулга ёпишган асаларидек уни ўраб олишди.

– Манави газетани ўқинглар. Охирги бетдаги "тузатиш"ни уйдагиларга кўрсатинглар. Ўзимизнинг Ҳамидулла Шошқин ҳақида ёзишган.

– Э, буни энди тарқатаяпсизми? Мен кеча ўқигандим, – дея бақириб гапга аралашди Қодир тракторчи ва изза бўлиб ўтирган Ҳамидуллага кўзи тушгач, юзларига қувонч ёйилиб деди:

– Оғайни, энди мактабга қайтасанми? Мен ўзимни чаласавод деб юрсам, сен бешбаттар экансан-ку, бўлмасам газетга ҳам хато ёзасанми?

Эргаш домла Ҳамидуллани кўчада учратиб роса афсусланди:

– Сени иқтидорли шогирдим деб юрсам, хатога йўл қўйиб қовун туширибсан-ку! Келаси йил шу газетага обуна бўламан, чунки кейинги пайтларда жуда таъсирли чиқаяпти. Масалан, тунов кунги сони ҳам қизиқарли, мазмунли чиқибди, тўғрими?

Домласининг "тўғрими?" деган саволига Ҳамидулла "Ҳм!" дея бошини қимирлатди. У хурсанд эди. Нега хурсанд бўлмасин, ахир одамлар газета ўқишаркан-ку. Ўқиганда ҳам ихлос билан, бирорта сатрини қолдирмасдан ўқишаркан.

МУНДАРИЖА

Самимий қутлов. 4
Миннатдорлик хати. 5

ДУРДОНА

ХАЁЛИЙ. Жаҳонни лаззатига қилмағил замонни талаф. 7

2018 йил кўп нарсани ҳал қилади. 10

ПУБЛИЦИСТИКА

Зафар РЎЗИЕВ. Зумрад диёр насимлари. 11

НАЗМ

Рустам МУСУРМОН. Ишончнинг қаноти – орзу ва хаёл. 15
Зебо МИРЗО. Кўзларим кўзингда турсин жаранглаб. 20
Сирожиддин РАУФ. Видо. Достон. 47
Ғулом МИРЗО. Байроқдек юксалар ҳар битта юрак. 61
Ёфас АЛПИН. Соғинчга айланиб қолган уй. 66

НАСР

Нормурод НОРҚОБИЛОВ. Кураш. Қисса. (Бошланиши). 25
Фазлиддин ВОҲИД. Оралиқ. Ҳикоя. 57
Ғози РАҲМОН. Қарқара мерган. Ҳикоя. 70
Мирзапўлат ТОШПЎЛАТОВ. Савол. Ҳикоя. 73
Жумақул ҚУРБОНОВ. Қасам. Ҳикоя. 78
Луқмон БЎРИХОН. Қорхат. Ҳикоя. 98
Қилич АБДИНАБИЕВ. Ирода. Эссе. 133
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИЕВ. Қалдирғочлар баҳорда келади. Ҳужжатли қисса. (Охири) 142

БУ БЎСТОН САҲНИДА

Амир ХУДОЙБЕРДИ. Чиммату сочвонини ишқ ўтида куйдирди гул. 75

МУНОСАБАТ

Акмал САИДОВ. Улуғ алломалар мероси – мустаҳкам эътиқод асоси. 83

ЁШЛАР ДАФТАРИДАН

Кўз ўнгингда фақат ишққа дўнар дунё. 93

КЎНГИЛ МУЛКИ

Абдуғани СУЛАЙМОН. “Ошно юлдузлардан тўкилади нур...” 102

ТЕРАН ТОМИРЛАР

Изла меҳру эзгуликка мангу маскандан макон. 108

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Нурбой ЖАББОРОВ. Кўнгил ганжинасидаги ҳақиқат. 116
Нафас ШОДМОНОВ. “Илоҳийнома”да Юсуф образи. 128

ТАҲЛИЛ

Севинчой ЁҚУБОВА. Юрак садоси. 138
Нилуфар УМАРОВА. Соф туйғулар пўртанаси. 171

МУЛОҲАЗА

Содиқ НОРБОЕВ. “Руҳий эврилиш машаққати”. 164

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Чори АВАЗ. Сен томонга узатаман қўл. 167

ГУЛҚАЙЧИ

Абдулла АЙИЗОВ. Газета ўқишаркан. Ҳажвия. 174

Шарқ юлдузи
2018
1-сон

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек адабиёти” ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шуғулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:
100066, Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳкўча,
Адиблар хиёбони,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди
07.02.2018 йил.
Қоғоз бичими 70x108 1/16.
Офсет босма усулида офсет қоғозида босилди. Босма табоғи 11,0. Шартли босма табоғи 15,4. Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2. Адади 4600 нусха.
Буюртма № 72.

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган. “MASHHUR-PRESS NASHRIYOTI” ва “AZMIR NASHR PRINT” МЧЖ ҳамкорлигида чоп этилди.
Корхона манзиллари:
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 16ª-уй.
100200, Тошкент шаҳри,
Адҳам Раҳмат кўчаси, 10-уй.

Журнал ойда бир марта чоп этилади.

Мусаҳҳиҳ:
Дилфуза Маҳмудова

Саҳифаловчи-дизайнер:
Мадина Абдуллаева

Copyright © “Шарқ юлдузи”

Унутилмас лаҳзалар

Жуманиёз Жабборов ҳаётидан лавҳалар

Истиқбол 40866 с.

реклама

«MASHHUR-PRESS»

NASHRIYOTI

Manzilimiz:
100 098, Toshkent shahri, Shayxontohur tumani,
Islom Karimov ko'chasi, 16-a uy.
Telefon: +99890 900 75 77, +99894 659 94 62